

*Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф*

Ҳадис ва Ҳаёт

Поклик

4
ЖУЗ

www.uzbookcenter.uz



*Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф*

Ҳадис ва Ҳаёт

Поклик

4

ЖУЗ

Nizomiy nomli

T D P U

kutubxonasi

«HILOL-NASHR»
TOШKENT
2020



قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكُمْ الرِّسُولَ فَخُذُوهُ
وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا﴾ صَدَقَ اللَّهُ الْعَظِيمُ.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:
**«Расул сизга нимани берса, олинг ва
сизни нимадан қайтарса, қайтинг».**
(Ҳашр сураси, 7-оят)

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: نَضَرَ اللَّهُ امْرَأً سَمِعَ مَقَالَتِي
فَوَعَاَهَا وَحَفِظَهَا وَبَلَّغَهَا. رَوَاهُ الْإِمَامُ أَحْمَدُ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам
марҳамат қиладилар:

**«Менинг гапимни эшитиб, сингдириб, ёдлаб,
сўнгра етказган одамни Аллоҳ неъматлантирсин».**
(Имом Аҳмад ривоят қилган)

Ш и о р и м и з :

Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо
Исломга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий
маърифат таратиш, салафи солиҳ — улуғ мужтаҳидларга эргашиш,
бағрикенглик ва биродарлик руҳини тарқатиш, диний саводсизликни
тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва
бидъат-хурофотларни йуқотиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 10 мартдаги
1801-рақамли хулосаси асосида топ этилди.

М-93 Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
Ҳадис ва Ҳаёт. 4-жуз. Поклик китоби
— Т.: «Hilol-Nashr», 2020. — 304 б.

УЎК 297.1
ББК 86.38

ISBN 978-9943-6458-4-4

© Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
© «HILOL-NASHR» нашриёти, 2013,
2016, 2018, 2019, 2020.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

КИРИШ СЎЗИ

Ҳамду саноларимизнинг барчаси поклик сифатининг соҳиби бўлмиш, бандаларига покликни фарз этиб, уларга пок шариат ила пок Пайғамбар юборган Буюк Парвардигорга бўлсин!

Саловоту саломларнинг мукаммали ва гўзали ушбу пок диннинг пайғамбари, пок умматнинг сарвари, пок сулоланинг самари ҳазрати Муҳаммадга бўлсин!

Пок диннинг биринчи пок авлоди бўлмиш саҳобай киромларга эса Аллоҳнинг розилиги бўлсин!

Пок Қуръон ва пок Суннатдан умматга поклик аҳкомларини чиқариб, тартибга солиб берган дили ва нияти пок мужтаҳид уламоларимизга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!

Азиз ва муҳтарам китобхон! Ҳақ таолога беадад шукрлар бўлсинким, У Зотнинг инояти ила «Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласининг тўртинчи жузи — «Поклик китоби»ни қўлимизга олиб турибмиз.

Сиз, муҳтарам азизлар дунёдаги энг пок ва покизаликка қаттиқ риоя қиладиган халқ вакили эканингиз билан фахрланиб юрасиз, албатта. Лекин ўша фахр боиси бўлган покликка нима орқали эришганимизни ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Эҳтимол, қўлингиздаги китоб «Поклик китоби» эканини билганингиздан кейингина юқоридаги ўйлар хаёлингизга келар.

Эҳтимол, биздан бошқаларда ҳам «Поклик китоби» бормикан, деган савол фикрингиздан ўтар.

Азизларим, билингки, сиз билан бизнинг фахримиз боиси бўлмиш поклигимизнинг асли Роббимизнинг пок китоби — Қуръондан ва Пайғамбаримизнинг пок Суннатлари — ҳадисдандир. Бу эса сиз

билан бизнинг покликка амал қилишимиз илоҳий таълимот асосида эканини билдиради.

Бу ҳар бир банда учун ўта олиймақом мартабадир. Ота-боболаримиз бир минг тўрт юз йилдан буён амал қилиб келаётган ва биз бадану маконда, кийиму ўзимизга боғлиқ бўлган ҳар бир нарсада давом эттираётган поклигимиз оддий поклик эмас, балки Аллоҳнинг савобига ва жаннатига эришишимизга сабаб бўладиган ибодат даражасига кўтарилган покликдир.

Сиз билан биз, мўмин-мусулмонлар Қуръони Карим ва Суннати мутаҳҳарага амал қилар эканмиз, ўзимизга керакли покликка эришиш орқали фақат бу дунёнинг фойдасигагина эмас, балки охиратнинг савобига ҳам дохил бўламиз.

Биз намоз ўқиш учун фарз бўлган таҳорат қилиш жараёнида юз-қўлимизни, оёғимизни ювар, бошимизга масҳ тортар эканмиз, ўзимизга, соғлигимизга ва гузаллигимизга оид бу ишнинг Аллоҳга ибодат эканини ҳам унутмаймиз. Шунинг учун ҳам бу амални адо қилаётиб, ўзимизни тутишимиздан тортиб, ора-орада дуо ва зикрларни ўқишимизгача — барчасида ибодат ҳолатида бўламиз.

Биз намоз, тавоф каби ибодатларимизни адо этишимиз учун таҳоратли бўлиб, покланишимиз фарз. Баъзи бир ҳолатларда бутун баданимизни ювиб, покланишимиз ҳам фарз бўлади.

Қисқаси, биз катта ва кичик нопокликдан доимо покланиб юрадиган халқмиз.

Шунингдек, ибодатни адо этадиган маконимиз ҳам, ибодат чоғида киядиган кийимимиз ҳам пок бўлмоғи лозим.

Кўрдингизми, сиз билан бизнинг ҳаётимизда поклик қанчалар муҳим ўрин тутади?!

Шунинг учун ҳам инсоният тарихидаги энг катта илмий меросни ўз ичига олган фикҳ китобларимизнинг барчаси «Поклик китоби» билан бошланади. Уларда поклик масаласига кўплаб саҳифалар ажратилган.

Шунинг учун ҳам сунаи тарикасида жамланган ҳадис китобларимизнинг барчасининг аввалида «Поклик китоби» бор.

Она тилимизда алоҳида «Поклик китоби» битилганми, йўқми — аниқ айтишим қийин, аммо бизнинг илмимиз бўйича мен бундай китоб учратмадим. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, Улуғ Тангри ана шундай китобнинг юзага келишини ихтиёр этди. Шоядки, ушбу «Поклик китоби» орқали ибодат ҳисобига ўтадиган, биз учун фойда зарур бўлган покликимизни, охирагимизни обод қиладиган ва бошқа кўпгина хайру баракаларга сабаб бўладиган покликимизни илмий равишда ўрганиш йўлида дастлабки қадамни қўйишга муяссар бўлсак.

Келгуси сатрларда Аллоҳ таолонинг тавфиқи ила покликнинг хусусиятлари ҳақида тўхталиб, поклик динимизда қанчалар фазилатли нарсага айланганини англаб етишга ҳаракат қиламиз. Покликнинг фазли бу дунё билан чегараланиб қолмайди, балки у охирагимизни обод этиш учун ҳам асқотади, албатта.

Албатта, поклик ва покланиш учун ишлатиладиган асосий восита тоза сувдир. Покликни ният қилган киши сувларнинг ҳукми ҳақида билимга ҳам эга бўлиши шарт. Ушбу китоб орқали сувларнинг қай бири пок, қай бири нопок бўлишини ўрганамиз. Таҳорат ва гусл қилиш учун ишлатса бўладиган ва бўлмайдиган сувларни фарқлашни ҳам ўрганамиз. Нопок сувларни поклаш мумкинми, йўқми, буни ҳам билиб оламиз.

Гоҳида ўз ихтиёримиздан ташқари кийимимиз ёки ибодат жойимизга теккан баъзи нажосатларни кетказишга эҳтиёжимиз тушиб қолиши мумкин. Нажосатни кетказиш учун нима қилиш керак? Бундай пайтда қандай йўл тутиш лозимлигини ҳам мана шу «Поклик китоби»дан ўрганамиз.

Ҳаёт сўқмоқларида қон, пешоб, мазий ва бошқа нарсалардан ўзимизни ёки кийимимизни поклашимизга тўғри келади. Хало одоблари ва истинжо ҳақида бизнинг динимизчалик батафсил сўз юритган, бизчалик покликка етишганлар бўлмаса керак.

«Поклик китоби»да бу масалаларни ҳам илмий асос-да ўрганамиз.

Таҳорат одоблари ўзига яраша алоҳида бир маданиятдир. Бу маданиятни ҳар биримиз эгаллашимиз шарт. Унга оид ҳукмларни ҳам худди шу китобдан топасиз ва ўрганасиз.

Албатта, ҳар битта мўмин-мусулмон ўзига қачон ғусл фарз бўлишини билмоғи фарз. Албатта, бошқа ибодатлар қатори, ғуслнинг ҳам ўз одоб ва аҳкомлари бор. Уларни билмай туриб, покландим ёхуд покман, дейиш қийин.

Ҳайз, нифос ва истехоза каби аёлларда бўладиган хос масалалар борки, уларни яхшилаб ўзлаштириб олмоқ ниҳоятда зарурдир. Бу масалаларга оид шаръий ҳукмларни билмасак, кўплаб гуноҳлар содир этишимиз турган гап.

Ҳайз пайтида жинсий яқинлик қилиш катта гуноҳ эканини қадимда кўпчилик яхши билган ва бу гуноҳга қолмаслик учун барча чораларни кўришган. Ҳозирда бу масалага қандай қаралади? Ҳайз пайтида қилинган жинсий яқинлик бутунги куннинг ўзида ҳам беқиёс зарар эканини кўпчилик, айниқса, ёшлар билишадими?

Ҳайзли ва нифосли аёлларнинг ўзларига яраша хос ҳукмлари бор. Аёллар ўша ҳукмларни аъло даражада ўрганиб, амал қилиб юришлари лозим. Акс ҳолда, афсус-надоматда қоладилар. Бу афсус фақатгина охиратда эмас, бу дунёда ҳам бўлади. Бу афсус фақатгина кўзга кўринадиган, ўзини билдирадиган катта зарарлар туфайли эмас, соф инсоний табиатта зид нарсда хижолат маъносида ҳам бўлиши мумкин. Дунёдаги энг кучли ва янгича маданиятли юртда яшайдиган, аввал протестант диёнатида бўлган ва Аллоҳнинг ҳидояти ила Исломга кирган бир аёл «Мусулмонликка қадар поклик маъносидаги ҳолатимни эсласам, ер ёрилса, кириб кетгудек бўламан», деган эди.

Агар бу китобдан бирор яхшилик топсангиз, Аллоҳдан, нуқсон ва камчилик учратсангиз, камина ходимингиздан деб билгайсиз. Аллоҳнинг Ўзи ҳаммамизни тўғри йўлга бошласин! Омин!

كتاب الطهارة

ПОКЛИК КИТОБИ

وفيه أبواب ثمانية

САККИЗ БОБДАН ИБОРАТ

الباب الأول في فضائل الطهارة

БИРИНЧИ БОБ

ПОКЛИКНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

«Поклик» асли араб тилида «таҳорат» маъносини билдиради ва араб тилидаги китобларда у «Таҳорат китоби» деб аталади. Аммо бизда намозга қилинадиган ва арабча «вузуъ» деб аталадиган нарсани таҳорат дейиш одат бўлиб қолганлиги учун биз бу мавзунини «Поклик китоби» деб атадик.

Поклик — «таҳорат» сўзи луғатда «тозалик» ва «озодалик» маъноларини англатади. Шариатда эса таҳорат, ғусл, таяммум каби намоз ўқиш учун керакли бўлган покланишларга поклик деб аталади.

Исломда поклик иймондан ҳисобланади. Ислом поклик ва покланиш ишларига ўта жиддий қарайди. Дунёда Исломдан бошқа ҳеч бир дин, тузум ёки фалсафа покликни ва озодаликни иймонга тегишли даражага кўтармаган.

Бир вақтлар Европада масиҳий дини ҳукмронлик қилган пайтда поклик гуноҳ ҳисобланган. Кишилар ўзига, кийим-бошига узоқ вақт сув теккизмаганлари билан фахрланганлар. Ҳозирда ҳам кўпчилик назарида поклик шунчаки тиббий ёхуд шахсий озодалик иши ҳисобланади.

Исломда эса бу иймон иши бўлиши билан бирга, поклик бўлмаса, банданинг ибодати ҳам қабул бўлмайди. Исломда барча ибодатларнинг қабул бўлиши учун аввало банданинг қалби, нияти пок бўлиши лозим.

Қолаверса, ибодатларнинг қабул бўлиши учун инсоннинг бутун танаси, кийим-боши ва ҳатто ибодат жойи ҳам пок бўлиши шарт. Пок бўлганда ҳам, каттаю кичик, кўзга кўринадигану кўринмайдиган барча нопокликлардан холи бўлиши керак. Ана шундай покликка эга бўлмаган банда Аллоҳга ибодат қила олмайди, яъни намоз ҳам ўқий олмайди, Қуръон ҳам ушлай олмайди.

Исломда ибодатларнинг қабул бўлиши уларнинг поклик асосида адо этилишига боғлиқ. Бизда поклик йўлида қилинган ҳар бир иш юқори баҳоланади ва уни қилган кишига улкан ажр-савоблар, олий мартабалар бор. Бу бобда ана шулар ҳақида сўз юритилади.

قَالَ اللَّهُ جَلَّ شَأْنُهُ: فِيهِ رِجَالٌ يُحِبُّونَ أَنْ يَتَطَهَّرُوا وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُطَهَّرِينَ

108

Аллоҳ жалла шаънуҳу:

«Унда покланишни севадиган кишилар бор. Аллоҳ эса покланувчиларни севадир», деган (Тавба сураси, 108-оят).

Шарҳ: Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ушбу ояти каримада покликни ва пок кишиларни мадҳ этмоқда, пок кишиларни яхши кўришини эълон қилмоқда. Бу эса Аллоҳ таоло томонидан покликка қанчалик эътибор берилишини кўрсатиб турибди. Ушбу ояти кариманинг ўзи барча инсонларнинг поклик учун интилиб, бутун дунё покланиш сари юз тутиши учун етарлидир!

Мусулмонлар Қуръонга амал қилиб яшаганларида ана шундай бўлган!

Энди бу борадаги ҳадиси шарифлардан бизнинг китобимизда келганларини ўрганишга ўтайлик.

۱۳۴ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِنَّ أُمَّتِي يُدْعَوْنَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ آثَارِ الْوُضُوءِ، فَمَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يُطِيلَ غُرَّتَهُ فَلْيَفْعَلْ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا أَبُو دَاوُدَ.

134. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, умматим қиёмат куни таҳоратнинг асаридан пешоналари ва оёқ-қўлларида оппоқ нур таралиб турган ҳолларида чақирилурлар. Бас, сиздан ким ўз пешонасидаги қашқасини узайтиришга қодир бўлса, шуни қилсин», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бундан буён ровий саҳобийнинг таржимаи ҳоллари олдин ўтган бўлса, матнда исмларини зикр қилиш билан кифояланамиз. Таржимаи ҳоллари берилмаган ровийни кенгроқ таништиришга ҳаракат қиламиз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги ҳадиси шарифларида таҳоратнинг фазилати қиёмат куни қай тарзда намоён бўлиши ҳақида хабар бермоқдалар.

Қиёмат қоим даҳшатлари, у куннинг зулматлари ва тўс-тўполонлари маълум. У кунда биров-бировни таний олмайди. Кўпчиликнинг юзлари қорайган, уларнинг бетларини ғубор қоплаган бўлади. Аммо бир гуруҳ одамлар юзларидан ва қўл-оёқларидан кишининг ҳавасини келтирадиган даражада нур таралиб, гўзал ҳолатда ажралиб турадилар. Бу бахтиёр инсонлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларидир, умр бўйи таҳорат қилиб, намоз ўқиб ўтган мусулмонлардир. Улар ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари қуйидагиларни айтадилар:

«Албатта, умматим қиёмат куни таҳоратнинг асаридан пешоналари ва оёқ-қўлларида оппоқ нур таралиб турган ҳолларида чақирилурлар».

Биз «пешоналари ва оёқ-қўлларида оппоқ нур таралиб турган ҳолларида» деб таржима қилган жумла ҳадиси шариф матнида «ғурран муҳажжалийн» деб келган. Арабларда аслида «ғурран» лафзи пешонасида оппоқ қашқаси бор отга, «муҳажжалийн» эса олд ва орқа оёқларининг туёқларидан юқори қисми оппоқ бўлган отга айтилади. Одатда бу тоифа отлар гўзаллиги билан ниҳоятда кўп отлар ичида ҳам ажралиб, танилиб туради.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари ҳам бу дунёда умр бўйи таҳорат қилиб ўтганлари туфайли у дунёда таҳорат суви теккан жойлари оппоқ бўлиб, кишининг ҳавасини келтирадиган даражада ялтираб, порлаб турар экан.

Бу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Қиёмат кунининг қоим бўлишига шак йўқлиги.

2. Таҳоратнинг қанчалик фазилатли экани.

3. Қиёмат кунда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари таҳорат асаридан пешона ва қўл-оёқларидан нур таралган ҳолда чақирилишлари.

4. Қиёмат кунда таҳорат асаридан пешонада пайдо бўладиган нурни узайтириш имкони борлиги. Бунинг учун юзни ювганда бўйин тарафларни ҳам қўшиб ювиш кераклиги.

5. Қиёмат кунда таҳорат асаридан қўл ва оёқда пайдо бўладиган нурни узайтириш имкони борлиги. Бунинг учун қўлни тирсақдан юқорисини ҳам қўшиб, оёқни туپиқдан юқорисини ҳам қўшиб ювиш лозимлиги.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, ушбу ҳадиснинг ровийси Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ҳам худди шундай қилганлар.

Одатда, таҳорат қилаётганда юз тўлалигича, қўл чиғаноғи билан, оёқ туپиқ билан қўшиб ювилади. Негаки, инсоннинг бу аъзолари доимо чанг-тўзон ва турли нопокликларга дучор бўлиб туради. Ислонда айнан ана шу аъзоларни кунига бир неча бор яхши-

лаб ювиш ҳар бир мусулмонга фарз қилинган ва у таҳорат деб аталади.

Таҳоратсиз инсоннинг амали кесик. Бусиз ҳеч бир мўмин ўзи учун фарз бўлган намозни ўқий олмайди, қолаверса, таҳоратсиз киши қўлига Қуръон тутиши мумкин эмас. Шунингдек, таҳоратсиз инсон энг улуғ ишлардан ҳисобланган Байтуллоҳ тавофини ҳам қила олмайди.

Аллоҳ таоло бу ишларни адо қилиши учун банданинг таҳоратли бўлишини шарт қилиб қўйган. Бундан банданинг ўзи фойда кўради: аввало таҳоратли банда доимо пок юради, турли кирлик ва унинг ортидан келиб чиқиши мумкин бўлган иллат ҳамда касалликлардан холи бўлади. Охиратда доимо таҳорат билан юрувчиларга, аъзоларини пок ва тоза тутувчиларга улкан мартаба ваъда қилинмоқда.

Ҳаёти давомида доимо Аллоҳнинг амрини қилиб, яхши ният билан шариат ҳукмига бўйсуниб, таҳорат билан ибодатларни адо этиб юрган кишилар қанчалар бахтли кишилар экан! Уларнинг ҳар бир ибодати аввало бу дунёда, муҳими, у дунёда чексиз бахт-саодатга сабаб бўлади. Қиёмат куни таҳоратлари юзлари ва оёқ-қўлларида нур бўлиб порлаб, ҳаммадан ажралиб турадилар.

Бу дунёда баданларининг таҳорат суви етган жойларидан таралиб турган ажойиб нур қиёматда уларнинг охират саодатига эришганликлари рамзи бўлар экан. Бу нур уларни бу дунёда таҳорат қилмай ўтганлиги учун юзи қаро бўлиб, дўзахга маҳкум қилинган бахтсизлардан ажратиб турса, қандай яхши! Шундай экан, доимо таҳоратли юрайлик, қиёмат куни пешона ва қўл-оёқларимиздан тараладиган нурни узайтиришга ҳаракат қилайлик!

۱۳۵ - وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: أَلَا أَدُلُّكُمْ عَلَى مَا يَمْحُو اللَّهُ بِهِ الْخَطَايَا وَيَرْفَعُ بِهِ الدَّرَجَاتِ؟ قَالُوا: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ،

قَالَ: إِسْبَاغُ الْوُضُوءِ عَلَى الْمَكَارِهِ، وَكَثْرَةُ الْخُطَا إِلَى الْمَسَاجِدِ،
وَأَنْتَظَارُ الصَّلَاةِ بَعْدَ الصَّلَاةِ فَذَلِكَ الرِّبَاطُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ
وَالنَّسَائِيُّ.

135. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларни Аллоҳ хатоларни ўчирадиган, даражаларни кўтарадиган нарсага далолат қилайми?»
дедилар. Улар:

«Албатта, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди.

У зот:

«Қийинчиликларга қарамай, таҳоратни яхшилаб қилиш, масжидларга қадамни кўпайтириш ва намоздан сўнг намозни интизор бўлиб кутиш. Ана ўша сиз учун «муробитлик»дир», дедилар».

Муслим, Термизий ва Насоий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Исломда мусулмонларни душманлар ҳужумидан ҳимоя қилиш учун шай бўлиб, чегарани қўриқлаб турган одам «муробит» дейилади.

Бу ҳадисда зикр қилинган амалларни бажарувчи кишилар эса мазкур амалларни адо этиш учун ҳавоийи нафсларини жиловлаб турганлари сабабли «муробит» деб аталмоқдалар. Улар ҳам чегарада ватан ҳимоясига шай турган муробитга ўхшатишмоқда.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бу ҳадисда мадҳ этилган амаллар ичида таҳорат ҳам борлиги учун у «покликнинг фазилатлари» бобида келтирилмоқда.

Эътибор беринг, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аввало саҳобаи киромларга савол ила мурожаат қилиш билан уларни маълум амалларга қизиқтириб қўймоқдалар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга:

«Сизларни Аллоҳ хатоларни ўчирадиган, даражаларни кўтарадиган нарсага далолат қилайми?»
дедилар.

Албатта, бу савол ҳар бир эшитувчининг қалбида «хатоларни ўчирадиган, даражаларни кўтарадиган нарса нима экан?» деган қизиқиш уйғотади.

Хатоси йўқ ким бор?

Хатоларининг ўчишини хоҳламайдиган ким бор?!

Нима қилсам, хатоларим ўчар экан, деб ўйламаган ким бор?!

Қолаверса, даражаси кўтарилишини истамаган ким бор?!

Саҳобай киромлар бу маънода ҳаммадан пешқадам бўлишга интиланликлари маълум. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан юқоридаги саволни эшитишлари билан:

«Албатта, эй Аллоҳнинг Расули», дедилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундан сўнг саҳобаларга хатоларни ўчириб, даражаларни кўтарадиган нарсалардан учтасини айтдилар:

1. «Қийинчиликларга қарамай, таҳоратни яхшилаб қилиш».

Бундан мусулмон одам таҳорат йўлида қандай қийинчиликларга дуч келса ҳам, сабр қилиб, яхшилаб таҳорат қилиши лозимлиги келиб чиқади. Таҳорат пайтида дуч келинадиган қийинчиликлар эса замонга, маконга ва шароитга қараб, турлича бўлиши мумкин. Қадимги уламоларимиз: «Сув тақчил жойларда унинг нархи кўтарилиб кетиши ҳам таҳорат қилмоқчи бўлган одам учун қийинчилик ҳисобланади», деб айтишган. Шунингдек, ҳаво совуқ бўлиши туфайли ҳам қийинчилик туғилиши мумкин. Ҳозирги пайтда чет элларга сафар қилиш чоғида нотаниш жойларда таҳорат қилиб олишнинг имкони йўқлиги ҳам қийинчилик ҳисобланади. Лекин булар таҳорат қилмасликка баҳона бўла олмайди. Худди ана шу нарса ҳадиси шарифда зикр этилганидек, қийинчиликларга қарамай, таҳоратни яхшилаб қилиш банда хатоларининг Аллоҳ таоло томонидан ўчирилишига ва даражалари кўтарилишига сабаб бўлади.

2. «Масжидларга қадамни кўпайтириш».

Яъни масжидга қатнаб, жамоат намозларида кўпроқ иштирок этиш. Бунда ҳам киши баъзи қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Аммо шунга қарамай, масжид томон қанча кўп қадам босса, хатоси шунча кўп ўчирилади, даражаси шунча кўтарилади.

3. «Намоздан сўнг намозни интизор бўлиб кутиш».

Бир намозни ўқиб бўлгандан кейин иккинчисини иштиёқ билан кутишга нима етсин! Намоз иштиёқидан туриш, намоз вақти қачон келар экан, ўқиб, ҳузур топсам, савоб олсам, деб интизор бўлиш қанчалар яхши! Инсондан ҳеч қандай ортиқча саъй-ҳаракат, сарф-харажат талаб этмайдиган бу нарса ҳам Аллоҳ таоло томонидан мусулмон банда учун хатоларни юиб, даражаларни кўтариб олишга қулай фурсат қилиб берилган экан. Бу нақадар улуғ бахт!

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам буларга қўшимча равишда мазкур ишларнинг яна бир фазлини зикр этиб:

«Ана ўша сиз учун «муробитлик»дир», дедилар.

Яъни намозга интизорлик ҳам муробитликка тенглаштирилмоқда.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Бир амалга одамларни қизиқтириш учун аввало унинг фойдаларини баён қилувчи савол билан тингловчиларга мурожаат этиш.

2. Қийинчиликларга қарамай, таҳоратни яхшилаб қилишга тарғиб.

3. Қийинчиликларга қарамай, яхшилаб қилинган таҳоратнинг хатолар ўчирилиб, даражалар кўтарилишига сабаб бўлиши.

4. Масжидларга кўп қатнашга тарғиб.

5. Ибодат учун масжидларга кўп қатнашнинг хатолар ўчирилиб, даражалар кўтарилишига сабаб бўлиши.

6. Бир намоздан сўнг иккинчисини интизор бўлиб кутишга тарғиб.

7. Бир намоздан кейин иккинчисини интизор бўлиб кутишнинг хатолар ўчирилиб, даражалар кўтарилишига сабаб бўлиши.

8. Ислом дини хатоларнинг ўчирилиб, даражаларнинг кўтарилишини жуда ҳам осон қилиб қўйганлиги.

9. Ҳавои нафсни енгиб, Аллоҳнинг амрини бажариш муробитликка тенглаштирилганлиги.

Биз, мусулмонлар нақадар бахтли бандалармиз. Ўзимиз учун керакли ва фойдали бўлган амаллар бизга ибодат қилиб берилган. Ўзимиз учун фойда бўладиган ишларимиз Аллоҳга қурбат ҳосил қиладиган, қолаверса, хатоларимизнинг ювилишига, даражаларимизнинг кўтарилишига сабаб қилиб қўйилган.

Хатоларимиз ювилсин, даражаларимиз баланд бўлсин, десак, қийинчиликларга қарамай, таҳоратни яхшилаб қилайлик, масжидлар томон босадиган қадмларимизни кўпайтирайлик ва ҳар бир намоздан сўнг навбатдаги намозни иштиёқ билан, интизор бўлиб кутайлик.

۱۳۶ - وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا تَوَضَّأَ الْعَبْدُ الْمُسْلِمُ أَوْ الْمُؤْمِنُ فَغَسَلَ وَجْهَهُ خَرَجَ مِنْ وَجْهِهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ نَظَرَ إِلَيْهَا بِعَيْنَيْهِ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ، فَإِذَا غَسَلَ يَدَيْهِ خَرَجَ مِنْ يَدَيْهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ كَانَ بَطَشَتْهَا يَدَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ، فَإِذَا غَسَلَ رِجْلَيْهِ خَرَجَتْ كُلُّ خَطِيئَةٍ مَسَّتْهَا رِجْلَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ حَتَّى يَخْرُجَ نَقِيًّا مِنَ الذُّنُوبِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

136. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Вақтики, мусулмон ёки мўмин банда таҳорат қилса, бас, у юзини ювганида ўша сув ёки ўша сувнинг охирги қатраси ила унинг икки кўзининг назари орқали қилган хатолари юзидан тўкилади. Вақтики, икки қўлини ювса, ўша сув ёки ўша сувнинг охирги қатраси ила унинг икки қўли билан қилган хатолари тўкилади. Вақтики, икки оёғини ювса, ўша сув ёки ўша сувнинг охирги қатраси ила икки оёғи билан юриб қилган хатолари тўкилади. Шундай қилиб, у гуноҳлардан пок бўлиб чиқади», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бу ҳадиснинг бошидан охиригача таҳорат туфайли банданинг гуноҳлари қандай тўкилиши батафсил баён қилинмоқда.

Мусулмон киши таҳорат қилиш учун қайси бир аъзосини ювса, ўша аъзо туфайли содир бўлган гуноҳ тўкилиши таъкидланмоқда. Мусулмон одам таҳорат пайтида зоҳирий аъзоларидан кир, чанг-тўзонларни ювса ҳам, аслида унинг гуноҳлари ювиб ташланиши маълум бўлмоқда. Бу эса таҳоратнинг фазли қанчалик баланд эканини кўрсатади.

Шу ўринда умумий қоида сифатида ҳаммамиз учун ўта муҳим бўлган бир масалани эслаб ўтишимиз лозим. Бу ҳадиси шариф, ундан олдинги ва шунга ўхшаш бошқа ҳадисларда гап кичик гуноҳларнинг тўкилиши, ювилиши ёки ўчирилиши ҳақида бормоқда. Бу маънолардаги ҳадисларни эшитиб ёки ўқиб, хоҳлаган гуноҳни қилиб келиб, бир марта таҳорат қилса ва намоз ўқиса ёхуд жума намозидида иштирок этса, ҳамма гуноҳлар тўкилиб кетар экан, деган ҳаёлга бормаслигимиз керак. Бунга ўхшаш маънодаги ҳадисларда зикр қилинган гуноҳнинг тўкилиши Аллоҳ билан банда орасидаги муносабатда банда томонидан содир этилган кичик гуноҳларга тегишлидир. Бундан кейин келадиган ҳадисларда «агар катта гуноҳ қилмаган бўлса», деган истисно ҳам келади. Аллоҳ хоҳласа, уларни ўз ўрнида ўрганамиз.

Шунингдек, бошқа бандаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол этиб қилинган гуноҳлар ҳам қасос олинмагунча, ювилмайди. Бу ҳақда ҳам, Аллоҳ хоҳласа, кези келганда гапирилади.

Лекин таҳорат билан кичик гуноҳларнинг ювилиб кетиши ҳам катта гап. Бу Аллоҳ таолонинг мусулмон бандаларига кўрсатган улкан марҳаматидир. Мусулмон банда таҳорат қилаётганда яхши ният билан, Аллоҳ таолодан астойдил тилаб, ушбу ҳадиси шарифни эслаган ҳолда ҳар бир аъзосини юваётиб: «Илоҳо, ушбу аъзоларимдан содир бўлган гуноҳларим тўкилган бўлсин», деб сўраса, иншааллоҳ, мақсади ҳосил бўлади. Чунки аввал айтиб ўтилганидек, таҳорат қилиш ҳам ўзига хос ибодатдир.

Шу туфайли таҳоратни бошқалар билан гаплашиб, шоша-пиша, чала-чулпа қилишга йўл қўймаслик керак. Таҳорат банда учун кичик гуноҳларини ювиб олиш учун Аллоҳ томонидан берилган имконият ва қулай фурсатдир.

۱۳۷- وَعَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ خَلِيلِي ﷺ يَقُولُ: تَبْلُغُ الْحِلْيَةَ مِنَ الْمُؤْمِنِ حَيْثُ يَبْلُغُ الْوُضُوءَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ.

137. Яна ўша кишидан ривоят қилинади.

«У киши розияллоҳу анҳу:

«Мен ўз халилим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Мўминнинг безаги таҳорат суви етган жойгача етади», деганларини эшитдим», деди».

Муслим ва Насоий ривоят қилганлар.

Шарҳ: «Халил» энг яқин ва сирдош дўст деганидир.

Қуръони Каримда Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни халил қилиб олганининг хабари келган. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни «халилим» дейишла-

ри у кишининг ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган чексиз муҳаббатларидандир.

Безак эса мўмин банданинг қиёмат куни Аллоҳ томонидан безалишидир. Аллоҳ таоло аҳди жаннатнинг васфиди:

«Улар у ерда олтин билакузуклар ва инжулар ила безанурлар. У ердаги либослари эса ипакдандир», деган (Ҳаж сураси, 23-оят).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳадиси шарифда:

«Мўминнинг беаги таҳорат суви етган жойгача бўлади», дейишларидан ҳар кимнинг беаги ҳар хил бўлиши келиб чиқмоқда. Демак, бу дунёда таҳоратни яхшилаб қилган мўминнинг у дунёдаги беаги ҳам яхши бўлади, кўп таҳорат қилганнинг беаги кўп бўлади. Шунингдек, банданинг қайси жойларига таҳорат суви етган бўлса, беаги ҳам уша жойларгача етиб боради.

Биз, мўминлар шу билан бахтлимизки, ҳозирдаёқ охиратдаги беагимизни хоҳлаганимизча яхшилаб олиш имконимиз бор. Бунинг учун эса таҳоратимизни ўз вақтида комил қилишимиз ва таҳорат сувини баданимизнинг кўпроқ жойига етказишга ҳаракат қилишимиз керак, холос.

١٣٨ - عَنْ أَبِي مَالِكٍ الْأَشْعَرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ:
الطُّهُورُ شَطْرُ الْإِيمَانِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ تَمْلَأُ الْمِيزَانَ، وَسُبْحَانَ اللَّهِ
وَالْحَمْدُ لِلَّهِ تَمْلَأَانِ أَوْ تَمْلَأُ مَا بَيْنَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ، وَالصَّلَاةُ
نُورٌ، وَالصَّدَقَةُ بُرْهَانٌ، وَالصَّبْرُ ضِيَاءٌ، وَالْقُرْآنُ حُجَّةٌ لَكَ أَوْ عَلَيْكَ.
كُلُّ النَّاسِ يَغْدُو فَبَائِعٌ نَفْسَهُ فَمُعْتِقُهَا أَوْ مُوْبِقُهَا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ
وَالنَّسَائِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

138. Абу Молик ал-Ашъарий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Поклик иймоннинг ярмидир. «Алҳамдулиллаҳи» тарозини тўлдирур. «Субҳаналлоҳи ва алҳамдулиллаҳи» осмонлару ернинг орасини тўлдирурлар ёки тўлдирур. Намоз нурдир. Садақа бурҳондир. Сабр зиёдир. Қуръон сенинг фойданга ёки зараринга ҳужжатдир. Барча одамлар ҳаракат қилиб, ўз жонини савдога қўювчидир. Бас, улар уни озода қилувчи ёки уни ҳалок қилувчилардир», дедилар».

Муслим, Насоий ва Термизийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳадиснинг ровийси Абу Молик ал-Ашъарий розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик:

Каъб ибн Осим ал-Ашъарий, кунялари Абу Молик. У киши сафина, яъни кема асҳобларидан бўлиб, Ямандан кемада келиб, мусулмон бўлган зотлардандир. Бу зот Миср ва Шомда истиқомат қилганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан бир нечтасини ривоят қилдилар. У кишидан Умму Дардо, Абдурраҳмон ибн Ҳанам, Холид ибн Абу Марям, Мадина аҳлидан ҳадис чиқарувчи бир нечта кишилар ривоят қилганлар. Бу зот тўплаган ҳадислардан айримларини машҳур «Саҳиҳ» соҳибларидан учтаси ўз китобларига киритганлар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ушбу муборақ ҳадисларида бир неча савобли амалларнинг бошида покликни юқори баҳолаб зикр қилганликлари учун ҳам ушбу ҳадис «Покликнинг фазилатлари» бобида келтирилмоқда.

Энди Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисда зикр қилган фазилатли амаллар билан бирма-бир танишиб чиқайлик:

1. «Поклик иймоннинг ярмидир».

Бу жумладаги покликдан мақсад, риё, кибр, ҳасад каби маънавий ҳамда барча моддий нопокликлардан пок бўлишдир. «Таҳорат, яъни поклик иймоннинг ярми» дейилиши усиз ибодат қабул қилинмаслиги ва савоби беҳуда кетишидан, иймон бўлмаса, ибодат

умуман қабул қилинмаслиги эътиборидан келиб чиқиб айтилмоқда ва поклик иймоннинг ярмига тенглаштирилмоқда.

Исломда иймоннинг қадр-қиммати қанчалик юқори эканини яхши биламиз. Поклик иймоннинг ярмига тенглаштирилганидан ҳам Ислом дини озодалик, поклик ва тозаликка қанчалар эътибор берганини билиб олсак бўлаверади.

Бу ўз навбатида биз, мусулмонлар динимиз талабига яраша бўлишимиз кераклигини ҳам билдиради.

Шундай экан, покликни иймоннинг ярмига тенглаштирган динимизга қанчалик амал қилмоқдамиз?

Аввало, динимиз талабига яраша маънан покмизми?

Қолаверса, моддий жиҳатдан ҳолимиз қандай?

Мусулмонлар оммасининг баданлари, кийимлари, турар-жойлари, кўчалари, қишлоқ ва шаҳарлари бошқаларникидан кўра қанчалик озода?

Ёки биз учун бу айтилаётган сўзлар қуруқ гапдан иборатми?

Айтилганларга амал қилишни қачон бошлаймиз?

2. «Алҳамдулиллаҳи» тарозини тўлдирур.

Мўмин-мусулмон одам «Алҳамдулиллаҳи» (Аллоҳга мақтовлар бўлсин) деган жумлани ихлос билан айтиши жуда ҳам савобли саналади. Чунки ҳамма нарсани берган Аллоҳ таолога ҳамд айтиш, Унинг берган неъматларини эътироф этиб, улар учун У Зотга мақтов айтишдан улуғроқ савоб йўқ.

Ҳадисда айнан шу нарсa — бaндa «Алҳамдулиллаҳи»ни айтиш билан амаллар тарозисини тўлдирадиган даражада катта савоб олиши таъкидланмоқда.

Қаранг, мўмин-мусулмон бaндa учун савоб топиш қанчалик осон-а! Оғиздан ихлос билан айтилган «Алҳамдулиллаҳи» деган кaлимa чиқиши билан амаллар тарозисининг пaллaси савобгa тўлиб қолар экан.

Бас, шундай экан, бу кaлимaни кўпроқ айтайлик. Турли бeҳудa, иғво, бўҳтон гапларнинг ўрнигa Аллоҳнинг зикрини қилайлик!

3. «Субҳаналлоҳи ва алҳамдулиллаҳи» осмонлару ернинг орасини тўлдирурлар ёки тўлдирур.

Шу ерда ровий шак қилган, яъни «тўлдирурлар» деб кўплик сийфасида айтилдими ёки «тўлдирур» деб бирлик сийфасида айтилдими, бунини яхши англамай қолганини билдириб қўймоқда.

Аввал «Алҳамдулиллаҳи»нинг ёлғиз ўзини айтиш тўғрисида сўз кетган бўлса, энди унинг олдига «Субҳаналлоҳи»ни ҳам қўшиб айтиш лозим кўриляпти. «Субҳаналлоҳи» эса «Аллоҳни поклаб ёд қиламан» деган маънони англатади.

Демак, бир мўмин банда ихлос билан «Субҳаналлоҳи, валҳамдулиллаҳи» деб айтса, осмонлару ернинг ораси савобга тўлар экан. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига қилган лутф, карамидир.

Фақат бу лутфу карамдан биз, мўминлар унумли фойдаланмоғимиз зарур, холос. Нима кўп, бўш вақтимиз кўп. Ўша вақтни турли беҳуда гап-сўзларга сарф этмай, ушбу икки калимани зикр қилсак, қанчадан-қанча савобга эришамиз.

4. «Намоз нурдир».

Намознинг нур экани аввало, банда вафот этиб, қабрга қўйилганида унинг қоронғу қабрини ёритиши билан бўлади.

Намознинг нур экани кейинчалик, қиёмат қоронғусида ўз эгасига йўл кўрсатувчи нур бўлиши билан бўлади.

Ўлим ҳақ, ҳар биримизнинг вафот этишимиз бор. Ҳатто яқинларимизнинг ҳар биримизни қабрга элтиб, кўмиб, ёлғиз ташлаб кетишлари бор. Ана шунда қабр зулматидан азоб тортмайлик десак, намоз ўқийлик. Ўқиган намозимиз қабримизда нур бўлиб, атрофимизни ёритиб, кўнглимизни хушнуд қилиб турсин, илоҳим.

Қиёмат куни ҳақ, бир куни келиб, албатта, у қоим бўлажак! Унинг тўс-тўполони, даҳшатли қоронғусида қолишимиз турган гап. Ўша пайтда ҳеч нарсани кўр-

май, қоқилиб-суқилиб юрмайлик десак, намоз ўқийлик! Шояд, ўша ўқиган намозимиз қиёмат қоронғусида нур бўлиб порлаб, атрофимизни, йўлимизни ёритиб турса!

5. «Садақа бурҳондир».

Мўмин киши томонидан бу дунёда ўз мол-мулкидан қилган садақасининг бурҳонга ўтиши бир неча хил бўлади.

Аввало, молу мулкдан савоб умидида садақа қилишнинг ўзи киши иймонининг тасдиғи учун ҳужжатдир. Чунки иймонсиз, мунофиқ одам садақа қилмайди. Қиёмат куни мўмин бандадан мол-мулкани нимага сарф қилгани ҳақида сўралса, бу дунёда қилган садақаси унга бурҳон — ҳужжат бўлади.

Баъзи эътирофларга қараганда, бу дунёда садақа қилиб юрган кишиларга қиёмат куни алоҳида бурҳон — белги қўйилар экан. Ўша белгини кўргандан кейин улардан «Молингни нимага сарф қилдинг?» деб сўралмас экан.

Қаранг, садақа қилиш қанчалар яхши иш! Аллоҳ таоло берган мол-дунёни Унинг йўлида садақа қилган банда шунчалар бахт-саодатга муяссар бўлар экан. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг мўмин-мусулмонларга кўрсатган лутфу карамидир. Фақат шу имкониятдан тўғри фойдаланишимиз керак, холос. Мол-мулкимиздан оз бўлса ҳам, муҳтож биродарларимизга садақа қилайлик. Шоядки, ўша қилган садақамиз иймонимизнинг тасдиғи бўлса, қиёмат куни мол-мулкни нимага сарф қилганимиз ҳақида сўралганимизда бизга бурҳон бўлса ёки сиймомиздаги бир белги бўлиб, бизни бу саволдан қутқариб қолса.

6. «Сабр зиёдир».

Луғатда «сабр» нафсни хоҳлаб турган нарсаларидан қайтариш, унга оғир келадиган ибодатларга ундаб туриш ва турли машаққату қийинчиликларга бардош беришдир.

Бир жисмнинг ўзидан чиққан ёруғликка «зиё» дейилади. Мисол учун, қуёшдан чиққан ёруғлик «зиё» деб аталади. Бир жисм бошқа жисмдан олган ёруғ-

ликни қайтариб чиқарса, «нур» дейилади. Ой қуёшдан олган ёруғликни қайтариб таратгани учун уни «ой нури» деб айтамыз.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: **«У қуёшни зиё, ойни нур қилган Зотдир»**, деган. Зиё нурдан кучли бўлади.

Сабрнинг зиё бўлиши, аввало инсон сабр ила маъсиятлар зулматидан чиқиши, қолаверса, сабр бора-бора мўмин қалбида зиёга айланишидир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Аллоҳнинг дини ва тоати йўлидаги қийинчиликларга сабр қиладиган одамнинг қалбида зиё пайдо бўлади. Ўша зиё ибодатлар ва турли машаққатларнинг янглиш йўллари унга ёритиб беради. Шу билан бирга, сабрнинг зиёси мўмин кишига қабрда ҳам, қиёмат кунда ҳам фойда беради.

Кўпчилик орасида сабр тушунчаси нотўғри талқин қилинади. Сабр деганда биров томонидан қилинган зулмга жавоб қилмай, жим туриш тушунилади. Аслида бу сабр эмас, қўрқоқликдир. Сабр эса ижобий тушунча.

Исломда сабр дейилганда, аввало иймон-эътиқод, дину диёнат йўлидаги қийинчиликларга сабр қилиш, Аллоҳнинг амрини бажариш, қайтарганларидан қайтишга нафсни мажбур қилиб, чидатиш тушунилади. Сабр деганда, Аллоҳнинг калимаси ер юзида ҳамма калималардан устун бўлиши учун кураш қийинчиликларига дош бериш назарда тутилади. Ислом дини адолатидан бутун дунёни баҳраманд қилиш учун барча машаққатларга кўниш, ҳалол-пок юриш, яшаш ва ишлаш қийинчилигига чидаш сабр дейилади. Ана шу нарсаларга сабр қилишга ўрганайлик, шояд, сабр қалбимизда зиё бўлиб, турли машаққатларнинг осон бўлишига ёрдам берса, қабримизда, қиёмат кунда бизга зиё бўлиб, Аллоҳ таоло бизни унинг ёруғидан баҳраманд этса!

7. «Қуръон сенинг фойданга ёки зараринга ҳужжатдир».

Яъни Қуръонни ўқиб, унга амал қилсанг, у сенинг

фойдангга гувоҳлик беради. Аммо Қуръонни ўқимасанг ёки ўқиб туриб амал қилмасанг, у сенинг зарарингга гувоҳлик беради.

Ҳозирги давр тили билан айтганда, Қуръони Карим икки томонлама тиғи бор қуролга ўхшаб кетади. Кези келганда у фойда учун ҳам, зарар учун ҳам гувоҳлик берар экан. Қуръони Каримни ўз фойдаси ёки зарарига ишлатиш банданинг ўзига боғлиқ. Аллоҳ таоло бандани яратиб, ризқу рўз бериб, ақл бериб, бунинг устига лутфу марҳамат кўрсатиб, икки дунё саодати йўлини топиши учун унга кўрсатмалар дастури сифатида Қуръони Каримни бериб қўйибди. Уни гувоҳ ҳам қилиб қўйибди. Агар банда илоҳий дастур сифатида ўзига берилган Қуръони Каримни ўқиса, унга амал қилиб яшаса, қиёмат куни Қуръон унинг фойдасига гувоҳлик беради. Аммо банда нобакорлик қилса, ўзига берилган илоҳий дастурни ўқимаса ёки амал қилмаса, Қуръони Карим қиёмат куни унинг зарарига гувоҳлик беради. Оқибатда ўша банданинг иши расво бўлади.

Мўмин-мусулмон инсон қанчалар бахтли! Аллоҳ таоло уни қадрлаб, икром қилиб, ҳаётида амал қилиши лозим бўлган, икки дунё саодатига эриштирадиган дастурни тақдим қилиб қўйибди. Бу ўзини билган банда учун чексиз илоҳий лутфу карам ва меҳрибончиликдир.

Аллоҳ таоло: «Мен сени яратиб қўйдим, идрок қилиш, ақл юритиш неъматини бердим, энди йўлингни ўзинг топиб юравер», дейиши ҳам мумкин эди. Аммо Аллоҳ таоло чексиз лутфу карам, меҳрибонлик қилди. Мўмин банда учун ўша илоҳий лутфу карамдан ўз жойида фойдаланиш қолди, холос.

Банда бир ҳарф бўлса ҳам, Қуръон ўқиса, унга амал қилса, ажру савоб олади, икки дунёнинг саодатини топади. Қолаверса, Қуръони Карим қиёмат кунида унинг фойдасига гувоҳлик беради.

Бас, шундай экан, Қуръон ўқиб, унга амал қилиб қолайлик. Аллоҳ таолонинг бизга кўрсатган лутфу марҳаматидан баҳраманд бўлайлик. Шунда икки ду-

немиз обод бўлади. Охиратда Қуръон бизнинг фойдамизга гувоҳлик беради.

8. «Барча одамлар ҳаракат қилиб, ўз жонини савдога қўювчидир. Бас, улар уни озод қилувчи ёки уни ҳалок қилувчилардир».

Яъни бу дунёда ҳар бир инсон саъй-ҳаракат қилиб ўтади. У ўша саъй-ҳаракати ила худди ўз жонини савдога қўювчи кишига ўхшайди. Савдоси эса бу дунёда қилган амалидир. Агар банда яхши амал қилган бўлса, эвазига яхшилик олади. Ундай одам ўз жонини дўзахдан озод қилувчидир. Агар банда ёмон амал қилган бўлса, эвазига ёмонлик олади. Ундай одам ўз жонини ҳалок қилувчидир. Яъни ҳар ким қилса, ўзига қилади.

Биз ҳам бу дунёда ўшандай ҳаракат қилувчи, жонимизни савдога қўювчи бандалармиз. Ҳар бимиз иложи борица кўпроқ яхши амал қилиб, ўз жонимизни улар эвазига сотиб олиб, дўзахдан озод этишга ҳаракат қилайлик. Фафлат уйқусида савдони нотўғри қилиб, ёмон ишлар билан жонимизни ҳалок қилувчи, дўзахга туширувчи бўлмайлик!

Бу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдаларни ва унинг ҳикматини алоҳида такрор қилиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Жиддий тафаккур қилувчи киши учун ҳамма нарса яққол аён бўлиб турибди.

۱۳۹ - عَنْ عُثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَنْ تَوَضَّأَ فَأَحْسَنَ الْوُضْوءِ خَرَجَتْ خَطَايَاهُ مِنْ جَسَدِهِ حَتَّى تَخْرُجَ مِنْ تَحْتِ أَظْفَارِهِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

139. Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким таҳорат қилса-ю, таҳоратини чиройли қилса, унинг хатолари жасадидан, ҳаттоки тирноқлари остидан ҳам чиқиб кетади», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуни яхши биламиз ва таниймиз. У кишидан ривоят қилинган бу ҳадисда таҳоратнинг фазли ҳақида сўз бормоқда. Шу билан бирга, таҳоратни яхшилаб қилиш зарурлиги таъкидланмоқда. Инсон таҳоратни яхшилаб қилса, ҳатто тирноқлари остидаги гуноҳлари ҳам тўкилиши баён қилинмоқда.

Аввал айтганимиздек, таҳорат ҳам ўзига яраша ибодат. Уни эътиборсизлик, шошма-шошарлик билан, турли гап-сўз, ҳаракат ва ишларни аралаштириб эмас, фарз, суннат ва одобларини ўрнига қўйиб, мукамал қилиш лозим. Ана ўшанда таҳорат ҳақиқий бўлади ва ундан кўзланган натижаларга эришилади.

Таҳорат қилганда тўкиладиган гуноҳлар Аллоҳнинг ҳаққига тааллуқли кичик гуноҳлар эканини унутмайлик.

Таҳоратни доим яхшилаб қилайлик, токи кичик гуноҳларимиз тирноқларимиз остида ҳам қолмай, тўкилсин, таҳоратдан ҳосил бўладиган савоблардан баҳраманд бўлайлик!

١٤٠ - عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ يَتَوَضَّأُ فَيُحْسِنُ الْوُضُوءَ، ثُمَّ يَقُولُ حِينَ يَفْرُغُ مِنْ وَضُوئِهِ: أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ، لَا شَرِيكَ لَهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ، إِلَّا فَتُحْتَّ لَهُ أَبْوَابُ الْجَنَّةِ الثَّمَانِيَةِ، يَدْخُلُ مِنْ أَيِّهَا شَاءَ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ، وَزَادَ التِّرْمِذِيُّ: اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ التَّوَّابِينَ وَاجْعَلْنِي مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ.

140. Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар сизлардан бирортангиз таҳорат қилса-ю, таҳоратини яхшилаб қилса, сўнгра таҳоратидан

фориф бўлишида: «Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу. Ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Росулуҳу», деб айтса, албатта, унга жаннатнинг саккиз эшиги очилур ва у хоҳлаганидан кирур», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган. Термизий эса:

«Аллоҳумма ижъалний минат-таввабийна ва ижъалний минал мутатоҳҳирийн»ни зиёда қилган.

Шарҳ: Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинаётган бу ҳадиси шарифда ҳам таҳоратни тугатгандан сўнг ўқиладиган дуо эслатилмоқда. Охирида эса мазкур икки амалга бериладиган мукофот — жаннатнинг саккиз эшиги очилишию, таҳоратни яхшилаб қилиб, ҳадисда келган дуони ўқиган одамнинг ўзи хоҳлаган эшикдан жаннатга кириши айтилмоқда. Бу ҳам таҳоратни яхшилаб қилиш ва шаҳодат калимасини ихлос билан айтишнинг қанчалар фазилатли эканини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Уламоларимизнинг айтишларича, таҳорат қилиб, аъзоларни турли кир ва ифлосликлардан поклаб бўлгандан кейин шаҳодат калималарини айтиш Аллоҳга ихлос ила амал қилганликка ва қалбнинг риё ва ширклардан пок бўлганига ишорадир.

Имом Термизий ушбу ҳадисни ривоят қилганларида шаҳодат калималаридан кейин:

«Аллоҳумма ижъалний минат-таввабийн ва ижъалний минал мутатоҳҳирийн» деган дуони ҳам ўқиган эканлар. Бу дуонинг мазмуни «Аллоҳим! Мени кўп тавба қилувчилардан ва покланувчилардан қилгин»дир.

Бу билан киши таҳорат қилиб, баданини сув билан поклагач, Аллоҳ таолодан тавба қилинмаса, кечирилмайдиган гуноҳлари учун ўша дуо билан тавбага муяссар этишини сўрайди. Аллоҳ таолонинг Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ана шу тоифа кишиларга жаннатнинг саккиз эшиги

очилич, хоҳлаганидан киришлари мумкинлигини ба-
шорат этмоқдалар.

Шундай экан, доимо таҳоратимизни маромига
етказиб, мукамал қилайлик, сўнгра ихлос билан
калимаи шаҳодатни ва ушбу ҳадисда келган дуони
ўқишга одатланайлик.

۱۴۱- عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَنْ
تَوَضَّأَ عَلَى طَهْرٍ كُتِبَ لَهُ عَشْرُ حَسَنَاتٍ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

141. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қи-
линади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ким таҳоратнинг устига таҳорат қилса, унга
ўнта ҳасанот ёзилади», дедилар».**

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ри-
воят қилган ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз
соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳоратнинг устига яна
таҳорат қилиш яна ҳам кўп савоб олишга сабаб бў-
лишини маълум қилмоқдалар. Бу эса ўта покликка
даъватдир. Кўп зотлар савоб умидида ушбу ҳадисга
амал қилиб, таҳорат устига таҳорат қилишни ўзла-
рига одат қилганлар. Биз ҳам кўпроқ савоб олишни
истасак, улардан ўрнак олишимиз лозим.

Бу покликнинг фазилатлари ҳақида келган ҳади-
си шарифлардан баъзиларидир. Биз уларни тасаввур
ҳосил қилиш учун келтирдик. Лекин шунинг ўзидан
ҳам Ислом динида покликка қанчалар катта эътибор
берилгани, ҳатто поклик иймоннинг ярмига тенг-
лаштирилгани яққол кўринади.

Эътибор берадиган бўлсак, ўрганган ҳадислари-
мизда мўмин-мусулмон учун поклик йўлида қилин-
ган амаллари эвазига кўплаб савоб, охират саодати
ва ундаги олий мартабалар ваъда қилинмоқда. Аммо
бу поклик фақат охиратда фойда келтиради, дега-
ни эмас. Поклик аввало бу дунёда фойда келтиради.

Унинг бу дунёдаги фойдаси охиратдаги фойдаси олдидан арзимаган нарсаси бўлганлиги учун у ҳақда зикр қилинмаётир.

Ислом дини покликни ҳар бир мусулмон учун ибодат қилиб, уни иймоннинг ярмига тенглаштириб қўйганлиги ва ибодат нопок ҳолда қабул қилинмаслиги бежиз эмаслигидан орадан ўн тўрт аср ўтганидан сўнггина бошқалар ҳам поклик инсоният учун қанчалар зарур эканини англаб етдилар. Аста-секин юз-қўлларини, кейин баданларини ювишга ўтдилар. Ундан сўнг кийим-бошларини, турар жойларини, кўчалари, шаҳар-қишлоқларини озода, пок тутишга одатландилар.

Файримусулмон халқлар қадимги мусулмонлардан ўрнак олиб, ўзлари тушуниб, поклик сари юз бурган ва бураётган бир пайтда мусулмон халқлар Исломдан узоқлашиб, унинг ҳукмларига номигагина амал қилишга ўтиб қолдиларки, бу ачинарли ҳолдир.

Бу жараён покликка бўлган муносабатда ҳам кўринди. Мусулмон номини рўқач қилувчи кишилар ичида ибодатсизлари пайдо бўлди, умуман, покликка эътибор бермай қўйганлари ҳам кўп бўлди. Оқибатда покликка амал қилмаслик туфайли шу дунёнинг ўзидаёқ турли муаммолар пайдо бўла бошлади.

Бир неча йиллар аввал ўқиган бир мақола менга қаттиқ таъсир қилган эди. Ўша мақолада мусулмонларнинг бахт-саодати фақат Исломга амал қилишда экани, агар Исломга амал қилмасалар, бадбахт бўлиб қолишлари очиқ-ойдин ёзилган эди.

Мақола муаллифи масъул табиб экан. Унинг юртида «трахома» деб аталувчи кўз касаллиги кенг тарқалиб кетибди. Бу касал шунчалик хавфли тусга кўрибдики, ҳатто ҳукумат фавқулодда чоралар кўриб, чет эллардан ёрдам сўрашга мажбур бўлибди.

Англиядаги машҳур мутахассис табиблар ҳузурига юборилган гуруҳ ичида мақола муаллифи ҳам бор экан. Англияликлар гуруҳ аъзоларидан трахома касаллиги уларнинг юртида миллий офат даражаси-

га етганлигини эшитиб, ҳайрон бўлишибди. Улар ўз меҳмонларига:

«Биз юртингизда трахома касаллиги тарқаб кетганини ақлимизга сиғдира олмаяпмиз», дебдилар.

«Нима учун?» деб сўрашибди меҳмонлар.

«Ахир сизлар мусулмонсизлар-ку! Билишимизча, Ислом мусулмонларга таҳорат қилишни амр қилган. Ҳар куни таҳорат учун юз-қўлини яхшилаб ювиб турган одам мутлақо трахома касали билан оғримаслиги керак», дейишибди мезбонлар.

Бунга нима дейиш мумкин? Ҳа, Аллоҳнинг амрини қилмаслик нафақат гуноҳ ва охират азобига, балки бу дунёнинг ҳам кўплаб ноқулайликларига, машаққат ва мусибатларига сабаб бўлади.

Юқорида Ислом ҳукмига номигагина амал қилиш ҳақида гапириб ўтган эдик. Энди ана шу нарса қаердан пайдо бўлганини кўриб чиқайлик. Кўпчилигимиз таҳорат ёки ғуслни баданни поклаш деб эмас, баданга сув теккизиш, деб тушунамиз. Таҳорат қиладиган бўлсак, асосий мақсадимиз юз-қўл ва оёқларимизнинг маълум жойларини хўлашдангина иборат бўлади. Ўша жойлардан кирни кетказиш ҳақида кўпинча ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ғусл қиладиган бўлсак, апил-тапил бошимиздан сув қуйиб олиш пайида бўламиз.

Ислом учун фидойи биродарларимиздан бирининг айтишича, у киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилишни даъво қилувчи катта бир жамоанинг ниҳоятда кўп одам қатнашган йиғинида иштирок этибди. Издиҳомда нохуш ҳидлардан беҳаловат бўлган биродаримиз «Жума куни ғусл қилиш суннат-у, тоза кийим кийиш, хушбўй нарсалар сепиш суннат эмасми?» деса, биров кулоқ ҳам солиб қўймас эмиш.

Динимиз амрларининг ҳар бир ҳарфига оғишмай амал қилиш жуда яхши иш. Аммо ўша амрдан кўзланган мақсадни унутиб қўйишдан Аллоҳнинг Ўзи асрасин.

Илм-фан Ислоҳ дини амр қилган покликка риоя қилиш инсон учун, инсоннинг соғлиги учун, турли касалликларнинг тарқалмаслиги учун жуда зарур омил эканини аллақачон исбот этиб қўйган. Биз динимиз бу ишни бундан ўн тўрт аср олдин ибодат даражасига кўтаргани, уни иймоннинг ярми деб эълон қилгани ҳақида фахр билан гапиришимизнинг ўзи етарли эмас! Балки бу амрларга амал қилиб, ҳаммага ўрнак бўлишимиз лозим. Ўзимиз, кийим-бошимиз, турар-жойимиз, шаҳар-қишлоқларимиз, ҳамма-ҳамма тарафларимиз поклиги билан бошқалардан ажралиб туриши лозим. Чунки Аллоҳ таоло поклик ҳақидаги буйруқларини айнан бизга юборган.

Қуръони Каримнинг поклик ҳақидаги оятлари аввало сиз билан бизларга хитобан келган, қолаверса, ушбу ўрганилаётган ҳадисларни ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга қарата айтганлар. Демак, покликка амал қилишга ҳаммадан кўра мусулмонлар масъулдир. Аллоҳга шукрлар бўлсинки, оз бўлса-да, динимиз таълимотларига амал қилинаётган жойларда ҳавас қиладиган покликка эгамиз. Ният шуки, энди бу соҳада тўлиқ озодаликка эришадиган пайт етганини англашимиз зарур.

الباب الثاني في أحكام المياه

ИККИНЧИ БОБ

СУВЛАРНИНГ ҲУКМИ ҲАҚИДА

Маълумки, сувсиз поклаш ҳам, покланиш ҳам мумкин эмас! Шунинг учун ҳам барча ҳадис ва фикҳ китобларимизда сувларнинг ҳукми ҳақида алоҳида боблар бор. Одатда бу бобларда қандай сувлар тоза, қандай сувлар поклаш хусусиятига эга, покланиш учун қайси турдаги сувлар билан таҳорат ёки ғусл қилса бўлади, каби бир қанча масалалар муолажа қилинади.

Биз ҳам одатдагидек, бобнинг аввалида ояти қаримадан далил келтирдик:

قَالَ اللَّهُ -جَلَّ شَأْنُهُ: وَيُنْزِلُ عَلَيْكُمْ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً لِيُطَهِّرَكُمْ بِهِ.

Аллоҳ жалла шаънуҳу:

«**Ва сизни поклаш учун устингизга осмондан сув туширган эди**», деган (Анфол сураси, 11-оят).

Шарҳ: Ушбу оятда Аллоҳ таоло осмондан ёмғир ва қор шаклида туширган сув кишиларни поклаш учун ишлатиладиган сув экани тўғрисида хабар бермоқда. Шундан ёмғир ёки қор суви ила таҳорат ва ғусл қилиш мумкинлиги маълум бўлади.

١٤٢ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَأَلَ رَجُلٌ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّا نَرَكِبُ الْبَحْرَ وَنَحْمِلُ مَعَنَا الْقَلِيلَ مِنَ الْمَاءِ، فَإِنْ تَوَضَّأْنَا بِهِ عَطَشْنَا، أَفَتَتَوَضَّأُ بِمَاءِ الْبَحْرِ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: هُوَ الطَّهُورُ مَاؤُهُ، الْحِلُّ مِيتَتُهُ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

142. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўради:

«Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, биз денгиз(кемаси)га минамиз. Ўзимиз билан озгина сув оламиз. Агар у билан таҳорат қилсак, чанқаймиз. Денгизнинг сувидан таҳорат қилаверайликми?» деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У суви пок, ўлимтиги ҳалол нарсадир», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган бу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саволга жавоб бера туриб, денгиз сувининг ҳукми ва ўзи ўлиб қолган денгиз ҳайвонларининг ҳукмини баён қилмоқдалар.

Саҳобаи киромларнинг иштибоҳли нарсаларни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраш одатлари бор эди. Денгиз сафарига тез-тез чиқиб турадиган бир одам денгиз суви ила таҳорат қилса бўладими-йўқми, билгиси келди. Денгиз сувини ичиб бўлмаслигидан, унинг таъми, ранги, ҳиди бошқачароқлигидан кўнглига шубҳа тушган бўлса керак.

У киши ниҳоят:

«Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, биз денгиз(кемаси)га минамиз. Ўзимиз билан озгина сув оламиз. Агар у билан таҳорат қилсак, чанқаймиз. Денгизнинг сувидан таҳорат қилаверайликми?» деб сўради.

Савол жуда ўринли эди. Денгизда юрган одам одатда ичимлик сувидан ва таҳорат қилинадиган сувдан узоқда бўлади. Ўзи билан олган суви эса ичишга зўрға етади. Шу билан бирга, у мусулмон, ибодат қилиши фарз. Ибодат учун эса таҳорат шарт. Шунинг учун у киши Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Денгиз сувидан таҳорат қилса бўладими?» деб сўрамоқда.

Бу саволга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва-саллам қисқа ва лўнда жавоб бердилар:

«У суви пок, ўлимтиги ҳалол нарсадир», дедилар. Яъни денгизнинг суви пок, денгиз ҳайвонларининг ўлимтиги эса ҳалолдир.

Кўриниб турибдики, Пайғамбаримиз жавобни икки ҳисса қилиб берганлар. Савол фақат денгиз суви ҳақида эди. Жавоб эса ҳам сув, ҳам ўлимтик ҳақида бўлди. Шундан келиб чиқиб, уламоларимиз саволга керагидан ҳам ортиқ жавоб бериш мумкин, деган хулоса чиқарганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Иштибоҳли масалаларни ҳеч тортинмай, биладиган кишилардан сўраб олиш зарурлиги.

2. Денгиз сувининг пок экани, яъни у билан таҳорат қилиш, ғусл қилиш, нопок нарса теккан жойларни ювиб ташлаш ва уни ичадиган ҳолга келтириб, истеъмол қилиш мумкинлиги.

3. Сув ҳайвонларининг ўлимтиги ҳалоллиги. Чунки уларда қон бўлмайди. Қони бор ҳалол ҳайвонларни шаръий йўл билан сўйиш шарт. Сув ҳайвонларида қон бўлмаганлиги туфайли уларнинг ўлимтиги ҳам ҳалол бўлаверади.

Уламолар «Мазкур ҳайвонларнинг сув ичида, яъни яшаш жойида ўлиб қолганлари ҳалол бўлмайди», деганлар. Чунки бирор зарарли нарса бўлмаса, сув ҳайвони сувда ўз ажалидан олдин ўлмаслиги аниқ.

Лекин тириклай овланган, яъни тутиб олинган сув ҳайвони қуруқликқа чиққач, ўлади. Ана шу ўлимтик ҳалол экан.

Шунингдек, уламолар баъзи сув ҳайвонлари, айниқса, сув чўчкаси ҳақида ихтилофлар қилишган.

4. Берилган саволга керагидан ортиқ жавоб қайтариш яхшилиги.

Демак, денгиз сувини поклаш учун ишлатишимиз, денгиз ҳайвонлари ўлимтигини тановул қилишимиз мумкин.

Ҳанафий мазҳабида денгиз ҳайвонларидан фақат балиқ ҳалол дейилган.

۱۴۳ - عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَأَلَ النَّبِيَّ ﷺ عَنِ الْمَاءِ يَكُونُ فِي الْفَلَاةِ وَمَا يَنْبُوءُ مِنَ الدَّوَابِّ وَالسَّبَاعِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِذَا كَانَ الْمَاءُ قُلْتَيْنِ لَمْ يَحْمِلِ الْخَبَثَ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

143. Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламдан очиқ жойдаги, турли ҳайвонлар, йиртқичлар келиб-ке-тиб (ичиб турадиган) сув ҳақида сўралди. Бас, Ра-сулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Вақтики, сув икки қуллага етса, нажас бўл-майди», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинган бу ҳадисда ҳам сўз маълум васфга эга бўлган сувнинг поклиги ҳақида бормоқда. Са-ҳобаи киромлар ўз одатлари бўйича иштибоҳли бир масала хусусида, яъни очиқ жойда қоладиган, турли ҳайвонлар ва йиртқичлар тегиб кетиши мумкин бўл-ган сувнинг пок ёки нопоклиги ҳақида Набий сол-лаллоху алайҳи васалламдан сўрамоқдалар.

Унга Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васал-лам: «**Вақтики, сув икки қуллага етса, нажас бўл-майди**», деб жавоб бердилар. Бу саволнинг айнан ўзига берилган эмас, балки умумий қоида бўладиган жавоб, яъни нима бўлишидан қатъи назар, сув икки қулла миқдорига етса, нажас бўлмайди, дегани эди.

«Қулла» катта сув меши бўлиб, унинг биттаси-га ўша даврнинг ўлчови билан бағдодий ҳажмда 250 ратл сув сиққан. Бир бағдодий ратл 408 граммга тенг бўлиб, икки қулла сув 204 литрни ташкил қилади. Ана шу миқдордаги сув очиқ жойда бўлса-ю, унга турли ҳайвон ва йиртқичлар тегиб кетса ҳам, унда таҳорат қилса бўлаверади.

Аммо сув икки қулла ёки ундан ортиқ бўлса-ю, рангими, ҳидими, таъмими, бирортаси ўзгариб қолса, поклиги йўқолади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Иштибоҳли масалани биладиган одамдан сўраб олиш зарурлиги.

2. Муайян бир нарса сўралганда умумий қоида бўладиган жавоб беришнинг яхшилиги.

3. Икки қулла миқдоридаги сувга турли ҳайвон, йиртқич, нажас нарса теккани билан (агар асосий сифатларидан бири ўзгармаса) нопок бўлиб қолмаслиги.

4. Икки қулла миқдоридан оз сувга нажас нарса тегса, нопок бўлиб қолиши.

Шу ўринда эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчиман. Ҳанбалӣй ва Шофеъӣй мазҳаблари шу ҳадисга амал қилиб, нажас нарса тегса, нопок бўлмайдиган сувнинг энг оз миқдори икки қулла, деб белгилашган.

Аммо Ҳанафӣй мазҳаби уламолари бошқача йўл тутганлар. Улар бу ҳадиси шарифни ҳукм учун қабул қила олмасликларига узр айтганлар.

Аввало бу ҳадис изтиробли ҳадис. Чунки бир ривоятда «икки қулла», иккинчи ривоятда «бир қулла», учинчи ривоятда эса «уч қулла» деб келган. Қайси бири ҳақиқий экани номаълум.

Иккинчидан, «Қуллаларнинг ҳажми бир хил эмас. Улар доимо катта-кичик ва ҳар хил бўлади», деганлар.

Ҳанафӣй мазҳаби уламолари «Нажас нарса тегиши ёки тушиши билан нопок бўлиб қолмайдиган сувнинг энг оз миқдори — эни ўн аршин, бўйи ўн аршинли ҳовузнинг сувига тенг», деганлар. Аршин деганда, ўртача одамнинг панжаси учидан тирсагигача бўлган узунлик тушунилади. Бу 61,2 см деб олинган. Демак, эни ва бўйи 6 метру 12 смдан бўлган ҳовузнинг суви Ҳанафӣй мазҳаби бўйича нажас нарса тушса, нопок бўлмайдиган энг оз сув ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, ҳар бир мазҳаб ўз шароитидан келиб чиққан. Ҳанбалий ва Шофеъий мазҳаби уламолари яшаган саҳро шароити бошқача, Ҳанафий уламолари яшаган серсув жойларнинг шароити бошқача бўлган. Шу билан бирга, ҳайвонлару йиртқичлар ва бошқа нарсалар ҳам, албатта, эътиборга олинган. Ҳозирги шароит тамоман бошқача бўлиб кетди. Бу масала ҳаётда учраши қийин, учраганда ҳам, жуда нодир бўлади.

١٤٤ - عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ دَعَا بِإِنَاءٍ مِنْ مَاءٍ، فَأَتَى بِقَدَحٍ رَخْرَاحٍ، فِيهِ شَيْءٌ مِنْ مَاءٍ، فَوَضَعَ أَصَابِعَهُ فِيهِ، قَالَ أَنَسٌ: فَجَعَلْتُ أَنْظُرُ إِلَى الْمَاءِ يَنْبُعُ مِنْ بَيْنِ أَصَابِعِهِ ﷺ، قَالَ أَنَسٌ: فَحَزَرْتُ مَنْ تَوَضَّأَ مَا بَيْنَ السَّبْعَيْنِ إِلَى الثَّمَانِينَ. رَوَاهُ الشَّيْخَانُ.

144. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир идишда сув келтиришни сўрадилар. Унча катта бўлмаган кенг оғизли қадаҳда сув келтирилди. Унда озгина сув бор эди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бармоқларини унинг ичига солдилар. Анас розияллоҳу анҳу айтдиларки, «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бармоқлари орасидан сув отилиб чиқишига қараб турар эдим. (Ўша сувдан) таҳорат қилганларни чамалаб кўрсам, етмиш билан саксоннинг орасида эди».

Икки шайх ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф ва шунга ўхшаш бошқа ҳадислар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари бобида кўпроқ келтирилади. Лекин унда сув ва таҳорат қилиш маънолари борлиги учун ушбу бобда ҳам келтирилмоқда.

Сув етишмай қолган пайтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари ила оз-

гина сув кўпайиб кетганлиги бир неча бор такрорланган. Ҳудайбия ҳодисасида ҳам бир жойга тўплайиб қолган озгина кўлмак сувга камон ўқини суқиб қўйганларида ҳамма аскарнинг ичишига, таҳорат қилишига, уловларни суғоришга ва идишларни тўлдириб олишга етиб, ортадиган миқдорда сув отилиб чиққан.

Бу ҳадисдаги ҳодиса эса аср намози вақти кириб, кишилар таҳорат қилишга сув топа олмай қолганларида бўлиб ўтган.

Ушбу воқеани Имом Бухорий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан қуйидагича ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни аср намози вақти бўлиб, одамлар таҳоратга сув топа олмай қолганларида кўрдим. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга таҳорат суви келтирилди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша идишга қўлларини қўйдилар ва одамларни ундан таҳорат қилишга амр қилдилар. Мен у кишининг бармоқлари остидан сувнинг отилиб чиқаётганини кўрдим. Одамлар ҳаммалари, ҳеч ким қолмасдан, таҳорат қилиб олдилар».

Бу ерда мўъжиза орқали кўпайтирилган сув билан таҳорат қилиш содир бўлганлиги айтилмоқда. Албатта, бу нарса Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзларига хос. Пайғамбарлардан бошқа ҳеч кимга мўъжиза берилмайди. Ўтган пайғамбарлардан Мусо алайҳиссалом ўзларига мўъжиза қилиб берилган асони Аллоҳнинг амри билан тошга урганларида ўн иккита булоқ отилиб чиққан. Лекин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари Мусо алайҳиссаломникидан устундир. Чунки тошдан сув чиқиши доимо бўлиб келган нарса, инсон бармоғи орасидан сув отилиб чиқиши эса ҳеч кўрилмаган. Бу мўъжизани ўшанда кўплаб одамлар, жумладан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг душманлари ҳам кўрганлар, аммо инкор қила олмаганлар. Саҳобалар учун эса бундай ишлар оддий нарса эди. Чун-

ки улар бунга ўхшаш нарсаларни деярли ҳар куни кўрар, шунинг учун бундай ҳодисаларни шов-шув қилиб, кўтариб ҳам юрмас эдилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Намоз вақти кирганда таҳорат учун сув ахтариш вожиблиги.
2. Имкони бор одам суви йўқларга таҳорат учун сув топишга ёрдам бериши кераклиги.
3. Пайғамбар алайҳиссаломнинг мўъжизалари ҳақлиги.

۱۴۵ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا يَبُولَنَّ أَحَدُكُمْ فِي الْمَاءِ الدَّائِمِ الَّذِي لَا يَجْرِي ثُمَّ يَغْتَسِلُ فِيهِ. وَفِي رِوَايَةٍ: ثُمَّ يَتَوَضَّأُ مِنْهُ. وَفِي رِوَايَةٍ: نَهَى أَنْ يُبَالَ فِي الْمَاءِ الرَّكَدِ.

145. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз зинҳор оқмай турадиган сувга бавл қилмасин. Сўнгра унда ғусл қилади», дедилар».

Бир ривоятда «Сўнгра ундан таҳорат қилади» ва яна бошқа бир ривоятда «Оқмас сувга бавл қилишдан қайтардилар», дейилган экан.

Шарҳ: Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бу ҳадисда катта ва муҳим масала кўтарилмоқда: ўша замонда ҳеч кимнинг эсига келмаган тиббий эҳтиёткорлик чоралари кўрилмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бирор киши ҳам оқмай турган сувга бавл қилиши мумкин эмаслигини қаттиқ тайинлаб айтмоқдалар.

Замон ўтиши билан илм-фан, хусусан, тиббиёт ривожланиб, одамлар бу таъкид маъносини энди тушундилар. Инсон пешобида турли зарарли моддалар бўлар экан. Ана шу пешоб орқали сувга аралашиб қолган зарарли моддалар бу сувни истеъмол қилган,

ундан таҳорат ёки ғусл қилган кишиларга зарар етказиши аниқ экан.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Оқмай турган сувга бавл қилиб бўлмаслиги.
2. Оқмай турган сувга бавл қилинса ёки нажосат тушса, ундан таҳорат қилиб бўлмаслиги.
3. Нопок сув ила таҳорат ёки ғусл қилиб бўлмаслиги.
4. Пешоб нажас ва зарарли нарса экани.

Уламоларимиз ҳар қандай сувга бавл қилиш яхши эмас, балки ҳаром эканини қаттиқ тайинлаганлар. Чунки пешоб нажас ва зарарли нарса бўлиб, ундан доимо эҳтиёт бўлиш лозим. Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Оқмас сувга бавл қилишдан қайтардилар» деганлари Арабистон ярим ороли шароитидан келиб чиқиб айтилган. У ерларда оқар сувнинг ўзи йўқ.

۱۴۶ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كُنْتُ أَعْتَسِلُ أَنَا وَالنَّبِيَّ ﷺ مِنْ إِنَاءٍ وَاحِدٍ، مِنْ قَدَحٍ يُقَالُ لَهُ الْفَرْقُ. وَفِي رِوَايَةٍ: وَنَحْنُ جُنُبَانِ. رَوَاهُمَا الْخَمْسَةُ.

146. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«У киши: «Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга «фарақ» деб аталадиган мис идишдан ғусл қилар эдим», деганлар».

Яна бир ривоятда «Икковимиз ҳам жунуб эдик», дейилган.

Икки ҳадисни бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Оиша онамиз васф қилган «фарақ» деб аталувчи мис идишга ўн олти ратл сув сиғар экан (олти ярим литрдан кўпроқ).

Фарақ маълум бир идишга қўйилган ном бўлмай, ўн олти ратл сув сиғадиган мис идиш Ҳижозда шу ном билан юритилади.

Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинаётган бу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алай-

ҲИ васалламнинг хотинларидан бошқа киши била олмайдиган нарса — жунуб ҳолидаги эр-хотин бир идишдан ғул қилишлари жоизлиги масаласи ривоят қилинмоқда. Мўминлар оналарининг асосий хизматларидан бири ҳам шу. Эр-хотин орасида бўладиган шариат ишларини Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўриб-билиб, Ислому умматига ривоят қилиб бериш ҳам катта хизмат саналади. Ҳадисдан олинадиган фойда очик-ойдин кўриниб турибди.

۱۴۷ - عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كَانَ الرَّجَالُ وَالنِّسَاءُ يَتَوَضَّئُونَ فِي زَمَانِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ جَمِيعًا مِنْ إِنَاءٍ وَاحِدٍ نَذَلِي فِيهِ أَيْدِينَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

147. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«У киши: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг замонларида эркак ва аёллар — ҳамма бир идишдан таҳорат қилар эди. Унга қўлимизни солиб олар эдик», дедилар».

Бухорий, Абу Довуд ва Насоий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида кўрган нарсаларидан бирини ривоят қилмоқдалар. Унда айтилишича, эркак ва аёллар аралашиб, бир идишдан таҳорат қилишар экан. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу иш шариатимизда аёлларга ҳижоб фарз қилинишидан олдин бўлган. Ҳижоб фарз бўлганидан кейин эса номаҳрам эркак ва аёллар аралашиб, бир идишдан таҳорат қилишлари мумкин бўлмай қолган. Маҳрамлар бўлса, бўлаверади.

Демак, ушбу ривоятни ўқиб олиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида эркак ва аёллар аралаш ҳолда бир идишдан таҳорат қилган эканлар, нима учун биз шундай қилмаймиз, деган хулосага келишимиз тўғри бўлмайди.

۱۴۸ - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: اغْتَسَلَ بَعْضُ أَزْوَاجِ النَّبِيِّ ﷺ فِي جَفْنِهِ، فَجَاءَ النَّبِيُّ ﷺ لِيَتَوَضَّأَ مِنْهَا أَوْ يَغْتَسِلَ، فَقَالَتْ لَهُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي كُنْتُ جُنْبًا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِنَّ الْمَاءَ لَا يَجْنُبُ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

148. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«У киши: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаларидан бирлари бир катта тоғорадан ғусл қилди. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўшандан таҳорат ёки ғусл қилиш учун келдилар. У:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен жунуб эдим», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, сув жунуб бўлмайди», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда аёл киши ғусл учун фойдаланган сувдан қолган сув билан эркак киши таҳорат ёки ғусл қилса бўлиши ҳақида сўз бормоқда. Ҳадиснинг лафзидан, зикр қилинган онамиз тоғоранинг ичига тушиб ғусл қилганлар-у, кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша сувни ишлатмоқчи бўлганлар, деб тушунмаслик кераклигини жумҳур уламолари таъкидлаганлар. Онамиз тоғорадаги сувдан олиб, ғуслга ишлатганлар. Албатта, шу аснода қўллари идишдаги сувга теккан бўлиши керак. Шу ва шунга ўхшаш бошқа омилларга кўра, энди қолган сувни ишлатиб бўлмаса керак, деган фикр туғилгани учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сувни ишлатмоқчи бўлганларида:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен жунуб эдим», деганлар. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Албатта, сув жунуб бўлмайди» деб, ҳукми баён қилганлар. Демак, жунуб одам теккан ёки олиб ишлатганидан қолган сув нопок бўлиб қолмайди.

Баъзи кишилар бу ҳукмни тушунмай, жунуб одам ҳеч нарсага яқин келиб бўлмайди, деб уйлайдилар. Ўзларича турли қийинчиликлар келтириб чиқарадилар. Бундай ишлар тўғри эмаслигини ушбу ривоятдан кўриб турибмиз.

۱۴۹ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ : لَا يَغْتَسِلُ أَحَدُكُمْ فِي الْمَاءِ الدَّائِمِ وَهُوَ جُنُبٌ، فَقَالَ: كَيْفَ يَفْعَلُ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ؟ قَالَ: يَتَنَاوَلُهُ تَنَاوُلًا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

149. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз жунуб ҳолида оқмас сувда ғусл қилмасин», дедилар. Биров:

«Эй Абу Ҳурайра, қандай қилади?» деди. У:

«Ундан қўли билан (ҳовучлаб) олади», деди».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдан оқмас сувга тушиб ғусл қилиш мумкин эмаслиги маълум бўляпти. Чунки жунуб ҳолидаги одам оқмас сув ичида туриб, ғусл қилса, у сувни таҳоратга ва ғуслга ишлатиб бўлмай қолади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шу ҳадисни ривоят қилганларида бир киши:

«Эй Абу Ҳурайра, қандай қилади?» деб сўрабди. Яъни жунуб киши оқмас сувдан ғусл қилмоқчи бўлса, нима қилади, демоқчи. Шунда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу:

«Ундан қўли билан (ҳовучлаб) олади», дебдилар.

Албатта, бу ўша вақтнинг тушунчаси ва шароитидан келиб чиққан гап. Ҳозир ғусл қилмоқчи бўлган кишига турли қулайликлар мавжуд. Ақалли сув оладиган идиши бўлади. Лекин барибир ҳукм ўрганилаверади. Чунки у ҳеч қачон фойдадан холи эмас.

Бу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Оқмас сувда жунуб одамнинг ғул қилиши мумкин эмаслиги (Шариат кўрсатганидан катта оқмас сувлар бундан мустасно).

2. Бир одам маълум ҳукми баён қилгач, савол пайдо бўлиб қолса, сўраш лозимлиги.

3. Оқмас сувда жунуб одам ғул қилса, уни таҳорат ёки ғулга ишлатиб бўлмай қолиши.

4. Жунуб одам оқмас сувдан олиб, бошқа жойда ғул қилмоғи жоиз.

Бу ўринда жунубликни зикр қилишдан мурод, унинг иши қаттиқ бўлганлигидандир. Аслида эса оқмас сувда жунуб бўлмаган одам ҳам ғул қилиши мумкин эмас. Чунки ғул қилиш билан сув ифлосланиши турган гап.

١٥٠ - عَنْ كَبْشَةَ بِنْتِ كَعْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: دَخَلَ أَبُو قَتَادَةَ فَسَكَبْتُ لَهُ وَضُوءًا، فَجَاءَتْ هَرَّةٌ فَشَرِبَتْ مِنْهُ، فَأَصْغَى لَهَا الْإِنَاءَ حَتَّى شَرِبَتْ، فَرَأَى أَنْظُرُ إِلَيْهِ، فَقَالَ: أَتَعْجِبِينَ يَا بِنْتَ أَخِي؟ فَقُلْتُ: نَعَمْ، فَقَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: إِنَّهَا لَيَسْتُ بِنَجَسٍ إِنَّهَا مِنَ الطَّوَافِينَ عَلَيْكُمْ وَالطَّوَافَاتِ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

150. Кабша бинти Каъб розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«У киши айтадилар:

«Абу Қатода (уйимизга) кирди. Унга таҳорат суви қуйиб бердим. Бас, бир мушук келиб, ундан ичди. У эса идишни энгаштириб, унга ичиб олиши учун тутди. Бас, у ўзига назар солаётганимни кўрди ва:

«Эй биродаримнинг қизи, ажабланияпсанми?» деди. Мен:

«Ҳа», дедим. У:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, у (мушук) нажас эмас, у сизларнинг атрофингизда айланиб юрувчилардандир», деганлар, деди».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф Кабша бинти Каъб розияллоҳу анҳодан ривоят қилинмоқда. Аввал у киши билан танишиб олайлик:

Кабша бинти Каъб розияллоҳу анҳо Каъб ибн Молик Ансорий Ҳазражий розияллоҳу анҳунинг қизлари бўладилар. Оталари Каъб розияллоҳу анҳу машҳур саҳобийлардандир. Кабша розияллоҳу анҳо Абдуллоҳ ибн Қатода розияллоҳу анҳуга турмушга чиққан эдилар. У киши ушбу ҳадислари билан машҳурдирлар.

Ривоятда исмлари келган Абу Қатода розияллоҳу анҳу Кабша розияллоҳу анҳога қайната бўладилар. Абу Қатода у кишининг кунялари бўлган, исмлари Ҳарс ибн Робъи Ансорийдирлар. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг отларига қараб юрганлар.

Демак, бу ривоятда келган ҳодиса қайната билан келин орасида бўлиб ўтган. Бу ҳақда Кабша розияллоҳу анҳо қуйидагиларни айтадилар:

«Абу Қатода (уйимизга) кирди. Унга таҳорат суви қуйиб бердим».

Арабларда қайнатам, қайнанам каби сўзлар кам ишлатилади. Улар қайната, қайнаналарига нисбатан кўпроқ уларнинг исми ёки куняларини ишлатишга одатланганлар. Кабша розияллоҳу анҳо ҳам қайнаталарини куняси ила атамоқдалар. Демак, Абу Қатода розияллоҳу анҳу уйга кириб, таҳорат қилмоқчи бўлганлар ва келинлари Кабша розияллоҳу анҳо у кишига таҳорат суви қуйиб берганлар. Бу ўша вақтдаги мўмина-муслима келинларнинг одоб-ахлоқлари, қайнаталарини ҳурмат қилишлари, уларнинг хизматларини қилишларидан далолат беради.

«Бас, бир мушук келиб, ундан ичди. У эса идишни энгаштириб, унга ичиб олиши учун тутди».

Мушук келиб, таҳорат учун тайёрланган сувдан ичмоқчи бўлган. Абу Қатода розияллоҳу анҳу мушукнинг сув ичиши осон бўлиши учун идишни энгаштириб, унга тутган.

«Бас, у унга назар солаётганимни кўрди ва:

«Эй биродаримнинг қизи, ажабланияпсанми?» деди. Мен:

«Ҳа», дедим».

Шу ерда ҳам келиннинг одоби зоҳир бўлмоқда. Кабша бинти Каъб розияллоҳу анҳо қайнаталари таҳорат сувини мушукка тутиб беришини кўриб, ҳозирги баъзи келинларга ўхшаб, бидирлаб кетмадилар. Балки индамай, савол назари билан қараб турдилар. Қайната ўз келини ажабланаётганини англаб:

«Эй биродаримнинг қизи, ажабланияпсанми?» деди. Арабларда шунга ўхшаш **«Эй биродаримнинг ўғли»** истилоҳи ҳам кўп ишлатилади. Одоби келин гапни чўзмай, қисқа қилиб, **«Ҳа», деди.** Бу ажабланишда **«Мушукка таҳорат сувини тутиб бериб, ундан қолган сув билан таҳорат қилса бўлаверадими?»** деган савол бор эди.

Абу Қатода розияллоҳу анҳу нима учун шундай қилганларини қуйидагича баён этиб бердилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, у (мушук) нажас эмас, у сизларнинг атрофингизда айланиб юрувчилардандир», деганлар», деди.

Бу, мушук уй ҳайвони бўлганлиги учун доимо атрофингизда айланиб туради, шунинг учун унинг оғзи теккан нарса нопок бўлиб қолмайди, деганидир.

Бу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Келинларнинг одоби ва қайнаталарига хизмат қилишлари лозимлиги.

2. Бир одамга бошқа одам таҳорат суви тайёрлаб бериши жоизлиги.

3. Одоб юзасидан савол бермай, савол назари билан қараб туриш айниқса келинлар учун яхши экани.

4. Савол назари билан қараб турган кишига жавоб бериш кераклиги.

5. Мушукнинг нажас эмаслиги.

6. Мушук теккан сувда таҳорат қилиш мумкинлиги.

7. Исломнинг мусулмонларга енгиллик яратадиган дин экани.

Шу билан бирга, бу ва бошқа ҳадисларда мушук теккан сув ҳақидаги ривоятлар маълум ҳолатларга асосланганини ва мушук сичқон ҳамда шунга ўхшаш нарсаларни ейиши эътиборидан, уламоларимиз «Мушук теккан сув макруҳ», деганлар. Яъни мушук теккан сувдан бошқа сув бор бўлса, ўша бошқа сувда таҳорат қилган яхшироқ, деганлар.

۱۵۱ - عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَعُودُنِي وَأَنَا مَرِيضٌ لَا أَعْقِلُ، فَتَوَضَّأَ وَصَبَّ عَلَيَّ مِنْ وُضُوئِهِ، فَعَقَلْتُ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، لِمَنِ الْمِيرَاثُ؟ إِنَّمَا يَرِثُنِي كَلَالَةٌ، فَنَزَلَتْ آيَةُ الْفَرَائِضِ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالنَّسَائِيُّ.

151. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«У киши айтадилар:

«Бемор бўлиб, ҳушсиз ётганимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени кўргани келдилар. Бас, таҳорат қилдилар ҳамда таҳорат сувларидан менга сепдилар ва мен ҳушимга келдим. Сўнгра:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мерос кимга тегади? Мендан фақат «калола»гина мерос олади», дедим. Шунда мерос ояти нозил бўлди».

Икки шайх ва Насоий ривоят қилганлар.

Шарҳ: «Калоло» — бу вафот этган кишининг бола-чақаси ва ота-онаси бўлмай, фақат сингилларининг мерос олишидир.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан қилинаётган бу ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мутавозеликлари ва баракалари ҳақида, ҳатто у кишининг таҳоратларидан қолган сувда ҳам хайр-барака борлиги ҳақида сўз бормоқда.

Бемор ҳолда ётган Жобир розияллоҳу анҳуни кўриш учун келишлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан лутфу карам ва ўта мутавозелиқдир. У ерда таҳорат қилиб, қолган сувдан беҳуш ётган Жобир розияллоҳу анҳуга сепганлари ҳам шунга далолат қилади.

Ундан сўнг беҳуш ётган Жобир розияллоҳу анҳунинг ҳушларига келишлари эса у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баракаларидандир. Ҳушига келиши билан диннинг қайғусини қилиб, ўлсам, меросимни ким олиши керак, деб сўрашлари Жобир розияллоҳу анҳунинг ўта тақводорликларидан дарак беради.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Катта ва раҳбар кишиларнинг ўзларига қарашли одамлар бемор бўлганда уларни кўргани боришлари фазилатли экани.

2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таҳоратларидан қолган сув баракали бўлгани.

3. Мусулмон киши ҳатто ўлганидан кейин ҳам биравнинг ҳаққи поймол бўлмаслиги учун тириклигида ҳаракат қилиши лозимлиги.

4. Мерос масаласининг ўта муҳимлиги.

5. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг саволлари Қуръон ояти нозил этилишига сабаб бўлгани.

الباب الثالث في إزالة النجاسة

УЧИНЧИ БОБ

НАЖОСАТНИ КЕТКАЗИШ ҲАҚИДА

وفيه فصلان

ИККИ ФАСЛДАН ИБОРАТ

الأول - في تطهير جلد الميتة والنجاسة الكلبية

БИРИНЧИ ФАСЛ

ЎЛИМТИКНИНГ ТЕРИСИНИ ВА ИТНИНГ НАЖОСАТИНИ ПОКЛАШ ҲАҚИДА

١٥٢- عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ وَجَدَ شاةً مَيْتَةً أُعْطِيَتْهَا مَوْلَاةٌ لِمَيْمُونَةَ مِنَ الصَّدَقَةِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: هَلَّا انْتَفَعْتُمْ بِجِلْدِهَا؟ قَالُوا: إِنَّهَا مَيْتَةٌ، فَقَالَ: إِنَّمَا حَرُمَ أَكْلُهَا. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

152. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маймунанинг озод қилган чўрисиға садақадан берилган қўйнинг ўлигини кўрдилар ва:

«Бунинг терисидан манфаатлансангиз-чи!» дедилар. Улар:

«Бу ўлимтиқдир», дейишди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни ейиш ҳаром қилинди, холос», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу қилаётган бу ривоятда зикр қилинган Маймуна Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари Маймуна бинти Ҳорис онамиздирлар.

У кишининг бир озод қилган чўрилари бор эди. Уша аёлга закотдан тушган қўйлардан бири берилган экан. Мазкур қўй ҳаром ўлиб қолибди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уша ҳаром ўлган қўйнинг ётганини кўриб қолибдилар-да:

«Бунинг терисидан манфаатлансангиз-чи!» дебдилар.

Яъни манфаатланинглар, деганлар. Аммо қўй ҳаром ўлган эди. Ҳаром ўлган ҳайвон эса нажас ҳисобланади. Унинг териси ҳам нажас бўлиши керак. Нажас нарсадан қандай фойдаланиш мумкин?

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан юқоридаги сўзларни эшитган саҳобаларнинг ҳаёлидан шу фикрлар ўтган ва:

«Улар: «Бу ўлимтиқдир», деганлар.

Яъни бу қўй ҳаром ўлган-ку, унинг терисидан қандай фойдаланиб бўлади, деганлар. Шунда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни ейиш ҳаром қилинди, холос», дедилар».

Яъни ҳаром ўлган қўйнинг гўштини емоқ ҳаромдир, аммо унинг терисидан фойдаланса бўлаверади. Ҳаром ўлган ҳайвоннинг терисидан фойдаланиш қайси йўл билан ҳалол бўлиши кейинги ривоятлардан маълум бўлади.

١٥٣ - وَعَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: إِذَا دُبِغَ الْإِهَابُ فَقَدْ طُهِرَ. وَفِي رِوَايَةٍ: أَيُّمَا إِهَابٍ دُبِغَ فَقَدْ طُهِرَ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

153. Яна уша кишидан ривоят қилинади:

«У киши «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-салламнинг «Ошланмаган тери ошланса, батаҳқиқ, пок бўлур», деганларини эшитганман», деганлар».

Бошқа бир ривоятда:

«Қайси бир ошланмаган тери ошланса, батаҳқиқ, пок бўлур», дейилган.

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Демак, тери ошлаш билан пок бўлар экан. Ошлаб, пок қилиб олгандан кейин ундан турли мақсадларда фойдаланса бўлаверади. Фақат одамнинг териси ва асли нажас бўлган чўчқанинг териси бундан истисно қилинган.

١٥٤ - عَنْ ابْنِ وَعْلَةَ السَّبَائِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَأَلْتُ ابْنَ عَبَّاسٍ قُلْتُ: إِنَّا نَكُونُ بِالْمَغْرِبِ، فَيَأْتِينَا الْمَجُوسُ بِالْأَسْقِيَةِ فِيهَا الْمَاءُ وَالْوَدَكُ، فَقَالَ: اشْرَبْ، فَقُلْتُ: أَرَأَيْ تَرَاهُ؟ فَقَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: دَبَاغُهُ طَهُورَةٌ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

154. Ибн Ваъла ас-Сабаийдан ривоят қилинади:

«Мен Ибн Аббосдан:

«Биз мағрибда бўламиз, мажусийлар мешларда сув ва ёғ келтирадилар?» деб сўрадим. У:

«Ичавер», деди. Мен:

«Бу сенинг фикрингчами?» дедим. У:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «У(тери)нинг ошланиши – покланиши», деганларини эшитганман», деди.

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Аввало ровий Ибн Ваъла ас-Сабаий розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик:

Ибн Ваъла куняси билан машҳур бўлган бу зотнинг исмлари Абдуррахмон ибн Ваъла ас-Сабаийдир. Бу зот мисрлик бўлиб, Мисрни фатҳ этишда иштирок этганлар. Ҳадисларни Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умарлардан ривоят қиладилар.

Бу зотдан Зайд ибн Аслам, Яҳё ибн Саъд, Абу Хайр ал-Язний, Жаъфар ибн Робитъа, Қатъқатъ ибн Ҳаким ва бошқалар ривоят қилганлар.

Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу илм-да тенги йўқ саҳобалардан эдилар. У кишига бу борада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари бор эди. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу «Ислом умматининг илм денгизи» лақабини олган эдилар. Шунинг учун ҳам ким у киши билан учрашса, ҳал қила олмай юрган масалаларни сўраб олишга шошилар эди. Ушбу ривоят соҳиби Ибн Ваъла ас-Сабаий ҳам Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳуни кўриб, кўнглида тутиб юрган саволини сўрашга жазм қилди.

«Биз мағрибда бўламиз, мажусийлар мешларда сув ва ёғ келтирадилар?» деди.

Яъни бу гапнинг замирида ўша мешлардаги сувдан ичаверайликми, деган савол бор эди. Чунки мешлар теридан қилинади. Мешни мусулмон ўзи сўйган ҳайвон терисидан қилган бўлса-ку, майли. Аммо ғайридин одамники қандай бўлади, мажусийларники қандай бўлади, деган мулоҳазалар бор эди.

«У: «Ичавер», деди».

Яъни Ибн Аббос Ибн Ваълага ўша мажусийларнинг мешларидаги сувдан ичавер, дедилар. Бу жавобни эшитиб, Ибн Ваъла Ибн Аббосга:

«Бу сенинг фикрингчами?» деди.

Яъни бу гапни ўз миянгдан чиқариб айтяпсанми ёки бирор ҳужжатга асосланибми, демоқчи бўлди.

Шунда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «У(тери)нинг ошланиши – покланиши», деганларини эшитганман», дедилар.

Демак, ғайридин кишилар ошлаган терилар ҳам пок бўлар экан.

Ушбу ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1. Саҳобаларнинг даврида ҳам ғайридин юртларга сафар қилишлар бўлганлиги.

2. Илмли одамни кўрганда иштибоҳли масалани сўраб олиш зарурлиги.

3. Ғайридинлар ошлаган тери ҳам пок бўлиши.

4. Мажусийларнинг идишидан сув ичиб, таом ейиш жоизлиги.

5. Ислом динининг кенглиги.

۱۵۵ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا وَلَغَ الْكَلْبُ فِي إِنَاءٍ أَحَدَكُمْ فَلْيَرْقَهُ، ثُمَّ لْيَغْسِلْهُ سَبْعَ مَرَّارٍ. وَفِي رَوَايَةٍ: أَوْلَاهُنَّ أَوْ إِحْدَاهُنَّ بِالتُّرَابِ. وَفِي أُخْرَى: السَّابِعَةَ بِالتُّرَابِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

155. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлардан бирортангизнинг идишини ит яласа, ундаги нарсани тўкиб юборсин. Сўнгра у (идиш)ни етти марта ювсин», дедилар».

Бошқа бир ривоятда «У(ювиш)лардан биринчиси ёки у(ювиш)лардан биттаси тупроқ билан бўлсин», яна бошқа ривоятда «Еттинчиси тупроқ билан бўлсин», дейилган.

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ит ялаши оқибатида ҳосил бўлган нажосатни кетказиш йўлини ўргатмоқдалар.

«Сизлардан бирортангизнинг идишини ит яласа, ундаги нарсани тўкиб юборсин».

Яъни ит ялаган пайтда идишда нима бўлган бўлса, тўкиб юборсин. Ит ялаши оқибатида ўша нарса нажасга айланиб қолади. Шунинг учун идишнинг эгаси у нарсани тўкиб юбориши шарт.

«Сўнгра у(идиш)ни етти марта ювсин».

Бошқа ҳайвонлардан кўра итнинг нажосати оғирроқ бўлганлиги учун у теккан идишни етти марта ювмаса, кетмайди. Шу билан бирга, ўша етти ювишдан бири тупроқ билан бўлиши шарт: унинг биринчиси, еттинчиси ёки хоҳлаган бирортаси экани

ҳақида турли ривоятлар келган. Энг муҳими, етти марта ювишдан бири тупроқ билан бўлиши керак. Тупроқсиз тоза бўлмайди.

Бу ҳадис Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари эканини илм ҳам тасдиқлади. Ит ифлос ҳайвон бўлиб, доимо турли нажас нарсаларни тановул қилиб юради. Шунинг учун унинг оғзи ва сўлаги турли зарарли микробларга тўла бўлади. Бу ҳадисдан хабар топган чет эллик олимлар идишни атай итга ялатиб, уни катталаштириб кўрсатувчи асбоб (микроскоп) остига қўядилар. Қарасалар, идишда микроблар ғужғон ўйнаётган экан. Сўнгра ўша микробларни йўқотиш учун турли кимёвий моддаларни ишлатиб кўрганлар. Лекин бу фойда бермаган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, тупроқ ишлатганларидан сўнг ҳеч қандай микроб қолмаганининг шоҳиди бўлганлар. Ушбу тажриба ўша олимларнинг иймонга келишлари билан якун топган.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Итнинг нажас экани.
2. Ит ялаган идишнинг ҳам нажас бўлиб қолиши. Бунда ўргатилганми, ўргатилмаганми, фарқи йўқ, ит бўлса кифоя.
3. Нажасга айланган идишни поклаш лозимлиги.
4. Ит ялаган идишни етти марта ювиш, шулардан бир мартаси тупроқ билан бўлиши шартлиги.
5. Баъзи уламолар «Ит нажас бўлганлиги туфайли бошқа нажас нарсалар каби, уни ҳам сотиш ҳаром», деганлар.

Лекин кўпчилик уламолар «Итдан қўриқчилик ва овчилик мақсадларида фойдаланса бўлади. Шунинг учун унинг олди-сотдиси ҳам жоиз», деганлар.

Исломнинг дастлабки даврларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам зинонинг маҳри ва фолбинлик ҳаққи билан қўшиб, итнинг баҳосини ҳам ҳаром қилганлар. Ҳатто итларни ўлдиришга ҳам амр қилганлар. Ўша вақтда итни сотиб, пулидан фойдаланиш ҳам ҳаром бўлган.

Эҳтимол, ўша пайтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам яшаб турган минтақада ит қутуриши ёки шунга ўхшаш жамият учун кўп хатарли вазият пайдо бўлгандир. Ҳозир ҳам баъзи бир минтақаларда шундай ҳолат пайдо бўлганда итларни ўлдиришга фармон берилади.

Кейинчалик итдан маълум мақсадларда, хусусан, ов ва қўриқчиликда фойдаланишга рухсат берилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар итлар ҳам бир уммат бўлмаганида, албатта, уларни ўлдиришга амр қилар эдим», деганлар.

Ҳозирда итдан фойдаланишнинг янги-янги турлари чикди. Илмий тажрибалар ўтказишда, баъзи совуқ минтақаларда қор устида чаналарга қўшиб, юк ташишда, изқуварликда, гиёҳванд моддаларни аниқлаш каби ишларда итлардан фойдаланишни ана шу рухсатга қўшса бўлади.

Бундан бошқа мақсадларда, айниқса ит уриштириш, бола ўрнида ўзи билан олиб юриш ва ҳозирги кунда тарқалган бошқа турли мақсадларда ит боқиш мусулмон одамга мутлақо тўғри келмайди.

Итдан фойдаланишга шариат рухсат берган ўринларда ҳам бунинг алоҳида шарт-шароитлари борки, улар фикҳ китобларида баён қилинган.

Ушбу фаслдан иккита умумий қоида ўргандик.

Бири — терини поклаш уни ошлаш билан бўлиши.

Иккинчиси — ит теккан нарсани поклаш сув ва тупроқ билан бўлиши.

Бу икки нарса инсон учун, унинг соғлиги учун қанчалар фойдали эканини гапирмасак ҳам бўлади.

الفصل الثاني - في تطهير الدم والبول والمذي وغيرها

ИККИНЧИ ФАСЛ

ҚОН, ПЕШОБ, МАЗИЙ ВА БОШҚАЛАРНИ ПОКЛАШ ҲАҚИДА

Изоҳ: Мазий — жинсий аъзодан чиқадиган оқ рангдаги ўта майин суюқлик бўлиб, у одатда жинсий яқинлик ёки шунга яқин ҳаракат бўлганда чиқади.

١٥٦- عَنْ أَسْمَاءَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: جَاءَتْ امْرَأَةً إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَتْ: إِحْدَانَا يُصِيبُ ثَوْبَهَا مِنْ دَمِ الْخَيْضَةِ، كَيْفَ تَصْنَعُ بِهِ؟ قَالَ: تَحْتَهُ ثُمَّ تَقْرُصُهُ بِالْمَاءِ، ثُمَّ تَنْضِجُهُ، ثُمَّ تُصَلِّي فِيهِ.

156. Асмо розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бир аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Баъзи бирларимизнинг кийимига ҳайзнинг қонидан тегиб қолади. Уни қандай қилиши керак?» деди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни ишқаб ташлайди, сўнгра сув билан ишқалайди, кейин эса сув билан ювади. Ана шундан кейин унда намоз ўқийверади», дедилар».

Шарҳ: Асмо бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳодан ривоят қилинаётган бу ҳадисда мусулмон аёлларининг Ислом ҳукмларини ўрганиш борасидаги ҳаракатларидан бир намуна ҳикоя қилинмоқда.

Маълумки, Асмо розияллоҳу анҳо Оиша онамизнинг опалари, яъни, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайнэгалари эдилар. Шунинг

учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оилаларида бошқа аёллардан кўра кўпроқ бўлиб туришлари табиий бир ҳол. Асмо розияллоҳу анҳо ана шундай кунлардан бирида ўзлари шоҳид бўлган бир ҳодисани қуйидагича ҳикоя қиладилар:

«Бир аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Баъзи бирларимизнинг кийимига ҳайзнинг қонидан тегиб қолади. Уни қандай қилиши керак?» деди».

Бу ўша давр учун оддий ҳол эди. Пайғамбаримиздан эркак ва аёллар турли-туман аҳкомларни сўрай-верарди. Чунки ҳеч ким у киши бор жойда бошқа кишидан сўрашга ботина олмас эди. Шу билан бирга, бу ҳукмлар янги баён қилинаётган пайтда уларни у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа ҳеч ким яхши билмас ҳам эди.

Авваллари одамлар нажосат нима, поклик нима, ҳалол нима, ҳаром нима билмас, ундай нарсаларга мутлақо эътибор бермас эдилар. Чунки уларга бундай нарсаларни сўраб-суриштиришни ҳеч ким, ҳеч қандай тузум таклиф қилмас эди.

Бунинг учун иймон керак, Ислом керак эди. Энди иймон ҳам келди, Ислом ҳам келди. Кечагина ҳалол-ҳаромни, пок-нопокни, нажас ва тозани ажратмай юрадиган одамлар ҳалолни истаб, ҳаромдан ҳазар қиладиган, покни хоҳлаб, нопокликдан жирканадиган, нажасдан четланиб, тозаликка интиладиган бўлиб қолдилар. Каттаю кичик ҳар бир нарса Аллоҳнинг шариятига мувофиқ келиши учун ҳаракат қилишга ўтдилар. Мана, улардан бир аёл Расули Акрамнинг олдиларига келиб, аёллар ҳайз кўрганларида кийимига қон тегса, нима қилиши кераклиги ҳақида сўрамоқда.

Бу аёл мазкур қоннинг нажаслигини билади. Кийимига тегса, кийим ҳам покликдан чиқишини билади. Муслима аёлнинг кийимлари доимо пок бўлиши зарурлигини ҳам англаб етган. Лекин ҳайз туфайли кийимига қон тегса, нима қилсин? Ўша кийимни

ташлаб юборсинми? Ёки бутунлай ювсинми? Нима қилсин? Мумина-муслима аёл кийими пок бўлишини истамоқда!

Шунда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам у аёлга бунинг энг осон йўлини кўрсатдилар. У зоти бобаракот:

«Уни ишқаб ташлайди, сўнгра сув билан ишқалайди, кейин эса сув билан ювади, ана шундан кейин унда намоз ўқийверади», дедилар.

Яъни ўша кийимига ҳайз қони теккан аёл ўша жойни қўли билан ишқайди, уни шу йўл билан кийимидан кетказишга уринади. Ундан қолганини эса сув қуйиб туриб, ишқалаб кетказади. Охири кийимнинг ўша қон теккан жойини ювиб ташлайди, дедилар. То қон кетгунча шундай қилади. Сўнгра кийим пок бўлади, унда намоз ўқийвериши мумкин.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Аёл кишининг аёлларга хос масалаларни ўрганишга интилиши зарурлиги.
2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларга хос саволларга ҳам жавоб берганликлари.
3. Ҳайз қони нажосат экани.
4. Нажосат сув билан кетиши.
5. Нажосатни кетгунча ювиш зарурлиги.
6. Ҳайз қони теккан кийимнинг қон теккан жойини тозалаб, унда намоз ўқиш жоизлиги.
7. Исломда энг осон йўл тутилиши.

۱۵۷ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَامَ أَعْرَابِيٌّ فَبَالَ فِي الْمَسْجِدِ فَتَنَّاوَلَهُ النَّاسُ، فَقَالَ لَهُمُ النَّبِيُّ ﷺ: دَعُوهُ، وَهَرِّقُوا عَلَى بَوْلِهِ سَجَلًا مِنْ مَاءٍ أَوْ ذَنْبًا مِنْ مَاءٍ، فَإِنَّمَا بُعِثْتُمْ مُبَسِّرِينَ وَلَمْ تُبْعَثُوا مُعَسِّرِينَ.

157. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. У киши айтадилар:

«Бир аъробий туриб бориб, масжидга бавл қилди. Бас, одамлар уни зажр қилдилар. Набий солаллоҳу алайҳи васаллам уларга:

«Уни ўз ҳолига қўйинглар ва пешоби устига бир челақ сув қўйинглар. Албатта, сиз енгиллаштирувчи қилиб юборилгансизлар, қийинлаштирувчи қилиб эмас», дедилар».

Шарҳ: «Аъробий» деб араб тилида саҳройи арабга айтилади. Улар саҳро шароитида таълим-тарбия кўрмай, шундайлигича вояга етганлар. Шунинг учун уларнинг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари содда ва қўпол бўлган, қишлоқ ва шаҳар одамларидан ажралиб турганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинаётган бу ҳадис жуда ҳам маълум ва машҳур ҳодисадан бир парча. Бу ҳодисани барча ҳадис имомлари турлича ва ҳар хил лафзлар билан ривоят қилганлар. Аслида воқеа қуйидагича бўлган эди:

«Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам масжидда ўлтирган эдилар, бир аъробий кириб келди. Икки рақъат намоз ўқиди. Сўнгра: «Аллоҳим, мени ва Мухаммадни раҳм қилгин. Биз билан бирга бошқани раҳм қилмагин», деб дуо қилди.

Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васаллам:

«Батаҳқиқ, чеклашни кенгайтириб юбординг», дедилар. Кўп ўтмай, у туриб бориб, масжиднинг бир бурчагига бавл қилди. Одамлар шошилиб, унга зугум қила бошладилар. Шунда Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васаллам уларни қайтардилар ва:

«Уни ўз ҳолига қўйинглар ва пешоби устига бир челақ сув қўйинглар. Албатта, сиз енгиллаштирувчи қилиб юборилгансизлар, қийинлаштирувчи қилиб эмас», дедилар.

У зот бир кишига амр қилган эдилар, у бир челақ сув олиб келиб, пешобнинг устига қўйди. Кейин Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васаллам ҳалиги аъробийни чақирдилар ва унга:

«Албатта, масжидларда мана бу пешоб ва ифлос нарсалар дуруст эмас. Масжид фақат Аллоҳнинг зикри, намоз ва Қуръон қироати учун», дедилар.

Кишиларни тарбиялашдаги Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сабрлари, ҳилмлари ва тадбирлари қанчалик экани шунга ўхшаш ҳолларда яққол намоеън бўлади. Барча кишилар у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрнак олишлари керак.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Масжидда намоздан бошқа вақтда ҳам ўтириш жоизлиги.

2. Аъробийнинг тарбиясизлиги (қилган дуоси ва иши бунга далилдир).

3. Пешобнинг нажас экани.

4. Ердаги пешобнинг устига сув қуйиш билан ер тоза бўлиши. (Ўша вақтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидлари ердан иборат бўлиб, ҳеч нарса тўшалмаган эди).

5. Илмсиз одам нотўғри ишни қилиб қўйса, бирдан унга қаттиқ танбеҳ бериш яхши эмаслиги.

6. Илмсиз кишига аста тушунтириш лозимлиги.

7. Ислом уммати ишларни енгиллаштирувчи экани.

8. Ислом уммати ишни қийинлаштирувчи эмаслиги.

9. Масжидларни нажас ва нопок нарсалардан холи тутишнинг вожиблиги.

10. Муҳтож кишига дарҳол амри-маъруф ва наҳий-мункар қилиш зарурлиги.

11. Саҳобаи киромларнинг одамларни мункар ишдан қайтаришга доимо тайёр турганликлари.

12. Икки ёмон ишдан енгиллини, икки яхши ишдан фойдаси кўпроғини олиш кераклиги. (Масжидга бавл қилиш ёмон иш. Аъробийни зажр қилиш ҳам ёмон иш. Аъробийга қўпол муомала қилиш унинг диндан чиқиши билан тугайди. Масжидга бавл қилиш эса пешобнинг устига бир челак сув қуйиш билан тугайди. Шунинг учун бу икки зарардан енгилли ихтиёр қилинди. Масжидни покиза тутиш яхши, фойдали

иш. Масжидга бавл қилган аъробийни уриб, сўкмаслик ҳам фойдали иш. Лекин бу фойдали ишларнинг иккинчисида фойда кўпроқ — аъробий Исломда қолади, тарбия топади. Шунинг учун иккинчиси танланди).

13. Қилинган нотўғри ишларни тезроқ бартараф этишга ҳаракат қилиш. Шунинг учун тезда сув олиб келиб, пешоб устига қуйилди.

Имом Абу Довуд ривоят қилган «Итлар масжидга кириб-чиқиб, бавл қилиб юрар эди. Унинг ҳеч бирига сув қуймас эдилар», деган ҳадисга биноан, ердаги нажосат ҳаво ва қуёш таъсири орқали қуриши билан ҳам ер тоза бўлади. Шунга эътиборан, ернинг пок бўлиши сув билан ва қуриш билан бўлади, дейилади.

Бу ҳадиси шарифдаги таълимотларга амал қилишга ҳозирги кунимизда эҳтиёжимиз кўп. Алҳамдулиллаҳ, масжидларни тоза тутиш борасида камчилик йўқ, десак хато бўлмас. Аммо масжидларда Аллоҳнинг зикрини, Қуръони Карим қироатини кўпроқ қилишга эҳтиёжимиз бор. Айниқса, Ислом ахлоқ ва одобларидан узоқ кишиларни йўлга солишда сабр, мулойимлик ила, эринмай ваъз-насиҳат қилишни ўрганишимиз, ишларни енгиллаштирувчи бўлишимиз лозим.

١٥٨ - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: مَرَّ النَّبِيُّ ﷺ بِقَبْرَيْنِ فَقَالَ: إِنَّهُمَا لَيُعَذَّبَانِ وَمَا يُعَذَّبَانِ فِي كَبِيرٍ، أَمَّا أَحَدُهُمَا فَكَانَ لَا يَسْتَتِرُ مِنَ الْبَوْلِ، وَأَمَّا الْآخَرُ فَكَانَ يَمْشِي بِالنَّمِيمَةِ، ثُمَّ أَخَذَ جَرِيدَةً رَطْبَةً فَشَقَّهَا نِصْفَيْنِ، فَغَرَزَ فِي كُلِّ قَبْرٍ وَاحِدَةً، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، لِمَ فَعَلْتَ هَذَا؟ قَالَ: لَعَلَّهُ يُخَفَّفُ عَنْهُمَا مَا لَمْ يَنْبَسَا.

158. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки қабр ёнидан ўтдилар ва:

«Албатта, икковлари азобланмоқдалар. Улар катта нарсада азобланмаяптилар. Улардан бири пешобидан сақланмас эди. Бошқаси бўлса чақимчилик қилиб юрар эди», дедилар. Сўнгра бир ҳўл шохни олиб, иккига айирдилар ва ҳар бир қабрга биттадан суқиб қўйдилар. Одамлар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, буни нима учун қилдингиз?» дейишди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Шоядки, булар қуригунча икковларидан (азоб) енгиллатилса», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда мусулмон инсон нажас нарсалардан, ҳатто бавл қилганида сачраши мумкин бўлган томчилардан ҳам ўзини жуда эҳтиёт қилиши зарурлиги ҳақида сўз бормоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни саҳобалар билан кетаётиб, иккита қабр ёнидан ўтдилар ва ҳаммага эшиттириб, дедилар:

«Албатта, икковлари азобланмоқдалар».

Яъни ушбу икки қабрда ётган икки одам азобланмоқда.

«Улар катта нарсада азобланмаяптилар».

Яъни икковларининг қабрда азобланишларига сабаб бўлган нарса одамлар назарида катта нарса эмас. Кишилар уларга эътибор бермай, одатланиб қолганлар.

«Улардан бири пешобидан сақланмас эди».

Яъни бавл қилганда ўзига сачраса, бавл қилиб бўлгандан сўнг пешобдан қолса, эътибор бермай кетаверар эди. Қолган пешоб баданига ёки кийимига томадими, иши йўқ эди.

«Бошқаси бўлса чақимчилик қилиб юрар эди».

Яъни одамларнинг гапини бир-бирига ташиб, уларнинг орасида низо чиқишига сабаб бўлар эди.

Дарҳақиқат, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, мазкур икки нарса одамлар

назарида арзимас нарсага ўхшайди. Ҳолбуки, Аллоҳнинг ҳузурида улар жуда ҳам катта гуноҳ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу икки ишга мубтало бўлган икки киши қабрида азоб чекмоқда.

«Сўнгра бир ҳўл шохни олиб, иккига айирдилар ва ҳар бир қабрга биттадан суқиб қўйдилар».

Яъни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги гапларни айтиб бўлганларидан сўнг хурмо дарахтининг ҳўл шохини олиб, иккига бўлиб, қабрларга биттадан суқиб қўйдилар. Бу ишни кўриб турган саҳобалар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, буни нима учун қилдингиз?» дейишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу каби ишларни бир ҳикмат ила қилишларини саҳобаи кромлар яхши билар эдилар. Қабрнинг устига ҳўл шохни суқиб қўйиш биринчи марта бўлаётганидан бу иш нима ҳикмат юзасидан қилинганини тушуна олмай, сўрашди.

«У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Шоядки, булар қуригунча икковларидан (азоб) енгиллатилса», дедилар.

Яъни шоядки, ушбу ҳўл шохлар қуригунча икки қабрдаги азобланаётган икки бандадан азоб енгиллаштирилса, деб айтдилар.

Бу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрда бўлаётган нарсани ҳам билишлари.

2. Қабр азобининг ҳақлиги.

3. Пешобнинг нажас экани.

4. Чақимчиликнинг ҳаромлиги.

5. Пешобдан тўла тозаланмаслик каби гуноҳларга ҳам ўлимдан кейин азоб бўлиши.

6. Баъзи уламолар бу ҳадисни далил қилиб, «Қабрда ҳўл ўсимлик турса, тасбеҳ айтиб туради, қабр эгасига фойдаси етади», деганлар.

Имом Бухорийнинг ривоят қилишларича, саҳобалардан Бурайда ибн ал-Ҳусойн ўз қабрларига хур-

монинг иккита ҳўл шохини суқиб қўйишни васият қилган эканлар.

7. Баъзи уламолар яна шу ҳадисни далил қилиб: «Қабр устида Қуръон тиловати мустаҳабдир, чунки ҳўл шохнинг тасбеҳи туфайли азоб енгиллашганда Қуръон қироати ила енгиллашмайдими?!» деганлар.

8. Баданга ва кийимга теккан нажосатни дарҳол кетказиш лозимлиги.

9. Ўлганларнинг азоби тирикларнинг баъзи амаллари ила бир оз енгиллашиши мумкинлиги.

Бу ҳадиси шарифга доимо амал қилишимиз зарур. Қазои ҳожат вақтида эҳтиётлик билан пухта тозаланиш лозим. Қабр азобига сабаб бўлувчи чақимчиликдан ҳазар қилайлик. Қабр азоби борлигини ўйлайлик, доимо пок бўлишга интилайлик!

١٥٩ - عَنْ أُمِّ قَيْسٍ بِنْتِ مُحْصَنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا؛ أَنَّهَا أَتَتْ بَابَنَ لَهَا صَغِيرٌ لَمْ يَأْكُلِ الطَّعَامَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَأَجْلَسَهُ فِي حَجَرِهِ، فَبَالَ عَلَى ثَوْبِهِ، فَدَعَا بِمَاءٍ فَنَضَحَهُ وَلَمْ يَغْسِلْهُ. وَفِي رِوَايَةٍ: فَلَمْ يَزِدْ عَلَى أَنْ نَضَحَ بِالْمَاءِ. رَوَى هَذِهِ الْأَرْبَعَةَ الْحَمْسَةَ.

159. Умму Қайс бинти Муҳсон розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«У киши ўзининг ҳали таом емаган жажжи ўғлини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб келди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам уни қўйниларига ўтирғиздилар. Бола у зотнинг кийимларига бавл қилиб юборди. Бас, у зот сув опкелтирдилар ва унинг устига сепдилар, ювмадилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Сув сепишдан зиёда иш қилмадилар», дейилган.

Юқоридаги тўрт ҳадисни бешталари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровияси Умму Қайс бинти Миҳсон розияллоҳу анҳо билан танишиб олайлик.

У киши машҳур саҳобий Укоша ибн Миҳсон розияллоҳу анҳунинг сингиллари бўладилар. Умму Қайс кунялари бўлиб, исмлари Омина. Қадимда Исломга кирган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга энг аввал байъат қилган саҳобиялардан.

У киши Маккадан Мадинага ҳижрат қилганлик шарафига ҳам эгалар. Умму Қайс бинти Миҳсон розияллоҳу анҳо узоқ умр кўрганлар.

Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг «Саҳиҳ» китобларида у кишидан йигирма тўртта ҳадис ривоят қилинган.

Ушбу ҳадиси шарифни ўрганар эканмиз, кичкина ўғил бола кийимга бавл қилиб қўйса, нима қилиш кераклиги билан бирга, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мутавозелик, меҳрибонлик, одамохунлик каби юксак инсоний фазилатларга эга эканликларига гувоҳ ҳам бўламиз.

Мадиналик мусулмонлар ўзларининг гўдак болаларини доимо Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига олиб келар эдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам эса уларни қўлларига олар, ўпиб-эркалар, танглайларини кўтарар ва ҳақларига дуо қилар эдилар.

Кунлардан бир куни Умму Қайс бинти Миҳсон розияллоҳу анҳо **«ўзининг ҳали таом емаган жажжи ўғлини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб келди».**

Яъни гўдак онасини эмар эди-ю, ўзи таом ейдиган ёшга етмаган эди. Бу васфни зикр қилишдан мақсад ҳукмнинг қандай бўлишига таъсир қилади. Чунки фақат сут эмаётган ўғил бола билан таом ейдиган ўғил бола орасида фарқ бор. Уларга боғлиқ ҳукм икки хил бўлади.

«У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам уни қўйниларига ўтиргиздилар».

Яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳалиги болани қучоқларига олиб ўтирдилар.

«Бола у зотнинг кийимларига бавл қилиб юборди».

Ҳамма болаларнинг одати каби Умму Қайснинг ўғилчиси ҳам Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кийимларини ҳўл қилиб қўйди.

«Бас, у зот сув опкелтирдилар ва унинг устига сепдилар, ювадилар».

Яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сув олиб келишларини сўрадилар ва сувни олиб, бола бавл қилган жойга сепдилар. У жойни ювиб, сўнгра сиқиб ташламадилар.

Бошқа бир ривоятда **«Сув сепишдан зиёда иш қилмадилар»**, дейилган экан, яъни боланинг пешоби теккан жойга сув қуйиб қўйганлар, холос.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Эмизикли ўғил боланинг бавл қилган жойига сув қуйиш мумкинлиги.

2. Эмизикли бўлмаган боланинг пешоби нажаслиги (баъзи уламолар «нажас эмас», деганлар).

3. Кичик болаларга шафқатли ва меҳрибон бўлиш кераклиги. (Бу ишда мўмин-мусулмонларга сарвари коинот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрнақдирлар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ёш гўдакларни қучоқларига олар, лутф кўрсатар, ўпиб-эркалатар, ҳатто гўдаклардан баъзилари кийимларига бавл қилиб юборса ҳам аччиқланмас эдилар).

4. Ёш гўдакларни тақводор, аҳли фазл ва солиҳ кишиларга олиб бориб, дуоларини олиш яхши экани.

۱۶۰ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: أُنِيَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ

بِصَبِي يَرْضَعُ فَبَالَ فِي حَجْرِهِ، فَدَعَا بِمَاءٍ فَصَبَّهُ عَلَيْهِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

160. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бир эмизикли гўдак келтирилди. У эса қўйниларига бавл қилиб қўйди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам сув опкелтириб, унинг устидан қўйдилар».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Оиша онамиздан қилинаётган бу ривоят олдинги ҳадисга ўхшаб кетади. Ораларидаги нозик фарқ шуки, биринчи ҳадисда «сепдилар» дейилган бўлса, иккинчисида «қўйдилар» дейилмоқда. Албатта, сепиш билан қуйишнинг орасида фарқ бор. Қуйиш умумийроқ бўлиб, ювишга яқиндир.

١٦١ - عَنْ لُبَابَةَ بِنْتِ الْحَارِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ الْحُسَيْنُ فِي حَجَرِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَبَالَ عَلَيْهِ، فَقُلْتُ: الْبَسْ ثَوْبًا وَأَعْطِنِي إِزَارَكَ حَتَّى أَغْسِلَهُ، قَالَ: إِنَّمَا يُغَسَّلُ مِنْ بَوْلِ الْأُنْثَى وَيَنْضَحُ مِنْ بَوْلِ الذَّكَرِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَاحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

161. Лубоба бинти ал-Ҳорис розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади.

«Ҳусайн Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қучоқларида эди, у зотнинг устларига бавл қилиб юборди. Мен:

«Бирор кийим кийиб, менга изорингизни беринг, ювиб берай», дедим.

У зот:

«Қиз боланинг пешобигина ювилади, ўғил боланинг пешобига (сув) сепилса бўлди», дедилар».

Абу Довуд, Аҳмад ва Ҳокимлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровияси Лубоба бинти ал-Ҳорис розияллоҳу анҳо билан яқиндан танишиб олайлик:

Лубоба бинти Ҳорис ибн Ҳазн ал-Ҳилолия фозила аёллардан саналиб, Маккада Хадича бинти Хувайлид розияллоҳу анҳодан сўнг Исломга кирдилар. У

кишининг кунялари Умму Фазл бўлган. Ўзлари Омир қабиласидан бўлиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари ҳазрати Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳунинг хотинлари эдилар. Ҳазрати Аббос болаларининг аксарияти шу Лубоба бинти Ҳорис розияллоҳу анҳодан туғилган. Ҳазрати Аббос розияллоҳу анҳунинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хулқ ва халқ, яъни, ахлоқ ва тузилиш жиҳатидан жуда ҳам ўхшаш ўғиллари Фазл ибн Аббос розияллоҳу анҳу эдилар. Лубоба розияллоҳу анҳонинг бош фарзандлари Фазл ибн Аббос розияллоҳу анҳу бўлганлиги учун Умму Фазл кунясини олганлар. Шу билан бирга, Лубоба бинти Ҳорис розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутаҳҳаралари Маймуна бинти Ҳорис онамизнинг опаларидир. Яъни Лубоба бинти Ҳорис розияллоҳу анҳо Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга қайнэгачи бўладилар. Баъзи ривоятларда келишича, бу опа-сингил Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Ҳадича онамиздан кейин биринчи иймон келтирган аёллар ҳисобланадилар. Фазл учун шунинг ўзи етарли бўлса керак. Бу киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўп ҳадис ривоят қилган саҳобиялардандир.

Лубобадан ўғиллари Абдуллоҳ ибн Аббос, Умайр ибн ал-Ҳорис, Анас ибн Молик, Қобус, ал-Муҳариқ ҳамда Абдуллоҳ ибн ал-Ҳорис ва бошқалар ривоят қилганлар.

Кўриниб турибдики, қариндошлик алоқалари туфайли ҳам Лубоба бинти Ҳорис розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оилаларига тез-тез келиб, у ердаги нарсалардан хабардор бўлиб турганлар. Кўп ҳадис ривоят қилишларининг сабабларидан бири ҳам шу.

Бу ҳадиси шарифда Лубоба бинти Ҳорис розияллоҳу анҳо ўзлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иштирокларида шоҳид бўлган бир ҳодисани ривоят қилмоқдалар:

«Ҳусайн Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қучоқларида эди».

Бу ҳазрати Али ва Фотимаи Заҳроларнинг ўғиллари, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг набиралари Имом Ҳусайндир. Маълумки, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг жажжи набиралари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнларни жуда яхши кўрар эдилар. Уларни масжидга ҳам олиб чиқар, ўтирганларида эркалатиб, қучоқларида олиб ўтирар эдилар. Лубоба бинти Ҳорис розияллоҳу анҳо ўша ҳолатлардан бирини ривоят қилмоқда.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз қучоқларида набиралари Ҳусайн розияллоҳу анҳуни олиб ўтирар эдилар.

«Бас, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг устиларига бавл қилиб юборди».

Яъни кичик Ҳусайн бобоси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қучоқларида туриб, у зотнинг устиларига бавл қилиб юборди.

«Мен: «Бирор кийим кийиб, менга изорингизни беринг, ювиб берай», дедим».

Лубоба бинти Ҳорис розияллоҳу анҳонинг бу гапларидан у кишининг Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган олий даражадаги ҳурматлари кўриниб турибди. Изор — тананинг пастки тарафига кийиладиган кийимдир. Лубоба бинти Ҳорис розияллоҳу анҳо пешоб нажаслигидан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳусайн розияллоҳу анҳунинг пешоби теккан кийимлари — изорларини ювиш лозим бўлди, деб тушунган эдилар. Аммо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Лубоба розияллоҳу анҳонинг тахминлари нотўғри эканини баён қилдилар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиз боланинг пешобигина ювилади, ўғил боланинг пешобига (сув) сепилса бўлди», дедилар.

Бу фарқнинг сабабини уламолар қуйидагича изоҳлайдилар:

Ўғил ва қиз болаларнинг жисмоний тузилишларидаги фарқлар туфайли уларнинг пешоблари ҳам фарқли бўлади. Масалан, пешоб чиқариш аъзоларидаги фарқ туфайли ўғил боланинг пешоби сиқилиб чиқади, қиз боланики эса ундай бўлмайди.

Қиз боланинг пешоби қуюқроқ бўлиб, кийимга тегса, ювмаса кетмайдиган даражада ўрнашиб қолади. Ўғил болаларнинг пешоби эса суюқроқ бўлиб, устидан сув қуйилса, батамом ювилиб кетади.

۱۶۲ - عَنْ أَبِي السَّمْحِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: يُغْسَلُ مِنَ بَوْلِ الْجَارِيَةِ، وَيُرْسُ مِنْ بَوْلِ الْغُلَامِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتَّسَائِيُّ.

162. Абу Самх розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қиз боланинг пешоби (теккан нарса) ювилади. Ўғил боланинг пешоби (теккан нарсага сув) сепилади», дедилар».

Абу Довуд ва Насоийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиснинг ровийси Абу Самх розияллоҳу анҳунинг исмлари Ияд бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хизматларини қилар эдилар. У кишининг айтишларича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғусл қилмоқчи бўлсалар, «Мени тўсиб тур», дер эдилар. У киши орқаларини ўтириб, тўсиб турар эдилар. Бир куни Ҳасан ёки Ҳусайн розияллоҳу анҳумолардан бирлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўксиларига бавл қилиб юборган. Шунда Абу Самх розияллоҳу анҳу ўша жойни ювиб ташламоқчи бўлганларида Расули Акрам ушбу ҳадисни айтганлар.

Уламоларимиз «Қиз боланинг пешоби ювилишига сабаб, унинг пешоби қуюқ бўлиб, теккан жойига ёпишиб қолади, ўғил боланики эса ундай эмас», дейдилар.

۱۶۳ - عَنْ عَلِيٍّ عَلَيْهِ السَّلَامُ قَالَ: يُغَسَّلُ بَوْلُ الْجَارِيَةِ، وَيُنْضَحُ بَوْلُ الْغُلَامِ مَا لَمْ يَطْعَمْ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ هَكَذَا وَالتِّرْمِذِيُّ مَرْفُوعًا.

163. Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Қиз боланинг пешоби ювилади. Таом емайдиган ўғил боланинг пешобига (сув) сепилади», дедилар». Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Али розияллоҳу анҳудан қилинаётган бу ривоятдан оладиган янги маълумотимиз ўғил боланинг пешобини ювмасдан, сув сепишнинг шарти у бола фақат эмадиган, ўзи таом емайдиган бўлиши кераклигидир. Чунки ўзи таом ейдиган ўғил боланинг пешоби ҳам ювилмаса бўлмайдиган ҳолатда бўлиб қолади.

۱۶۴ - وَعَنْهُ قَالَ: كُنْتُ رَجُلًا مَذَّاءً، وَكُنْتُ أَسْتَحِي أَنْ أَسْأَلَ النَّبِيَّ ﷺ لِمَكَانِ ابْنَتِهِ، فَأَمَرْتُ الْمُقَدَّادَ بْنَ الْأَسْوَدِ فَسَأَلَهُ، فَقَالَ: يُغَسَّلُ ذَكَرُهُ وَيَتَوَضَّأُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

164. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Кўп мазийлик одам эдим. Қизларининг истиҳоласи учун Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрашга уялар эдим. Бас, Миқдод ибн Асвадга буюрдим. У у зотдан сўради. Шунда:

«Закарини ювади ва таҳорат қилади», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: «Мазий» — эркак кишининг жинсий аъзосидан жинсий алоқани ўйлаган ёки хотинини қучоқлаган пайтда чиқадиган оқ суюқлик.

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳуда шу ҳолат одатдагидан кўп такрорланиб турар экан. Шунинг учун у киши «Кўп мазийлик одам эдим», демоқдалар. Али розияллоҳу анҳу мазий келгандан кейин нима қилиш-

ни билмай, қийналар эдилар. Бундай ҳолда мусулмон киши дарҳол Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга савол билан мурожаат қилиши керак. Аммо ҳазрати Али бундай қила олмадилар. Бунинг сабабни у кишининг ўзлари қуйидагича баён қиладилар:

«Қизларининг истиҳоласи учун Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрашга уялар эдим».

Яъни Пайғамбаримизнинг қизлари Фотима онамиз ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг хотинлари бўлганлиги учун у киши уялиб, мазий ҳақида сўрай олмаганлар.

«Бас, Миқдод ибн Асвадга буюрдим».

Яъни мазий ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрашни Миқдод ибн Асвадга буюрдим.

«У у зотдан сўради. Шунда:

«Закарини ювади ва таҳорат қилади», дедилар».

Шу билан масала ҳал бўлди.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Эркак киши жинсий алоқани ўйлаганда ва бошқа ҳаракатлар қилганда жинсий олатидан чиқадиган суюқликнинг «мазий» деб аталиши.

2. Эр-хотинликка оид гапларни қайнатага (шу қатори, қайнана ва бошқа яқинларга) айтишдан уялиш зарурлиги.

3. Ўзи сўрашга уялган фатвони бошқа бировга айтиб сўратиш жоизлиги.

4. Мазийнинг нажас экани. Шунинг учун ҳам ҳадисда мазий чиққандан кейин закарни ювишга амр бўлмоқда.

5. Мазий чиққандан кейин таҳоратнинг кетиши ва бузилиши.

6. Мазий чиққандан кейин ғуслнинг вожиб бўлмаслиги.

١٦٥ - عَنْ سَهْلِ بْنِ حُنَيْفٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ أَلْقَى مِنَ الْمَذْيِ

شَدَّةً، وَكُنْتُ أَكْثَرُ مِنْهُ الْاِغْتِسَالُ، فَسَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَنْ ذَلِكَ، فَقَالَ: إِنَّمَا يُجْزئُكَ مِنْ ذَلِكَ الْوُضُوءُ، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَكَيْفَ بِمَا يُصِيبُ ثَوْبِي مِنْهُ؟ قَالَ: يَكْفِيكَ أَنْ تَأْخُذَ كَفًّا مِنْ مَاءٍ فَتَنْضَحَ بِهَا مِنْ ثَوْبِكَ حَيْثُ تَرَى أَنَّهُ أَصَابَهُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

165. Саҳл ибн Ҳунайф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мазийдан қийинчиликка учрар эдим. Унинг сабабидан кўп ғусл қилар эдим. Бас, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламдан бу ҳақда сўрадим.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У нарсадан таҳорат қилсанг, сен учун етарли», дедилар. Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, ундан кийимимга теккани қандай бўлади?» дедим.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир ҳовуч сув олиб туриб, кийимингнинг у теккан жойига сепсанг, кифоя қилади», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Саҳл ибн Ҳунайф розияллоҳу анҳу ҳам мазий туфайли ўз бошларидан ўтган тажрибани сўзлаб бермоқдалар. У кишидан мазий кўп келар экан. Шу билан бирга, мазий келса, ғусл вожиб бўлади, деган тушунча бор экан. Ҳадеб ғусл қилавериб, қийналиб кетибдилар. Охири бориб, бу масалани Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрабдилар, шунда:

«У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У нарсадан таҳорат қилсанг, сен учун етарли», дедилар».

Шунда Саҳл ибн Ҳунайф розияллоҳу анҳу шу масалага боғлиқ яна бир саволни сўрадилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, ундан кийимимга теккани қандай бўлади?» дедилар. Бу саволга жавобан:

«У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир ҳовуч сув олиб туриб, кийимингнинг у теккан жойига сепсанг, кифоя қилади», дедилар».

Яъни мазий кийимингга текканини кўрсанг, ўша теккан жойига устидан сув қуйиб ювсанг бўлди, де-моқчилар.

Бу ҳадисда келаётган янги қўшимча маъно ва ундан олинадиган ҳукм ҳам айнан мана шу охириги жумлададир. Ҳадиснинг аввалги қисми ҳазрати Али-нинг юқоридаги ҳадисларига ўхшаш. Уламоларимиз «Ҳадисда «сепиш» сўзи ишлатилган бўлса ҳам, ундан ювиш кўзда тутилган», дейишган. Демак, мазий на-жосат эканини эътиборга оладиган бўлсак, у теккан жойни ювиш керак бўлади. Бутун бошли кийимни ювишнинг ҳожати йўқ.

١٦٦ - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: أَتَى النَّبِيَّ ﷺ الْغَائِطُ، فَأَمَرَنِي أَنْ آتِيَهُ بِثَلَاثَةِ أَحْجَارٍ، فَوَجَدْتُ حَجَرَيْنِ وَالتَّمَسْتُ الثَّلَاثَ فَلَمْ أَجِدْهُ، فَأَخَذْتُ رَوْثَةً فَأَتَيْتُهُ بِهَا، فَأَخَذَ الْحَجَرَيْنِ وَالْقَى الرَّوْثَةَ، وَقَالَ: هَذَا رَكْسٌ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

166. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қазои ҳожат қиладиган жойга келдилар-да, менга учта тош олиб келишимни амр қилдилар. Бас, мен иккита тош топдим ва учинчисини ахтариб, топа олмадим. Сўнгра бир тезак олиб, уни у зотга келтирдим. Бас, у зот икки тошни олдилар ва тезакни отиб юбордилар ва: «Бу – чиқинди», дедилар».

Бухорий, Термизий ва Насоий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинаётган бу ҳадисда инсон қазои ҳожат қилганидан кейин баданига теккан нажосатдан қандай тозаланиши ҳақида сўз бормоқда. Шунинг учун ҳам бу ҳадис қон, пешоб, мазий ва бошқаларни пок-лаш бобида келтирилмоқда.

Ушбу ҳадиси шариф ва кейинги бобларда келади-
ган ҳадислар Ислоҳ дини инсон ҳаётидаги ҳамма ма-
салаларни, ҳатто энг кичик ва нозик нарсаларни ҳам
қўймай, мукамал баён қилиб берганига ёрқин далил-
дир. Уларда инсон қазои ҳоҷат қилганда нима қили-
ши, ўзини қандай тутиши, қандай қилиб тозаланиши
кераклиги тушунтириб берилганининг гувоҳи бўламиз.
Шу билан бирга, бу ҳадисда Пайғамбаримиз соллалло-
ҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларида ҳеч бир аниқ бўл-
маган нуқта йўқлиги ҳам кўринмоқда. У зот соллал-
лоҳу алайҳи васалламнинг ҳатто халодаги ҳолатлари,
қилган ишлари ҳам тўлалигича ўрганилган.

Мана, у зотнинг саҳобаларидан бири ўз иштирок-
ларида бўлиб ўтган бир ишни ҳикоя қилмоқда. Расу-
ли Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам қазои ҳоҷат
қилмоқчи бўлиб, жой танлабдилар. У зот алайҳисса-
лом Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан учта
тош келтиришни сўрабдилар. У киши иккита тошни
топиб, учинчисини топа олмабдилар ва бу ҳам бў-
лаверса керак, деб ўрнига эшакнинг тезагини олиб
келибдилар (баъзи ривоятларда тезак эшакники бўл-
ганлиги айтилган). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-
саллам иккита тошни олибдилар, тезакни эса ташлаб
юбориб:

«Бу – чиқинди», дебдилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Қазои ҳоҷат учун ўнғай жой топиш зарурлиги.
2. Қазои ҳоҷатга тайёрланаётиб, ўзга кишидан
тош олиб келиш ва шунга ўхшаш ишларда ёрдам сў-
раш мумкинлиги.
3. Қазои ҳоҷатдан кейин тозаланишда тош ишла-
тиш мумкинлиги.
4. Ҳайвон чиқиндиси ила тозаланиб бўлмаслиги.
5. Ҳайвонларнинг чиқиндиси нажас экани.

Бунга ўхшаш масалалар «хало одоблари» бобида
батафсил ўрганилади. Ушбу бобимизга тегишли маъ-
лумот эса тош билан бадандаги нажосатни кетказиш
мумкинлигидир.

۱۶۷ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كُنْتُ أَغْسِلُ الْجَنَابَةَ مِنْ ثَوْبِ النَّبِيِّ ﷺ، فَيَخْرُجُ إِلَى الصَّلَاةِ وَإِنَّ بُقْعَ الْمَاءِ فِي ثَوْبِهِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

167. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Мен жунублик асарини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кийимларидан ювиб қўяр эдим. У зот намозга кийимларидаги сувнинг ҳўли билан чиқар эдилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Оиша онамизнинг «жунубликнинг асари-ни» деганлари, манийнинг асари, деганидир. Чунки инсондан маний чиққанда жунуб бўлади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Кийимга маний тегса, ювиб ташлаш зарурлиги.
2. Аёл киши эрининг кийим-бошларини ювиб, тузатиб бориши кераклиги.
3. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мутаваозе эканликлари.
4. Кийимнинг ҳўли билан намозга чиқиш мумкинлиги.
5. Маний нажосат экани.

۱۶۸ - وَعَنْهَا قَالَتْ: لَقَدْ رَأَيْتُنِي أَفْرُكُ الْمَنِيَّ مِنْ ثَوْبِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَرَكًا فَيَصْلِي فِيهِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

168. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кийимларидан манийни яхшилаб уқалаб ташлар эдим. У зот ўша кийимда намоз ўқир эдилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бу ҳадисда маний кийимда қуриб қолса, уни уқалаб ташлаш билан кийим тоза бўлиши ҳақида сўз

бормокда. Имом Аҳмад ва Имом Шофеъийлар ушбу ҳадисга асосланиб, «Маний нажас эмас», деганлар.

١٦٩ - عَنْ مَيْمُونَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ سُئِلَ عَنْ فَاةٍ سَقَطَتْ فِي سَمْنٍ، فَقَالَ: أَلْقُوهَا وَمَا حَوْلَهَا، وَكُلُوا سَمْنَكُمْ. وَفِي رَوَايَةٍ: إِذَا وَقَعَتِ الْفَاةُ فِي السَّمْنِ فَإِنْ كَانَ جَامِدًا فَأَلْقُوهَا وَمَا حَوْلَهَا، وَإِنْ كَانَ مَائِعًا فَلَا تَقْرُبُوهُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمًا.

169. Маймуна розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламдан ёққа тушган сичқон ҳақида сўралди. У зот соллаллоху алайҳи васаллам:

«Уни ва атрофидаги(ёғ)ни олиб ташланг-да, ёғингизни еяверинг», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Сичқон ёққа тушиб қолса, агар у қотган бўлса, у(сичқон)ни ва атрофидаги(ёғ)ни олиб ташланг. Агар у суюқ бўлса, бас, унга яқинлашманг», дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Шарҳ: Аввало, ҳадиснинг ровияси Маймуна она-мизнинг таржимаи ҳоллари билан танишиб олайлик:

Мўминларнинг онаси Маймуна бинти Ҳорис ибн Ҳазн ал-Ҳилолия.

Бу фозила аёл жоҳилият даврида Масъуд ибн Амр ибн Умайр Сақафий билан турмуш қурган эдилар. Сўнг у кишидан ажрашиб кетдилар ва Абу Руҳм ибн Абдул-изза ибн Абу Қайсга турмушга чиқдилар. Кўп ўтмай, Абу Руҳм вафот этиб, ҳазрати Маймуна бева қолдилар.

Набий алайҳиссалом Маккани фатҳ қилганларидан Маймуна ниҳоятда хурсанд эдилар. Бир куни опалари Умму Фазлга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга бўлган чексиз муҳаббатлари ҳақида сўзладилар. Улар Ҳадича онамиздан сўнг Исломни қабул қилган аёллар эдилар. Умму Фазл Аббосга:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бориб, «Маймуна сизга қўлини беряпти», деб айтинг», дедилар. Аббос бундай совчилик қилишга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан тортиниб, ўзлари бормай, акаларининг ўғлини юбордилар. Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маймуна онамизга тўрт юз (беш юз, деганлар ҳам бор) дирҳам маҳр бериб, уйландилар. Бу иш еттинчи ҳижрий санада содир бўлди.

Маймуна онамиз Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг охириги уйланган аёллари эдилар.

Ибн Шиҳоб айтадилар: «Маймуна онамиз ўзларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳиба қилган эдилар. Шунингдек, Қатода ҳам «Аллоҳ таоло Маймуна ҳақида «Мўмина аёл ўзини Пайғамбарга ҳиба қилди» деган ояти каримани нозил қилди», дейдилар.

Ҳазрати Маймуна Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан 76та ҳадиси шариф ривоят қилдилар. Шулардан биттасига Имом Бухорий ва бештасига Имом Муслим якка ҳолда, еттитасига биргаликда иттифоқ қилишди. Маймуна онамиздан опа-сингилларининг ўғиллари: Абдуллоҳ ибн Аббос, Язийд ибн Мадад ибн ал-Ҳад, Абдурраҳмон ибн ас-Саиб ал-Халамий, Язийд ибн ал-Асом ва Убайдуллоҳ ал-Жавланий, Сулаймон ибн Ясар, Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Маъбад, Кариб Мавлии ибн Аббос, Убайда ибн ас-Сибоқ ва Олия бинти Собиъ ва бошқалар ривоят қилганлар.

Маймуна онамизнинг вафот этган йиллари тўғрисида ихтилоф бор. Ибн Саъд ва ал-Ҳакимнинг айтишларига қараганда, у киши вафот этганларида ёшлари саксон бирда эди.

Бу ҳадиси шарифдан олинадиган ҳукм ҳадиснинг ўзида очиқ-ойдин айтилмоқда:

1. Агар сичқон қаттиқ ёққа тушса, сичқоннинг ўзи ва ёғдан у теккан жой атрофи билан олиб ташланади. Қолган ёғни еса бўлаверади.

2. Агар сичқон суюқ ёққа тушса, ҳаммасини ҳаром қилади. У ёғни ейиш учун яқин ҳам келиб бўлмайди. Сичқонга бошқа унга ўхшаш ҳайвонлар ҳам қиёс қилинади. Шунингдек, ёққа бошқа унга ўхшаш асал, сув каби нарсалар ҳам қиёс қилинади.

۱۷۰ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا وَقَعَ الذُّبَابُ فِي إِنَاءٍ أَحَدُكُمْ فَلْيَغْمِسْهُ كُلَّهُ ثُمَّ لِيَطْرَحْهُ؛ فَإِنَّ فِي أَحَدٍ جَنَاحَيْهِ شِفَاءً وَفِي الْآخَرِ دَاءٌ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ، وَزَادَ: وَإِنَّهُ يَتَّقِي بِجَنَاحِهِ الَّذِي فِيهِ الدَّاءُ.

170. Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачонки бирортангизнинг идишига пашша тушиб қолса, унинг ҳаммасини суюқликка ботирсин, сўнгра ташлаб юборсин. Чунки унинг икки қанотининг бирида шифо, бошқасида дард бор», дедилар».

Бухорий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Абу Довуд:

«Ва албатта, у (пашша) дард бор қаноти ила ҳимояланади»ни зиёда қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сиз билан биз — умматларига идишимиздаги суюқликка пашша тушиб қолса, қандай тасарруф қилишимиз ҳақида маслаҳат бермоқдалар.

Бу маслаҳатга биноан, идишдаги суюқликка тушган пашшанинг суюқликка тушмай қолган томонини ҳам ботириб туриб, сўнгра олиб ташлаш керак экан.

Бу сиртдан қараганда гаройиб туюлади. Пашша ва унга ўхшаш ҳашаротлар таомга тушганда иложи борича уни ўша нарсага кам теккизишга ҳаракат қилиш мантиққа тўғрига ўхшайди.

Бу ҳадис билан танишувчи ҳар бир инсонда шу каби фикр пайдо бўлишини эътиборга олган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги гапни нима учун айтганларини шарҳлаб:

«Чунки унинг икки қанотининг бирида шифо, бошқасида дард бор», дедилар».

Имом Абу Довуд келтирган ривоятда эса:

«Ва албатта, у (пашша) дард бор қаноти ила ҳимояланади» деб, пашша бирор суюқликка тушиб, хатарга йўлиққанда ўзини сақлаш учун дард бор қанотини хатар томонга тўғрилашини баён қилдилар.

Демак, ҳар бир пашша таомга тушганда, албатта зарарли қаноти билан тушар экан. Мазкур зарарни даф қилиш учун унинг шифоли қанотини ҳам таомга ботириш керак экан.

Бу ҳадиси шарифга нисбатан одамларнинг муносабати тарих давомида ўзгариб келган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида саҳобаи киромлар ўз одатлари бўйича бу ҳадиси шарифни эшитишлари билан дарҳол «Эшитдик ва бўйсундик», деб амал қилиб кетаверишган.

Кейинчалик ҳадиси шарифларни чуқур ўрганган ва улардан турли ҳукмларни чиқарган уламоларимиз эса «Бировнинг идишига пашша тушиб қолса, уни аввал ботириб, кейин олиб ташлаши керак», деб айтганлар ва ёзганлар.

Ундан сўнг асрлар ўтиб, баъзи бир чала олимлар пайдо бўлиб, пашшани таом ёки ичимликка ботириб олиш илмга тўғри келмайди, пашшада турли микроблар бўлади, у суюқликка қанча кўп ботса, микроблари шунчалик кўп тўкилади, дея бонг урдилар. Бу фикрни баъзилар Исломни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни қолоқликда, жоҳилликда айблаш учун ишлатдилар.

Баъзи бир Исломни ўзича «ҳимоя» қилмоқчи бўлганлар эса ушбу ҳадисни тўғри эмас, заиф ҳадис, деб эълон қилишга шошилдилар.

Лекин илм ривожланиши билан ҳамма нарса ўз ўрнига тушди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи

васаллам жоҳил эмас, олим эканлар. Олим бўлганларида ҳам, муъжиза гапларни айтадиган олим эканлар. Бу ҳадиси шариф саҳиҳ экан. Саҳиҳ бўлганда ҳам, Имом Бухорий ривоят қилган саҳиҳ ҳадис экан.

Турли ҳашаротларнинг, жумладан, пашшанинг ҳам тузилиши, таркиблари чуқур ўрганилди. Уларнинг баъзиларида ҳам дард, ҳам шифо мавжуд экани аниқланди. Уларнинг дард бор жойи инсонга тегса, ачишиб оғриши, қичиши, қизариб ёки кўкариб, шишиб чиқиши, ҳасосия (аллергия) ва бошқа каттароқ офатларга ҳам сабаб бўлиши аниқланди. Шу билан бирга, ўша ҳашаротлар ўзлари билан турли касалликларнинг микробларини ташишлари ҳам равшан бўлди. Яна ўша зарари бор ҳашаротларнинг баъзиларида шифо, яъни фойдали хусусиятлар ҳам борлиги аён бўлди. Мисол учун, асалари ҳам чақади, ҳам асал беради. Энг қизиги, ҳамма ҳашаротларда ҳам ўзини ҳимоя қилиш сезгиси, воситаси бор экан. Улар ўзларига нисбатан хавф-хатарни сезганда ўша воситани ишга солар эканлар. Шунинг учун ҳам кўпчилик ҳашаротларни билмай, босиб олсак, дарҳол чақиб олар экан. Бу туйғу уларда табиий бўлиб, хавф-хатар пайдо бўлганда ўз-ўзидан ишга тушар экан.

Ҳайвонот оламини яхши ўрганган олимларнинг таъкидлашларича, бу ҳадисда пашша ҳақида келган гап ҳақ экан. Пашшада заҳарлаш қуввати бор экан. Агар пашша бирор жойга қулайдиган бўлса, ўзини ҳимоялашга уриниб, заҳарли қаноти ила қулар экан. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг зарарини кесиш мақсадида суюқликка иккинчи, шифоли қанотини ботириб олишни маслаҳат берган эканлар.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, ҳадисда пашшани ботириб, олиб ташлаш айтилган, холос. У тушган ичимлик ёки таомни тановул қилиш амр қилинмаган. Кўнгли тортган тановул қилсин, кўнгли тортмаган қилмасин. Бу ерда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам пашшанинг зарарини қан-

дай қилиб йўқотиш ва ҳалол нарсани зое қилмаслик маслаҳатини берганлар, холос. Бу нарсани яхшилаб тушуниб олиш, мўмин-мусулмон киши бундай саҳиҳ ҳадис ила собит бўлган нарсага эътироз қилмаслиги керак. Агар у бунга ўхшаш нарсаларни тўғри тушуниб етса, жуда яхши. Агар тушуна олмаса, мен тушуна олмаяпман, илмим етмаяпти, деб одоб сақлаши зарур. Дарҳол эътироз билдиришга шошилмаслиги керак. Чунки мазкур нарсани у билмаса, бошқалар билади, бугун билинмаса, эртага ёки юз йил, минг йил ўтгандан кейин билинади. Кўпгина оят ва ҳадисларнинг сир-асрорлари асрлар ўтиб, илм ривожланиши билан кашф бўлмоқда.

۱۷۱ - وَجَاءَتْ امْرَأَةٌ تَسْأَلُ أُمَّ سَلَمَةَ زَوْجَ النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَتْ: إِنِّي امْرَأَةٌ أُطِيلُ ذَيْلِي وَأَمْشِي فِي الْمَكَانِ الْقَدَرِ. فَقَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: يُطَهِّرُهُ مَا بَعْدَهُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَمَالِكٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

171. «Бир аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари Умму Саламага савол ила келиб: «Албатта, мен этагимни узун қилиб юрувчи аёлман. Нопок жойларда (ҳам) юраман», деди. Умму Салама:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У(этак)ни кейин келган (пок ер) поклайди», деганлар», деди».

Абу Довуд, Молик ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳадиснинг ровияси Умму Салама онамизнинг таржимаи ҳоллари билан танишиб олайлик:

Умму Салама онамизнинг асл исмлари Ҳинд эди. Биринчи турмуш ўртоқлари Абдуллоҳ ибн Абдулсад ҳам Абу Салама кунyasi билан машҳур эдилар. Улар бир вақтда мусулмон бўлишган, Ҳабашистонга ҳам бирга ҳижрат қилишган ва ўғиллари Салама ўша ерда туғилган эди. Ҳабашистондан Маккага қайтгач, Умму

Саламалар оиласи Маккадан Мадинага ҳижрат қилди.

Абу Салама жуда жасур саҳобалардан эди. Бадр ва Уҳуд ғазотларида иштирок этган. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Саламани жуда яхши кўрар эдилар. Ўлаётганида бошида бўлдилар. Сўнги дақиқаларда унга тасалли бердилар. Ўз қўллари билан кўзини ёпиб қўйдилар. Унинг жаноза намозини тўққиз такбир билан ўқидилар. Ҳамма янглишиб, ошиқча такбир айтдилармикан, деб ўйлади. Шунда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Саламанинг минг такбирга ҳам лойиқ инсон эканини айтдилар.

Абу Саламанинг вафоти асносида завжаси ҳомиладор эди. Умму Салама боласини туғди. Идда муддати ўтди ҳам. Лекин у завжи Абу Саламанинг вафотидан кейин жуда ёмон аҳволга тушиб қолган эди. Расули Акрам Абу Саламанинг ўлиmidан роппа-роса тўрт ой кейин Умму Саламага ўйланиш ҳақидаги таклифларини маълум қилдилар. Умму Салама аввалига:

«Менинг ёшим ўтган. Расули Акрам мендан не саодат топадилар?! Устига устак, бир ўғлим, бир неча қизим бор. Мижозим ҳам жуда қизғанчиқдир (рашкчиман)», дея тараддудини баён қилди. Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам буларнинг ҳаммасига рози эканликларини билдирдилар. Умму Саламани никоҳлаб, ҳимояларига олдилар. Унга тасалли бердилар. Ўшанда ҳижратнинг тўртинчи йили эди.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳамма завжалари ичида энг охириги вафот этгани ҳазрати Умму Салама онамиз эканликлари ҳақида сийрат ёзувчилари яқдил фикрдалар. Умму Салама розияллоҳу анҳо ҳижратнинг элик тўққизинчи санасида, саксон тўрт ёшларида вафот этдилар. Мадинада, Бақиъ қабристонига дафн қилиндилар.

Бу ҳадиси шарифдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари — оналаримиз розияллоҳу анҳумоларнинг Ислом жамиятида муҳим ўрин тутганликларининг бир қиррасини англаб оламиз.

Ҳар бир жамият ҳам икки қисм — аёллар ва эркаклар қисмига бўлинади. Ушбу икки қисм ҳам ўзига яраша билимли бўлиши керак. Айниқса, шариатнинг аёлларга хос ҳукмларини аёлларга эркак кишидан кўра аёл киши ургатгани яхши. Бунинг устига, ўша вақтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ўзлари икки томонга баробар қарашга вақт топишлари ҳам қийин эди. Шунинг учун ҳам аёлларга таълим бериш, уларнинг саволларига жавоб бериш масъулиятининг бир қисми оналаримизга юклатилган эди. Уларнинг истисно тариқасида саноқлари тўққизтага етишининг ҳикматларидан бири ҳам шунда! Ҳадисдан кўриб турибмизки:

«Бир аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари Умму Саламага савол ила келиб:

«Албатта, мен этагимни узун қилиб юрувчи аёлман. Нопок жойларда (ҳам) юраман», деди».

Ушбу аёлнинг исмлари Ҳамида бўлиб, Иброҳим ибн Абдурраҳмон ибн Авфнинг ундан фарзанд кўргани учун озод қилган чўриси эди.

Маълумки, Исломда аёл кишининг узун этакли кийим кийиши матлубдир. Шу билан бирга, ўша узун этакларини ифлос қилмасликлари ҳам матлуб. Аммо баъзи ҳолларда Ҳамида розияллоҳу анҳога ўхшаб, хизмат юзасидан ёки бошқа сабаблар билан нопок жойлардан ҳам ўтишлари мумкин. Ана шунда кийимлари нопок бўлса, нима қилишлари керак? Ҳамида розияллоҳу анҳонинг Умму Салама онамизга айтган сўзлари ана шу маънода эди. У киши эса бу саволга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган ҳадислари ила жавоб қилдилар:

«Умму Салама:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У(этак)ни кейин келган (пок ер) поклайди», деганлар».

Яъни узунлиги сабабли ердаги нопокликларга теккан этакни кейин келган пок ер тозалайди, деган эканлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Аёл кишиларнинг олима аёллардан исломий ҳукмларни ўрганишлари лозимлиги.

2. Муслима аёлларнинг узун этакли кўйлак кийишлари матлублиги.

3. Этаги ерга тегадиган кўйлак билан нопок жойлардан кейин пок жойдан ўтса, пок бўлиб қолиши (албатта, маълум нажосат бўлмаса).

Уламоларимиз «Бу ҳукм фақат аёлларга хос», деганлар. Эркакларга тааллуқли жойи йўқ, чунки эркаклар ерга тегмайдиган кийим кийишлари керак.

۱۷۲ - وَقَالَتْ امْرَأَةٌ مِنْ بَنِي عَبْدِ الْأَشْهَلِ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّا لَنَا طَرِيقًا إِلَى الْمَسْجِدِ مُتَنَتَةً، فَكَيْفَ نَفْعَلُ إِذَا مُطَرْنَا؟ قَالَ: أَلَيْسَ بَعْدَهَا طَرِيقٌ هِيَ أَطْيَبُ مِنْهَا؟ قُلْتُ: بَلَى، قَالَ: فَهَذِهِ بِهَذِهِ.

172. Бану Абдул Ашҳаллик бир аёл деди:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бизнинг масжидга борадиган йўлимиз сассиқ. Бас, ёмғирда қолсак, қандай қиламиз?»

«Ўшандан кейин ундан покроқ йўл йўқми?» дедилар.

«Бор», дедим. У зот:

«Ана ўша буниси билан (суришиб кетади)», дедилар».

Шарҳ: Бу ҳадисда мусулмонларнинг, хусусан, муслима аёлларнинг покликка қанчалар эътибор беришларини кўрмоқдамиз. Улар бундан ўн тўрт аср олдин ҳам ҳатто ёмғир ёққанда кўчада кийимларига сачраши мумкин бўлган лойдан эҳтиёт бўлишга уринганлар.

Бану Абдул Ашҳал қабиласига мансуб бўлган бир саҳобия Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат қилиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бизнинг масжидга борадиган йўлимиз сассиқ. Бас, ёмғирда қолсак, қандай қиламиз?» деди.

Демак, ўша савол берган аёлнинг уйидан масжидгача бўлган йўл тоза эмас, агар ёмғир ёғиб қолса, юриш қийинлашиб, йўлда кийимларга нопоклик аралаш лой сув сачраши мумкин экан.

Шундай ҳолат содир бўлса, мусулмон кишининг кийими нима бўлади? Ундай кийимни ювиш керакми? Ёки бошқа йўл борми? Бу саволга жавоб беришдан олдин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам савол берган аёлнинг ўзига:

«Ўшандан кейин ундан покроқ йўл йўқми?» дедилар. Яъни ўша сассиқ — нопок йўлдан кейин ундан кўра тозароқ йўл йўқми, деган эдилар, у аёл:

«Бор», деди.

Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ана ўша буниси билан суришиб кетади», дедилар. Яъни ифлос йўлда теккан нопок нарсалар тоза йўлдаги пок ерга тегиб, покланиб қолади.

Уламоларимиз ушбу ҳадиси шарифдан келиб чиқиб, «Кўчанинг лойи кийимга сачраса, узрли, фақат айнан нажас нарса тегмаса бўлди», деганлар. Бу борада Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга йўлдан теккан нарса учун таҳорат қилмас эдик», деганлар.

Бу ҳам Ислом дини енгиллик тарафдори эканининг далилидир.

۱۷۳ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا وَطِئَ أَحَدُكُمْ بَنَعْلِهِ الْأَذَى فَإِنَّ التُّرَابَ لَهُ طَهُورٌ. وَفِي رِوَايَةٍ: إِذَا وَطِئَ الْأَذَى بَخْفِيهِ فَطَهُورُهُمَا التُّرَابُ.

173. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз кавуши билан нопок нарсани босса, албатта, тупроқ унинг покловчисидир», дедилар».

Бошқа бир ривоятга:

«Маҳсилари билан нопок нарсани босса, уларнинг покловчиси тупроқдир», дейилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда оёқ кийимларини қай йўсинда поклаш лозимлиги баён қилинмоқда. Оёқ кийими ила нопок нарса босилса, уни кейин босилган тоза тупроқ тозалайди. Агар ўша оёқ кийимида аниқ нажосат аломати бўлмаса, албатта. Бори ҳам ерга ишқалаш билан тоза бўлади.

۱۷۴- عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا جَاءَ أَحَدُكُمْ إِلَى الْمَسْجِدِ فَلْيَنْظُرْ فَإِنْ رَأَى فِي نَعْلَيْهِ قَذْرًا أَوْ أَدَى فَلْيَمْسَحْهُ وَلْيُصَلِّ فِيهِمَا. رَوَى الثَّلَاثَةُ أَبُو دَاوُدَ. وَاللَّهُ أَعْلَمُ.

174. Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз масжидга келса, назар солсин. Агар кавушларида нопок ёки ифлос нарса кўрса, уни (ерга) артиб ташласин ва кавушлари ила намоз ўқийверсин», дедилар».

Учала ҳадисни Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шариф ҳам олдингисининг маъносини таъкидламоқда.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга киришдан олдин оёқ кийимига қараш лозимлигини уқдирмоқдалар. Агар оёқ кийимида нопоклик бўлса, уни тупроққа ишқалаб, артиб ташлаш зарур экан. Шу билан бирга, оёқ кийимини ечмай намоз ўқиш мумкин экан. Бу ҳам бўлса, Ислом шариатининг кишиларга осонлик туғдиришга ҳарис эканини кўрсатади.

الباب الرابع

ТҮРТИНЧИ БОБ

في الاستنجاء

ИСТИНЖО ҲАҚИДА

وفيه فصلان

ИККИ ФАСЛДАН ИБОРАТ

Изоҳ: «Истинжо» деб инсоннинг икки чиқарув аъзосини пешоб ва ахлатдан тозалашга айтилади.

الأول في آداب الخلاء

БИРИНЧИ ФАСЛ

ХАЛО ОДОБЛАРИ ҲАҚИДА

Изоҳ: «Хало» деганда қазои ҳожат тушунилади. Инсон қазои ҳожат қилаётганида холи қолади. Шунинг учун у хало дейилади.

۱۷۵ - عَنْ الْمُغِيرَةِ بْنِ شُعْبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ كَانَ إِذَا ذَهَبَ الْمَذْهَبَ أَبْعَدَ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

175. Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анҳу:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бориш жойига (қазои ҳожатга) борадиган бўлсалар, узоқлашар эдилар», деганлар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик:

Муғийра ибн Шуъбанинг кунялари Абу Абдуллоҳдир. Бу саҳоба олдинига Исломга қарши бўлиб, кейинчалик Хандақ йили Исломни қабул қиладилар ва Ҳудайбия ғазотида иштирок этадилар.

Бу зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳаммаси бўлиб 136та ҳадис ривоят қилдилар.

Умар ибн Хаттоб халифалик даврларида Муғийрани Басрага ҳоким қилиб тайинладилар. Сўнг бу амалдан бўшатиб, Куфага амирлик курсисига ўтказдилар.

Усмон ибн Аффон халифалик даврларида ҳам Муғийрани Куфа амирлигида қолдирдилар.

Кейинчалик бу ишдан бўшаб, Ямома, Ярмук ғазотлари ва Шом, Ҳамадон, Наҳованд фатҳларида иштирок этдилар. Муовия даврида яна қайта Куфа амирлигига ўтирдилар.

Бу зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳаммаси бўлиб 136та ҳадис ривоят қилдилар.

Бу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қазои ҳожатдаги одатлари ривоят қилинмоқда. У киши қачон қазои ҳожат қилмоқчи бўлсалар, иложи борица одамлардан узоқлашиб кетар эканлар.

Маълумки, ўша пайтларда дунёнинг ҳеч қаерида қазои ҳожат учун қурилган алоҳида жойлар, белгиланган одоб ёки тартиб бўлмаган. Бундай нарсалар дунё тарихида биринчи бўлиб мусулмон жамиятида тартибга солина бошлаган. Бу бобда ўрганадиган баъзи ҳадисларимиз шу борадаги биринчи қадамлар ҳисобланади.

Демак, халонинг одобларидан бири — агар очик жойда бўлса, иложи борица узоқроқ жойга бориб, қазои ҳожат қилиш керак.

۱۷۶- وَلَإِبي دَاوُدَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا أَرَادَ الْبَرَّازَ انْطَلَقَ حَتَّى لَا يَرَاهُ أَحَدٌ.

176. Абу Довуд қилган ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачонки «ташқарига» чиқишни хоҳласалар, то биров кўрмайдиган бўлгунча кетар эдилар», дейилган.

Шарҳ: Демак, қазои ҳожат қилаётган киши бировга кўринмаслиги керак. Уламоларимиз унга овоз ва ҳидни ҳам қўшганлар. Яъни қазои ҳожат қилаётган одамдан чиққан овозни ҳеч ким эшитмаслиги, ҳиди димоғига кирмаслиги керак.

۱۷۷ - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ جَعْفَرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَرَدَنِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ ذَاتَ يَوْمٍ خَلْفَهُ، فَأَسْرَأَ إِلَيَّ حَدِيثًا لَا أُحَدِّثُ بِهِ أَحَدًا مِنَ النَّاسِ، وَكَانَ أَحَبَّ مَا اسْتَتَرَ بِهِ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ لِحَاجَتِهِ هَدَفٌ أَوْ حَائِشٌ نَخْلٍ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

177. Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мени ортларига мингаштириб олиб, бир сир гапни айтдилар. Уни одамлардан ҳеч кимга айтмайман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қазои ҳожатда тўсиқ қилиш учун энг яхши кўрадиган нарсалари дўнглик ёки хурмо боғи девори эди».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик:

Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб ибн Абдулмуттолиб ибн Ҳошим ал-Қураший, оналари Асмо бинти Умайс. Оталари ва оналари Ҳабашистонга ҳижрат қилганларида Ҳабашистон ерида биринчи Исломда туғилган бола Абдуллоҳ ибн Жаъфар бўдилар.

Мусулмонлар Мадинага ҳижрат қилганларида Абдуллоҳ ҳам оталари билан ҳижрат қилдилар. Бу зот Али билан Муовия ўрталарида бўлган Сиффийн жангида ҳазрати Алининг аскарлари устидан бошлиқ бўдилар. Абдуллоҳ ибн Жаъфар ҳалим ва са-

хий зотлардан бўлганлари учун «сахийлар денгизи» деган ном олган эдилар.

У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўп ҳадислар ривоят қилдилар. Оналари Асмо ва амакилари Али ибн Абу Толиблардан ҳам ривоят қилдилар.

Бу зотдан Исмоил, Исҳоқ, Муовия, Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн, Қосим ибн Муҳаммад, Урва ибн Зубайр ва бошқалар ривоят қилганлар. Бу киши ривоят қилган ҳадисларни уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритганлар.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар ҳижратнинг 80-санасида (милодий 700 йил) 92 ёшларида Мадинада вафот этдилар. Жаноза намозини Мадина амири Молик ибн Марвон ўқидилар.

Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳунинг бу ривоятлари икки қисмга бўлинади.

Биринчи қисмида бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини ўз орқаларига мингаштириб олиб, бир сир айтганлари ва у гапни ҳеч кимга айтмасликлари баён қилинди. Бу билан Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳу ўзларининг Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга маҳбуб киши эканликларини билдирганлар. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уловларида, у кишининг ортларида мингашиб юриш катта бахт. Бунинг устига, ҳеч кимга айтма, деб сир айтишлари ҳам катта гап. Эҳтимол, ўша гап Абдуллоҳ ибн Жаъфар розияллоҳу анҳунинг ўзларига тегишли бўлса керак, уни ҳеч кимга айтмаганлар.

Ҳадиснинг иккинчи қисми эса бевосита биз ўрнаётган бобга тегишли. Пайғамбаримиз одатда кўпроқ баланд дўнглик ёки хурмо боғи девори панасига ўтиб, қазои ҳожат қилар эканлар. Бу ҳам қазои ҳожат одобларидандир. Унга мусулмонлар ҳам доимо риоя қилиб келганлар.

۱۷۸ - عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا دَخَلَ الْخَلَاءَ نَزَعَ خَاتَمَهُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَحَسَنَهُ.

178. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам халога кирсалар, узукларини ечиб қўяр эдилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Маълумки, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг узукларида «Муҳаммадур Расулуллоҳ» деган ёзув бор эди. Подшоҳларга мактуб юборсалар, ўша узукни муҳр қилиб босар эдилар. Узукда Аллоҳнинг исми ёзилган бўлгани учун ҳам халога кирганларида уни ечиб қўяр эдилар. Шунга биноан, Аллоҳнинг исми ёзилган нарса билан, айтиқса Қуръон билан халога кириб бўлмайди.

۱۷۹ - وَعَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا دَخَلَ الْخَلَاءَ قَالَ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخُبْثِ وَالْخَبَائِثِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

179. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам халога кирмоқчи бўлсалар: «Аллоҳумма инний аъзузу бика минал хубуси вал хабаиси» («Аллоҳим, албатта мен Сендан эркак ва урғочи ифлослар (шайтонлар)дан паноҳ тилайман)», дер эдилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳазрати Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривоят қилаётган бу ҳадиси шарифдан халога киришдан олдин ўқиладиган дуони ўрганиб оламиз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу дуони доимо ўқир эдилар. Уни хало очик жойда бўлса, қазои ҳожатга тайёрланаётган вақтда, махсус жойда бўлса, унга киришдан олдин ўқиш лозим. Эркак ва урғочи шайтонлардан паноҳ тилашнинг ҳикмати шуки, одатда хало жойида Аллоҳнинг номи зикр этилмаганлиги учун эркак ва урғочи шайтонлар у жойни ўзига қароргоҳ қилиб олган бўлади. Улар Аллоҳдан паноҳ сўрамай кирган одамга зарар етказишлари мумкин. Шунинг учун ҳар бир киши бу ҳа-

дисдаги дуони ёдлаб олиб, халога киришдан олдин ўқишни одатга айлантириши зарур.

۱۸۰ - عَنْ عَلِيٍّ عَلَيْهِ السَّلَامُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: سِتْرُ مَا بَيْنَ أَعْيُنِ الْجِنِّ وَعَوْرَاتِ بَنِي آدَمَ إِذَا دَخَلَ أَحَدُهُمُ الْخَلَاءَ أَنْ يَقُولَ: بِاسْمِ اللَّهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَحَسَنُهُ.

180. Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Жинларнинг кўзи билан одам боласининг аврати ўртасидаги тўсиқ – улардан бирининг халога киришда «Бисмиллаҳи», демоғидир», дедилар».

Термизий ва Аҳмад ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳазрати Али розияллоху анҳу ривоят қилган бу ҳадисда аввалги ҳадисга қўшимча келмоқда. Одам боласи халога киришдан олдин «Бисмиллаҳ»ни айтса, унинг авратини жинларга кўрсатмайдиган тўсиқ пайдо бўлар экан.

Уламоларимиз иккала ҳадисни жамлаб, «Халога кираётган одам: «Бисмиллаҳи, аъзу биллаҳи минал хубуси вал хабаиси», дейиши керак», дейдилар.

۱۸۱ - عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا أَرَادَ حَاجَةً لَا يَرْفَعُ ثَوْبَهُ حَتَّى يَذْنُو مِنَ الْأَرْضِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

181. Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам қазои ҳожатни ирода қилсалар, ерга яқинлашмагунларича кийимларини кўтармас эдилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳу ривоят қилаётган бу ривоятда хало одобларидан яна бири баён

қилинмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам очиқ жойда қазои ҳожат қилганларида ҳеч кийимларини кутармасдан, уни ерга текказиб, қилар эканлар. Албатта, бу иш аврат кўриниб қолмаслиги учун керак. Буни ҳар бир мусулмон ҳам билиши лозим.

۱۸۲ - عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا يَخْرُجُ الرَّجُلَانِ يَضْرِبَانِ الْغَائِطَ كَاشِفَيْنِ عَنْ عَوْرَتَيْهِمَا يَتَحَدَّثَانِ؛ فَإِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ يَمُوتُ عَلَى ذَلِكَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

182. Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Икки киши қазои ҳожатни ирода қилиб чиқиб, авратларини очиб, гаплашавермасин. Чунки Аллоҳ азза ва жалла бундан ғазабга келур», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда хало одобига хилоф нарсалар ҳақида сўз бормоқда. Ҳадиси шарифга биноан, икки киши бир-бирига яқин жойда қазои ҳожат қилмаслиги, авратини очмаслиги ва гаплашмаслиги керак.

Умуман, бировга яқин жойда қазои ҳожат қилиш авратини очиш ёки қазои ҳожат вақтида гаплашиш ҳеч қайси бандага тўғри келмайдиган иш. Бундай ишни қилиш қанчалик ёмон эканини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «**Чунки Аллоҳ азза ва жалла бундан ғазабга келур**» деган гапларидан ҳам тушуниб олсак бўлади.

۱۸۳ - عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: مَرَّ رَجُلٌ عَلَى النَّبِيِّ ﷺ وَهُوَ يَبُولُ، فَسَلَّمَ عَلَيْهِ، فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيْهِ.

183. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат ушатаётганларида бир киши яқинларидан ўтаётиб, салом берган эди, алик олмадилар».

Шарҳ: Аввалги ҳадислардан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қазои ҳожат учун одам кўрмайдиган жойга боришларини билиб олган эдик. Уларда бавл қилган вақтларида узоққа кетмас эдилар, деган гап йўқ эди. Шундан мазкур салом берган одам йўловчи бўлиб, билмасдан ўтиб қолган кўринади.

Ҳадисдан таҳорат ушатаётган одамга салом бериб бўлмаслиги, таҳорат ушатаётган одам салом берган одамнинг саломига алик олмаслигини билиб оламиз. Бундан олдинги ҳадисда оддий гапни ҳам гапириб бўлмаслиги айтилган эди.

Ушбу ҳадиснинг бошқа ривоятида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат ушатиб бўлиб, бориб, таҳорат қилганлар. Сўнгра келиб, салом берган одамга узр айтганлар. «Таҳоратсиз ҳолда Аллоҳ таолонинг исмини зикр қилишни ёқтирмадим», деганлар. Бу эса Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олий ахлоқ эгаси эканликларига ёрқин далилдир. Аслида бундай ҳолатда умуман гапириб бўлмайди.

Уламолар «Фақат ноилож қолганда, ҳалокатга кетаётган кўр одамни огоҳлантиришга ўхшаш ҳолатлардагина қазои ҳожат қилаётган одам гапирса бўлади», деганлар.

۱۸۴ - عَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا أَتَى أَحَدُكُمْ الْغَائِطَ فَلَا يَسْتَقْبِلِ الْقِبْلَةَ وَلَا يُوَلِّهَا ظَهْرَهُ، شَرِّقُوا أَوْ غَرِّبُوا.

184. Абу Айюб ал-Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз қазои ҳожатга борса, қиблага юзланмасин ва унга ортини ҳам ўтирмасин. Шарққа ёки ғарбга қаранглар», дедилар».

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Абу Айюб ал-Ансорий розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Абу Айюб кунyasi билан машҳур бўлган бу улўф саҳобанинг асл исмлари Холид ибн Зайд ибн Кулайб ал-Хазражийдир.

У киши Нажжор қабиласидан эдилар. Исломга ҳижратдан олдин кириб, иккинчи Ақаба байъатида иштирок этдилар.

Абу Айюб ал-Ансорий розияллоҳу анҳу Бадр, Уҳуд, Хандақ ва бошқа ҳамма ғазотларда иштирок этдилар. Сиффийн ҳамда Жамал урушларида Али розияллоҳу анҳу билан бирга бўлдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларида ансорларнинг ҳар бири Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз шахсий уйларига тушиб, яшашларини истар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса туялари танлаган ерга тушишларини айтдилар. Шунда туя тўғри бориб, Абу Айюб ал-Ансорий розияллоҳу анҳунинг уйи тўғрисида тўхтади. Ўша пайтда ансорлар ичида Абу Айюбдан кўра бахтлироқ киши йўқ эди.

Бу зот ҳаммаси бўлиб 155та ҳадис ривоят қилдилар ва бу ҳадисларни уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритганлар.

Абу Айюб ал-Ансорий розияллоҳу анҳу душманларга қарши жиҳодда қатнашишни жуда ҳам ёқтирар эдилар. Язийд ибн Муовия билан Қўстантинияни (Истанбулни) фатҳ этиш учун кета туриб, йўлда касал бўлиб қоладилар. Язийд у кишини қайтариб юбормоқчи бўлганида унга Аллоҳнинг «Инфиру хифафан ва сиқалан» («Енгил бўлса ҳам, оғир бўлса ҳам, қўзғалингиз») оятини келтириб, «Мени ҳам ўзинглар билан олиб кетинглар», деб айтадилар. Язийд Абу Айюб ал-Ансорийни ўзи билан олиб кетади.

Абу Айюб ал-Ансорий розияллоҳу анҳу ҳижратнинг 52-санасида (милодий 672 санада) Қўстантинияда вафот этадилар. Абу Айюб ал-Ансорий ро-

зияллоҳу анҳунинг қабрларини ҳатто румликлар ҳам зиёрат қилар эдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадиси шарифларида хало одобларининг энг муҳимларидан бирини ўргатмоқдалар. Бу ҳам у кишининг сиз билан бизга меҳрибонликлари, ҳар бир нарсада мукамал бўлишимизни хоҳлаганларидандир.

Ушбу ҳадиснинг бошқа бир ривоятида:

«Мен сизларга худди отанинг ўрнидаман, сизларга таълим бераман. Қачон бирортангиз қазои ҳожатга борса, қиблага юзланмасин», дедилар.

Демак, қиблага қараб ҳам, қиблага ортини қилиб ҳам қазои ҳожат қилмаслик керак.

Ҳадисдаги «шарққа ёки ғарбга қаранглар», деган гап Мадинаи Мунаввара аҳлига айтилгандир. Улар шарққа ёки ғарбга қарасалар, қибла ён томонларида қолади. Бошқа жойларда қибла шарқ ёки ғарбда бўлиши мумкин. Бу гап уларга тегишли бўлмайди. Мадина аҳли қиблага қараб ёки ортларини қилиб қазои ҳожат қилмасликлари учун шарқ ёки ғарбга қарашлари керак бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юқоридаги гаплари Ислом дини хало одоби масалаларига жиддий қараганидан далолат беради. Аввал айтганимиздек, инсоният тарихида Ислом биринчи бўлиб бу ишларни тартибга солишни бошлаган. Масаланинг жиддийлигидан бу иш одобига Ислом шариатининг иккинчи манбаи бўлмиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларида алоҳида эътибор берилган. Энг муътабар ҳадис, фикҳ ва одоб китобларида албатта «хало одоблари» боби бўлган.

Имом Муслим ва Имом Аҳмадлар Салмон Форсий розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда у киши қуйидагиларни айтадилар:

«Мушриклардан баъзилари истехзо ила:

«Оғайниларингизнинг сизларга қандай қилиб бўшанишни ҳам ўргатаётганини кўряпман», деди. Мен:

«Тўғри, у киши бизга қиблага юзланмасликни, ўнг қўлларимиз билан тозаланмасликни, учтадан кам тош ишлатмасликни ва чиқинди ишлатмасликни амр қилганлар», дедим».

Ҳа, Ислом бу ишларни жиддият билан бошлаганда бошқалар истеҳзо қилар эди. Кейинчалик мусулмонлар бошқа юртларга борганларида бу ишларни ўша юртларнинг одамларига ўргата бошладилар. Кўплаб мусулмон саёҳатчилар, тожирлар бошқа юртларда тозалик, поклик, шахсий гигиенага амал қилинмаслигини кўриб, бу ҳақда ажабланиб ёзганлар. Жумладан, машҳур олим Ибн Жубайр русларнинг ҳолини кўриб, нопокликларидан ҳайрон қолганини ҳужжат-далиллар билан ёзган.

١٨٥ - عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: ارْتَقَيْتُ فَوْقَ بَيْتِ حَفْصَةَ لِبَعْضِ حَاجَتِي، فَرَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقْضِي حَاجَتَهُ مُسْتَذِيرَ الْقِبْلَةِ مُسْتَقْبِلَ الشَّامِ. وَفِي رِوَايَةٍ: قَائِدًا عَلَى لَبَنَتَيْنِ.

185. Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади. У киши:

«Ҳафсанинг уйи устига баъзи иш билан чиққан эдим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг қиблага орқа қилиб, Шомга қараб қазои ҳожат қилаётганларини кўрдим».

Бошқа бир ривоятга:

«Иккита вишт устида ўтириб», дейилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифни уламоларимиз атрофлича текшириб, ўрганиб чиққанлар. Баҳсларининг хулосаси шуки, ушбу ҳадисдаги иш фақат Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг ўзларига хосдир. Шу билан бирга, Ибн Умар кўрган бу иш қўрғоннинг ичида бўлгандир.

Шунинг учун ҳам уламоларимиз «Хало макони бино ичида бўлса, қиблага қараш ёки орқани қилишнинг ҳечқиси йўқ», деганлар.

Ҳозирда ҳожатхоналарни бино шаклида қуриш урф бўлиб кетди. Уларни қураётган пайтда ўтирганда чап тарафни қиблага қилиб ўтирадиган қилиб қуриш лозим. Ана шунда одобга тўлиқ риоя этилган бўлади.

Агар аввал яшаган кишилар бошқача қилиб қуриб қўйган бўлса, бузиб, бошқатдан қуришнинг ҳожати йўқ.

۱۸۶ - عَنْ حُذَيْفَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَى النَّبِيَّ ﷺ سُبَّاطَةَ قَوْمٍ فَبَالَ قَائِمًا، ثُمَّ دَعَا بِمَاءٍ، فَجِئْتُهُ بِهِ، فَتَوَضَّأَ.

186. Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қавмнинг ахлатхонасига келиб, тик туриб бавл қилдилар. Сўнгра сув опкелтирдилар. Мен у кишига сув олиб келдим. Таҳорат қилдилар».

Шарҳ: Бу ҳадисни ҳам уламоларимиз атрофлича ўрганганлар.

Шайх Имом Муҳйиссунна қилган ривоятнинг охирида:

«Бу узр учун бўлган эди», деганлар.

Кўпчилик шу фикрни тасдиқлайди. Ўша пайтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тиззаларининг ич қисмида жароҳат бўлганлиги туфайли ўтира олмаганлар. Аслида эса доимо ўтириб бавл қилганлар, саҳобаларни ҳам тик туриб бавл қилишдан қайтарганлар.

Имом Термизий қилган ривоятда ҳазрати Умар ибн Хаттоб:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг тик туриб бавл қилаётганимни кўриб: «Эй Умар, тик туриб бавл қилма», дедилар. Шундан кейин ҳеч тик туриб бавл қилмадим», дейдилар.

Имом Аҳмад, Термизий ва Насоийлар қилган ривоятда Оиша онамиз розияллоҳу анҳо:

«Ким сизга "Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тик туриб бавл қилар эдилар" деса, тасдиқ қилманглар. У киши фақат ўтириб бавл қилар эдилар», деганлар.

۱۸۷ - عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا بَالَ أَحَدُكُمْ فَلَا يَأْخُذْ ذِكْرَهُ يَمِينُهُ، وَلَا يَسْتَنْجِ يَمِينُهُ، وَلَا يَتَنَفَّسُ فِي الْإِنَاءِ. رَوَى هَذِهِ الْخَمْسَةَ الْأُصُولَ الْخَمْسَةَ.

187. Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз бавл қилса, закарини ўнг қўли билан ушламасин, ўнг қўли билан истинжо қилмасин, идиш ичига нафас олмасин», дедилар».

Ушбу беш ҳадис беш асл китобда ривоят қилинган.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Абу Қатода розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Абу Қатода куняси билан машҳур бўлган бу саҳобанинг асл исмлари Ҳорис ибн Рабийъ Ансорий ал-Хазражийдир.

У киши Ислонда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чавандозларидан эди. Бадр жангида иштирок этганликлари тўғрисида ихтилофлар бор. Лекин Уҳуд ва бошқа ғазотларда иштирок этганлар. Бу зот ғазотларнинг бирида юзларидан жароҳатландилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни кўриб, муборак қўллари билан жароҳат жойларини силаб қўядилар. Шундан кейин Абу Қатода розияллоҳу анҳу бирор марта урилмайдилар ҳам, жароҳатланмайдилар ҳам.

Ҳазрати Алининг халифалик даврларида Маккада волий бўлдилар. Сиффийн урушида Али розияллоҳу анҳу билан иштирок этдилар.

Бу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сиз билан биз, мусулмонларга учта одобни ўргатмоқдалар. Улардан икkitаси хало одобларига, биттаси овқатланиш одобларига тегишлидир.

1. «Бирортангиз бавл қилса, закарини ўнг қўли билан ушламасин».

Чунки ўнг қўл ҳалол-пок нарсалар, таом учун, нопок нарсаларни ушлашга эса чап қўл ажратилган. Шунинг учун ҳам бавл қилган пайтда закарни ўнг қўл билан ушламаслик керак.

2. «Ўнг қўли билан истинжо қилмасин».

Яъни қазои ҳожат қилган одам орқа-олдини ўнг қўли билан эмас, чап қўл билан тозаласин.

3. «Идиш ичига нафас олмасин».

Яъни бирор идишдан ичимлик ичганда унинг ичига нафас олмасин, идиш ташқарисига қараб нафас олсин.

Бу одобларга доимо амал қилиш лозим. Агар ай-тиш жоиз бўлса, бу нарсалар мусулмонча маданият-нинг белгилари, мусулмонларни бошқалардан ажра-тиб турадиган хусусиятлардандир.

۱۸۸ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: اتَّقُوا اللَّاعِنِينَ،
قَالُوا: وَمَا اللَّاعِنَانِ يَا رَسُولَ اللَّهِ؟ قَالَ: الَّذِي يَتَخَلَّى فِي طَرِيقِ
النَّاسِ أَوْ فِي ظِلِّهِمْ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَمُسْلِمٌ.

188. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қи-линади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Икки лаънат келтирувчи (иш)дан сақланинг-лар», дедилар.

Одамлар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, икки лаънат келтирувчи (иш) нима?» дедилар. У зот соллаллоҳу алайҳи ва-саллам:

«Одамларнинг йўлига ва соя жойига хало қил-ган», дедилар».

Абу Довуд ва Муслим ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда кўпчилик фойда ола-диган жойларни эҳтиром қилиш, бундай жамоатчи-лик жойларини озода сақлаш ҳақида сўз бормоқда.

Йўл — кўпчилик фойдаланадиган жой. Унда киши-ларга озор берадиган, кўнгилларини ғаш қиладиган

нарсалар бўлмаслиги керак. Агар бирор киши йўлга қазои ҳожат қилиб қўйса, ўтган-кетган одам унга лаънат айтади. Одамлар ўтириб, дам оладиган, нафасини ростлайдиган жойлар ҳам худди шундай! Ундай жойлар ҳам доимо озода сақланиши лозим, бундай жойга қазои ҳожат қилиб қўйган кишини ҳам одамлар лаънатлайдилар. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу икки ишни «икки лаънат келтирувчи (иш)» деб атамоқдалар.

Мусулмон киши йўлга, соя жойга ва бошқа шунга ўхшаш кўпчилик фойдаланадиган жойларга нафақат қазои ҳожат қилмаслиги, балки ундан бошқа халал берувчи ишларни ҳам қилмаслиги керак. Аксинча, ундай жойларни доимо тоза ва озода сақлашга, кўпчиликка озор берадиган нарсалар бўлса, олиб ташлашга одатланиш лозим. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлдан кўпчиликка озор берувчи нарсани олиб ташлашни иймоннинг шуъбаларидан бири, деганлар.

۱۸۹ - عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: اتَّقُوا الْمَلَاعِينَ الثَّلَاثَةَ: الْبَرَازَ فِي الْمَوَارِدِ وَقَارِعَةَ الطَّرِيقِ وَالظَّلَّ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

189. Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Учта лаънат ўрнидан – сув ўзанига, йўлга ва сояга қазои ҳожат қилишдан сақланинглар», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда аввалги ҳадисдаги икки лаънат келтирувчи ишга учинчиси қўшилди. Сув бошига, яъни одамлар сув оладиган жойлар ва ўша жойга олиб борувчи йўللарга қазои ҳожат қилишдан қайтарилмоқда. Ким бу ишни қилса, кўпчиликнинг лаънатига учраши таъкидланмоқда. Мўмин-мусулмон одам бу ишни умуман қилмаслиги ва фарзандларини ҳам бу ишни қилмасликка ўргатиши лозим.

۱۹۰ - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ سَرْجِسَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ نَهَى أَنْ يُبَالَ فِي الْجُحْرِ. قَالُوا لَقَتَادَةَ: مَا يُكْرَهُ مِنَ الْبَوْلِ فِي الْجُحْرِ؟ قَالَ: كَانَ يُقَالُ إِنَّهَا مَسَاكُنُ الْجِنِّ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

190. Абдуллоҳ ибн Саржис розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ердаги тешикка бавл қилишдан қайтардилар. Одамлар Қатодага:

«Нима учун ердаги тешикка бавл қилиш ёмон кўрилади?» дейишди. У:

«Ундай жойлар жинларнинг маскани бўлади, дейилар эди», деди».

Насоий ва Абу Довудлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳадиснинг ровийси Абдуллоҳ ибн Саржис розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Абдуллоҳ ибн Саржис ал-Музаний Бану Махзум қабиласининг бошлиқларидандир.

Имом Бухорий ва Ибн Ҳиббон айтадилар:

«Абдуллоҳ ибн Саржис розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суҳбатларида бўлганлар ва Расулуллоҳдан кўп ҳадислар ривоят қилганлар».

Бу ҳадисларни Муслим ва бошқа имомларнинг китобларидан топиш мумкин.

Абдуллоҳ ибн Саржис ҳадисларни Умар ибн Хаттоб, Абу Ҳурайралардан ҳам ривоят қилганлар.

Бу зотдан Қатода, Осим ал-Аҳвал, Усмон ибн Ҳаким, Муслим ибн Марям ва бошқалар ривоят қилдилар.

Ушбу ҳадис ердаги тешикларга бавл қилишдан қайтармоқда. Бу қайтаришнинг сабабларидан бири-ни Қатода розияллоҳу анҳу баён ҳам қилиб бермоқдалар. Уша тешиклар жинларнинг маскани бўлиши

мумкин. Унга бавл қилган одам зарар кўриши эҳтимолдан холи эмас. Шунингдек, ўша тешиклар турли ҳайвонлар ва ҳашаротларнинг уяси бўлиши ҳам мумкин. Улар ҳам зарар кўрмаслиги керак.

۱۹۱ - وَلَهُ: إِذَا أَرَادَ أَحَدُكُمْ أَنْ يَبُولَ فَلْيُرِدْ لِبَوْلِهِ مَوْضِعًا.

191. Ва у (Абу Довуд) қилган ривоятда:

«Сиздан бирортангиз бавл қилмоқчи бўлса, бавл қилиш учун жой танласин», дейилган.

Шарҳ: Яъни кўринган жойга бавл қилиб кетавермасин. Бавл қилдиган жой юқоридаги ҳадисларда бавл қилишдан қайтарилган жойлар бўлмасин, шунингдек, қаттиқ жой бўлиб, пешоб сачраб, одамнинг ўзига қайтмасин ва ҳоказо.

۱۹۲ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا خَرَجَ مِنَ الْخَلَاءِ قَالَ: غُفْرَانُكَ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

192. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам халодан чиққанларида «Ғуфронака», дер эдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Демак, халодан чиқишда ҳам айтиладиган дуо бор. «Ғуфронака»нинг маъноси «мағфират қилишингни сўрайман» деганидир. Киши халодалик вақтида ғафлатда бўлиши эътиборидан ундан чиққанида шу иборани айтади.

الفصل الثاني في الاستنجاء

ИККИНЧИ ФАСЛ

ИСТИНЖО ҲАҚИДА

١٩٣ - عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا خَرَجَ لِحَاجَتِهِ أَجِيءُ أَنَا وَغُلَامٌ مَعَنَا إِدَاوَةٌ مِنْ مَاءٍ، يَغْنِي يَسْتَنْجِي بِهِ. رَوَاهُ الْخُمْسَةُ.

193. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қазои ҳо-
жатга чиқсалар, мен ва бир бола икковимиз ўзи-
миз билан сувли мешчани олиб келар эдик. Яъни
у билан истинжо қилар эдилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳазрати Анас айтган меш араб тилида
«идаватун» деб аталиб, теридан қилинган кичкина
сув идишидир. Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу
алайҳи васаллам албатта олдин тош билан тозаланиб
олиб, кейин сув билан истинжо қилганлар.

Шунингдек, ҳадисдан катта кишиларнинг таҳора-
тига кичик болалар сув олиб келиб бериши жоизли-
ги келиб чиқади.

١٩٤ - وَلَقَطَ مُسْلِمٌ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَدْخُلُ الْخَلَاءَ، فَأَحْمِلُ أَنَا وَغُلَامٌ نَحْوِي إِدَاوَةٌ مِنْ مَاءٍ وَعَنْزَةٌ، فَيَسْتَنْجِي بِالْمَاءِ.

194. Муслим келтирган ривоятнинг лафзи:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хало-
га кирсалар, мен ва мен тенги бир бола мешчада
сув ва «аназа»ни олиб борар эдик. Сув билан ис-
тинжо қилар эдилар», деб келган.

Шарҳ: Иккала ҳадисдаги бола Абдуллоҳ ибн Масъуддирлар. Ушбу лафзда ҳам ҳазрати Анаснинг олдинги ривоятда айтган гапларининг айнан ўзи қайтарилмоқда. Фақат бунда аназа ҳам зикр қилинмоқда.

«Аназа» оддий ҳассадаан узунроқ, найзадан қисқароқ, учига темир қопланган таёқдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиганларида олдларида бошқа тўсиқ бўлмаса, ўша аназани санчиб қўяр эдилар. Уни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Ҳабашистон подшоҳи Нажоший совға қилган эди. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин ушбу аназа Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али розияллоҳу анҳуларда бўлган. Кейин эса уни Абдуллоҳ ибн Зубайр олганлар.

١٩٥ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه قَالَ: اتَّبَعْتُ النَّبِيَّ ﷺ وَخَرَجَ لِحَاجَتِهِ، فَكَانَ لَا يَلْتَفِتُ، فَدَنَوْتُ مِنْهُ، فَقَالَ: ابْغِ لِي أَحْجَارًا أَسْتَفِضُّ بِهَا أَوْ نَحْوَهُ، وَلَا تَأْتِنِي بَعْظَمٌ وَلَا رَوْثٌ. فَأَتَيْتُهُ بِأَحْجَارٍ فِي طَرَفِ ثِيَابِي، فَوَضَعْتُهَا إِلَى جَنْبِهِ وَأَعْرَضْتُ عَنْهُ، فَلَمَّا قَضَى اتَّبَعَهُ بِهِنَّ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

195. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатларига чиққан эдилар, ортларидан бордим. Одатда у зот ортларига қарамас эдилар. У зотга яқинлашган эдим, менга:

«Тошлардан олиб кел, улар билан истинжо қиламан, (ёки шунга ўхшашроқ гап айтдилар) суяк ёки тезак олиб келма», дедилар. Кийимимнинг этагига тош солиб келтириб, ёнларига қўйдим ва ўгирилиб кетдим. У зот қазои ҳожат қилиб бўлиб, уларни ишлатдилар».

Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифдан қазои ҳожат ва истинжога тегишли бир неча нарсаларни ўрганиб оламиз.

1. Раҳбар, устоз кишилар қазои ҳожатга қўзғалганда кичиклар ва шогирдлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга ўхшаб, ҳушёр бўлиб, ёрдамга ошиқишлари зарурлиги.

2. Ана шундай вақтда катталарнинг изнисиз ҳам ортларидан бориш мумкинлиги. Чунки Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг изларисиз ортларидан бордилар.

3. Раҳбар ва устоз кишилар ўз атбоъ ва шогирдларини хизматга буюришлари жоизлиги. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга тош келтиришни амр қилдилар.

4. Истинжо шаръий ҳукм экани.

Имом Шофеъий, Имом Аҳмад ва бошқалар «Истинжо — вожиб», деганлар.

Имом Абу Ҳанифа эса «Суннат», деганлар.

5. Тошлар билан истинжо қилиш жоизлиги. Уламоларимиз «Тош учтадан кам бўлмаслиги керак», дейдилар.

6. Тош билан истинжо қилиш шарт эмаслиги. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шароитларида тош куп бўлганлиги, уни топиш осонлиги учун Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга тош олиб келишни амр қилганлар. Бу, тошдан бошқа нарса ярамайди, дегани эмас.

Истинжо қилиб бўлмайдиган нарсалар — суяк ва тезакни номма-ном алоҳида айтганларидан истинжо учун тошдан бошқа нарса ҳам ишлатилиши мумкинлиги келиб чиқади. Тошнинг ўрнига ҳар бир қуруқ, пок, артишга ярайдиган ва эъзозсиз нарса бўлаверади.

7. Суяк ва тезак билан истинжо қилиб бўлмаслиги. Шунингдек, бу икки нарсанинг хусусиятларига эга бўлган нарсалар билан ҳам истинжо қилиб бўлмайди. Суяк — таом чиқиндиси, тезак — ҳайвон чи-

қиндиси ҳисобланиши эътиборидан шу гап айтилган. Баъзи уламолар «Таом, кўмир, шиша, латта, дарахт баргига ўхшаш нарсалар билан истинжо қилиш ҳам макруҳ», деганлар.

Шундай бўлгач, фойдали нарсалар билан истинжо қилинмаслиги ўз-ўзидан маълум.

Баъзи қадимги уламоларимиз «Қоғоз билан истинжо қилиш макруҳ», деганлар. Чунки уларнинг вақтида қоғоз камёб бўлган. Ҳозир ҳам фойдаланадиган қоғоз билан, хусусан, ёзуви бор қоғоз билан истинжо қилишга рухсат берилмайди. Аммо истинжо учун алоҳида тайёрланган қоғоз билан тозаланишга ҳамма уламолар рухсат берганлар. Чунки у шу мақсад учун махсус тайёрлангандир.

8. Қазои ҳожат қилаётган одамга қарамай, ундан тескари ўгирилиб туриш кераклиги. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай қилдилар.

۱۹۶- عَنْ سَلْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قِيلَ لَهُ: قَدْ عَلَّمَكُم نَبِيُّكُمْ ﷺ كُلَّ شَيْءٍ حَتَّى الْخِرَاءَةِ، فَقَالَ: أَجَلٌ، لَقَدْ نَهَاَنَا أَنْ نَسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةَ لَغَائِطٍ أَوْ بَوْلٍ أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِالْيَمِينِ أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِأَقْلٍ مِنْ ثَلَاثَةِ أَحْجَارٍ أَوْ أَنْ نَسْتَنْجِيَ بِرَجِيعٍ أَوْ عَظْمٍ. رَوَاهُ الْخُمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

196. Салмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «У кишига: «Набийингиз сизларга ҳамма нарсани, ҳатто қандай қазои ҳожат қилишни ҳам ўргатди», дейилди. Бас, у киши:

«Тўғри. Батаҳқиқ, у зот бизни қазои ҳожат қилганимизда ёки бавл қилганимизда қиблага қарашимиздан, ўнг қўл билан истинжо қилишимиздан ёки учтадан кам тош билан истинжо қилишимиздан ёхуд чиқинди ва суяк билан истинжо қилишимиздан наҳий қилганлар», деди».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Аввало бу ҳадиси шарифнинг ровийси Салмон Форсий розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик:

Бу улуғ саҳоба форс бўлиб, Исломга қадар мажусий ва насроний динида бўлганлар. Китобларда бу саҳобага «Ҳақ йўл қидирувчи» деб таъриф берилган.

Исломга кирганларидан бошлаб Исломга ва Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга сидқидилдан хизмат қилдилар.

Салмон Форсий розияллоҳу анҳу Хандақ жангидан бошлаб, ҳамма жангларда иштирок этдилар. Хандақ жангида у кишининг маслаҳатларига биноан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларга хандақ қазиб олишни буюрдилар.

Салмон Форсий розияллоҳу анҳу ҳаммаси бўлиб 60та ҳадис ривоят қилдилар. Бу саҳоба ривоят қилган ҳадисларни уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритганлар. Салмон Форсий розияллоҳу анҳу Умар ибн Хаттобнинг халифалик даврларида (милодий 656 йилда) вафот этдилар.

Бошқа ривоятларда «Пайғамбарингиз сизларга ҳамма нарсани, ҳатто қандай қазои ҳожат қилишни ҳам ўргатади-я!» деган гапни баъзи мушриклар истехзо — масхара тариқасида Салмон Форсий розияллоҳу анҳуга айтганлари келган.

Одат бўйича, Салмон розияллоҳу анҳу мушрикларнинг бу истехзосига истехзо ёки сўкиш билан, ҳеч бўлмаса, индамай кетавериш билан жавоб қилишлари керак эди. Аммо бу жиддий масала бўлганлигидан уларга жиддият билан жавоб бердилар. У кишининг мушрикларга қилган муомалаларида бу истехзо қиладиган эмас, жиддий иш. Ундан кўра сизлар ҳам биздан ўрнак олиб, шу ишларни қилинг, деган маъно бор эди.

Ушбу ҳадисда хало ва истинжо бўйича ман этилган бир неча ишлар зикр қилинмоқда.

1. Қазои ҳожат қилганда қиблага қарамаслик.

2. Бавл қилганда ҳам қиблага қарамаслик (бу икки ҳолатда қиблага орқани ҳам қилмаслик кераклиги аввал зикр қилинган).

3. Унг қўл билан истинжо қилмаслик.

4. Учтадан кам тош билан истинжо қилмаслик.

5. Ҳайвон чиқиндиси билан истинжо қилмаслик.

6. Суяк билан истинжо қилмаслик.

Шу билан бирга, Ислом шариатида инсон ҳаёти-нинг ҳар бир соҳаси баён этилгандир. Бундан Ислом шариатининг мукаммал экани тушунилади. Чунки унда ҳатто қандай истинжо қилиш лозимлигигача очиқ-ойдин кўрсатиб, баён этиб қўйилган.

۱۹۷ - وَلِلتَّرمِذِيِّ: لَا تَسْتَنْجُوا بِالرَّوْثِ وَلَا بِالْعِظَامِ؛ فَإِنَّهُ زَادَ إِخْوَانَكُمْ مِنَ الْجَنِّ.

197. Термизий келтирган ривоятда:

«Тезак ва суяк билан истинжо қилманглар. У жин биродарларингизнинг зоди(таоми)дир», деганлар.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «жин биродарларингизнинг зоди» дейишларидан жинларнинг ҳам мўмин-мусулмонлари борлиги тушунилади. Қуръони Каримнинг Жин сурасига мурожаат қилинса, бу ҳақда маълумот олинади. Бир гуруҳ жинлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қироатларини эшитиб, тўхташган, иймон келтиришган ва ўз қавмларини ҳам Исломга чақиришган.

Имом Абу Довуд келтирган ривоятга биноан, жинларнинг вакиллари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Муҳаммад, умматингни суяк, тезак ва қийинди билан истинжо қилишдан қайтар. Аллоҳ уларни бизга ризқ қилди», деганлар.

Ана шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур нарсалар билан истинжо қилишдан ман этганлар.

Уламоларимиз «Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган ҳайвонларнинг суяклари мусулмон жинларга, тезак эса уларнинг ҳайвонларига таомдир», дейишган.

Бошқа бир уламоларимиз эса «Жинларнинг ва улар ҳайвонларининг таоми ила истинжо қилиб бўлмаса, инсларнинг ва ҳайвонларнинг таоми билан истинжо қилиб бўлмаслиги яна ҳам равшан», дейдилар.

۱۹۸ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَنْ تَوَصَّأَ فَلْيَسْتَنْثِرْ، وَمَنْ اسْتَجْمَرَ فَلْيُوتِرْ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا أَبُو دَاوُدَ.

198. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким таҳорат қилса, бурнига олган сувни чиқариб ташласин, ким тош ила истинжо қилса, тоқ қилсин», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда икки масалага эътибор берилган:

1. Таҳорат қилаётган одам бурнига олган сувни яхшилаб чиқариб ташлаши кераклиги. Бу эса бурунни тозалаш ва соғлиқ учун зарурдир.

2. Тош ила истинжо қилганда тоқ сондаги тошлар билан қилиш.

Аввалги ҳадислардан истинжо қилинадиган тошларнинг энг ками уч дона бўлиши кераклигини билиб олган эдик. Шундан келиб чиқиб, уламоларимиз «Мазкур тошлар уч, беш ёки еттита бўлиши керак», дейишган.

۱۹۹ - وَلَهُ: مَنْ اكْتَحَلَ فَلْيُوتِرْ، مَنْ فَعَلَ فَقَدْ أَحْسَنَ وَمَنْ لَا فَلَا حَرَجَ، وَمَنْ اسْتَجْمَرَ فَلْيُوتِرْ، مَنْ فَعَلَ فَقَدْ أَحْسَنَ وَمَنْ لَا فَلَا حَرَجَ، وَمَنْ أَكَلَ فَمَا تَخَلَّلَ فَلْيَلْفِظْ، وَمَا لَكَ بِلِسَانِهِ فَلْيَبْتَلَعْ، مَنْ

فَعَلَ فَقَدْ أَحْسَنَ وَمَنْ لَا فَلَا حَرْجَ، وَمَنْ أَتَى الْغَائِطَ فَلَيْسَتْهُ، فَإِنْ
لَمْ يَجِدْ إِلَّا أَنْ يَجْمَعَ كَثِيرًا مِنْ رَمْلٍ فَلَيْسَتْ بِهِ، فَإِنَّ الشَّيْطَانَ يَلْعَبُ
بِمَقَاعِدِ بَنِي آدَمَ، مَنْ فَعَلَ هَذَا فَقَدْ أَحْسَنَ وَمَنْ لَا فَلَا حَرْجَ.

199. У (Абу Довуд) келтирган ривоятда:

«Ким сурма қўйса, тоқ сурсин. Ким шундай қилса, яхши. Ким қилмаса, танглик (гуноҳ) йўқ. Ким тош ила истинжо қилса, тоқ қилсин. Ким шундай қилса, яхши, қилмаса – танглик (гуноҳ) йўқ. Ким (таом) еб, тиши орасида қолганини ковлаб чиқарса, туфлаб ташласин, тили билан чиқарганини ютаверсин. Ким шундай қилса, яхши, қилмаса – танглик (гуноҳ) йўқ. Ким қазои ҳожатга борса, ўзини тўссин. Ҳеч нарса тополмай, қум тўплашдан бошқа иложи бўлмаса, шуни ҳам қилсин. Ўша(тўпланган қум)ни орқасида қолдирсин. Чунки шайтон одам боласининг мақъадини ўйнайди. Ким шундай қилса, яхши, қилмаса – танглик (гуноҳ) йўқ», дейилган.

Шарҳ: Имом Абу Довуд келтирган ушбу ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тўрт масаланинг яхши томонини баён этиб, қилса яхши эканини, лекин қилмаса, мажбур эмаслигини айтмоқдалар. Мазкур тўрт нарсадан бири истинжо бўлганлиги учун ҳам бу ҳадис ушбу фаслда келтирилмоқда. Энди ўша тўрт нарса билан қисқача танишиб чиқайлик:

1. «Ким сурма қўйса, тоқ сурсин. Ким шундай қилса, яхши, қилмаса – танглик (гуноҳ) йўқ».

Сурма қўйиш айниқса араб диёрида эркак ва аёллар орасида кенг тарқалган. Унинг кўз учун фойдаси кўп. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сурма суртишда уни тоқ марта суртиш яхшилигини айтмоқдалар.

Бу гаплар «Аллоҳ тоқдир, тоқни яхши кўрадир» деган ҳикматга биноан айтилаётганини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Ким бу ишни мана шу эътиқод ила ҳамда Пайғамбаримизнинг қилганларига иқтидо, айтганларига амал нияти ила қилса, савоб олади. Қилмаган одам савобдан маҳрум бўлади, аммо гуноҳкор бўлмайди.

2. «Ким тош ила истинжо қилса, тоқ қилсин. Ким шундай қилса, яхши, қилмаса – танглик (гуноҳ) йўқ».

Ушбу масала олдинги ҳадисларда муфассал ўрганилди. Бу ишни ҳам иқтидо ва суннатга амал нияти ила қилган одам савоб олади. Қилмаган савоб олмайди, гуноҳкор ҳам бўлмайди.

3. «Ким (таом) еса, тиши орасида қолганини ковлаб чиқарса, тупуриб ташласин, тили билан чиқарганини ютаверсин. Ким шундай қилса, яхши, қилмаса, танглик (гуноҳ) йўқ».

Тиш орасига кириб қолган ва тиш ковлагич ёки бошқа нарса ёрдамида ковлаб чиқарилган таом қолдигини туфлаб ташлаш ҳам Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламнинг маслаҳатлари, ўзлари қилиб юрган амалларидир. Шунингдек, тиш орасига кириб қолган таом қолдигининг тил билан чиқарилганини ютиб юбориш ҳам. Буларни ҳам суннатга амал ниятида қилиш одамнинг ўзи учун яхши бўлади. Қилмаган эса гуноҳкор бўлмайди.

4. «Ким қазои ҳожатга борса, ўзини тўссин, ҳеч нарса тополмай, қум тўплашдан бошқа иложи бўлмаса, шуни ҳам қилсин. Ўша(тўпланган қум) ни орқасида қолдирсин. Чунки шайтон одам боласининг мақъадини ўйнайди. Ким шундай қилса, яхши, қилмаса – танглик (гуноҳ) йўқ».

Бу ҳам яхши ишга ундовчи маслаҳатдир. Қазои ҳожат вақтида ўзини тўсиб, авратини тўсиш мусулмон учун зарур. Баъзи вақтларда иложи бўлмай қолиши мумкин. Бундай пайтда ҳеч бўлмаса, қумдан тепача ясаб, унга орқани қилиб ўтириш керак экан. Бу яхши иш. Қилган одам яхшиликка эришади. Қилмаган одам эса гуноҳкор бўлмайди.

ХУЛОСА

Бу бобда хало одоблари ва истинжо бўйича сара ҳадисларнинг баъзиларини ўрганиб чиқдик. Аввал айтганимиздек, ушбу ҳадислар дунё тарихида янгилик, айтиш жоиз бўлса, шахсий озодалик, тозаликка риоя қилиш бобида катта инқилоб эди.

Ўрганган ҳадисларимиздан бу ишга қанчалик аҳамият берилганини жуда яхши билиб олдик. Худди шу руҳ асосида бу иш ривожланиб борди. Мусулмонлар ҳамма ишлар қатори, шахсий озодалик ишларини ҳам қойиллатиб ўрнига қўйдилар. Таҳоратхоналар қуриш ва бошқа ишлар ҳам олий даражада олиб борилди.

Машҳур олим Мустафо Сибаи раҳматуллоҳи алайҳи «Маданиятимиз дурдоналаридан» китобида кўп нарсалар қатори, шу масала юзасидан ўрта асрлардаги Ислом олами билан бошқа юртларни солиштириб чиқади. Бошқалар юзини ювишни билмай юрган бир пайтда мусулмонлар шахсий озодалик ва гигиена масаласига ибодат деб қарашларини маълум қилади. Ҳа, бу иш ибодат эди. Таҳорат қилмасдан, намоз ўқиб бўлмайди. Истинжо қилмасдан, таҳорат қилиб бўлмайди.

Маълум вақт ўтиб, мусулмонлар Исломдан узоқлаша бошладилар. Бунинг оқибатида аста-секин ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ўз мавқеларини йўқота бордилар. Кўп нарсаларни улардан ўрганган бошқа халқлар эса олдинга илгарилаб кета бошлади.

Биз сўз юритаётган масалада ҳам шундай бўлди. Бутунги кунга келиб, мусулмонлар таҳоратхонани европаликларга ўхшатиб қилишга ўтдилар. Ҳозир европача жиҳоз билан қурилган таҳоратхона яхши таҳоратхона ҳисобланади. Бу ҳам баъзи бир жойларда, холос. Бошқа жойларда эса ёки таҳоратхона умуман йўқ ёки бўлса ҳам, таҳоратхона эмас, ифлосхонага айланиб қолган. Мусулмон бўла туриб, Қуръони Каримнинг «Аллоҳ покланувчиларни яхши кўрур» оятини била туриб, қанчадан-қанча ҳадислар

Ўқиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатган шахсий ўрнатма, саҳобалар, салафи солиҳларнинг ўрнатма туриб, нимага бу ҳолатга тушилди, ҳайронсан киши.

Баъзи бир кишилар уйлари яхшилаб қурганлар-у, таҳоратхоналарига кириш у ёқда турсин, қараб ҳам бўлмайди. Қишлоқ жойлардаги аҳвол ҳақида эса умуман гапирмасак ҳам бўлади.

Ушбу ҳолат ҳам Исломдан, унинг руҳидан қанчалик узоқлашиб кетганимизни, кўпчилигимиз Исломни умуман билмаслигимизни кўрсатади. Билганларимиз ҳам жавҳарга эмас, пўстлоққа эътибор берамиз. Баъзиларимиз таҳоратхонага киришда қайси оёқни олдин босиш кераклиги ёки кесакни қандай ушлаш зарурлиги устида тинмай тортишамиз-у, аммо шу амални адо этадиган жойни яхшилаб қўйишни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

Баъзилар ўзича ижтиҳод қилиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам истинжога совуқ сув ишлатганлар, мен суннатга амал қиламан деб, қишда ўзини бемор қилиб олиши мумкин, лекин шариатнинг бу ҳукмини бажариш учун қулай шароит яратиб олишни ўйлаб ҳам қўймайди.

Бунга ўхшаган гапларни кўп гапириш мумкин. Лекин ҳолатни тузатишга ўтиш зарурлигини унутмаслигимиз керак. Исломда бу борада келган ҳар бир масала покликни кўзда тутди. Поклик эса иймондандир. Шундай бўлгандан сўнг покланадиган жойнинг ўзи пок бўлмаса, қандай қилиб покликка амал қила оламиз? Масалани тўғри тушуниб, уни замон руҳидан келиб чиқиб амалга оширишга ўтишимиз лозим.

الباب الخامس في الوضوء

БЕШИНЧИ БОБ

ТАҲОРАТ ҲАҚИДА

وفيه ثلاثة فصول

УЧ ФАСЛДАН ИБОРАТ

الفصل الأول في أسباب الحدث

БИРИНЧИ ФАСЛ

БЕТАҲОРАТЛИК САБАБЛАРИ

Биз бетаҳоратлик деб таржима қилган ибора араб тилида «ҳадас» дейилади. «Ҳадас» сўзи бўлмаган нарсанинг тез-тез янгиланиб, пайдо бўлиб туришига нисбатан ишлатилади. Одам таҳорат билан юрган-да унга тез-тез ориз бўлиб турадиган таҳоратни бузувчи нарсалар ҳадас деб аталиши ҳам шу маънодан олинган.

Ҳадас — бетаҳоратликни Ҳанафий мазҳаби уламоларидан Имом Косоний ўзларининг «Бадоеъус саноеъ фии тартибиш шароъе» номли китобларида қуйидагича таърифлайдилар:

«Ҳадас (бетаҳоратлик) одамдан нажас нарсанинг чиқишидир. Икки ҳожат йўлидан бўлса ҳам, икки-сидан бошқадан бўлса ҳам. Одатдагидек бўлса ҳам, одатдан ташқари бўлса ҳам».

Бетаҳоратлик иккига бўлинади:

Кичик бетаҳоратлик — намозга қилинган таҳоратни синдирадиган нарсалар.

Катта бетаҳоратлик — ғуслни вожиб қиладиган нарсалар.

قَالَ اللَّهُ جَلَّ شَأْنُهُ: أَوْجَاءُ أَحَدٍ مِّنْكَم مِّنَ الْغَائِبِ أَوْ لِمَسْمُومِ
النِّسَاءِ

Аллоҳ жалла шаънуҳу:

«Ёхуд бирорталарингиз ҳожатдан келса ёки аёлларга яқинлик қилса», деган. (Моидга сураси, 6-оят)

Шарҳ: Ушбу оятда Аллоҳ таоло мусулмон кишини ибодатдан ман этувчи — унга бетаҳоратлик етказувчи баъзи сабабларни зикр қилмоқда.

1. Қазои ҳожатдан келиш, яъни кишининг орқа-олдидан бир нарса чиқиши кичик бетаҳоратлик еткази.

2. Аёлларни тутиш, яъни уларга яқинлик қилиш (Имом Шофеъий «Номаҳрам аёл баданига эркак кишининг баданидан бирор жойи тегиши ҳам», деганлар).

Муаллиф раҳматуллоҳи алайҳи ушбу ояти карими келтириш билан бу масалалар Қуръони Каримда муолажа қилинганига ишора қилмоқдалар.

٢٠٠- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا تُقْبَلُ صَلَاةٌ مِّنْ أَحَدٍ حَتَّى يَتَوَضَّأَ. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ. وَزَادَ الْبُخَارِيُّ: قَالَ رَجُلٌ مِّنْ حَضَرَمَوْتَ: مَا الْحَدَثُ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ؟ قَالَ: فُسَاءٌ أَوْ ضُرَاطٌ. وَفِي رِوَايَةٍ: لَا تُقْبَلُ صَلَاةٌ بِغَيْرِ طُهُورٍ وَلَا صَدَقَةٍ مِّنْ غُلُولٍ.

200. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бетаҳоратлик етказувчи нарсани қилган кимсанинг намози таҳорат қилмагунича қабул бўлмайди», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилганлар. Бухорий:

«Ҳазрамавтлик бир одам:

«Эй Абу Ҳурайра, бетаҳоратлик етказувчи нарса нима?» деди. У:

«Овозсиз чиққан ел ёки овоз билан чиққан ел», деди»ни зиёда қилган.

Бошқа бир ривоятда:

«Покликсиз намоз қабул бўлмас, гуноҳ (йўл билан топилган) садақа қабул бўлмас», дейилган.

Шарҳ: Умумий қоида бўйича бетаҳоратлик етказувчи нарсаларга таҳоратни кетказувчи ва ғуслни вожиб қилувчи барча нарсалар киради. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Бетаҳоратлик етказувчи нарсани қилган кимсанинг намози таҳорат қилмагунича қабул бўлмайди»** деган гаплари ҳаммасини ўз ичига олади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Таҳоратсиз намоз ўқиб бўлмаслиги.

Бу ерда намоз дейилганда ҳамма намозлар, жумладан, жаноза ва ийд намозлари ҳам назарда тутилган. Уларни ҳам таҳоратсиз ўқиб бўлмайди.

Имом Абу Ҳанифа «Ким била туриб, қасддан таҳоратсиз намоз ўқиса, шариатни ўйин қилганлиги учун кофир бўлади», деганлар.

2. Намоз ўқиётган вақтда ибодатни ман қилувчи нарса содир этилса, намоз ботил бўлади. У нарса ихтиёрий ёки мажбурий равишда бўлишининг фарқи йўқ. Чунки ҳадисда умумий ҳолат зикр қилинган.

3. Намознинг ўқилиши бошқа, қабул бўлиши бошқа экани. Намозни ўқиш бандадан, уни қабул қилиш Аллоҳдандир. Аллоҳ таоло шартлари тўғри келмаган намозни қабул қилмайди.

«Бухорий:

«Ҳазрамавтлик бир одам:

«Эй Абу Ҳурайра, ибодатни ман қилувчи нарса нима?» деди. У:

«Овозсиз чиққан ел ёки овоз билан чиққан ел», деди»ни зиёда қилган.

Ушбу ривоятда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу бетаҳоратлик етказувчи нарсанинг биттаси — ел чиқиши ҳақида сўз юритаётганлари кўриниб турибди. Абу Ҳурайра бу гапни савол берувчи жоҳил бўлганлиги учун ёки энг кичиги айтиб қўйилса, қолгани маълумку, деган фикрда айтган бўлишлари мумкин.

Бошқа бир ривоятда:

«Покликсиз намоз қабул бўлмас, хиёнатли садақа қабул бўлмас», дейилган.

Бу ердаги покликдан мурод, таҳорат, ғусл ва таяммумлардир. Яъни таҳоратни кетказадиган нарса содир бўлса, таҳорат қилинмагунча, намоз қабул бўлмайди. Ғусл вожиб бўлганда, ғусл қилинмагунча, намоз қабул бўлмайди.

Шунингдек, ўғрилиқ, тортиб олиш каби хиёнат ишлар аралашган садақа ҳам қабул бўлмайди.

Намоз ўқиш банда учун улуғ шарафдир. Бу шарафга ҳар ким ҳам мушарраф бўлавермайди.

Намоз ўқиш бахтига сазовор бўлиш учун бир нечта шартлар қўйилган. Чунки намозга, банданинг Аллоҳ таоло билан бевосита мулоқот учрашувига ҳар ким ҳам лойиқ бўлавермайди. Аллоҳ таоло билан бевосита муножот қилишга ҳам дуч келган одам таклиф қилинавермайди. Бундай улуғ бахтга етишишни хоҳлаган инсон ўзида бир нечта шартларни мужассам қилган бўлиши керак. Ана ўша шартлардан бири — намоз ўқимоқчи бўлган кишининг каттаю кичик нопокликлардан холи бўлиб, ният билан тозаланишидир.

Жунуб бўлган одам Аллоҳга қурбат нияти билан ғусл қилиши керак. Шунингдек, нифос ва ҳайздан тоза бўлган аёллар ҳам ғусл қилмоқлари лозим. Таҳоратни кетказадиган нопокликлар содир бўлганда эса таҳорат қилиниши зарур.

Тўла покланмай туриб, Аллоҳ таолонинг ҳузурига рўбарў келиш, У Зот ила мулоқотда ва муножотда бўлишга уриниш мумкин эмас. Аллоҳ таолонинг Ўзи мазкур мулоқот ва муножот учун покликни шарт қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам била туриб, қасддан,

тахоратсиз намоз ўқиган одам қасд ила нопок ҳолда Аллоҳ таолога рўбару келишга урингани, беҳурмат қилганлиги учун кофирдир, деб айтилган.

Ислом динининг бу ҳукмини на ғулга, на таҳоратга буюрмайдиган динлар билан таққослаб кўринг-а, динимизнинг фазлини яққол англаб етасиз. Уша динлардаги одамлар жунуб ҳолда ибодат қилаверадилар, ибодат давомида ел ҳам чиқариб юбораверадилар.

۲۰۱ - عَنْ عَبَادِ بْنِ تَمِيمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنْ عَمِّهِ: سُكِيَ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ الرَّجُلُ يُخَيِّلُ إِلَيْهِ أَنَّهُ يَجِدُ الشَّيْءَ فِي الصَّلَاةِ، قَالَ: لَا يَنْصَرِفُ حَتَّى يَسْمَعَ صَوْتًا أَوْ يَجِدَ رِيحًا. وَفِي رَوَايَةٍ: إِذَا وَجَدَ أَحَدُكُمْ فِي بَطْنِهِ شَيْئًا فَأَشْكَلَ عَلَيْهِ أَخْرَجَ مِنْهُ شَيْءٌ أَمْ لَا، فَلَا يَخْرُجَنَّ مِنَ الْمَسْجِدِ حَتَّى يَسْمَعَ صَوْتًا أَوْ يَجِدَ رِيحًا. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

201. Аббод ибн Тамийм розияллоҳу анҳу ўз амакиларидан ривоят қилганлар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга намозда бир нарса бўлгани ҳаёлига келадиган одам ҳақида шикоят қилинди. У зот:

«Токи овоз эшитмагунича ёки елни (ҳидини) топмагунича намозини бузмайди», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Бирортангиз қорнида бирор нарсани топса, унга ундан бир нарса чиқдими-йўқми, аниқ бўлмай қолса, токи овозни эшитмагунича ёки елни (ҳидини) топмагунича масжиддан чиқмасин», деганлар.

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Аббод ибн Тамийм розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Аббод ибн Тамийм ибн Ҳазийята Ансорий ал-Мазиний розияллоҳу анҳу ҳадис илмида олим ва ишонч-

ли тобеъинлардан бўлганлар. Ҳадисларни оталари ва амакилари Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осимлардан ривоят қилганлар. Баъзилар у кишини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кўришганлар, деб айтишади.

Бу зотдан Абдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Ҳазм ва бошқалар ривоят қилганлар.

Аббод ибн Тамийм розияллоҳу анҳунинг амакилари Абдуллоҳ ибн Зайд ал-Ансорийдирлар. Бу кишининг ўзлари ҳам, ота-оналари ҳам, ака-укалари ҳам саҳобий бўлганлар. Улар Бану Мазин ибн Нажжор авлодидан бўлгани учун ушбу ҳадиснинг ровийси номларига ал-Мазиний нисбати қўшиб зикр қилинар экан.

Пайғамбарлик даъвосини қилган Мусайламатул Қаззоб бу кишининг акалари Ҳабиб ибн Зайд розияллоҳу анҳунинг гўштларини қиймалаб ўлдирган экан. Кейинчалик Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоҳу анҳу Ваҳший билан биргаликда Мусайламатул Қаззобни ўлдирганлар.

Абдуллоҳ ибн Зайд ал-Мазиний розияллоҳу анҳудан 48та ҳадис ривоят қилинган экан. Шулардан 8тасини Имом Бухорий ҳам, Имом Муслим ҳам олган эканлар. Бу киши розияллоҳу анҳу 63-ҳижрий санада Зулҳижжа ойида Ҳарра номли жойда шаҳид бўлганлар.

Инсон ҳаётида тўлиқ ишончга, аниқ ва мустаҳкам мавқега эга бўлиш катта ўрин тутаети. Шак-шубҳа ва иккиланиш эса фойда келтирмаслиги аниқ. Шак-шубҳа, ишончсизлик ва иккиланиш шайтоннинг иши ҳисобланади. Шайтон доимо инсоннинг ноқулай ҳолатда бўлишини хоҳлайди. Бу иш айниқса мусулмон инсон учун намозда яққол билинади. Шайтон намоз пайтида кўпроқ васваса қилишга уринади. Унинг бу ҳолдаги васвасасидан бири — кишининг ҳаёлига таҳорати кетганга ўхшаш фикр келаверишидир. Бу ҳақиқат Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баъзи ҳадисларида ўз ифодасини топган.

Ибн Ҳузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳокимлар Абу Саъид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангизга шайтон келиб, «Таҳоратингни кетказдинг» деса, «Ёлғон айтибсан», десин. Лекин бурни ила ҳид ҳидласа ёки қулоғи билан овоз эшитса бошқа гап», деганлар.

Аббод ибн Тамийм розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ушбу биз ўрганаётган ҳадисни уламоларимиз «Исломнинг асл қоидаларидан бирига асос бўлган улўф ҳадислардан», деб баҳолаганлар. Бу қоида: «Нарсалар, ҳаттоки аниқ-равшан суратда тескариси воқе бўлмагунча, ўз аслида қолур. Ориз бўлган шак-шубҳа уларга зарар қилмас», деб таърифланган.

Ушбу ҳадисга биноан, асл таҳорат ҳаёлда «таҳорат кетганга ўхшайди», деган фикр бўлиши билан кетиб қолмайди. Таҳорат кетгани елнинг ҳидини сезиш, овозини эшитиш билан аниқ-равшан билингандан кейингина собит бўлади. Бунгача ўз аслида тураверади. Бошқа барча ишлар ҳам шунга таққосланади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Саҳобаи киромларнинг Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламга ўзларида ориз бўладиган барча ҳолатларни шикоят қилишлари. Намоз вақтида таҳорат кетиб қолганга ўхшаши каби фикрнинг ҳаёлдан ўтиши ҳақидаги шикоят шунга ишорадир.

2. Ҳаёлга таҳорат кетгани ҳақидаги фикрнинг келиши билан таҳорат кетиб қолмаслиги.

3. Елнинг овози ёки ҳиди чиқиши билан таҳорат кетиши. Агар овоз ёки ҳиддан бошқа аниқ билиш ҳосил бўлса ҳам кетади.

4. Ҳаётда воқе бўлиб турадиган масалаларни уламолардан сўраб туриш лозимлиги.

5. Шариатга, илмга тегишли нарсаларни сўрашдан уялмаслик.

Ушбу қоидани ва фойдаларни яхшилаб англаб олиб, ҳаётимизга татбиқ қилмоғимиз лозим. Мусулмон кишининг ҳаётида васваса, ҳаёл, шак-шубҳа ва иккиланишга ўрин бўлмаслиги зарур. Ҳамма нарса очиқ-ойдин, равшан ва ишончли бўлиши керак.

۲۰۲ – عَنْ عَلِيٍّ رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَهَ.
عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: وَكَأَنَّ السَّهَّ الْعَيْنَانِ،
فَمَنْ نَامَ فَلْيَتَوَضَّأْ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَهَ.

202. Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Орқанинг боғичи кўздир. Бас, ким ухласа, таҳорат қилсин», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилганлар.

Шарҳ: Яъни одам уйғоқ турганда ўзини, бутун тана-сини бошқариб туради. Жумладан, орқасидан ел чиқи-шини ҳам. Аммо ухлаб, икки кўзи юмилганда эса ўша ип бўшайди, инсон орқасидан ел чиқса ҳам билмайди. Шунинг учун ухлаган одамнинг таҳорати кетади. Бинобарин, уйқусидан тургандан кейин таҳорат қилсин.

Бу ҳадиси шарифдаги умумий тушунчага сабаб бўладиган уйқунинг алоҳида сифатлари бордир. Ҳар бир уйқуда ҳам таҳорат кетавермайди. Ана ўша тафсилот келаси ҳадислардан тушуниб олинади.

۲۰۳ – عَنْ أَنَسٍ رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَهَ.
عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: كَانَ أَصْحَابُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ يَنَامُونَ
ثُمَّ يُصَلُّونَ وَلَا يَتَوَضَّئُونَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

203. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ухлашар, сўнгра намоз ўқишар, таҳорат қилмас эдилар».

Муслим, Абу Довуд, Термизийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда зикри келган уйқу ҳеч нарсага суянмай, яхшилаб жойлашиб ўтириб ухланган уйқудир. Ана шунда ел чиқиш эҳтимоли йўқолади.

Ҳазрати Анаснинг худди шу ҳадислари бошқа бир ривоятда мукамал келган. Унда:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари хуфтонга интизор бўлиб, ҳатто бошлари

эгилиб кетар, сўнгра намоз ўқишар, таҳорат қилмас эдилар», дейилган. Бунда уларнинг ўтириб ухлаганлари очиқ кўриниб турибди.

٢٠٤ - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِنَّ الْوُضُوءَ لَا يَجِبُ إِلَّا عَلَى مَنْ نَامَ مُضْطَجِعًا، فَإِنَّهُ إِذَا اضْطَجَعَ اسْتَرْخَتْ مَفَاصِلُهُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

204. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Таҳорат фақат ёнбошлаб ухлагангагина вожиб бўлади. Чунки (одам) ёнбошласа, бўғинлари бўшашади», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда ётиб, ёнбошлаб ухлаган одамнинг уйқуси таҳорат кетишига сабаб бўладиган уйқу экани очиқ-ойдин айтилмоқда. Нима учунлиги ҳам баён қилинмоқда. Одам ухлаганда ҳамма бўғинлари бўшашади. У ўзини идора қила олмай қолади. Ана ўшанда ундан ел чиқиши ва буни ўзи билмаслиги мумкин. Шунинг учун эҳтиёт тариқасида таҳорати кетган ҳисобланади.

٢٠٥ - عَنْ بُسْرَةَ بِنْتِ صَفْوَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَنْ مَسَّ ذَكَرَهُ فَلَا يُصَلِّ حَتَّى يَتَوَضَّأَ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

205. Бусра бинти Сафвон розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким закарини ушласа, таҳорат қилмагунча намоз ўқимасин», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровияси Бусра бинти Сафвон розияллоҳу анҳо билан яқиндан танишиб олайлик:

Бусра бинти Сафвон ибн Навфал ибн Асад ибн Абдул Уззо ибн Қусай ибн Килоб ал-Қурашия ал-Асадийя.

Салама бинти Умайя ибн Увқис ас-Сулаймиянинг оналари. У Варақа ибн Навфалнинг акасининг қизи.

Бусра Муғийра ибн Абу Оса турмушга чиқиб, Муовия ва Оиша деган фарзандлар кўрди. Оиша Абдул Малик ибн Марвон ибн Ҳакамнинг оналари эди.

Бусра Умму Кулсум бинти Уқба ибн Абу Муаййиддан ривоят қилганлар. У кишидан эса Марвон ибн Ҳакам, Саъид ибн Мусаййиб ва бошқалар ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадиснинг зоҳирий маъносига қараганда, жинсий олатини ушлаган одамнинг таҳорати кетади. Қўпчилик уламолар бу ҳадисни айнан шундай тушунганлар.

Аммо Ҳанафий мазҳаби уламолари уни бошқача тушунганлар. Улар «Бу ҳадисдаги таҳорат қўлни ювиш маъносидадир», деганлар. Чунки «таҳорат» лафзи шартий таҳорат маъносидан ташқари, қўлни ювиш маъносида ҳам ишлатилади. Ҳанафий уламоларининг бу фикрлари бошқа бир ҳадисдаги закар ҳам инсоннинг бир аъзоси экани, уни ушлаш билан таҳорат кетиб қолмаслиги ҳақидаги фикрлар билан тасдиқланган.

۲۰۶ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا أَفْضَى أَحَدُكُمْ يَدَهُ إِلَى فَرْجِهِ وَلَيْسَ بَيْنَهُمَا سِتْرٌ وَلَا حَائِلٌ فَلْيَتَوَضَّأْ. رَوَاهُ الْإِمَامُ الشَّافِعِيُّ وَالْحَاكِمُ وَأَحْمَدُ.

206. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз қўлини фаржига олиб борса-ю, иккиси орасида тўсиқ ҳам, ажратувчи ҳам бўлма-са, таҳорат қилсин», дедилар».

Имом Шофеъий, Аҳмад ва Ҳокимлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадис ҳам олдинги ҳадиснинг маъносида, фақат ундаги иборалар бошқача, холос. Шунингдек, уламоларимизнинг шарҳлари ҳам худди аввалги ҳадиснинг шарҳига ўхшайди.

۲۰۷ - عَنْ طَلْقُ بْنُ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَدِمْنَا عَلَى النَّبِيِّ ﷺ، فَجَاءَ رَجُلٌ كَأَنَّهُ بَدَوِيٌّ، فَقَالَ: يَا نَبِيَّ اللَّهِ، مَا تَرَى فِي مَسِّ الرَّجُلِ ذِكْرَهُ بَعْدَ مَا يَتَوَضَّأُ؟ فَقَالَ ﷺ: هَلْ هُوَ إِلَّا مُضْغَةٌ مِنْهُ أَوْ بَضْعَةٌ مِنْهُ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

207. Толиқ ибн Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борган эдик, худди бадавийга ўхшаш бир одам келди ва:

«Эй Аллоҳнинг Набийси, бир одам таҳорат қилганидан кейин закарини ушлашига нима дейсиз?» деди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У ҳам ундан бир парча, холос ёки бир бўлак, холос», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Толиқ ибн Али розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Толиқ ибн Али исмли бу саҳоба Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига Ямандан вакил бўлиб келиб, Исломни қабул қилганлардан эди.

Бу зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бўлган суҳбатни қуйидагича баён қиладилар:

«Ямандан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга вакил бўлиб келиб, байъат қилдик. Ва у киши билан намоз ўқишга мушарраф бўлдик. Шаҳримизда канисалар борлигидан хабар берганимизда, у ерни поклаш тўғрисида маслаҳат бердилар. Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламга сув келтиришди. Таҳорат қилиб, оғиз чайиб, сўнг таҳорат сувини бир идишга қуйдилар. У зот бу сувни бизга бериб, «Канисани бузиб, бу сувдан қўйинглар, кейин унинг ўрнига масжид қуриб, намоз ўқинглар», дедилар.

Биз шаҳримизга қайтиб бориб, канисани бузиб, тозалагандан кейин масжид қурдик. Бу канисада бир роҳиб ибодат қилар эди. Биз азон айтганимизда у азон товушини эшитиб, «Ҳақ чақирувчи» деди-да, ғойиб бўлди. Уни қайтиб кўрмадик.

Бу ҳадисда бадавийга (сахройига) ўхшаган кишининг:

«Эй Аллоҳнинг Набийси, бир одам таҳорат қилганидан кейин закарини ушлашига нима дейсиз?» деган саволига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«У ҳам ундан бир бўлак, холос», яъни, закар ҳам одамнинг бир бўлаги, холос, дейишлари таҳорати бузилмайди, деганларини билдиради.

Ҳанафий мазҳаби уламолари мана шу ҳадисни ҳужжат қилиб, «Закарини ушлаган одамнинг таҳорати кетмайди», дейдилар.

Бошқа уламолар «Бу ҳадис ёки мансух (амалдан қолган) ёки ўша сўраган бадавий одамга хос ҳукм», дейишади.

Лекин усули фикҳ қоидасига биноан, насх бўлса ҳам, хос бўлса ҳам, ҳужжат билан аниқ исбот қилиш керак.

Ҳанафий уламолар ўз ижтиҳодларини ҳамиша енгилликни олиш зарурлиги қоидаси билан қувватлайдилар. Улар «Агар закарига қўли теккан одам таҳорат қилиши вожиб бўлиб қолса, қийинчилик туғилади», дейдилар.

Бошқа уламолар эса «Инсон закарини ушлагандан лаззат ҳосил бўлиши мумкин, бу эса таҳоратнинг синушига олиб боради. Шунинг учун эҳтиёт чораси сифатида ҳам таҳорат кетади, десак яхши бўлади», дейдилар.

Биз эса «Икки томоннинг қавлини жамлаш керак. Агар зарурат юзасидан, беҳосдан ушланса, таҳорат кетмайди. Заруратсиз, шаҳват учун ушланса, кетади, дейилса яхши бўлса керак», деймиз.

۲۰۸ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَبِلَ امْرَأَةً مِنْ نِسَائِهِ ثُمَّ خَرَجَ إِلَى الصَّلَاةِ وَلَمْ يَتَوَضَّأْ. قَالَ عُرْوَةُ: فَقُلْتُ لَهَا: مَنْ هِيَ إِلَّا أَنْتِ، فَضَحِكْتَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

208. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам завжала-
ридан бирини ўпдилар, сўнгра намозга чиқдилар.
Таҳорат қилмадилар».

Урва:

«Мен унга «Ўша хотин сендан бошқа бўлмаса
керак», деган эдим, у кулди», деди».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Жумҳур уламолар мана шу ва шунга ўхшаш
ҳадисларни далил қилиб, «Аёл кишининг баданига
эркак киши тегса, таҳорати кетмайди», дейдилар.

Шофеъий мазҳаби уламолари эса фаслнинг бо-
шида келтирилган оятдаги «ав лаамастумун нисаа»,
яъни «ёки аёлларни тутган бўлсангиз»даги «тутган»-
ни баданнинг баданга тегиши деб ҳисоблайдилар ва
«Эркак киши ўзи учун никоҳи ҳалол бўлган аёлга
тегса, таҳорати кетади», дейдилар.

Биз қайси мазҳабнинг далили кучли эканини баён
қилишни ўзимизга вазифа қилиб олганимиз йўқ.
Фақат маълумот бериб қўймоқчимиз. Қўлим номаҳ-
рам аёлга тегса, таҳоратим синади, деган одамнинг
Шофеъий мазҳабида эканини билиб, буни ғариб бир
иш санамаслик керак. Шу билан бирга, Шофеъий
мазҳабидагилар ҳам бошқа мазҳабдаги кишиларнинг
бошини айлантирмасликлари керак. Чунки «Аёл ки-
шига теккан одамнинг таҳорати кетмайди», деган
уламолар ўз далилларига эгадирлар.

۲۰۹ - عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ رضي الله عنه: أَنَّ النَّبِيَّ صلی اللہ علیہ وسلم قَاءَ فِتْوَضًا، فَلَقِبْتُ ثَوْبَانَ فِي مَسْجِدِ دِمَشْقٍ، فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لَهُ، فَقَالَ: صَدَقَ، أَنَا صَبَّيْتُ لَهُ وَضُوءَهُ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

209. Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қайт қилдилар, сўнгра таҳорат қилдилар. Бас, Савбонни Дамашқ масжидида учратдим ва ўша нарсани унга зикр қилдим. У:

«Рост айтибди, у кишига мен таҳорат суви қуйиб турганман», деди».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Абу Дардо розияллоҳу анҳу ривоят қилган ушбу ҳадисни далил қилиб, Ҳанафий ва Ҳанбалий мазҳаби уламолари «Қайт қилган одамнинг таҳорати кетади», деганлар.

Бу ҳадиснинг ровийсидан бири Дамашқ шаҳрининг масжидида Савбон розияллоҳу анҳуни кўриб қолиб, «Абу Дардо «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қайт қилиб, қусганларидан кейин таҳорат қилганлар», демоқда, сен нима дейсан?» деган экан. Шунда Савбон розияллоҳу анҳу: «Абу Дардо рост айтибди, ўшанда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таҳоратларига сувни мен қуйиб берган эдим», деган эканлар.

Бу эса ҳадиснинг маъносини, ҳужжатлик қувватини яна ҳам кучайтиради.

۲۱۰ - عَنْ الْبَرَاءِ رضي الله عنه قَالَ: سَأَلَ رَسُولُ اللَّهِ صلی اللہ علیہ وسلم عَنِ الْوُضُوءِ مِنْ لُحُومِ الْإِبِلِ، فَقَالَ: تَوَضَّئُوا مِنْهَا، وَسُئِلَ عَنْ لُحُومِ الْغَنَمِ، فَقَالَ: لَا تَوَضَّئُوا مِنْهَا. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

210. Баро розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан туянинг гўшtidан таҳорат қилиш ҳақида сўралди.

У зот:

«Ундан таҳорат қилинглар» дедилар. Қўйнинг гўшти ҳақида сўралди. У зот:

«Ундан таҳорат қилманглар», дедилар».

Абу Довуд, Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиснинг зоҳирий маъносидан туянинг гўштини еган одамнинг таҳорати кетади. Лекин бу ҳадис маълум вақт ва маълум сабаб учун айтилган ва кейин насх бўлиб, амалдан қолган.

۲۱۱ - عَنْ زَيْدِ بْنِ ثَابِتٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الْوُضُوءُ مِمَّا مَسَّتِ النَّارُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

211. Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Олов теккан нарсадан таҳорат», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Зайд ибн Собит ибн Заҳҳок Ансорий ал-Хазражий, кунялари Абу Саъиддир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Пайғамбар қилиб юборилганларида бу киши 6 ёшда эдилар. Уша йили у кишининг оталари вафот этади. Бадр ғазотида қатнашмоқчи бўлганларида ёшлари кичкина бўлгани сабабли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтариб юборадилар. Уҳуд ғазотида қатнашганлари тўғрисида ихтилофлар бор. Хандақ ғазотида қатнашиб, хандақ қазиш, тупроқ ташиш каби ишлар билан машғул бўладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни кўриб, «Бу бола мунча ҳам яхши», деб марҳамат қиладилар.

Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ваҳий котибларидан

эдилар. Ваҳийларни ёзиб олиш билан бирга, ёдлаб ҳам борар эдилар. Қуръоннинг ҳаммасини ёдлаб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўтказиб чиққан уч нафар ансорларнинг бири эдилар.

Абу Бакр ва Усмон розияллоҳу анҳумларга Қуръони Каримни мусҳаф ҳолатига келтириб, ёзиб берган киши ҳам шу зот эдилар.

Бу киши фикҳ, мерос, қироат илмларида етук олимлардан эдилар. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Зайд бу умматнинг илм денгизидир», деб марҳамат қилганлар.

Шунингдек, яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Фароиз илмларини ичларингизда Зайд ибн Собит яхши билади», деб айтганлар.

Халифа Умар розияллоҳу анҳу агар Мадинадан ҳаж қилишга ёки бирор сафарга отлансалар, Зайдни ўз ўринларига халифа қилиб кетар эдилар. Усмон розияллоҳу анҳу ҳам шундай қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу у кишидан дарс олар эдилар. Бир куни Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу чиқиб, отларига минмоқчи бўлсалар, Ибн Аббос отнинг жоловидан ушлаб турган эканлар. Зайд бундан қайтарибдилар. Шунда Ибн Аббос: «Уламоларимизни шундай ҳурмат қилишга буюрилганмиз», дебдилар. Зайд эса Ибн Аббоснинг кафтларидан ушлаб, ўпиб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оилаларига шундай муомалада бўлишга буюрилганмиз», деган эканлар.

Зайд вафот этганларида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу: «Бугун умматнинг олими вафот этди, шоядки, Аллоҳ таоло унинг ўрнига Ибн Аббосни ўринбосар қилса эди», деб дуо қилган эканлар.

Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳу ҳаммаси бўлиб 92та ҳадис ривоят қилдилар. Бу зотдан Ибн Умар, Ибн Аббос, Абу Ҳурайра, Анас ибн Молик, Саҳл ибн Ҳунайф, Абу Саъид ал-Худрий ва бошқа улуғ саҳоба розияллоҳу анҳумлар ривоят қилганлар.

Бу зот ҳижратнинг 45-йили вафот этдилар. Вафотлари муносабати билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шоирлари Ҳассон ибн Собит бу кишига марсия ўқидилар.

У киши ривоят қилган олов теккан нарсадан мурод, оловда пишган гўштдир. Бу ҳам аввалги ҳадис каби насх бўлиб, амалдан қолган ҳадислардан ҳисобланади. Бу маънони қуйида келадиган ҳадис амалга оширган ва тасдиқлаган.

۲۱۲ - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ أَكَلَ كَتِفَ شَاةٍ ثُمَّ صَلَّى وَلَمْ يَتَوَضَّأْ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

212. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўйнинг кифтини едилар ва намоз ўқидилар, таҳорат қилмадилар».

Учалалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадис олдинги ҳадисни насх қилиб, амалдан қолдирган. Шунинг учун ҳам мусулмон уммати қадимдан ҳозиргача ҳеч шубҳаланмасдан оловда пиширилган нарсаларни тановул қилганлар ва қилмоқдалар.

۲۱۳ - عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ آخِرُ الْأَمْرِينِ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ تَرَكَ الْوُضُوءَ مِمَّا غَيَّرَتِ النَّارُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

213. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу икки ишнинг охиргиси (амал қилингани) олов ўзгартирган нарсадан таҳорат қилмаслик бўлган эди».

Абу Довуд ва Насоий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳар хил ривоят келганидан иккиланиб, қайси бирига амал қилиш керак экан, деган ҳаёлга

бормаслик керак. Собит ва аниқ бўлгани Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан охириги амал қилингани — туянинг гўшти ва оловда пишган гўштни егандан кейин таҳорат қилмаслиқдир. Бу ҳукмни уламолар жумҳури, жумладан, тўрт мазҳаб бир овоздан жорий қилганлар.

Ҳанафий мазҳаби бўйича инсон баданидан оққан қон ҳам таҳоратни кетказди. Бунга далил қуйидаги ҳадислар:

1. Имом Ибн Можа Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда:

«Ким намозда қайт қилса ёки бурни қонаса, бурилиб чиқсин, таҳорат қилсин ва гапирмаган бўлса, намозини келган жойидан ўқиб кетсин», дейилган.

2. Имом Дора Қутний Тамийм ад-Дорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда:

«Ҳар бир оққан қондан таҳорат», дейилган.

3. Дора Қутний Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда:

«Бир қатра ёки икки қатра қондан таҳорат йўқ, магар оққан қон бўлса, бор», дейилган.

Булардан бошқа ҳужжатлар ҳам бор. Демак, Ҳанафий уламолари қон чиқса, таҳорат кетади, деган гапни ўзлари тўқиб чиқарган ёки ҳаводан олган эмаслар. Балки ҳадиси шарифлар билан тасдиқлаганлар.

الفصل الثاني في آداب الوضوء

ИККИНЧИ ФАСЛ

ТАҲОРАТНИНГ ОДОБЛАРИ

٢١٤ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا اسْتَيْقَظَ أَحَدُكُمْ مِنْ نَوْمِهِ فَلَا يَدْخُلُ يَدَهُ فِي الْإِنَاءِ حَتَّى يَغْسِلَهَا ثَلَاثَ مَرَّاتٍ، فَإِنْ أَحَدَكُمْ لَا يَدْرِي أَيْنَ بَاتَتْ يَدُهُ أَوْ أَيْنَ كَانَتْ تَطُوفُ يَدُهُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

214. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирортангиз уйқусидан уйғонса, қўлини уч марта ювмасдан туриб, уни идишга солмасин. Чунки ҳеч бирингиз қўли қаерда тунаганини билмайсиз ёки қўлингиз қаерда айланганини билмайсиз», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Таҳоратнинг одоблари ҳақидаги боб ушбу ҳадис ила бошланмоқда. Унда уйқудан туриб, таҳорат қилмоқчи бўлган одам таҳорат қилишдан олдин суви бор идишни энгаштириб ёки бирорта кичи идиш билан ундаги сувдан олиб, уч марта қўлини ювиб ташлаши суннат экани баён қилинмоқда. Шу билан бирга, бу иш қандай ҳикматга биноан жорий қилингани ҳам баён этилмоқда. Уйқудаги одам қўли қаерларга борганини, нималарни ушлаганини идрок эта олмайди. Эҳтимол, нопок нарсаларни ушлаган бўлиши мумкин. Бинобарин, биринчи сувга уриладиган аъзо қўл экани ва бошқа аъзоларини у билан ювадиган бўлгани учун аввал қўлини ювиб олгани

маъқул. Шу мулоҳазага биноан, нафақат уйқудан турган одамга, балки ҳар бир таҳорат қилувчига аввал қўлини уч марта ювиб олиши тавсия қилинади.

Ҳанафий мазҳаби уламолари поклиги гумон бўлган нарсани уч марта ювиш зарурлигини мана шу ҳадисдан олганлар.

۲۱۵ - عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا صَلَاةَ لِمَنْ لَا وُضُوءَ لَهُ، وَلَا وُضُوءَ لِمَنْ لَمْ يَذْكُرْ اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

215. Яна уша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Таҳорати йўқнинг намози йўқ. (Таҳоратда) «Бисмиллаҳ»ни зикр қилмаган одамнинг таҳорати йўқ», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Таҳоратсиз намоз қабул бўлмаслигини олдинроқ мукаммал ўрганиб чиққан эдик. Энди эса

«(Таҳоратда) **«Бисмиллаҳ»ни зикр қилмаган одамнинг таҳорати йўқ»,** деган жумлани ўрганиб чиқайлик.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал розияллоҳу анҳу бу ҳадиснинг зоҳирий маъносини олиб, «Бисмиллаҳни айтмаган одамнинг қилган таҳорати таҳорат бўлмайди», деганлар.

Бошқа уламолар эса «Бу ҳадиси шарифдаги «Бисмиллаҳни зикр қилмаган одамнинг таҳорати йўқ» дейилгани «таҳоратининг камоли йўқ» дегани», дейдилар. Бу араб тили қоидаларида, хусусан, ҳадиси шарифларда бор нараса.

Мисол учун, «масжиднинг қўшнисига масжиддан бошқа жойда намоз йўқ» деган ҳадис «масжиддан бошқа жойдаги намози комил бўлмайди» дегани экани ҳаммага маълум.

Шунга биноан, «Бисмиллаҳ»ни айтмай таҳорат қилган одамнинг таҳорати комил бўлмайди, савоби

тўлиқ бўлмайди. Уламоларимиз «Агар таҳоратнинг аввалида «Бисмиллаҳ»ни айтиш унутиб қўйилса, эслаган вақтда айтилади», дейдилар.

۲۱۶ - عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَوْلَا أَنْ أَشُقَّ عَلَى أُمَّتِي لِأَمْرِهِمْ بِالسَّوَاكِ مَعَ كُلِّ وُضُوءٍ. رَوَاهُ مَالِكٌ وَالْبُخَارِيُّ.

216. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар умматимга машаққат бўлмасин, демаганимда, уларни ҳар таҳоратда мисвок қилишга амр этар эдим», дедилар».

Молик ва Бухорий ривоят қилганлар.

Шарҳ: «Мисвок қилиш» деб ишлатилаётган истилоҳ биздаги тишни ишқалаб ювиш маъносидадир. Ўша вақтда тиш маълум бир буталарнинг, аниқроғи, арок номли бутанинг учи юмшатиш билан новдалари билан тозаланган.

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига машаққат бўлишини мулоҳаза қилганлари учунгина ҳар таҳоратда мисвок қилишга амр этмаганларини таъкидлашларидан бу ишга қанчалик аҳамият берилганини билиб олиш мумкин.

Фарблик олимларнинг таъкидлашларича, дунё тарихида кишиларни тишни тозалаб юришга биринчи бўлиб амр қилган инсон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар.

Ҳа, Ислом дини ҳали ҳеч ким тиш ювиш нима эканини билмасидан аввал мусулмонларнинг тишларини тозалаб юришларини суннати муаккадага айлантириб қўйган эди.

Уламоларимиз «Таҳорат қилган одам мисвок қилмоғи суннати муаккада», деганлар.

Баъзилар бу ишни мустаҳаб, деганлар. Аммо нима бўлса ҳам, уни қилишга ундаганлар. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо мис-

вок қилар эдилар. Вафотлари олдидан ҳам мисвок қилиб турганлари маълум ва машҳур.

Мисвок кўпроқ арок дарахти шохларидан олинганлиги учун олимлар ўша дарахт шохларини кимёвий таҳлил қилиб кўрдилар. Диққат билан олиб борилган кенг кўламдаги илмий ишлардан сўнг ўша дарахтдаги мавжуд моддалар ҳозирги мавжуд тиш маъжунларининг (тиш ювиш воситаларининг) ҳаммасидан кўра тиш ва соғлиқ учун фойдалироқ экан, деган хулосага келдилар.

Ҳозирга келиб, баъзи ширкатлар арок дарахтидан фойдаланиб, тиш маъжуни (пастаси) ишлаб чиқардилар. Бу ҳам ҳадиси шарифнинг илмий мўъжизаси ҳисобланади.

۲۱۷- عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: السَّوَّاءُ مَطَهْرَةٌ لِلْفَمِ مَرْضَاءٌ لِلرَّبِّ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالشَّافِعِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

217. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мисвок оғизни покловчи ва Роббни рози қилувчидир», дедилар».

Бухорий, Шофеъий ва Насоийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳадисда айтилганидек, мисвок оғизни покловчидир. Оғизни пок тутиш инсон соғлиги учун қанчалик зарур эканини ғайримусулмонлар эндигина тушунишди. Таом еган, турли ичимликлар ичган одамнинг оғзида, тишлари орасида қолган чиқиндилар ўз вақтида тозалаб турилмаса, беморлик ва зарарга сабаб бўлиши энди ҳаммага маълум.

Шу билан бирга мисвок:

«Роббни рози қилувчидир».

Яъни ким мисвок қилса, тозаликка риоя қилганлиги, дин — шариатнинг амрини амалга оширганлиги, мисвок қилиш ибодатини адо этганлиги учун Аллоҳ таоло ундан рози бўлар экан.

Ислом динининг афзаллигини қаранг, инсоннинг ўзи учун ўта фойдали ишни, соғлиги учун керакли ва ҳусни-жамоли учун зарур бўлган нарсани бир йўла Аллоҳ таолони рози қиладиган иш қилиб қўйибди. Шариатнинг амрини бажарадиган мусулмонни ҳам соғлик-саломатлигини яхшилаб, ҳам ажру савоб оладиган қилиб қўйибди. Бу ҳолат дунёдаги ҳеч бир тузумда ёки динда йўқ.

Энди бу нарсага ҳаётимизда қандай муносабатда эканимизга бир назар солайлик.

Ҳамма мусулмон ҳам ўз вақтида таҳорат қиладими?

Ҳамма таҳорат қилганлар ҳам мисвок қиладиларми?

Қилишса, мисвок оғизни покловчи, Роббни рози қилувчи эканини англаган ҳолда қиладиларми?

Афсуски, йўқ.

Мисвокнинг ҳақиқатини, ҳадиси шарифдаги руҳини тўла ва тўғри тушунган ҳолда унга амал қилаётганларимиз жуда оздир.

Баъзиларимиз ароқдан ёки бошқа дарахтдан мисвок қилиб, уни ёнимиздан қўймай, олиб ҳам юрамиз. Ҳар таҳоратда мисвок ҳам қиламиз. Мисвок деганда, шунчаки ўша чўпни тишга теккизиб қўйиш, деб тушунамиз. Шунинг учун ҳам ҳар таҳоратда мисвок қилсак ҳам тишларимиз сарғайиб юради. Мисвоки-миздан ҳадисда кўзланган мақсад ҳосил бўлмайди.

Баъзи бирларимиз мисвок қиламиз, қилганда ҳам, яхшилаб, замонавий воситаларни ишга солиб қиламиз. Тишларимизни иложи борица ялтиратишга уринамиз. Лекин бу ишни ибодат учун, Роббни рози қилиш учун эмас, урфни деб, чиройли бўлишни кўзлабгина қиламиз.

Ушбу ҳадиси шарифга тўлиқ амал қиладиган бўлсак, биз, мусулмонлар дунёдаги энг оғзи пок, тиши энг тоза ва чиройли, ўзи энг соғ ва бу ишлари учун Аллоҳ таолонинг розилигини олган кишилар бўламиз. Шунинг учун ҳаракат қилайлик.

۲۱۸- وَعَنْهَا قَالَتْ: كَانَ نَبِيُّ اللَّهِ ﷺ يَسْتَاكَ فَيُعْطِي السَّوَاكَ لِأَغْسِلَهُ، فَأَبْدَأَ بِهِ فَأَسْتَاكَ، ثُمَّ أَغْسِلَهُ وَأَذْفَعَهُ إِلَيْهِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

218. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мисвок қилар ва мисвокни ювишим учун менга берар эдилар. Мен дарҳол аввал ўзим мисвок қилар ва сўнг-ра уни юиб, у зотга берар эдим».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда Оиша онамиз розияллоҳу анҳо мисвок борасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир одатларини баён қилмоқдалар. Бу кўпроқ оилавий шароитдаги ҳолат бўлиб, уни айнан Оиша онамиз ривоят қилишлари жуда ҳам табиийдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак оғиз ва тишларини тозалаб бўлганларидан кейин тиш тозалагични (мисвокни) юиб қўйишни йўлга қўйган эканлар. Бу ҳам шахсий покизалик ишларида ўта муҳимдир. Инсон тишини ва оғзини тозалаганида унга оғиздаги нарсалар илашади. Ана шу нарсалардан мисвокни тозалаб қўйиш керак. Чунки улар мисвокда қолмагани маъқул.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мисвок қилиб юрганлари.

2. Эр ўз хотинига шахсий тозаликка доир ишларни буюриши.

3. Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган чексиз муҳаббат ва ҳурматлари. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан мисвокни олиб, ўзлари мисвок қилгач, дарҳол уни юиб қўйишлари шунга далилдир.

4. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга тегишли нарсани табаррук билиш.

5. Эгаси рози бўлса, бировнинг мисвоги ила мисвок қилиш мумкинлиги.

6. Мисвок қилгандан сўнг уни ювиб қўйиш. Шунингдек, мисвокни ишлатишдан олдин ҳам бир ювиб олиш.

Биз, мусулмонлар бу таълимотларга оғишмай амал қилмоғимиз, фарзандларимизни ҳам шу руҳда тарбияламоғимиз зарур.

۲۱۹ - وَعَنْهَا عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: عَشْرٌ مِنَ الْفَطْرِ: قَصُّ الشَّارِبِ، وَإِعْقَاءُ الْحَيَّةِ، وَالسَّوَاكُ، وَاسْتِنْشَاقُ الْمَاءِ، وَقَصُّ الْأَظْفَارِ، وَغَسْلُ الْبَرَاجِمِ، وَتَنْفُ الْإِبْطِ، وَحَلْقُ الْعَانَةِ، وَانْتِقَاصُ الْمَاءِ أَيْ الْأَسْتَنْجَاءُ. قَالَ مُصْعَبٌ: وَنَسِيتُ الْعَاشِرَةَ إِلَّا أَنْ تَكُونَ الْمَضْمَضَةُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

219. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўн нарса фитратдан(соф табиатдан)дир: мўйлабни қисқартириш, соқолни ўстириш, мисвок, бурунга сув олиб тозалаш, тирноқларни олиш, бўғинларнинг бужмайган жойларини ювиш, қўлтиқ(туки)ни юлиш, қовуқ(туки)ни қириш, истинжо қилиш», дедилар. Мисъаб: «Ўнинчисини унутдим, оғизни чайиш бўлса керак», деди».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Оиша онамиздан ривоят қилинаётган бу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларини ҳар бир инсон учун ўта муҳим бўлган шахсий озодалиқ ишларига тарғиб қилмоқдалар.

Ўша ўн нарсанинг ичида мисвок қилиш ҳам бор бўлганлиги учун ҳадис ушбу бобда келтирилмоқда.

Энди мана шу ҳадис аввалида зикр қилинган «фитрат» сўзининг асл маъносига эътибор қилайлик.

«Фитрат» сўзи бизнинг тилимизда «соф табиат» маъносини англатади. Уламоларимиз таърифида эса:

«Анбиё ва Расулар, мўминлар қадимдан амал қилиб келаётган, худди яратилишларига қўшиб қўйилганга ўхшаб кетган амалларга «фитрат» дейилади».

Ушбу ҳадисда ана шундай фитратда бор нарсалар ўнга экани айтилмоқда. Улар билан танишиб чиқайлик:

1. «Мўйлабни қисқартириш».

Бу иш суннат эканига уламоларимиз иттифоқ қилишган. Мўйлабни ўша одамнинг ўзи қисқартирса ҳам бўлади, бошқа биров қисқартириб қўйса ҳам бўлади. Мўйлабни қисқартириш — лабнинг атрофини кўриниб турадиган қилиб қўйишдир. Ҳанафий уламолар мўйлабни бир йўла олишни тавсия қилганлар. Чунки мўйлаб оғизга тушиб турса, унга илашган чанг ва микроблар таом ва шаробга қўшилиб, ичкарига кириб кетса, зарар етказади.

2. «Соқолни ўстириш».

Буни баъзилар соқолга умуман тегмасдан, ўстириш, қандай бўлса, шундай қўйиб юбориш деб тушунадилар.

Кўпчилик уламолар эса «Бир қабзадан (тутамдан) ортиғини қисқартирса, томоқ остини олса бўлади. Чунки Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу шундай қилганлар», дейишади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу борада қандай иш тутганликлари «Либос» бобида келади.

3. «Мисвок».

Мисвок нималигини юқорида ўтган ҳадисларни ўрганиш давомида билиб олдик. Баъзи бир қўшимча маълумотлар келтирамиз. Мисвок қилиш фақат таҳорат вақтига боғлиқ эмас. Бошқа ҳадисларда намоз ўқишдан олдин, уйқудан тургандан кейин ва бошқа вақтларда ҳам мисвок қилингани айтилган. Шунингдек, таомдан кейин оғизни чайиш ҳам таъкидланган.

Уламоларимиз мисвокнинг фойдалари ҳақида ҳам батафсил гапирганлар. Жумладан, мисвок оғизни то-

залаши, Роббни рози қиладиган амал экани, тишни оқартиришидан ташқари, ҳидни яхшилаши, қоматни тўғрилаши, соч-соқолнинг оқаришини кечиктириши, зеҳни ўткир қилиши, ахлоқни яхшилаши каби фойдаларини ҳам зикр қилганлар.

Ҳофиз ибн Ҳажар розияллоҳу анҳу мисвокнинг ўттиздан ортиқ фойдаларини келтириб ўтган эканлар.

Бугунги кунимиз табиблари эса мазкур фойдалар рўйхатига мисвокнинг асабга, кўзга, нафас олиш, ҳазм қилиш аъзоларига ва бошқа муҳим нарсаларга ҳам фойдаси борлигини қўшмоқдалар.

4. «Бурунга сув олиб тозалаш».

Буруннинг инсон ҳаётида тутган ўрнини гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Шундай муҳим аъзони яхшилаб, озода ҳолда тутиш ҳар бир мусулмон учун диний мажбуриятдир. Ҳар таҳоратда бурунга яхшилаб сув олиб, ичкарисига тортиб, сўнгра чиқариб ташлашни уч марта қилиш бор. Бу билан бурунга кириб қолган турли зарарли чанг-ғубор ва микроблар чиқариб юборилади ва инсон соғлиги учун муҳим иш амалга оширилади.

Яқинда олимлар бу борада илмий тажриба ўтказдилар. Бунинг учун бир гуруҳ намозхон ва бир гуруҳ бенамоз одамларни, яъни бурнини доимо тозалаб юрадиган ва тозаламайдиган одамларни тўпладилар ва уларнинг бурунлари ичини ўрганиб чиқдилар. Намозхонларнинг бурунлари тоза, ичида соғлиқлари учун зарарли нарсалар йўқлиги маълум бўлди. Бенамозларнинг бурунлари ичидан эса турли микроблар чиқди. Уларнинг исмлари ва миқдори рўйхатини туздилар. Сўнгра бурнини тозаламайдиганларда мавжуд беморликлар рўйхати тузилди ва бурнини тозалайдиганлар ушбу беморликлардан фориғ эканликлари аён бўлди. Агар гап чўзилиб кетиши истиҳоласини қилмаганимизда, илмий нашрлардан бирида чоп этилган мақолани тўла таржима қилиб, мазкур китобга киритган бўлардик.

Ислом динимиз қанчалик улуғ дин эканини англаб олиш учун биргина шу мисолнинг ўзи ҳам етарли, деб ўйлаймиз.

5. «Тирноқларни олиш».

Бу ҳам суннат амал. Тирноқни ўстириб юриш яхши эмас. Тирноқни олиш маданият одобининг зарурий шартларидан биридир. Уни ўстириб юриш жуда хунук иш бўлиши билан бирга, инсонга кўп жиҳатдан зарар келтиради. Буни ҳар бир одам жуда яхши билади.

6. «Бўгинларнинг бужмайган жойларини ювиш».

Яъни ўша жойларга кир тупланиб қолишига йўл қўймаслик. Бу эса бадан поклигига ғоятда катта эътибор беришнинг аломатидир. Демак, таҳорат ва ғусл қилганда, аъзоларни ювган вақтда эътибор билан, бадандаги ҳеч жойни қолдирмасдан, сув етказиб, тозалаб ювиш керак.

7. «Қўлтиқ(туки)ни юлиш».

Бу ҳам суннат амал эканига ҳамма уламолар иттифоқ қилганлар. Қўлтиқ тукини ўстириб юриш ёмон нарсас. Чунки бунда у ерда кир тупланиши, тер билан аралашиб, инсондан қўланса ҳид чиқиб турадиган бўлиб қолиши мумкин. Бу иш турли касалликларга, жумладан, тери касалликларга сабаб бўлиши аниқ.

8. «Қовуқ(туки)ни қириш».

Бу ҳам суннатдир. Эркак ва аёлнинг жинсий аъзоси атрофидаги мўйлар олиб турилмаса, кўпгина зарарлар келиб чиқишини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Мазкур жойдаги мўйни қириш, юлиб ташлаш ёки бошқа воситалар билан ҳам кетказиш мумкин. Мусулмон одам бу суннат амалига алоҳида эътибор ила қараши лозим.

9. «Истинжо қилиш».

Истинжонинг луғавий ва шаръий маъноларини, унга оид бошқа маълумотларни истинжога тегишли бобда батафсил ўргандик. Бу ерда эса истинжо қилмаслик турли касалликларга, ифлосликка, қўланса ҳид чиқиб туришига сабаб бўлишини айтиб ўтмоқчимиз.

10. Фитратда бор нарсаларнинг ўнинчисига келгач, унинг нималигини ҳадиснинг ровийларидан бирлари — Мисъаб розияллоҳу анҳу аниқ эслаб қола олмаган эканлар. Шунини илмий омонат юзасидан, Аллоҳдан қўрқиб, очиғини айтибдилар. Уламоларимиз у киши қандай айтган бўлсалар, шундай нақл қилибдилар. Мисъаб розияллоҳу анҳу ўша ўнинчи нарса — оғизни чайиш экани эҳтимоли кучлилигини ҳам айтибдилар. Дарҳақиқат, оғизни чайиш ҳам таҳоратнинг суннатларидандир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам таомдан сўнг, айниқса гўштли ва ёғли таомлардан кейин оғизларини чайганлар. Оғизни доимо чайиб, тозалаб юриш қанчалик фойдали иш экани ҳаммага маълум ва машҳур. Шунингдек, оғизни вақтида чаймаслик оқибатида келиб чиқадиган ноқулайлик ва зарарлар ҳам ҳаммага маълум.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, шариатимизда соғлигимиз, гўзаллигимиз, саришталигимиз учун зарур бўлган ишларни савоб ҳам оладиган ишга айлантириб қўйибди.

۲۲۰ - عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَغْتَسِلُ بِالصَّاعِ إِلَى خَمْسَةِ أَمْدَادٍ، وَيَتَوَضَّأُ بِالْمُدِّ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

220. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. У киши айтадилар:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир соъдан беш муддгача (бўлган сув) билан ғусл қилар эдилар ва бир мудд билан таҳорат қилар эдилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: «Соъ» — 2,75 литр сув сиғадиган идиш. Бир мудд сув эса 0,688 литр бўлади. Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам камида 2,75 литр сув билан, кўпи билан 3,440 литр сув ёрдамида ғусл қилганлар ва 0,688 литр сув билан таҳорат қилганлар.

Бу ҳадисни таҳоратнинг одоблари бобида келтиришдан мақсад, таҳоратда сувни иложи бўлса, Пай-

Ғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ишлатган миқдорда ишлатсак, одобни жойига қўйган бўламиз, дейишдир. Бунда ер юзидаги ҳаётнинг муҳим омили бўлмиш сувни тежаш тарғиботи ҳам бор.

Бир вақтлар «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сув ўта танқис жойда яшаганликлари учун шундай қилганлар», деган фикр ҳам бўлган. Лекин вақт ўтиб, ҳаёт ўзгариши туфайли сув ўта се-роб жойларда ҳам муаммолар пайдо бўлмоқда. Ҳатто денгизлар ҳам қуриб қолмоқда. Бу эса каттаю кичик ҳар бир нарсада сувга нисбатан ниҳоятда тежамкор бўлиш заруратини келтириб чиқармоқда.

۲۲۱ - وَعَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَتَوَضَّأُ بِإِنَاءٍ يَسْعُ رَطْلَيْنِ، وَيَغْتَسِلُ بِالصَّاعِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَقَالَ: قَالَ أَحْمَدُ بْنُ حَنْبَلٍ: الصَّاعُ خَمْسَةُ أَرْطَالٍ وَثُلُثٌ.

221. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ратл сув сиғадиган идишдан таҳорат қилар эдилар ва бир соъ ила ғусл қилар эдилар».

Абу Довуд ривоят қилганлар ва:

«Аҳмад ибн Ҳанбал: «Бир соъ - бешу учдан бир ратл бўлади», деганлар», деб таъкидлаганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қанча миқдордаги сув билан таҳорат ва ғусл қилганлари ҳақида сўз бормоқда. Бир ратл сув 408 грамм бўлади. Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам 816 грамм сув билан таҳорат, бир соъ сув билан ғусл қилганлар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал роҳматуллоҳи алайҳи «Бир соъ - бешу учдан бир ратлга тенг», деган эканлар. Бу эса 2176 грамм бўлади.

۲۲۲ - وَسَمِعَ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ مَغْفَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَلَدَهُ يَقُولُ: اللَّهُمَّ إِنِّي

أَسْأَلُكَ الْقَصْرَ الْأَبْيَضَ عَنْ يَمِينِ الْجَنَّةِ إِذَا دَخَلْتَهَا، فَقَالَ: يَا بُنَيَّ، سَلِ اللَّهَ الْجَنَّةَ وَتَعَوَّذْ بِهِ مِنَ النَّارِ، فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: إِنَّهُ سَيَكُونُ فِي هَذِهِ الْأُمَّةِ قَوْمٌ يَعْتَدُونَ فِي الطُّهُورِ وَالِدُّعَاءِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ.

222. Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоҳу анҳу ўз ўғилларининг:

«Аллоҳим, қачонки жаннатга кирсам, жаннатнинг ўнг томонидаги оқ қасрни менга беришингни сўрайман», деяётганини эшитиб қолиб:

«Эй болам, Аллоҳдан жаннатни сўра ва Ундан дўзахдан паноҳ сўра! Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Келажакда албатта, ушбу умматнинг ичида покликда ва дуода ҳаддидан ошадиган қавмлар бўлажак», деганларини эшитганман», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик.

Абдуллоҳ ибн Муғаффал ал-Музаний розияллоҳу анҳу Мадинада истиқомат қилдилар. Умар ибн Хаттоб халифалик даврларида Басрага Исломдан дарс бериш учун ўн нафар саҳобани юборадилар, уларнинг орасида Абдуллоҳ ибн Муғаффал ҳам бор эдилар.

Бу зот ҳаммаси бўлиб 43та ҳадис ривоят қилдилар. Бу кишидан Абдуллоҳ ибн Бурайда, Абу Муаммар, Абдулворис, Ҳусайнул Муаллимлар ривоят қилганлар. Бу зот ривоят қилган ҳадисларни уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритганлар.

Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоҳу анҳу ҳижратнинг 57-санасида Басрада вафот этдилар.

Исломда ота-онанинг болалар тарбияси бўйича масъулиятлари жуда ҳам катта. Ота-она ўз фарзандининг

ҳар бир хатти-ҳаракати шариатга мувофиқ бўлиши учун жавобгардир. Бу масъулиятли вазифани аввалги мусулмонлар қойиллатиб амалга оширганлар. Мана, ўша аброрлардан бири — Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоҳу анҳу ўз ўғилларининг Аллоҳ таолога илтижо ила қилаётган дуосида суннатга бир оз тўғри келмайдиган ҳолатни сезишлари билан дарҳол унга танбех бериб, тўғри йўлни кўрсатмоқдалар. Ота ўғлининг:

«Аллоҳим, қачонки жаннатга кирсам, жаннатнинг ўнг томонидаги оқ қасрни менга беришингни сўрайман», деб қилган дуосини дуода ҳаддан ошиш, деб баҳолади. Чунки мусулмон одам энг аввало Аллоҳдан жаннатга киришни ва дўзахдан қутулишни сўраши керак. Аллоҳ таолонинг лутфу карами ила жаннатга киргандан кейин у ернинг мартабалари бу дунёда қилинган амалларга қараб берилаверади.

Абдуллоҳ ибн Муғаффал розияллоҳу анҳу ўғилларига берган танбехлари ўз фикрларидан чиққан нарса эмас, балки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига асосланган гап эканини билдириб:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Келажақда албатта, ушбу умматнинг ичида покликда ва дуода ҳаддидан ошадиган қавмлар бўлажақ», деганларини эшитганман», дедилар».

Бу ҳадисда покликда ҳаддан ошувчилар ҳақида гап бор бўлганлиги учун у ушбу бобда келтирилмоқда. Демак, покликда ҳам ҳаддан ошмаслик керак экан. Ҳадд эса шариат кўрсатган чегарадир.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Ота-она ўз фарзандларининг ҳар бир иши шариатга мувофиқ бўлишини кузатиб туриши зарурлиги.

2. Боладан хато содир бўлганда ота-она яхшилик билан тушунтириб, тўғри йўлга солиб қўйиши зарурлиги.

3. Аллоҳдан жаннатдаги маълум нарсаларни эмас, жаннатнинг ўзини сўраб дуо қилиш.

4. Аллоҳдан дўзахга киритишдан паноҳ сўраб туриш кераклиги.

5. Дуода ҳаддан ошмаслик.

6. Покликда ҳаддан ошмаслик.

7. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келажақда бўладиган ишлардан хабар беришлари.

Ушбу ҳадиси шарифдан ўрнатқ олиб, фарзандларимизнинг тарбиясига алоҳида эътибор билан қарашимиз керак. Ҳатто уларнинг ибодатлари ва қилаётган дуоларида ҳам нуқсон бўлмаслиги учун ҳаракат қилишимиз лозим экан.

Бизда шу руҳ мавжудми? Қўпчилигимизнинг болаларимиз билан умуман ишимиз йўқ. Уларнинг нима қилаётганлари билан деярли қизиқмаймиз. Дуосидаги хатоси у ёқда турсин, иймонсиз, кофир бўлиб юрса ҳам, биз бефарқ қараб тураверамиз.

Ўзимиз ҳам дуода ҳаддан ошмаслигимиз, бошқаларга ҳам бу маънода имкон борица ўз билганларимизни айтиб тушунтирмоғимиз лозим. Шунингдек, поклик ишларида ҳам ҳаддан ошиб, чегарадан чиқиб, васваса даражасига етиб қолмаслигимиз керак. Шариатимиз кўрсатган чегарада турсак, маъқул бўлади.

۲۲۳ - عَنْ الْحَكَمِ أَوْ ابْنِ الْحَكَمِ، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ
ثُمَّ تَوَضَّأَ وَتَضَعَفَ فَرْجَهُ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

223. Ал-Ҳакам ёки Ибн ал-Ҳакам отасидан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бавл қилдилар, сўнгра таҳорат қилдилар ва фаржларига сув сепдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ал-Ҳакам ва у кишининг ўғиллари билан танишиб олайлик:

Ҳакам ибн Суфён ибн Усмон ас-Сақафий Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан суҳбатда бўлганлар. Бу зотнинг исмларини аниқлашда бир оз ихтилофлар бор. Баъзилар «Бу ҳадисни Ибн ал-Ҳакам оталаридан ривоят қилганлар», дейишади.

Имом Бухорий ва Ибн Абу Ҳотимлар эса «Бу ҳадисни Ҳакам ибн Суфён оталаридан ривоят қилдилар, дейиш саҳиҳдир», деб айтадилар.

Таҳорат қилгандан сўнг фаржга сув сепиш кийимнинг устидан бўлади. Бу иш асосан шайтоннинг васвасасини рад қилиш учун маслаҳат берилади. Баъзи одамлар таҳорат қилиб бўлгандан кейин фаржидан сув чиқиб, кийимига текканга ўхшаб, иккиланиб қолади. Ана ўша нарса сув сепганда йўқ бўлади.

Имом Термизий қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жаброил менга: «Эй Муҳаммад, таҳорат қилганигда сув сепиб юбор. Чунки шайтон фаржни ҳаракатлантиради», деди», деганлар.

۲۲۴- عَنْ أَبِي بِن كَعْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِنَّ لِلْوُضْوءِ شَيْطَانًا يُقَالُ لَهُ الْوَلْهَانُ، فَاتَّقُوا وَسْوَاسَ الْمَاءِ.

224. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Таҳорат учун Валҳон деб айтиладиган шайтон бор. Сув васвасасидан сақланинглар», дедилар».

Шарҳ: Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Улуғ саҳоба Убай ибн Каъбнинг кунялари Абу Мунзирдир. Умар ибн Хаттоб бу кишини «Саййид ал-муслимин» деб чақирар эдилар.

Бу зот иккита Ақаба байъатида, Бадр ва ундан кейинги ҳамма ғазотларда иштирок этдилар.

Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларидан бўлган олти қозининг бири эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Умматимнинг қориси Убай ибн Каъбдир», деб марҳамат қилганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ менга Қуръоннинг Баййина сурасини Убайга ўқиб беришга буюрди», деб айтдилар.

Убай ибн Каъб Исломга киришларидан олдин яҳудий бўлиб, уларга нозил бўлган китобларни ўқиб чиққан ва ўзлари ҳам китоб ёзар эдилар. Исломга кирганларидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ваҳий котибларидан бири бўлдилар.

Ҳаммаси бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 164та ҳадис ривоят қилдилар. Бу зотдан бир нечта кишилар ривоят қилганлар.

Бу зот ҳижратнинг 30-санасида вафот этдилар.

Ибн Замра айтдилар:

«Мадинага келсам, халқ қўзғалган, шов-шув бўлаётган экан. "Нима бўлди?" деб сўрасам, «Бу шаҳарлик эмасмисан, ахир мусулмонлар ва қориларнинг саййиди вафот этдилар-ку», деб айтди».

«Валҳон»нинг луғавий маъноси «ўта берилган» деганидир. Демак, шайтонларнинг ичида кишиларни таҳоратда васваса қилишга ўта берилганлари бор экан. Унинг васвасасидан эса таҳорат ва ғуслни бошлашда «Аъзузу биллаҳи» ва «Бисмиллаҳи»ни айтиш билан, эътиборни ва хаёлни бир жойга қўйиб, турли шубҳали фикрлардан узоқда бўлиш билан сақланиш мумкин.

۲۲۵ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ لِلنَّبِيِّ ﷺ خِرْقَةٌ يَسْتَنْشِفُ بِهَا بَعْدَ الْوُضُوءِ. رَوَاهُمَا التِّرْمِذِيُّ.

225. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир латталари бўлиб, таҳоратдан кейин артинар эдилар».

Икковини Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Ҳадисдан таҳоратдан кейин сочиқ билан артиниш жоиз экани келиб чиқади. Лекин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг артинмаган ҳоллари ҳам бўлган. Баъзи кишилар шу иккинчи ҳолатни олганлар. Умумий қилиб айтганда, иккиси ҳам бўлаверади.

الفصل الثالث في بيان الوضوء ومدته

УЧИНЧИ ФАСЛ

ТАҲОРАТ ВА УНИНГ МУДДАТИ БАЁНИ

قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: يَتَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ
فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَامْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ
وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ

Аллоҳ таоло:

«Эй иймон келтирганлар! Намозга турсангиз, юзларингизни ва қўлларингизни чиғаноқлари ила, бошларингизга масҳ тортиб, оёқларингизни тўпиқлари ила ювинглар», деган (*Moida сураси, 6-оят*).

Шарҳ: Таҳоратнинг фарзлиги мана шу ояти каримадан олинган. Ҳанафий мазҳаби уламолари таҳоратда тўртта фарз борлигини ҳам шу оятдан олганлар. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Юзни ювиш.
2. Қўлларни чиғаноқлари билан қўшиб ювиш.
3. Бошга масҳ тортиш.
4. Оёқларни тўпиқлари билан қўшиб ювиш.

Бизнинг тилимизда таҳорат деб ўрганиб қолинган маълум ва машҳур амал араб тилида «вузуъ» дейилади.

«Вузуъ» сўзи луғатда «гўзаллик» ва «ялтираш» маъноларини англатади.

Шариатда эса Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш нияти ила баъзи аъзоларни ювишга вузуъ дейилади.

Таҳорат энг аввало Аллоҳ таоло томонидан амр қилинган ибодатдир. У мусулмон инсоннинг гуноҳлари мағфират қилинишига сабаб бўлишини аввалги бобларда келган ҳадиси шарифлардан ўргандик.

Таҳорат поклик демақдир. У инсонни гузал қилади. Соғлом бўлишини таъминлайди ва яна бошқа кўплаб фойдалар келтиради.

۲۲۶- عَنْ حُمْرَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ: إِنَّ عُثْمَانَ دَعَا بَوْضُوءَ فَتَوَضَّأَ، فَغَسَلَ كَفَّيْهِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ، ثُمَّ مَضْمَضَ وَاسْتَنْشَقَ، ثُمَّ غَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ، ثُمَّ غَسَلَ يَدَهُ الْيُمْنَى إِلَى الْمَرْفَقِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ، ثُمَّ غَسَلَ يَدَهُ الْيُسْرَى مِثْلَ ذَلِكَ، ثُمَّ مَسَحَ رَأْسَهُ، ثُمَّ غَسَلَ رِجْلَهُ الْيُمْنَى إِلَى الْكَعْبَيْنِ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ، ثُمَّ غَسَلَ الْيُسْرَى مِثْلَ ذَلِكَ، ثُمَّ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ تَوَضَّأَ نَحْوَ وَضُوءِي هَذَا ثُمَّ قَالَ: مَنْ تَوَضَّأَ نَحْوَ وَضُوءِي هَذَا، ثُمَّ قَامَ فَرَكَعَ رَكْعَتَيْنِ لَا يَحْدُثُ فِيهِمَا نَفْسَهُ غُفَرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ. وَفِي رِوَايَةٍ: فَمَضْمَضَ وَاسْتَنْشَقَ وَاسْتَنْشَرَّ ثَلَاثًا بِثَلَاثِ غُرَفَاتٍ مِنْ مَاءٍ. وَفِي أُخْرَى: فَمَسَحَ رَأْسَهُ ثَلَاثًا. وَفِي رِوَايَةٍ: فَمَسَحَ رَأْسَهُ فَأَقْبَلَ بِيَدَيْهِ وَأَدْبَرَ، بَدَأَ بِمُقَدِّمِ رَأْسِهِ ثُمَّ ذَهَبَ بِهِمَا إِلَى قَفَاهُ، ثُمَّ رَدَّاهُمَا حَتَّى رَجَعَ إِلَى الْمَكَانِ الَّذِي بَدَأَ مِنْهُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

226. Усмон розияллоҳу анҳунинг озод қилган қулла-ри Ҳумрон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У киши қуйидагиларни айтганлар:

«Усмон таҳоратга сув опкелтирди ва таҳорат қилди: икки қўлини уч марта ювди. Сўнгра оғзини чайқади ва бурнига сув олиб тозалади. Кейин юзини уч марта ювди. Сўнгра ўнг қўлини чиғаноғи билан уч марта ювди. Кейин чап қўлини ҳам шунга ўхшатиб ювди. Сўнгра бошига масҳ тортди. Кейин

унг оёғини тўпиқлари билан уч марта ювди. Сўнгра чап оёғини ҳам шунга ўхшатиб ювди. Кейин:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни менинг шу таҳоратимга ўхшатиб таҳорат қилганларини кўрдим», деди ва: «Ким менинг шу таҳоратимга ўхшатиб таҳорат қилса ва туриб бориб, икки рақъат намоз ўқиса-ю, унда бирор нарсани кўнглидан ўтказмаса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади», деб қўшиб қўйди».

Бошқа бир ривоятда:

«Бас, уч ҳовуч сув билан уч мартадан оғзини чайқади, бурнига сув олди ва бурнидан сувни чиқарди» дейилган.

Яна бошқа бир ривоятда:

«Ва бошига уч марта масҳ тортди» дейилган.

Ундан ҳам бошқа бир ривоятда:

«Бас, бошига масҳ тортди. Икки қўлини олдинга, орқага олиб бориб келди. Бошининг олд қисмидан бошлаб, уларни орқасига олиб борди. Кейин яна бошлаган жойига қайтариб келди», дейилган.

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Ҳумрон розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик.

У кишининг тўлиқ исмлари Ҳумрон ибн Холид ибн Амрди. Айтиш мумкин, Ҳумрон номи жойда Холид ибн Валид розияллоҳу анҳуга асир тушган. Холид ибн Валид розияллоҳу анҳу Ҳумроннинг ҳушёр ва ақл-фаросатлилигини кўриб, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга берганлар. У киши уни қулликдан озод қилиб, ўзларига котиб ва қўриқчи қилиб олганлар.

Ҳумрон розияллоҳу анҳу Ҳажжонинг даврида Нисобурга волий бўлганлар. У киши 75 ҳижрий санада вафот этганлар.

Уламоларимизнинг айтишларича, ушбу ҳадиси шариф таҳоратнинг сифати, унинг ҳукмларини чиқариш бўйича энг асл ҳадис ҳисобланади. Чунки бу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг яқин саҳобаларидан бирлари, тўрт халифанинг учин-

чилари ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу кўпчиликнинг олдида сув олиб келтириб, ҳаммага кўрсатма тарзида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қандай қилган бўлсалар, шундай таҳорат қилганлар. Сўнгра қўшимча равишда баён этиб, таҳоратга тарғиб қилувчи сўзларни ҳам айтганлар.

Энди ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу таҳорат суви чақириб олганларидан сўнг таҳоратни қандай қилганларини бирма-бир кўриб чиқайлик:

1. «Икки қўлини уч марта ювди».

Аввал келган ҳадисларимизда уйқудан турган одам аввал қўлини ювиб олиши зарурлиги ҳақидаги амрни ўрганган эдик. Ҳазрати Усмоннинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таҳоратларига ўхшатиб қилган бу таҳоратларида ҳам аввал қўлларини ювиб олганликлари зикр қилинмоқда. Ҳолбуки, бу ерда уйқу ҳақида гап йўқ. Шундан уйғоқ одам ҳам таҳоратни бошлашда аввал қўлини уч марта ювиб олиши зарур экани кўриниб турибди. Ҳамма уламо-лар бундай қўл ювишни мустаҳаб деганлар.

2. «Сўнгра оғзини чайқади».

Ҳадисдан кейин келтирилган қўшимча бир ривоятда оғизларини ҳам уч марта чайқаганликлари зикр қилинган. Таҳоратда оғизни чайқаш ҳам суннат.

3. «Ва бурнига сув олиб тозалади».

Бошқа ривоятда бурунга сув олиш алоҳида, сувни қайтариб чиқариш алоҳида уч мартадан бўлганлиги зикр қилинган. Араб тилида бурунга сув олиш «истиншоқ», бурундан сув чиқариш «истинфор» дейилади. Бу икки амал ҳам суннат ҳисобланади.

4. «Кейин юзини уч марта ювди».

Таҳоратда юзни бир марта ювиш фарз. Оятдаги амрда юзни ювиш таъкидланган. Уч марта ювиш эса суннатдир.

5. «Сўнгра ўнг қўлини чифаноғи билан уч марта ювди. Кейин чап қўлини ҳам шунга ўхшатиб ювди».

Икки қўлни чифаноғи билан ювиш ҳам таҳоратнинг фарзларидан. Бу амални қилиш ҳам оятда буюрилган.

6. «Сўнгра бошига масҳ тортиди».

Ҳазрати Усмоннинг бошларига қандай қилиб масҳ тортганликлари ҳадисда келтирилган қўшимчада батафсил баён қилинган. Яъни икки қўлларини бошларининг олд қисмига қўйиб туриб, бошнинг орқасигача масҳ тортиб, кейин яна олд қисмига қайтариб олиб келганлар.

Бошга масҳ тортиш ҳам таҳоратнинг фарзлиги ҳақидаги оятда келганлиги учун фарздир. Бошга масҳ тортиш бир марта бўлиши ҳаммага маълум.

7. «Кейин ўнг оёғини тўпиқлари билан уч марта ювди. Сўнгра чап оёғини ҳам шунга ўхшатиб ювди».

Бу амал ҳам таҳоратнинг фарзларидан. Бошга масҳ тортишдан бошқа таҳоратнинг ҳамма амаллари уч мартадан бўлиши суннатдир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам одатда кўпроқ шундай қилар эдилар.

Кейин ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг менинг шу таҳоратимга ўхшатиб таҳорат қилганларини кўрдим», деди.

Яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таҳоратни қандай қилганларини кўрдим. Ҳозир ўшандай қилиб таҳорат қилиб кўрсатдим, деб таъкидладилар.

Бундан шаръий амалларни оғзаки тушунтиришдан ташқари, амалий равишда кўрсатиб, таълим бериш ҳам зарурлиги келиб чиқади.

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг мазкур таҳоратларини қанча одам кўрган бўлса, ҳаммаси яхшилаб ўрганган ва ривоят қилган, китобларга ёзилган. Мана, ҳозиргача таҳорат бўйича асосий қўлланмалардан бири бўлиб келмоқда.

Демак, ким худди шу ҳадисда васф қилинганига ўхшатиб таҳорат қилса, айнан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга ўхшаб таҳорат қилган бўлади.

Шундан сунг ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу:

«Ким менинг шу таҳоратимга ўхшатиб таҳорат қилса ва туриб бориб, икки рақъат намоз ўқиса-ю, унда бирор нарсани кўнглидан ўтказмаса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади», деб қўшиб қўйдилар.

Албатта, Усмон розияллоҳу анҳу бу гапларни ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганлар. Олдинги ўтган бобларда шу маънодаги ҳадисларни ўргандик. Бунда эса таҳоратдан кейин ихлос билан икки рақъат намоз ўқиш ҳам қўшилмоқда. Ўша икки рақъат намоз давомида кўнглидан дунёнинг ишларидан бирортаси ҳам ўтмаслиги кераклиги таъкидланмоқда. Бу таҳоратнинг ва намознинг қанчалик фазилатли амал эканини кўрсатиб турибди. Албатта, бунда кечириладиган гуноҳлар Аллоҳнинг ҳаққига боғлиқ кичик гуноҳлардир.

۲۲۷ - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ تَوَضَّأَ مَرَّتَيْنِ

مَرَّتَيْنِ.

227. Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилиб, икки марта-икки мартадан (ювдилар)».

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим ибн Каъб Нажжорий ал-Ансорий. Кунялари Абу Муҳаммад бўлиб, 616-683 милодий йилларда яшаб ўтганлар. Бу зот Бадр, Ухуд ва бошқа ҳамма ғазотларда иштирок этдилар.

Абдуллоҳнинг инилари Ҳабиб ибн Зайдни Мусайламатул Каззоб қатл этиб, аъзоларини бурда-бурда қилиб ташлаганини юқорироқда айтиб ўтган эдик. Бундан хабар топган Абдуллоҳ қасос олишни ният қиладилар. Аллоҳ таоло бу кишини ниятларига Ваҳший исмли саҳоба ёрдамида муваффақ қилди. Улар

бир вақтда, бир-бирларидан хабарсиз, бири найза, бири қилич билан ҳужум қилиб, Мусайламатул Каззобни қатл этадилар.

Бу зот ҳаммаси бўлиб 48та ҳадис ривоят қилганлар. Уларнинг ичида таҳоратга тааллуқдилари кўпчиликни ташкил этган.

Абдуллоҳ ибн Зайд ҳижратнинг 63-санасида, 70 ёшга кириб, Язийд ибн Муовия давридаги «Ҳарра» воқеасида вафот этганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишни таҳоратда аъзоларни икки мартадан ювиш ҳам мумкинлигини билдириш учун қилганлар. Аслида уч мартадан ювиш мақбулдир.

۲۲۸- عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: تَوَضَّأَ النَّبِيُّ ﷺ مَرَّةً مَرَّةً. رَوَاهُمَا الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

228. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам (аъзоларини) бир марта-бир марта (ювиб), таҳорат қилдилар».

Иккисини ҳам Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда ҳам олдингисига ўхшаб, аъзоларни бир мартадан ювиб таҳорат қилиш мумкин экани баён қилинган. Баъзи вақтларда шундай қилишга ҳожат тушиб қолиши мумкин, ана шунда бир мартадан ювса ҳам бўлаверади.

۲۲۹- جَاءَ أَعْرَابِيٌّ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ يَسْأَلُهُ عَنِ الْوُضُوءِ، فَأَرَاهُ ثَلَاثًا ثَلَاثًا، ثُمَّ قَالَ: هَكَذَا الْوُضُوءُ، فَمَنْ زَادَ عَلَى هَذَا فَقَدْ أَسَاءَ وَتَعَدَّى وَظَلَمَ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَأَبُو دَاوُدَ. وَلَفْظُهُ: فَمَنْ زَادَ عَلَى هَذَا أَوْ نَقَصَ فَقَدْ أَسَاءَ وَظَلَمَ.

229. «Бир аъробий Набий соллаллоҳу алайҳи ва-
салламнинг ҳузурларига таҳорат ҳақида сўраб келди.
Бас, унга уч марта-уч мартадан кўрсатдилар. Сўнгра:

«Таҳорат мана шундай, ким бундан зиёда қилса,
батаҳқиқ, ёмон қилибди, ҳаддан ошибди ва зулм
қилибди», дедилар».

Насоий, Аҳмад ва Абу Довуд ривоят қилганлар.
Унинг (Абу Довуднинг) лафзига:

«Бас, ким бундан кўп ёки кам қилса, батаҳқиқ,
ёмон қилибди ва зулм қилибди», дейилган.

Шарҳ: Бу ҳадисдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу
алайҳи васаллам турли одамларга ҳеч эринмай, ша-
риат амалларини ўргатганларини билиб оламиз.

Аъробий (таълим кўрмаган саҳролик араб) келиб:
«Менга таҳоратни ўргатиб қўй», деса ҳам «Хўп» деб
ўргатаверганлар. Бирорта саҳобийга «Бунга таҳорат-
ни сен ўргатиб қўй», демаганлар. Уша аъробийга Пай-
ғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳоратда аъ-
золарни уч мартадан ювиб кўрсатганлар ва:

«Таҳорат мана шундай, ким бундан зиёда қилса,
батаҳқиқ, ёмон қилибди, ҳаддан ошибди ва зулм
қилибди», дедилар».

Яъни таҳорат мана шу мен кўрсатгандек қилина-
ди. Бундан зиёдаси мумкин эмас, ким зиёда этиб, уч
мартадан ошириб юборса, ёмон иш қилган, шариат-
нинг чегарасидан чиққан ва ўзига зулм қилган бўла-
ди, дедилар. Шундан таҳоратда аъзоларни уч марта-
дан ортиқ ювмаслик кераклиги кўринади.

۲۳۰ - عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ كَانَ إِذَا تَوَضَّأَ أَخَذَ كَفًّا
مِنْ مَاءٍ، فَأَدْخَلَهُ تَحْتَ حَنَكِهِ، فَخَلَّلَ بِهِ لِحْيَتَهُ، وَقَالَ: هَكَذَا أَمَرَنِي
رَبِّي. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ. وَلَهُ: إِذَا تَوَضَّأْتَ فَخَلِّلْ بَيْنَ أَصَابِعِ
يَدَيْكَ وَرَجْلَيْكَ.

230. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилсалар, бир ҳовуч сув олиб, жағлари остига киритиб, у билан соқолларининг орасига сув етказар ва «Роббим мени шундай қилишга амр этган», дер эдилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Термизийнинг ривоятида:

«Қачон таҳорат қилсанг, икки оёғинг ва икки қўлингнинг панжалари орасига сув етказ», дер эдилар», деб келган.

Шарҳ: Бу ҳадисда сув етмай қолиш эҳтимоли бор бўлган жойлар — жағ остидаги соқолни ва қўлоёқ панжаларининг орасини алоҳида эътибор билан ювиш кераклиги таъкидланмоқда. Бу ишга катта аҳамият бермоқ керак.

۲۳۱ - عَنْ الْمُسْتَوْرِدِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ ﷺ إِذَا تَوَضَّأَ يَحْلُلُ أَصَابِعَ رِجْلَيْهِ بِخَنْصَرِهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

231. Муставрид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилсалар, жимжилоқлари билан оёқлари панжалари орасини ювганларини кўрдим».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Муставрид ибн Шаддод розияллоҳу анҳу билан танишиб қўйайлик:

Муставрид ибн Шаддод ибн Амр Қураший ал-Фихрий, оналари Даъд бинти Жобир Макка аҳлидан бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида ҳали ёш бола эдилар.

Аввал Куфада, сўнг Мисрда истиқомат қилдилар, Мисрни фатҳ этишда иштирок этдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳаммаси бўлиб 7та ҳадис ривоят қилдилар. Бундан ик-

китасини Имом Муслим ўз «Саҳиҳ» китобларига киритганлар. У зотдан Қайс ибн Абу Ходим, Шаъбий, Абу Абдурраҳмон Хубулий, Абдурраҳмон ибн Жубайр, Али ибн Рабоҳ ва бошқалар ривоят қилганлар.

Бу зот ҳижратнинг 45-санасида (милодий 665 йилда) Искандарияда вафот этдилар.

Ушбу ҳадиси шарифда оёқ панжаларининг орасига жимжилоқлари билан сув етказиш кераклиги баён қилинмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар.

۲۳۲ - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ مَسَحَ بِرَأْسِهِ وَأُذُنَيْهِ ظَاهِرَهُمَا وَبَاطِنَهُمَا. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

232. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бошларига ва икки қулоқлари ортига ва ичига масҳ тортдилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинаётган бу ҳадисда бошга масҳ тортиш вақтида икки қулоққа ҳам масҳ тортилиши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан собит бўлганлиги айтилмоқда. Унда икки кўрсаткич бармоқни қулоқларнинг ичига киргизиб туриб, улар билан қулоқнинг ич томони, икки бош бормоқ билан эса уст томони масҳ қилинади.

Фуқаҳолар ўз китобларида бу ишни айнан ушбу ҳадисга суяниб васф этганлар. Фақат улар кўпчиликка осон бўлиши учун ҳадисни тўлиқ айтмасдан, қилиниши лозим бўлган ишни айтиб қўя қолганлар.

Бошқа амалларда ҳам айнан шундай эканини, яъни бирон бир ҳадисга суянилганини ҳурматли ўқувчи мулоҳаза қилиб кўраётган бўлса керак.

۲۳۳ - عَنْ الْمُغِيرَةِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ تَوَضَّأَ فَمَسَحَ بِنَاصِيَتِهِ وَعَلَى الْعِمَامَةِ وَعَلَى الْخَفَيْنِ. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

233. Муғийра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳорат қилдилар-да, бошларининг олд қисмига, саллаларига ва икки маҳсиларига масҳ тортдилар».

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда таҳоратда масҳ тортиладиган жойлар ҳақида сўз бормоқда:

1. «Бошларининг олд қисмига».

Ривоятдан кўриниб турибдики, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам салла кийган ҳолларида таҳорат қилганлар. Бошларига масҳ тортганларида ҳаммасига тортмай, салланинг бир томонини кўтариб туриб, бошларининг олд томонига масҳ тортганлар.

Ҳанафий мазҳаби уламолари шу ҳадисни далил қилиб, «Бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш фарз, ҳаммасига тортиш фарз эмас», яъни киши таҳорат пайтида бошнинг тўртдан бирига масҳ тортса, таҳорати тўғри бўлади, ундан оз бўлса, тўғри бўлмайди, деганлар. Бошқа мазҳаб уламолари «Бошнинг ҳаммасига масҳ тортиш керак», дейдилар.

2. «Саллаларига».

Саллага масҳ тортиш бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиб олгандан сўнг бўлган иш экани ривоятнинг ўзида очиқ-ойдин кўриниб турибди. Кўпчилик уламолар «Бошга масҳ тортмасдан, салланинг ўзига масҳ тортиш жоиз эмас», дейдилар.

3. «Икки маҳсиларига масҳ тортдилар».

Бу ҳукмнинг тафсилотини келажакда ўрганамиз, иншааллоҳ.

۲۳۴ - وَرَأَى أَبُو هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَوْمًا يَتَوَضَّئُونَ مِنَ الْمَطْهَرَةِ، فَقَالَ:

أَسْبِعُوا الْوُضُوءَ، فَإِنِّي سَمِعْتُ أَبَا الْقَاسِمِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَقُولُ: وَنِيلٌ لِلْعَرَاقِبِ مِنَ النَّارِ. وَفِي رِوَايَةٍ: وَنِيلٌ لِلْأَعْقَابِ مِنَ النَّارِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

234. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу таҳорат қиладиган жойда одамларнинг таҳорат қилаётганларини кўриб:

«Таҳоратни мукаммал қилинглар, мен Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ароқийбларга дўзахда ҳалокат бўлсин!» деганларини эшитганман», дедилар.

Бошқа бир ривоятда:

«(Яхши ювилмаган) Товонларга дўзахда ҳалокат бўлсин» дейилган.

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: «Ароқийб» — «арқуб»нинг жами бўлиб, араб тилида товон устидаги йўғон пай шу ном билан аталади.

Абул Қосим — Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кунялари. У зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Қосим исми уғиллари бўлиб, у кичиклигида вафот этган. Ўша фарзандларининг исми билан куняланганлар.

Имом Бухорий қилган ривоятда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ўша одамларнинг товонларини яхшилаб ювмасдан, уларга масҳ тортаётганларини кўриб қолиб, ушбу ҳадисдаги гапларни айтганлар, дейилади.

Бу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Таҳоратни мукаммал қилиш лозим экани. Бу ҳақда келгуси ҳадисда алоҳида сўз юритилади.

2. Таҳоратда оёқнинг ҳаммасини яхшилаб, сув етказиб ювиш кераклиги.

Ушбу ҳадисда ушбу маънога алоҳида эътибор берилиши баъзи тоифалар, хусусан, шийъа мазҳаби ва баъзи зоҳирийларнинг «таҳоратда оёққа масҳ тортилади», деган гапларини ботил қилиш учундир.

3. Биладиган одам амалда хатога йўл қўяётган кишини кўрса, тузатиб қўйиши зарурлиги.

4. Эътиборсизлик ила таҳоратда аъзоларнинг баъзи жойига сув етмай қолса, азобга сабаб бўлиши.

5. Товонларни ювишга алоҳида эътибор бериш кераклиги.

۲۳۵- عَنْ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَجُلًا تَوَضَّأَ فَتَرَكَ مَوْضِعَ ظِفْرِ عَلَى قَدَمِهِ، فَأَبْصَرَهُ النَّبِيُّ ﷺ فَقَالَ: ارْجِعْ فَأَحْسِنْ وُضُوءَكَ، فَرَجَعَ ثُمَّ صَلَّى. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ. وَلَهُ: أَسْبَغِ الْوُضُوءَ، وَخَلِّلْ بَيْنَ الْأَصَابِعِ، وَبَالَغْ فِي الْأَسْتِنْشَاقِ إِلَّا أَنْ تَكُونَ صَائِمًا.

235. Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам таҳорат қилиб, оёғининг тирноқча жойига сув етказмади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам буни кўриб қолдилар ва:

«Қайт, таҳоратингни яхшилаб (мукаммал) қил», дедилар. У қайтди ва сўнгра намоз ўқиди».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Абу Довуднинг ривоятида:

«Таҳоратни мукаммал қил. Панжалар орасига сув етказ ва рўзадор бўлмасанг, бурунга сув олишда муболаға қил», дейилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда ҳам таҳоратни яхшилаб қилиш, таҳоратда аъзоларни тирноқча ҳам жойини қолдирмай, яхшилаб ювиш зарурлиги ҳақида сўз бормоқда.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалар шариатга қандай амал қилаётганларини зийраклик билан кузатиб туришлари. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бир киши оёғининг тирноқчалик жойига сув етмай қолганини кўриб ҳам танбеҳ бердилар. Устозлар бундан ўрнак олишлари лозим.

2. Бировнинг қилаётган амалида хато ёки камчилик кўрилса, дарҳол айтиш кераклиги.

3. Аъзоларнинг ҳамма жойига сув етказиб ювиш зарурлиги.

4. Тирноқча жойга ҳам сув етмай қолиши мумкин эмаслиги.

5. Камчилик аён бўлганда қайтиб бориб, уни бар-тараф қилиш кераклиги.

6. Таҳоратни яхшилаб қилиш зарурлиги.

7. Айниқса оёқни ювишда эҳтиёт бўлиш лозимлиги.

8. Панжаларнинг орасига сув етказишга алоҳида эътибор бериш зарурлиги.

9. Бурунга сув олганда, рўзадор бўлмаса, иложи борича ичкарироққа етказиш, шунингдек, оғизни чайганда ҳам шунга риоя қилиш лозимлиги.

Мана шу икки ҳадисни ҳар бир мусулмон яхшилаб ўрганиши ва доимо ёдидан чиқармай юриши зарур. Чунки бу ҳадисда зикр қилинган хатолар ҳаётда кўп учрайди. Шунинг учун бу ҳадислардаги таҳдид ва танбеҳлар ҳар бир мусулмоннинг ёдидан зинҳор кўтарилмаслиги лозим.

Айниқса оёқни ювиш ҳақидаги талаблар алоҳида эътиборга лойиқ. Аввало оёқни ювишда кўпчилик нотўғри ўтириб олиб, қийналишади. Ўша ноқулайлик туфайли оёқни яхшилаб ювиш имкони камаяди. Қолаверса, оёққа масҳ тортса бўлади, деганлар бор. Уларнинг бу гаплари турли даврларда тез-тез қўзғалиб ҳам туради. Ана шу нарсадан таъсирланиб қолмаслик керак.

Аввал ҳам бир неча бор таъкидланганидек, таҳорат қилиш ибодатдир. Таҳоратни чала қилиш эса ибодатни чала қилиш бўлади. Бунинг устига, таҳоратнинг чала бўлиши бошқа ибодатларни йўққа чиқаради. Шунинг учун таҳоратга муҳим ибодат сифатида жиддий қараш ҳар бир мусулмоннинг бурчидир.

Бунинг учун аввало таҳорат қиладиган жой яхши ва қулай бўлиши керак. У жойда барча қулайликлар, таҳоратни шариятда кўрсатилгандек қилиш имко-

ниятлари бўлмоғи лозим. Ҳатто сувга эътибор бермоқ зарур.

Таҳоратга оддий покловчи сувдан бошқа сув ишлатиш мумкин эмас. Нопок сув, турли омиллар билан таъми, ҳиди, ранги ўзгарган сув ҳам бўлмаслиги керак. Бу Аллоҳ қаршисида ҳамма тенглиги, шариатдаги амаллар халқчилиги рамзидир. Агар оддий сувдан бошқа сувда таҳорат қилишга ижозат берилса, бойлар тиллониинг суви ила таҳорат қилиб, гердайиши, камбағаллар ўксиши мумкин эди.

Лекин ўша ижозат берилган сув ҳам таҳорат ибодатини яхшилаб амалга ошириш учун омил бўлмоғи керак. Мисол учун, об-ҳавога қараб, мўътадил бўлиши зарур. Сув ўта иссиқ ёки совуқ бўлса, хушуъ ва хузуъ ила таҳорат қилишга ҳалақит беради.

Уламоларимиз таҳорат борасида келган ҳамма ҳадис ва манбаларни ўрганиб, сўнг ишлаб чиққан таҳорат одобларига, бу борадаги қоидаларга назар солсак, ушбу ҳақиқатни яна ҳам тўлароқ тушуниб етамиз.

ТАҲОРАТ ОДОБЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:

1. Қиблага қараб ўтириб, таҳорат қилиш. Таҳорат — ибодат. Қиблага қараб ибодат қилиш қандай яхши!

2. Баланд жойда ўтириб, таҳорат қилиш.

Ишлатилган сувлар бадан ёки кийимларга сачрамаслиги учун бу ва бундан бошқа қулайликларга эга бўлиш жуда яхши. Мисол учун, совуқ ўлкаларда офтобда таҳорат қилиш кўп яхши бўлса, ўта иссиқ ўлкаларда офтобда таҳорат қилиш кўп ноқулайлик ва қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун таҳорат қилинадиган жой жуда қулай қилиб олинса, яхши бўлади.

3. Таҳорат қилишда бирор узр бўлмаса, бировнинг ёрдамидан фойдаланмаслик. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аксар ҳолларда шундай қилганлар. Ибодатда мутавозелик, ҳамма нарсани ўзи қилиш афзал.

4. Таҳорат пайтида гапирмаслик. Балки Аллоҳнинг зикри ва дуо билан машғул бўлиш.

5. Узути бор одамлар уни қимирлатиб, остига сув етказиши.

6. Оғизга ва бурунга ўнг қўл билан сув олиб, бурунни чап қўл билан тозалаб қоқиш.

7. Шошилиб қолмаслик учун намоз вақти кирмасидан таҳорат қилиш.

8. Сувни исроф қилмаслик.

9. Ишлатиш осон бўлиши учун таҳорат суви солинган идишни ўнг томонига қўйиб олиш.

10. Қалбдаги ният билан тилдаги гапни бирлаштириш.

11. Ҳар бир аъзони ювганда «Бисмиллаҳ»ни айтиб, дуо ўқиш.

12. Таҳорат қилиб бўлгандан сўнг «калимаи шаҳодат»ни ва ривоятда келган дуони ўқиш.

13. Таҳорат қилиб бўлгач, икки ракъат намоз ўқиш.

Таҳорат қилиш фақат Аллоҳга қурбат ҳосил қилишдан олдин баданни поклашдан иборат эмас, балки таҳоратнинг ўзи Аллоҳга қурбат ҳосил қилишдир. Таҳорат қилиш намоздек улуғ ибодатга, Аллоҳ таоло билан бевосита мулоқотга, муножотга жисман ва руҳан покланиб, тайёргарлик кўришдир. Таҳорат пайтида турли машғул қилувчи нарсалардан холи бўлиб, қалбни бир жойга қўйиб олиш намозни тўла-тўқисадо этишга катта ёрдам беради.

Али ибн Ҳусайн розияллоҳу анҳу таҳорат қилсалар, ранглари сарғайиб, ўзлари титраб, ғалати бир ҳолатга тушиб қолар эдилар. У кишига:

«Таҳорат пайтида нега бундай бўлиб қоласиз?» дейишганда, «Сен мени кимнинг олдида тик турмоқчи эканимни биласанми ўзи?!» деган эканлар.

Аллоҳ таолонинг ҳузурига киришга тайёргарлик кўраётган киши ўша даргоҳнинг улуғворлигини ҳис этиши ҳам керак-да!

Бизлар ҳам таҳоратимиз ана шу олий даражадаги ибодат мартабасига кўтарилиши учун ҳаракат қилмоғимиз лозим.

۲۳۶- عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَتَوَضَّأُ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ، قُلْتُ: كَيْفَ كُنْتُمْ تَصْنَعُونَ؟ قَالَ: يَجْزِي أَحَدَنَا الْوُضُوءُ مَا لَمْ يُحَدِّثْ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمًا.

236. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар намозга таҳорат қилар эдилар», деди. Мен:

«Сизлар қандай қиласизлар?» дедим. У:

«Биримизга, агар бузилмаган бўлса, бир таҳорат кифоя қилур», деди».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ҳадисдаги «ҳар намозга» иборасида «ҳар фарз намозга» деган маъно кўзда тутилган.

«Сизлар қандай қиласизлар?» деб сўраган одам Амр ибн Омир раҳматуллоҳи алайҳи бўлганлар. «Сизлар»дан мурод саҳобалардир.

Баъзи шийъа ва зоҳирий тоифалар шу ҳадисни далил қилиб, «Ҳар намозга янги таҳорат қилиш вожиб», деганлар. Лекин шу ҳадиснинг иккинчи қисмида саҳобалар таҳорат синмаса, аввалги таҳорат билан кифояланганлари билиниб турибди. Бошқа ҳадисларда ҳам бир таҳорат билан бир неча намоз ўқиш мумкинлиги баён қилинган. Шунинг учун жумҳур уламолар «Ҳар намозга янги таҳорат қилиш вожиб», деган гапни қабул қилмаганлар. Ҳар намозга янги таҳорат қилиш фазилат, нур устига нур ва қўшимча савобдир. Лекин фарзу вожиб эмас.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Ҳар намозга таҳорат қилиш фазилат экани.

2. Таҳорат синмаса, бир таҳорат билан кифояланиш жоизлиги.

3. Таҳорати йўқ одам намоз ўқимоқчи бўлса, таҳорат қилиши фарзлиги.

۲۳۷- عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ صَلَّى الصَّلَوَاتِ يَوْمَ الْفَتْحِ بَوْضُوءَ وَاحِدٍ، وَمَسَحَ عَلَى خُفَّيْهِ، فَقَالَ لَهُ عُمَرُ: لَقَدْ صَنَعْتَ الْيَوْمَ شَيْئًا لَمْ تَكُنْ تَصْنَعُهُ، قَالَ: عَمْدًا صَنَعْتُهُ يَا عُمَرُ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

237. Сулаймон ибн Бурайда раҳматуллоҳи алайҳидан ривоят қилинади, у ўз отасидан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам фатҳ куни намозларни бир таҳорат билан ўқидилар ва икки маҳсиларига масҳ тортдилар. Бас, Умар у кишига:

«Бугун қилмай юрган нарсангизни қилдингиз?» деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қасддан қилдим, эй Умар», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Сулаймон ибн Бурайда раҳматуллоҳи алайҳи билан яқиндан танишиб олайлик:

Сулаймон ибн Бурайда ибн Ҳусайн Асламий ал-Марвирузий ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида таваллуд топдилар. Жуда ишончли ҳадис тўпловчи машҳур тобеъинлардан бўлганлар. Аввалига Марвирузида, сўнг Марвада қозилик қилганлар.

Ҳадисларни оталари Бурайда, Имрон ибн Ҳусайн, Оиша онамиз, Яҳё ибн Яъмурлардан ривоят қиладилар.

Бу кишидан эса Алқама ибн Марсад, Муҳозиб ибн Дассор, Абдуллоҳ ибн Ато, Қосим ибн Муҳайрама ва бошқалар ривоят қилганлар.

Сулаймон ибн Бурайда ҳижратнинг 150-санасида 90 ёшларида Марвнинг Баслайн номли қишлоғида вафот этдилар.

Бу ҳадиси шарифда Маккаи Мукаррама фатҳига чиққан саҳобалар Аллоҳнинг ёрдами ила Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчиликларида Маккага музаффар ҳолда кириб борган кунлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар намозга янги таҳорат қилмасдан, ҳамма намозларни бир таҳорат билан ўқиганлари ва маҳсиларига масҳ тортганлари ҳақида сўз бормоқда.

Бундай одатдан ташқари ишни кўрган ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга мурожаат қилиб:

«Бугун қилмай юрган нарсангизни қилдингиз?» деди. Яъни бир таҳорат билан ҳамма намозларни ўқимас эдингиз, бугун бир таҳорат билан ҳамма намозларни ўқидингиз, деди.

Бу ерда «маҳсингизга масҳ тортмас эдингиз, бугун тортдингиз», деган маъно умуман йўқ. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо маҳсиларига масҳ тортар эдилар. Буни келгуси ҳадисларда муфассал ўрганамиз.

Аввалги ҳадисларда ўрганганимиздек, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар намозга янги таҳорат қилиш одатлари бор эди. Ҳазрати Умар уша одатни кўзда тутиб савол бердилар.

Бу саволга Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қасддан қилдим, эй Умар!»** деб жавоб бердилар. Яъни вақт зиклиги, шароит ноқулайлиги ёки бошқа сабаблардан эмас, таҳорат кетмаса, ҳар намозга янги таҳорат қилиш лозим эмаслигини кишиларга билдириб қўйиш учун қилдим, демоқчилар.

Бу ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сиз билан биз — умматларига ишни осонлаштиришга ҳаракат қилишларининг бир кўриниши.

Дарҳақиқат, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам фатҳ куни, кўпчилик гувоҳлигида бу ишни қилмаганларида, «қасддан қилдим», деб айтмаганларида, ҳар намозга янги таҳорат қилиш лозим бўлиб қолар эди.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Бир таҳорат билан бир неча намоз ўқиш мумкинлиги.

2. Таҳорат кетмагунча, янги таҳорат қилиш вожиб эмаслиги.

3. Маҳсига масҳ тортиш шариат амри экани.

4. Бошлиқ, муқтадо кишилар одатдагидан бошқача иш қилсалар, сабабини сўраш жоизлиги.

5. Кишиларга енгиллик тарафини олиш кераклиги.

6. Баъзи нарсаларни одамлар билиши учун қасддан қилиб, кўрсатиб қўйиш кераклиги.

Демак, ҳар намозга янги таҳорат қилганлар ҳам, бир таҳорат билан бир неча намозни ўқийдиганлар ҳам тўғри қиладилар.

مسح الخفين

МАҲСИГА МАСҲ ТОРТИШ

Маҳси — маълум ва машҳур оёқ кийими. У оёқни тўпифидан юқорисигача яхшилаб бекитиб туради. Совуқдан ва турли нопокликлардан сақлайди. «Маҳси» деб номланмаса ҳам, унинг мазкур сифатларига эга бўлган оёқ кийимлари маҳси ҳукмида бўлади. Ҳар таҳоратда оёқ кийимни ечиб, оёқни ювиш машаққат туғдирганлиги учун тўлиқ таҳорат билан кийилган маҳси унинг ичидаги оёқни пок сақлашини эътиборга олиб, шариатимизда маҳсига масҳ тортишга рухсат берилган.

Лекин баъзи кишилар бу рухсатни тўғри тушунмаганлар. Улар «Бир вақтлар маҳсига масҳ тортиш бўлган, аммо Моида сурасидаги таҳорат ҳақидаги оят тушиб, «оёқларингизни тўпиқлари ила ювинглар» деган буйруқ келганидан кейин маҳсига масҳ тортиш ботил бўлган», дейдилар.

Бу нотўғри гап. Ҳамма асл ҳадис китобларида ривоят қилинган машҳур ҳадисда келишича, Жарир розияллоҳу анҳу таҳорат қилиб, маҳсиларига масҳ тортганлар. Шунда у кишига:

«Сен шу ишни қиласанми?» дейилган. У киши:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ишни қилганларини кўрган бўлганимдан кейин бундай қилишдан мени нима ман қилар эди?!» деганлар.

Одамлар:

«Бу Моида сураси нозил бўлишидан олдин бўлган», деганлар. Шунда Жарир розияллоҳу анҳу:

«Мен у сура нозил бўлганидан кейин мусулмон бўлганман», деганлар.

Демак, «Моида сурасидаги оят суннат билан собит бўлган маҳсига масҳ тортишни бекор қилган», деган гап мардуддир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари маҳсига масҳ тортганлар ва бошқаларга масҳ тортишга кўрсатма ҳам берганлар. Саҳобаларнинг кўпчилиги бу ишни қилганлар.

Аммо маҳсига масҳ тортиш ҳақидаги мазкур нотўғри фикр кўпчиликни адаштиргани ҳамда у тез-тез қайтадан пайдо бўлиб тургани учун ҳадис ва фикҳ китобларида бу масала алоҳида бобда, айри эҳтимом билан баён қилинадиган бўлиб қолган.

Маҳсига масҳ тортишга рухсатдан мурод, енгиллик яратишдир. Шу билан бирга, унинг яна сувни тежаш, вақтни тежаш, оёқни совуқдан ва нопокликдан сақлаши каби фойдалари ҳам бор.

۲۳۸ - عَنْ الْمُغِيرَةِ بْنِ شُعْبَةَ رضي الله عنه: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ خَرَجَ لِحَاجَتِهِ، فَاتَّبَعَهُ الْمُغِيرَةُ بِإِدَاوَةٍ فِيهَا مَاءٌ، فَصَبَّ عَلَيْهِ حِينَ فَرَغَ مِنْ حَاجَتِهِ، فَتَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى الْخَفَّيْنِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

238. Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳо-
жатга чиққан эдилар. Муғийра орқаларидан меш-

чада сув олиб бориб, ҳожатларидан фориғ бўлганларидан кейин қуйиб турди. Бас, у зот таҳорат қилдилар ва икки маҳсиларига масҳ тортдилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маҳсиларига масҳ тортганлари очиқ-ойдин, алоҳида зикр қилингани учун у мана шу бобда келтирилмоқда.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Қазои ҳожат учун чиққанда кишилардан узоқлашиш зарурлиги.

2. Бошлиқ кишилар ўзлари айтмасалар ҳам, шай туриб, хизматларини қилиш кераклиги.

3. Таҳоратга бошқа биров сув қуйиб бериши жоизлиги. (Аввал баён қилинганидек, узри бўлмаса, биров қуйиб бермагани маъқул. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам одатда ўзлари қилганлар).

4. Қазои ҳожатдан кейин дарҳол таҳорат қилиб олишининг яхшилиги.

5. Маҳсига масҳ тортиш шариатда бор экани.

6. «Маҳсига масҳ тортиш Моида сурасидаги оят билан мансук бўлган», деганларнинг гапи нотўғри экани.

Чунки Моида сурасидаги оят Мурайсиъ ғазотида нозил бўлган. Бу ҳадисда ҳикоя қилинаётган ҳодиса эса Табук ғазотида бўлган. Табук ғазоти Мурайсиъ ғазотидан кейин бўлганлиги ҳаммага маълум.

۲۳۹ - وَعَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ مَسَحَ عَلَى الْخَفَيْنِ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، نَسِيتُ؟ قَالَ: بَلْ أَنْتَ نَسِيتَ، بِهَذَا أَمَرَنِي رَبِّي عَزَّ وَجَلَّ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

239. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам маҳсига масҳ тортдилар. Мен у кишига:

«Эй Аллоҳнинг Расули, унутдингизми?» дедим.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ! Сен унутдинг. Роббим азза ва жалла мени шунга амр қилган», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда маҳсига масҳ тортиш Аллоҳнинг амри экани очиқ-ойдин таъкидланмоқда.

Муғйра розияллоҳу анҳу ҳам оёқни ювиш керак, деб ўйлаган эканлар. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маҳсига масҳ тортганларини кўрганларида:

«Эй Аллоҳнинг Расули, унутдингизми?» деди.

Яъни оёқни ювишни унутдингизми, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса:

«Йўқ! Сен унутдинг. Роббим азза ва жалла мени шунга амр қилган», дедилар.

Яъни мен ҳеч нарсани унутганим йўқ. Маҳсига масҳ тортиш жоизлигини сен унутдинг. Роббим менга таҳорат билан маҳси кийиб, сўнгра таҳорат янгилаганимда маҳсига масҳ тортишга амр қилган, дедилар.

٢٤٠ - عَنْ بُرَيْدَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّجَاشِيَّ أَهْدَى إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ خُفَيْنِ أَسْوَدَيْنِ سَادَجَيْنِ، فَلَبِسَهُمَا ثُمَّ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَيْهِمَا. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَاحْمَدُ وَالتِّرْمِذِيُّ.

240. Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Нажоший Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бир жуфт қора, оддий маҳси ҳадя қилди. Бас, у зот уларни кийдилар, таҳорат қилдилар ва масҳ тортдилар».

Абу Довуд, Аҳмад ва Термизийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Нажоший Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида Ҳабашистон подшоси бўлган. У насоро динида эди. Жаъфар ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу бошчилигидаги мусулмон муҳожирларни юртида қабул қилиб, жой берган.

Қурайш мушриклари Амр ибн Ос бошлиқ бир гуруҳни совғалар ила юбориб, Нажошийдан мусулмон муҳожирларни уларга қайтариб беришини сўрашган. Орада баҳс чиқиб, Нажоший мусулмонларга бир қанча саволлар берган, улардан Қуръон эшитган ва уларни мушрикларга қайтариб бермаган. Ўзи Исломга кирган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтириб, совғалар юборган.

Нажоший вафот этганда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бугун Аллоҳнинг солиҳ бандаларидан бири вафот этди», деб эълон қилганлар ва унга саҳобалар билан ғойибона жаноза намози ўқиганлар.

Нажоший Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қилган совғалар ичида бир жуфт қора, содда маҳси ҳам бор экан. Маҳсининг «содда» бўлиши устида жуни ва нақши-нигори йўқлигидандир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша содда маҳсини кийганлари у кишининг ўта камтар бўлганликларини кўрсатади.

Ҳадиснинг ровийси Бурайда розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айнан ўша Нажоший ҳадя қилган маҳсига масҳ тортганларини ўз кўзлари билан кўрганликларини гапирмоқдалар. Бу эса у киши бу масалани очиқ-ойдин, ҳеч шубҳасиз билишларига далолатдир.

۲۴۱ - عَنْ الْمُغِيرَةِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ ﷺ فِي سَفَرٍ، فَأَهْوَيْتُ لِأَنْزَعِ خَفَّيْهِ، فَقَالَ: دَعُهُمَا، فَإِنِّي أَدْخَلْتُهُمَا طَاهِرَتَيْنِ، فَمَسَحَ عَلَيْهِمَا. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

241. Муғийра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда бирга бўлган эдим. Маҳсиларини ечиб қўйиш учун энгашган эдим:

«Тек қўй, уларни икки пок оёғимга кийганман», дедилар ва уларга масҳ тортдилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳадиси шарифда маҳсига масҳ тортишнинг шартларидан бири баён қилинмоқда. У ҳам бўлса, маҳси тўлиқ таҳорат билан покланган оёқларга кийилган бўлиши керак. Уни кийишдан олдин оёқлар ювилиб, қилинган таҳорат кетса ҳам, таҳорат янгиланганда оёқни ювишнинг ўрнига маҳсига масҳ тортилади.

Бу ҳадисда саҳобаи киромларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хизматларига шай туришларидан бир намуна ҳам кўрмоқдамиз.

Муғййра розияллоҳу анҳунинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маҳсиларини тортиб қўйишга ҳаракат қилганликлари шунга далолат қилади.

۲۴۲ – وَعَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ كَانَ يَمْسَحُ عَلَى ظَهْرِ الْخَفَيْنِ.
رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

242. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам маҳсиларининг юзига масҳ тортар эдилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда маҳсининг қайси жойига масҳ тортилиши ҳақида сўз бормоқда. Маҳсининг оёқнинг уст қисмини тўсиб турадиган жойига масҳ тортиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амаллари экан. У зот доимо шундай қилганлар.

۲۴۳ – وَلَهُ: عَنْ عَلِيٍّ ﷺ قَالَ: لَوْ كَانَ الدِّينُ بِالرَّأْيِ لَكَانَ أَسْفَلَ الْخَفِّ أَوَّلَى بِالْمَسْحِ مِنْ أَعْلَاهُ، وَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَمْسَحُ عَلَى ظَاهِرِ خُفِّهِ.

243. У (Абу Довуд) Али розияллоҳу анҳудан қилган ривоятга:

«Агар дин раъй билан бўлганда, маҳсининг остига масҳ тортиш устига масҳ тортишдан кўра маъқулроқ бўлар эди. Батаҳқиқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маҳсилари устига масҳ тортаётганларини кўрганман», деганлар».

Шарҳ: Ҳазрати Алининг бу гаплари ҳар бир му-
сулмон яхши англаши лозим бўлган улкан ҳақиқатни баён қилмоқда.

«Агар дин раъй билан бўлганда маҳсининг остига масҳ тортиш устига масҳ тортишдан кўра маъқулроқ бўлар эди».

Ақл тақозоси шу. Чунки маҳсининг остига турли нарсалар тегади, уни масҳ ила тозалаш маъқул. Маҳсининг устига эса ҳеч нарса тегмайди. Лекин динда раъй — фикр билан эмас, Аллоҳнинг амри ила иш кўрилади. Тўғри, динда келган кўпчилик ҳукмлар ақлга мос. Лекин бу «ақл устун» дегани эмас. Динда ваҳий устун. Аллоҳ нимани амр қилса, ақлга мос келадими-келмайдими, барибир диний амрни қилиш лозим. Бирорта одамнинг «Менимча, манави ишни динга кири-тиш керак, буни фарз ёки вожиб қилиш керак» деган фикри билан ўша иш динга кириб қолмайди. Маҳсининг устига масҳ тортиш бунинг далилидир.

Маҳсига масҳ тортишда икки қўл ҳўллангач, пан-жалар ёйилиб, ўнг қўл ўнг маҳсининг, чап қўл чап маҳсининг тумшуғига қўйилади ва қўл маҳси устидан тортиб борилиб, тўпиклар бор жойгача етказилади.

٢٤٤ - عَنْ الْمُغِيرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ تَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى الْجَوْرَيْنِ وَالنَّعْلَيْنِ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ بِسَنَدٍ صَحِيحٍ.

244. Муғийра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам таҳо-
рат қилдилар ва икки жавробларига ҳамда кавуш-
ларига масҳ тортдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдаги «жавроб» нима эканини уламоларимиз узоқ таҳлил ва баён қилганлар.

«Жавроб» сўзи асли «кавроб» бўлиб, араб тилига бошқа тилдан кириб қолган экан.

«Қомусул Муҳйит» ва «Лисонул Араб» номли энг муътамад луғат китобларда айтилишича, «жавроб» кишининг оёқларига ўраладиган нарсаси экан. Буни машҳур уламолардан Тийбий ва Шавконийлар ҳам тасдиқлаганлар.

Шавконий: «Маҳси юмшоқ ошланган теридан қилинади, чорик унинг устидан кийилади, «жавроб» эса чорикдан ҳам катта бўлади», деганлар.

Ибн Арабий, Айний ва бошқа уламолар: «Жавроб жундан тўқилган бўлиб, ўта совуқ ўлка одамлари кияди», деганлар.

У руслардаги «пийма» номли оёқ кийимига ўхшаш нарсасидир.

«Жавроб» ҳақида уламоларнинг гаплари турличалиги ушбу оёқ кийимининг ҳар юртда ҳар хил бўлишидандир. Бунга «дўппи» деб аталган бош кийими турли юртларда турлича экани мисол бўла олади.

Абдурраззоқнинг ривоят қилишларича, Абу Масъуд ал-Ансорий жавроби ва кавушига масҳ тортар экан.

Нима бўлганда ҳам, барча уламолар бу оёқ кийими масҳ муддатида юриб туришга, сув, лой каби турли нарсаларнинг оёққа ўтмаслигига молик бўлиши кераклигига иттифоқ қилганлар.

Ҳозирги пайтда баъзи араб юртларида юпқа латтадан бўлган замонавий пайпоқлар «жавроб» дейилади. Баъзи бир одамлар ана шу «жавроб»ни ҳадисда зикр қилинган «жавроб» деб, унга ҳам масҳ тортса бўлади, деб фатво бермоқдалар. Бу мутлақо нотўғридир. Ким бу гапни эшитса, асло қабул қилмаслиги керак. Агар олдин билмай қабул қилган бўлса, энди ундан қайтиб, пайпоққа масҳ тортмаслиги лозим.

وَقَالَ أَبُو دَاوُدَ: وَمَسَحَ عَلَى الْجَوْرَيْنِ عَلِيٌّ وَابْنُ مَسْعُودٍ وَالْبَرَاءُ
وَأَنَسٌ وَأَبُو أَمَامَةَ وَسَهْلُ بْنُ سَعْدٍ. وَقَالَ التِّرْمِذِيُّ: وَبِهِ يَقُولُ سَفْيَانُ
الثَّوْرِيُّ وَابْنُ الْمُبَارَكِ وَالشَّافِعِيُّ وَأَحْمَدُ وَإِسْحَاقُ، قَالُوا: يَمَسُحُ عَلَى
الْجَوْرَيْنِ وَإِنْ لَمْ تَكُنْ نَعْلَانِ إِذَا كَانَا ثَخِينَيْنِ.

Абу Довуд:

«Икки жавробга Али, Ибн Масъуд, Баро, Анас, Абу Умома, Саҳл ибн Саъдлар масҳ тортганлар», деган.

Термизий:

«Жавробга масҳ тортиш жоизлигини Суфён Саврий, Ибн Муборақ, Шофеъий, Аҳмад ва Исҳоқлар айтдилар. Улар:

«Агар жавроб қалин бўлса, кавуши бўлмаса ҳам, унга масҳ тортилаверади», деганлар», дейди.

Шарҳ: Икки жавробга масҳ тортиш асл масала экани унга амал қилган саҳобаларнинг номларини келтириш билан тасдиқланмоқда.

Бунинг учун Имом Абу Довуднинг ривояти нақл қилинмоқда.

Имом Термизийнинг ривоятида эса тобеъин ва табаъ тобеъинлар ичида илм ва фикҳ ила машҳур бўлган зотларнинг исмлари келтирилмоқда. Улардан иккитаси — Имом Аҳмад ва Имом Шофеъийлар мазҳаб бошлиқларидирлар. Уларнинг жавроб деб номланадиган пиймага ўхшаш оёқ кийими ўзини-ўзи кўтарадиган бўлиб, устидан кавуш кийилмаса ҳам унга масҳ тортилаверишини таъкидлашлари бу масалада ҳеч шубҳа қолдирмайди.

٢٤٥ - عَنْ شُرَيْحِ بْنِ هَانٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَأَلْتُ عَائِشَةَ عَنِ
الْمَسْحِ عَلَى الْخُفَيْنِ، فَقَالَتْ: عَلَيْكَ يَا ابْنَ أَبِي طَالِبٍ، فَإِنَّهُ كَانَ

يُسَافِرُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَسَأَلْنَاهُ، فَقَالَ: جَعَلَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ وَلَيَالِيَهُنَّ لِلْمُسَافِرِ، وَيَوْمًا وَلَيْلَةً لِلْمُقِيمِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

245. Шурайх ибн Ҳонеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Оишадан маҳсига масҳ тортиш ҳақида сўрадим.

У киши:

«Сен Ибн Абу Толибдан сўра, чунки у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафар қилар эди», дедилар.

Бас, ундан сўраган эдик:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусофир учун уч кечаю уч кундуз, муқим учун бир кечаю бир кундуз қилганлар», деди».

Муслим ва Насоийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Шурайх ибн Ҳонеъ розияллоҳу анҳу билан танишиб қўяйлик:

Шурайх ибн Ҳонеъ ибн Язийд ал-Ҳорисий, кунялари Абу Миқдом. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу саҳобанинг ҳақларига дуо қилганлар.

Шурайх Али розияллоҳу анҳунинг энг яқин кишиларидан эди. Али розияллоҳу анҳу билан барча жангларда иштирок этганлар. Жамал воқеасида катта қўшин устидан амир бўлганлар.

Ҳадисларни Али ибн Абу Толиб, Саъд ибн Абу Ваққос, Оиша онамиз, Умму Ҳонеъ розияллоҳу анҳумлардан ривоят қиладилар.

Бу зотдан эса ўғиллари Муҳаммад ва Миқдом, Шаъбий, Юнус ибн Абу Исҳоқ ва бошқалар ривоят қилганлар.

Шурайх ибн Ҳонеъ розияллоҳу анҳу кучли, паҳлавон, Аллоҳнинг дини равнақи йўлида жонини ҳам аямайдиган улуғ саҳобалардан эдилар. Кексайиб, юз ёшдан ўтганларига қарамай, ҳижратнинг 78-санаси-

да (милодий 697 йил) Сижистонга кетаётиб, кофирлар қуршовида қолиб, бутун аскарлари билан бирга шаҳид бўладилар.

Саҳобаи киромларнинг одатларига амал қилиб, Шурайх ибн Ҳоней розияллоҳу анҳу ҳам Оиша онамиздан маҳсига масҳ тортишга оид масалани сўраган эканлар. Оиша онамиз у кишига:

«Сен Ибн Абу Толибдан сўра, чунки у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафар қилар эди», дедилар».

Бу жавобдан энг аввало Оиша онамизнинг омонатлари, инсофлари ва илмий омонатга хиёнат қилмасликлари зоҳир бўлмоқда. У киши ўзлари аниқ билмаган нарсага жавоб беришни ўзларига эп кўрмай, сўровчини ўша масалани яхши биладиган киши — ҳазрати Алига йўлаб қўйдилар. Иккинчидан, Пайғамбаримиз маҳсини кўпроқ сафар чоғида кийганлар. Оиша онамизнинг «Ибн Абу Толибдан сўра, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафар қилар эди», деганларидан шу нарса фаҳмланади.

Ҳазрати Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусофир учун уч кечаю уч кундуз, муқим учун бир кечаю бир кундуз қилганлар»**, деган жавобларидан эса савол масҳнинг муддати ҳақида бўлганини тушуниб оламиз. Шунинг учун ҳам Оиша онамиз бу масалани ҳазрати Али розияллоҳу анҳуга ҳавола қилганлар. Чунки масаланинг ечими сафарга боғлиқдир.

Уламоларимиз масҳнинг муддати ҳақидаги ҳукмни мана шу ҳадисдан олганлар.

Муқим одам маҳсига бир кечаю бир кундуз давомида масҳ тортиши мумкин. У муддат ўтгандан кейин эса маҳсини ечиб, оёғини ювиши шарт.

Мусофир одам эса маҳсисига уч кечаю уч кундуз масҳ тортиб юраверса бўлади. У муддатдан ўтиб кетса, мусофир ҳам маҳсисини ечиб, оёғини ювиши лозим.

۲۴۶- عَنْ حُزَيْمَةَ بْنِ ثَابِتٍ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: الْمَسْحُ عَلَى الْخُفَّيْنِ لِلْمُسَافِرِ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ وَلِلْمُقِيمِ يَوْمٌ وَلَيْلَةٌ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

246. Хузайма ибн Собит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Маҳсига масҳ тортиш мусофир учун уч (кун), муқим учун бир куну бир кеча», дедилар».

Абу Довуд ва Термизийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Хузайма ибн Собит розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Хузайма ибн Собит ибн Фақиҳа ибн Саълаба ал-Ансорий, кунялари Абу Аммора. Жоҳилиятда ҳам, Исломда ҳам Авс қабиласи бошлиқларидан бўлганлар. Оналари — Кабша бинти Авс.

У киши бир ўзларининг гувоҳликлари икки кишининг гувоҳлиги билан баробар бўлган саҳоба эдилар.

Бадр ғазотида ва ундан бошқа ҳамма ғазотларда иштирок этдилар. Макка фатҳ этилган куни Хутома қабиласи номидан байроқ кўтардилар. Хутома қабиласидаги бутларни синдирган зот шу киши эдилар.

Сиффийн урушида Али розияллоҳу анҳу билан иштирок этдилар. Аввалига бу урушда иштирок этмаган эдилар. Қачонки Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу ўлдирилганидан кейин урушга киришдилар. Чунки Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аммор ибн Ёсир исёнкорлар томонидан ўлдирилади», деб марҳамат қилган эдилар.

Бу зот ҳаммаси бўлиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан 38та ҳадис ривоят қилдилар. Бу кишидан ўғиллари Аммор, Зуҳайр ва бошқалар ривоят қилганлар.

Бу зот туплаган ҳадислардан баъзиларини уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритишган.

Ўғиллари Амморга айтадилар:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир аъробийдан от сотиб олдилар. У ерда гувоҳликка Хузаймадан бошқа киши йўқ эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хузайманинг бир ўзларининг гувоҳликлари билан кифояландилар, сўнгра: «Қайси бир кишига Хузайма якка ўзи гувоҳлик берса, кифоя қилади», деб марҳамат қилдилар.

Хузайма розияллоҳу анҳу ҳижратнинг 37-санасида (милодий 657 йилда) Сиффийн жангида исёнкорлар томонидан шаҳид қилиндилар.

Бу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари маҳсига масҳ тортишнинг муддатини очиқ-ойдин айтиб турибдилар. Изоҳнинг ҳожати йўқ.

۲۴۷ - عَنْ صَفْوَانَ بْنِ عَسَّالٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَأْمُرُنَا إِذَا كُنَّا مُسَافِرِينَ أَنْ نَمْسَحَ عَلَى خِفَافِنَا، وَلَا نَنْزِعَهَا ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ مِنْ غَائِطٍ وَبَوْلٍ وَنَوْمٍ، إِلَّا مِنْ جَنَابَةٍ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

247. Сафвон ибн Ассол розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга мусофир бўлган вақтимизда қазои ҳожат қилсак, таҳорат ушатсак ва ухласак, маҳсиларимизни ечмай, уч кунгача масҳ тортишга амр қилар эдилар, лекин жанобатдан эмас».

Насоий ва Термизийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Сафвон ибн Ассол билан яқиндан танишиб олайлик:

Бу саҳоба Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан 12та ғазотда иштирок этганлар. Куфада

истиқомат қилганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўп ҳадислар ривоят қилдилар.

Бу зотдан Абдуллоҳ ибн Масъуд, Зирр ибн Ҳубайш, Абдуллоҳ ибн Салама, Абу ал-Ҳофирлар ривоят қилганлар.

Бу ҳадиси шарифда маҳсига масҳ тортиш бўйича муҳим бир масала баён этилмоқда. У ҳам бўлса, масҳ тортиш таҳоратни кетказадиган нарсалардан кейин жоизлиги, ғусл вожиб қиладиган нарсалардан кейин эса масҳнинг кучи қолмаслигидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромларга қазои ҳожат, таҳорат ушатиш ва уйқу сабабли таҳоратлари синиб, янги таҳорат қилганларида сафар чоғида уч кунгача маҳсига масҳ тортиб юришни амр қилганлар. Аммо жунуб бўлиб, ғусл вожиб бўлиб қолганида эса маҳсини ечишни амр қилганлар.

الباب السادس في الغسل

ОЛТИНЧИ БОБ

ҒУСЛ ҲАҚИДА

وفيه ثلاثة فصول

УЧ ФАСЛДАН ИБОРАТ

الفصل الأول في أسباب الغسل

БИРИНЧИ ФАСЛ

ҒУСЛНИНГ САБАБЛАРИ

Шарҳ: «Ғусл» сўзи луғатда бирор нарсанинг устидан сув оқизиш деган маънони англатади.

Шариатда эса Аллоҳ таолога қурбат ниятида баданнинг ҳаммасига сув оқизишга айтилади.

Ғуслнинг шариатимизда вожиб қилинишининг ҳикматлари кўп.

Аввало у ибодат, Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун зарур нарса.

Иккинчидан, поклик, озодалик ва соғлиқ учун ўта муҳим омилдир.

Қолаверса, ғуслни вожиб қилувчи нарсалар туфайли инсон вужудда пайдо бўладиган баъзи нопокликларни кетказиш, маний кетиши ила жисм йўқотган нарсаларни қайта тиклашдир.

Жинсий яқинлик ва эҳтиломдан кейин ғусл қилган одамда қон юриши яхшиланади ва тетиклик тикланади.

Шунингдек, ният билан қилинган ғусл туфайли гуноҳлар ҳам ювилади.

قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: وَإِنْ كُنْتُمْ جُنُبًا فَاطْهَرُوا

Аллоҳ таоло:

«Агар жунуб бўлсангиз, бас, покланинг», деган
(Моида сураси, 6-оят).

وَقَالَ: وَلَا جُنُبًا إِلَّا عَابِرِي سَبِيلٍ حَتَّى تَغْتَسِلُوا

Ва яна:

«Ва жунуб ҳолингизда, то ғусл қилмагунингиз-
ча (масжидда турманг) магар йўлдан ўтсангиз», де-
ган. (Нисо сураси, 43-оят)

Шарҳ: «Жунуб» сўзи луғатда «четда турувчи» де-
ган маънони англатади.

Шариатда эса жинсий яқинлик, уйқуда булғаниш
ва бошқа сабабга кўра маний чиқариб, ғусл вожиб
бўлган шахсга нисбатан айтилади.

Ғусл вожиб бўлган одам намоздан, Қуръондан,
масжиддан ва шариат кўрсатган бошқа нарсалардан
четда бўлганлиги учун ҳам «жунуб» номини олган.

Ғусл масаласи Қуръони Карим муолажа қилган
масала эканини, ушбу бобдаги ҳадислар Қуръонда
ғусл ҳақида келган оятларнинг шарҳи каби эканини
англатиш учун аввало оятлар зикр қилинмоқда.

Биринчи оятда жунуб бўлган одам покланиши,
яъни ғусл қилиши вожиблиги таъкидланмоқда.

Иккинчи оятда эса жунуб одам ғусл қилмагун-
ча масжидда тура олмаслиги, магар ғусл қилиш учун
ўтишга бошқа йўл бўлмаса, масжид орқали ўтиши
мумкинлиги ҳақида сўз бормоқда.

Демак, жунублик одамнинг баъзи бир нарсалар-
дан четда туришига сабаб бўлар экан.

٢٤٨ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا جَلَسَ
بَيْنَ شُعْبَيْهَا الْأَرْبَعِ ثُمَّ جَهَّذَهَا فَقَدْ وَجَبَ الْغُسْلُ. وَفِي رِوَايَةٍ:

وَأَنَّ لَمْ يُنْزَلْ. وَفِي أُخْرَى: وَمَسَّ الْخِتَانُ الْخِتَانَ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا
التِّرْمِذِيَّ.

248. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачонки у (эр) у(хотин)нинг тўрт мучаси (қўлоғи) орасига ўтирса ва унга яқинлик қилса, батаҳқиқ, ғусл вожиб бўлади», дедилар».

Бошқа ривоятда:

«Агар тўкмаса ҳам», дейилган.

Яна бошқа бир ривоятда:

«Хатна қилинган жой хатна қилинган жойга тегса», деганлар.

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бу ҳадисда ғуслни вожиб қилувчи сабабларнинг энг асосийси ҳақида сўз юритилмоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жинсий яқинликни англатувчи сўзни очиқчасига айтмай, пардали тарзда баён қилмоқдалар.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Жинсий яқинликдан кейин ҳам эрга, ҳам хотинга ғусл вожиб бўлади.

2. Жинсий яқинликда маний тўкилишининг ғусл вожиб бўлишига алоқаси йўқ. Жинсий алоқа бўлди-ми, маний тушса ҳам, тушмаса ҳам ғусл вожиб бўлаверади. Бу «Агар туширмаса ҳам» деган жумладан билинади.

3. Ғусл вожиб бўлиши учун эркакнинг хатна қилинадиган жойи аёлнинг хатна қилинадиган жойига тегса бўлди. Иссиқ минтақаларда, хусусан, араб юртларида қизларни ҳам хатна қилиш одати бор. Унда фаржнинг ичидаги бир оз ўсиб турадиган қисми хатна қилинади. Уламоларимиз «Эркакнинг хатна қилинган жойи аёлнинг хатна қилинган жойига тегиши учун эркак аъзосининг бош қисми аёл аъзо-

сига кириши керак», дейдилар. Ана шу ҳолат юзага келганида икковларига ҳам ғусл вожиб бўлади.

۲۴۹ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: إِنَّ رَجُلًا سَأَلَ النَّبِيَّ ﷺ عَنِ الرَّجُلِ يُجَامِعُ أَهْلَهُ ثُمَّ يُكْسِلُ، هَلْ عَلَيْهِمَا الْغُسْلُ؟ وَعَائِشَةُ جَالِسَةٌ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِنِّي لَأَفْعَلُ ذَلِكَ أَنَا وَهَذِهِ ثُمَّ نَعْتَسِلُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

249. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бир одам аҳлига яқинлик қилиб, маний тўкилмаган киши ҳақида, «Икковларига ғусл вожиб бўладими?», деб сўради. Оиша ўша ерда ўтирган эди. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, мен буни манави билан қиламан. Сўнгра ғусл қиламиз», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда жинсий алоқа пайтида маний тўкилмаса ҳам барибир эркакка ҳам, аёлга ҳам ғусл вожиб бўлиши таъкидланмоқда. Сўровчи саволида «икковларига ғусл вожиб бўладими?» деб, ҳам эр, ҳам хотин ҳақида сўрамоқда. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўз жавобларида:

«Албатта, мен буни манави билан қиламан. Сўнгра ғусл қиламиз», деб Оиша онамизни кўрсатмоқдалар ва маний тушмаса ҳам эр-хотинга баробар ғусл вожиб бўлишини таъкидламоқдалар. Шундан бу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари қилган иш эканини билиб олмоқдамиз.

۲۵۰ - وَعَنْهَا قَالَتْ: إِذَا جَاوَزَ الْخِتَانُ الْخِتَانَ فَقَدْ وَجِبَ الْغُسْلُ، فَعَلْتُهُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ ﷺ فَأَغْتَسَلْنَا. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

250. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Хатна қилинган жой хатна қилинган жойдан ўтса, батаҳқиқ, ғусл вожиб бўлади. Мен буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қилганман ва иккаламиз ғусл қилганмиз».

Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Оиша онамиз баён қилаётган бу масала ҳам, яъни эркакнинг хатна қилинган жойи аёлнинг хатна қилинган жойига тегса, икковларига ҳам ғусл вожиб бўлиши масаласи ҳам бобнинг биринчи ҳадисида ўтган эди. Аммо бу ҳадисда батафсилроқ баён қилинмоқда. Бу ишни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қилганликлари очиқ-ойдин айтилмоқда.

Бу масалада ҳушёр бўлиш зарур. Тўлақонли жинсий яқинлик бўлмади-ку, деб дангасалик туфайли ғусл қилмай, гуноҳга ботишдан сақланиш лозим.

٢٥١ - عَنْ أَبِي بِنِ كَعْبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنَّ الْفُتْيَا الَّتِي كَانُوا يُفْتُونَ بِهَا إِنَّ الْمَاءَ مِنَ الْمَاءِ كَانَتْ رُخْصَةً رَخَّصَهَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فِي بَدْءِ الْإِسْلَامِ، ثُمَّ أَمَرَ بِالْإِغْتِسَالِ بَعْدُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

251. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Сувдан сув (вожиб) бўлади», деб берган фатволари Исломнинг аввалида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам берган рухсат эди. Сўнгра кейинроқ ғусл қилмоққа амр қилдилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ривоят ила жинсий яқинлик қилганда маний тўкилмаса ҳам ғусл вожиб бўлишига қарши пайдо бўлиши мумкин бўлган бир иштибоҳ кўтарилмоқда. Чунки авваллари «Сувдан сув (вожиб) бўлади» деган фатво кенг тарқалган. Бу маний сувидан ғусл суви вожиб бўлади, деганидир. Яъни ким маний сувини тўкса, сув ила ғусл қилмоғи вожиб бўлади.

Борди-ю маний тўкилмаса, сув ишлатиб, ғул қилиш ҳам вожиб бўлмайди, дейилмоқчи.

Дарҳақиқат, Ислоннинг дастлабки пайтларида маний тушмаса, ғул қилмасликка Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам рухсат берганлар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Атабоннинг оstonаси олдида тўхтаб, уни чақирдилар. У иштонини судраб, югуриб чиқди. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам «Бу одамни шошириб қўйдикми?» дедилар. Атабон эса:

«Эй Аллоҳнинг Расули, қачонки эр шошилиб, хотинига манийсини туширмаса, унга нима вожиб бўлади?» деди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Фақат сувдан сув (вожиб) бўлади», дедилар.

Мана шу гапдан кейинчалик саҳобалар ичида тарқалиб кетган «Сув сувдангина (вожиб) бўлади», деган фатво бериб юборилган.

Эҳтимол, умуман, ғул нималигини билмай юрган одамларга бирданига оғир келмасин деб, аввал фақат маний тушгандагина ғул вожиб бўлади, дейилгандир. Кейинчалик эса бу ҳукм насх этилиб (амалдан қолдирилиб), маний тушмаса ҳам ғул вожиб бўлиши тайин қилинган.

Ҳозирги кунимизда ҳам кўпгина китобларда мазкур ҳадис ва фатволар ҳеч қандай изоҳсиз ёки шарҳсиз келтирилганини кўрамиз. Демак, бу нарса амал учун эмас, фақат маълумот учун келтирилган бўлади.

Шунинг учун «Фалон китобда келтирилган ҳадисда «Сувдан сув (вожиб) бўлади», дейилган экан. Жинсий яқинлик пайтида маний тушмаса, ғул вожиб бўлмас экан», дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

۲۵۲ - عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: جَاءَتْ أُمُّ سَلِيمٍ

إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحْيِي مِنَ الْحَقِّ، فَهَلْ عَلَى الْمَرْأَةِ مِنْ غُسْلٍ إِذَا احْتَلَمَتْ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: نَعَمْ، إِذَا رَأَتْ أَلْمَاءَ، فَقَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، وَتَحْتَلِمُ الْمَرْأَةُ؟ فَقَالَ: تَرَبَّتْ يَدَاكَ، فَبِمَ يُشَبِّهَهَا وَلَدُهَا؟! رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

252. Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Умму Сулайм Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, Аллоҳ ҳақдан ҳаё қилмайди. Аёл киши эҳтилом бўлса, гусл қиладими?» деди.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ҳа, сувни кўрса» дедилар.

Бас, Умму Салама:

«Эй Аллоҳнинг Расули, аёл киши ҳам эҳтилом бўладими?» деди.

У зот соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қўлгинанг қурисин, бўлмаса боласи унга нимадан ўхшар эди?!» дедилар».

Учалалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламда савол сўраб келган саҳобия аёл — Умму Сулайм ҳазрати Анас ибн Молик розияллоху анҳунинг оналари бўлади. У киши Умму Сулайм кунялари ила машҳур бўлганлар. Шунинг учун ҳам исмларини аниқлашда уламоларимиз бир оз тортишганлар. Баъзилари Саҳла десалар, бошқалари Румайла, учинчилари яна бошқа исмни айтганлар.

Умму Сулайм бинти Милҳон Ҳазражия, Нажжориядирлар. У киши Абу Талҳа розияллоху анҳуга турмушга чиққанлар. Умму Сулайм ўта диндор, аҳли фазаёллардан бўлганлар. Ўғиллари Анас розияллоху анҳуни кичиклик чоғларида Пайғамбаримиз соллалло-

ҳу алайҳи васалламнинг хизматларига берганлар. Шу сабабдан ҳам Пайғамбаримизнинг оилаларига тез-тез келиб турар ва турли ҳодисаларга гувоҳ бўлиб, саволлар сўраб турар эдилар. Умму Сулайм розияллоҳу анҳонинг исмлари кўпгина ҳадисларда зикр қилинади.

«Эҳтилом» дегани «тушда жинсий яқинликни кўрмоқ», «уйқуда булғанмоқ», деганидир.

Умму Сулайм розияллоҳу анҳо одатда аёл киши эркак кишидан сўрашга ҳаё қиладиган саволни сўрашдан олдин:

«Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, Аллоҳ ҳақдан ҳаё қилмайди» дедилар. Бу, шунинг учун мен ҳам ҳаё қилмай, бир ҳақ нарсани сўрамоқчиман, деганларидир. Мен сўрайдиган савол аслида ҳаё қилиш лозим нарса. Лекин ҳақни билиш йўлида ҳаё қилмаслигимга ижозат беринг, деганларидир.

Ҳамма мусулмон халқларда ҳам ҳаёли нарсаларни сўрашдан олдин шунга ўхшаш узр маъносигаги, мисол учун, баъзи жойларда «энди «шариатда шарм йўқ», сўрайверамиз-да», каби иборалар ишлатилади ва ҳоказо.

Мазкур муқаддимадан сўнг Умму Сулайм розияллоҳу анҳо бевосита саволга ўтиб:

«Аёл киши эҳтилом бўлса, ғусл қиладими?» деди.

Бу саволни Пайғамбаримиздан фақат Умму Сулаймгина сўраган эмас. Балки бир неча саҳобия аёллар ҳам сўраганлар. Жумладан, Хавла бинти Ҳакийм, Бусра ва Саҳла бинти Суҳайл розияллоҳу анҳумолар ҳам сўраганлар ва уларнинг ҳадисларини муҳаддисларимиз ривоят қилганлар.

Эҳтимол, у кишилар шу ҳолатни бошларидан кечирганлар ва динимизнинг бу борадаги ҳукмини аниқлаб олиш учун, гуноҳкор бўлмаслик учун уятни яшиштириб, савол берганлар. Аллоҳ улардан рози бўлсин, уларнинг шаръий ва илмий жасоратларидан ҳосил бўлган фойдадан мусулмонлар авлоддан-авлодга фойдаланиб келмоқдалар.

Умму Сулайм розияллоҳу анҳонинг саволларига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳа, сувни кўрса», дедилар.

Яъни хотин киши тушида жинсий алоқани кўрса-ю, кейин манийни кўрса ёки сезса, унга ғул вожиб бўлади. Аммо тушида жинсий алоқани кўрса-ю, кийимида, баданида маний кўрмаса, бошқа бир аломатни сезмаса, ғул қилмайди. Бу ҳукм эркак кишига ҳам тегишли. Аксинча, тушида ҳеч нарсани кўрмаса ҳам, лекин манийни кўрса, ғул қилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Умму Сулайм розияллоҳу анҳонинг ораларида бўлиб ўтаётган бу савол-жавобни эшитиб турган Умму Салама онамиз ҳам уялдилар (бошқа ривоятда «Умму Салама юзини беркитиб олди», дейилган), ҳам ажабландилар. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга савол бериб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, аёл киши ҳам эҳтилом бўладими?» деди.

Умму Салама онамизнинг бу саволларидан баъзи аёллар эҳтилом бўлмасликлари билинади. Бўлмаса, у киши бу саволни бермас эдилар. Умму Салама онамизнинг бу саволларига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қўлгинанг қурисин, бўлмаса боласи унга нимадан ўхшар эди?!» деб жавоб бердилар.

«Қўлинг қурисин» ибораси арабчада «тарибат ядаак» дейилади. Маъноси эса «қўлинг тупроққа қоришсин», яъни «камбағал бўлгин», деганидир. Лекин арабларда яхши маънода ҳам ишлатилаверади. У фақат ёмон дуо деб тушунилмайди. Бунга ўхшаш иборалар бошқа мусулмон халқларда ҳам бор. Мисол учун, баъзи жойларда «ҳа, шўринг қурисин-а», дейилади.

Демак, боланинг ота-онасига ўхшаши бежиз эмас экан. Аёл кишида ҳам маний мавжуд экан. Фақат баъзи аёлларда жинсий алоқадан бошқа пайтда, масалан, уйқуда ҳам маний чиқар экан.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Шариатдаги ҳақни билиш учун ҳаё қилмаслик.
2. Саҳобия аёлларнинг ҳақни билишга қизиққан-лари.
3. Аёл кишининг эҳтилом бўлиши.
4. Аёл киши эҳтиломдан кейин маний сувини кўрса ёки сезса, унга ғусл вожиб бўлиши.
5. Эҳтиломдан кейин сувни кўрмаса, ғусл вожиб эмаслиги.
6. Аёл кишида маний суви борлиги.
7. Баъзи аёллар эҳтилом бўлмаслиги.
8. Боланинг ота-онага ўхшаши уларнинг манийси орқали бўлиши.

Бу ҳақда, яъни эркак ва аёлнинг манийси болаларнинг уларга ўхшашига сабаб бўлиши масаласида ушбу ҳадиснинг бошқа ривоятларида қўшимча маълумотлар келган. Ҳозир ана шу ҳадисларни ўрганамиз.

وَزَادَ مُسْلِمٌ: إِنَّ مَاءَ الرَّجُلِ غَلِيظٌ أَبْيَضُ، وَمَاءَ الْمَرْأَةِ رَقِيقٌ أَصْفَرُ، فَمِنْ أَيْهَمَا عَلَا أَوْ سَبَقَ يَكُونُ مِنْهُ الشَّبَهُ.

Муслим:

«Эркак кишининг манийси қуюқ ва оқ, аёл кишининг манийси суюқ ва сарғиш бўлади. Улардан қайси бириники устун келса ёки олдин бўлса, ўхшашлик ўшандан бўлади», деган жумлани зиёда қилган.

Шарҳ: Имом Муслим ривоятида келган қўшимчада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эркак ва аёлнинг манийсини очиқ-ойдин васф қилиб бермоқдалар. Шу соҳа бўйича мутахассисларнинг айтишларича, яқин-яқинларгача аёл кишининг манийси борлиги илмий доираларда тан олинмас эди. Аммо илм ва фаннинг тараққий этиши билан бу ҳақиқат худди Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам васф қилганларидек бўлиб чиқди. Шунингдек, ҳадиси шарифдаги:

«Улардан қайси бириники устун келса ёки олдин бўлса, ўхшашлик ўшандан бўлади» деган гаплари ҳам тасдиқланди. Яъни эркакнинг манийси аёлнинг манийсидан устун келса ёки олдин бўлса, улардан бўлган бола отасига ўхшаган бўлади. Агар аёлнинг манийси эркакникидан устун келса ёки олдин бўлса, бола онасига ўхшаган бўлади.

Замонавий илм ҳам ота-онанинг турли хусусиятлари болага маний орқали ўтишини тасдиқлади.

وَلَهُ أَيْضًا: إِذَا عَلَا مَأْوُهَا مَاءَ الرَّجُلِ أَشْبَهَ الْوَلَدُ أَخْوَالَهُ، وَإِذَا عَلَا مَاءَ الرَّجُلِ مَاءَهَا أَشْبَهَ وَلَدُ أَعْمَامِهِ.

Яна ўша киши (Муслим) қилган ривоятда:

«Аёлнинг суви эркакнинг сувидан устун келса, бола тоғаларига ўхшайди. Эркакнинг суви аёлнинг сувидан устун бўлса, бола амакиларига ўхшайди», дейилган.

Шарҳ: Дарҳақиқат, болаларда тоғаларига ёки амакиларига ўхшашлик аломатлари бўлиши ҳаммага маълум. Бу ўхшашлик ҳам ота ёки онанинг суви бири-биридан устун келишидан экани ҳадисда очиқ-ойдин айтилмоқда. Ирсиятни ўрганиш илми бу ҳақиқатни ҳам тасдиқлади.

وَفِي رَوَايَةٍ: فَإِذَا اجْتَمَعَا فَعَلَا مَنِ الرَّجُلُ مَنِ الْمَرْأَةِ أَذْكَرًا بِإِذْنِ اللَّهِ، وَإِذَا عَلَا مَنِ الْمَرْأَةِ مَنِ الرَّجُلِ أَثْنَا بِإِذْنِ اللَّهِ.

Бошқа бир ривоятда:

«Қачон икковлари жам бўлсалар ва эркакнинг манийси аёлнинг манийсидан устун келса, Аллоҳнинг изни ила ўғил бола кўрадилар. Қачонки аёлнинг манийси эркакнинг манийсидан устун келса, Аллоҳнинг изни ила қиз бола кўрадилар».

Шарҳ: Ушбу ривоятда ҳамма нарса Аллоҳнинг изни ила бўлиши сабаблари ҳам баён қилинмоқда.

Бир минг тўрт юз йил муқаддам айтилган бу гаплар илмий тараққиёт туфайли энди-энди ўз тасдиғини топмоқда. Дунёдаги энг кўзга кўринган гинеколог олимлар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шу хусусда айтган гаплари илмий мўъжиза эканини тасдиқламоқдалар. Улардан баъзилари Исломга кириб, баъзилари мойил бўлмоқдалар.

۲۵۳ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: سُئِلَ النَّبِيُّ ﷺ عَنِ الرَّجُلِ يَجِدُ الْبَلَلَ وَلَا يَذْكُرُ احْتِلَامًا، قَالَ: يَغْتَسِلُ. وَعَنِ الرَّجُلِ يَرَى أَنْ قَدْ احْتَلَمَ وَلَا يَجِدُ الْبَلَلَ، قَالَ: لَا غُسْلَ عَلَيْهِ. فَقَالَتْ أُمُّ سُلَيْمٍ: الْمَرْأَةُ تَرَى ذَلِكَ، أَعْلَيْهَا غُسْلٌ؟ قَالَ: نَعَمْ، إِنَّمَا النِّسَاءُ شَقَائِقُ الرِّجَالِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

253. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳўлни кўрган, лекин эҳтиломни эслай олмаган одам ҳақида сўралди. У зот:

«Ғусл қилади», дедилар. (Тушида) эҳтилом бўлганини кўрган, лекин ўнгида ҳўлни кўрмаган одам ҳақида (ҳам сўралдилар) У зот:

«Унга ғусл вожиб эмас», дедилар.

Бас, Умму Сулайм:

«Аёл киши ҳам ўшани кўради. Унга ҳам ғусл вожиб бўладими?» деди. У зот:

«Ҳа, албатта, аёллар эркакларнинг туғишганларидир», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадисда баён қилинаётган масала ҳам кўп учраб турадиган, айниқса ёшларда тез-тез такрорланиб турадиган масаладир. Шунинг учун са-

ҳобаи киромлар томонидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бу ҳақда савол берилди.

Бир одам тушида ғул вожиб бўладиган бирор нарсани кўрганини эслай олмайди. Лекин баданида, кийимида ёки ётган жойида манийнинг ҳўлини кўради. Нима қилиш керак? Албатта, ғул қилиш вожиб, акс ҳолда гуноҳкори азим бўлади.

Бошқа биров тушида жинсий алоқани кўрган, аммо уйғонса, ҳеч қаерда манийнинг ҳўли йўқ. Ундай одамга ғул вожиб бўлмайди. Чунки ундан воқеликда ғул вожиб бўладиган нарса чиққан эмас.

Мана шу масалалар ҳақида савол-жавоб бўлиб турган жойда Умму Сулайм розияллоҳу анҳо ҳам бор эканлар. У киши фурсатдан фойдаланиб:

«Аёл киши ҳам ўшани кўради. Унга ҳам ғул вожиб бўладими?» деди.

Яъни аёл киши ҳам эҳтиломни кўрмайди-ю, ҳўлни кўради. Унга ҳам ғул қилиш вожиб бўладими, дедилар.

Бу саволга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ижобий жавоб бериб:

«Ҳа, албатта, аёллар эркакларнинг туғишганларидир», дедилар.

Бу, ҳа, аёл кишига ҳам ғул вожиб бўлади. Аёл киши ҳам худди эркак кишига ўхшаш, деганларидир.

Ушбу ҳадисдаги ҳукмларни ҳар бир киши яхши-лаб ўрганиб олиши зарур. Айниқса, энди балоғатга етган ёшларга ўргатиб қўйиш лозимки, улар эътиборсизлик ила гуноҳкор бўлиб қолмасинлар.

٢٥٤ - وَعَنْهَا: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ كَانَ يَغْتَسِلُ مِنْ أَرْبَعٍ: مِنَ الْجَنَابَةِ، وَيَوْمَ الْجُمُعَةِ، وَمِنَ الْحِجَامَةِ، وَمِنْ غُسْلِ الْمَيْتِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

254. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тўрт нарсадан ғул қилар эдилар: жунубликдан, Жума куни, қон олдирган ва маййитни ювгандан (кейин)».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда Оиша онамиз Пайғамбаримиз қиладиган ғуслларнинг баъзи сабабларини айтмоқдалар.

Ҳадиси шарифда:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тўрт нарсадан ғусл қилар эдилар» дейилганидан бу тўрт нарсадан бошқа нарсадан ғусл қилиб бўлмас экан, деган фикрга бормаслик керак. Бошқа ҳадислардан бу ҳақиқат зоҳир бўлади. Мисол учун, икки ийд кунлари ва Арафот кунӣ ғусл қилиш марғубдир.

Аммо бу ҳадисда фақат тўрт нарса зикр этилмоқда:

1. «Жунубликдан».

Бу ҳақда муфасссал сўз юритилди.

2. «Жума кунӣ».

Бу ҳақда кўплаб ҳадислар келган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам жума намози учун ғусл қилганлар, бошқаларни ҳам ғусл қилишга буюрганлар.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда «Жуманинг ғусли ҳар бир эҳтиломга етган учун вожибдир», дейилган.

Бу маънодаги ҳадислар кўп. Шунинг учун ҳам баъзи мазҳабларда жума кунги ғусл суннати муаккада дейилган.

Ҳанафий мазҳабида эса жума кунги ғусл суннат дейилган.

3. «Қон олдирганда».

Ўтмишда махсус услуб билан қон олдириш одати бўлган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам қон олдирганлар. Ундан кейин эса ғусл қилганлар. Чунки баданга қон сачраш эҳтимоли кучли. Ҳанафий мазҳабида бу масала тўлиқ ўрганиб чиқилиб, «Қон олдиргандан кейинги ғусл мандубдир», дейилган.

4. «Маййитни ювгандан (кейин)».

Бу масалада келган ҳадисларда ихтиёр маййитни ювган одамнинг ўзига қўйилганлиги мулоҳаза қилинади. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда: «Маййитни ювар эдик. Бас, биздан баъзи-

ларимиз ғул қилар эдик. Баъзиларимиз ғул қилмас эдик», дейилган.

Бошқа бир ҳадисда эса: «Албатта, маййитингиз пок ҳолида ўлади. Қўлларингизни ювиб олсангиз бўлади», дейилган.

Ушбу ва бошқа ҳадисларни ҳисобга олиб, Ҳанафий мазҳабида «Маййитни ювган одам ғул қилиши мандуб», дейилган.

Бундай ҳолда битта ҳадисни ўқиб олгач, ўшанга қараб ҳукм чиқариб, кишиларнинг бошини қотирмаслик керак. Таҷрибада шундай ҳолатлар ҳам бўлган. Ҳадис китобларининг биридан баъзилар:

«Ким маййитни ювса, ғул қилсин, ким уни кўтарса, таҳорат қилсин», деган ҳадисни ўқиб олиб, кишилар ўртасида ихтилоф чиқарганлар.

Қолбуки, ўша одамлар бу масаладаги бошқа ҳадисларни ҳам ўқисалар, бу ҳадислар асосида уламоларимиз олиб борган илмий баҳсларни ўргансалар, ихтилофга ҳеч ўрин қолмайди.

Имом Абу Довуд мазкур ҳадисни мансух (амалдан қолган), деб очиқ-ойдин айтиб қўйган.

۲۵۵ - عَنْ قَيْسِ بْنِ عَاصِمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ أَسْلَمَ فَأَمَرَهُ النَّبِيُّ ﷺ أَنْ يَغْتَسِلَ بِمَاءٍ وَسِدْرٍ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

255. Қайс ибн Осим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У киши мусулмон бўлганида Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васаллам сув ва сидр ила ғул қилишга амр этган эканлар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Қайс ибн Осим розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишайлик:

Қайс ибн Осим ибн Синон Мунқирий ат-Тамимий. Кунялари Абу Али, арабларнинг тадбирли амирларидан, шижоат ва ҳалимлик билан танилган,

жоҳилиятда шоир ва саййидлик билан машҳур бўлган саҳобалардан эдилар.

Бу саҳоба ароқ ичишни Исломга киришдан олдин ҳам ўзларига ҳаром қилган эдилар. Ҳижратнинг 9-санасида Тамим қабиласи томонидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга элчи бўлиб келиб, ана шу йили Исломга кирдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу зотни қавмларидан садақаларни йиғиш учун масъул этиб тайинладилар.

Бу зот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўп ҳадислар ривоят қилдилар. У кишидан Ҳасан, Аҳнаф, Хулайфа ибн Ҳусайн, ўғиллари Ҳаким ибн Қайс ва бошқалар ривоят қилганлар.

Қайс ибн Осимнинг 33 нафар фарзандлари бор эди. Вафот этишларидан олдин уларни чақириб:

«Эй болаларим, менинг васиятимни эшитинглар. Чунки мендан бошқа киши сизларга насихат қилмайди. Молларингизни тадбир билан ишлатинг, бундай қилишларингиз сахий бўлиш учун огоҳ этади ва маломатдан сақлайди. Одамлардан нарса сўрашдан сақланглар, чунки кишининг охириги касби сўрашдир».

Бу зот ҳаётларининг охирида Басрада истиқомат қилдилар. Ҳижратнинг 20-санасида (милодий 640 йилда) ана шу ерда вафот этдилар.

«Сидр» бир ўсимлик бўлиб, сувга қўшилса, совун вазифасини ўташи мумкин.

Қайс ибн Осим розияллоҳу анҳунинг ушбу ҳадисларини далил қилиб, «Моликий ва Ҳанбалий мазҳаблари кофир одам мусулмон бўлганда ғул қилиш вожиб бўлади», дейдилар.

Ҳанафий ва Шофеъий мазҳаблари эса янги мусулмон бўлган собиқ кофирнинг ғул қилиш ҳукми-ни иккига бўладилар.

1. Агар янги мусулмон бўлган одам жунуб бўлмаса, ғул қилиш унинг учун мустаҳаб бўлади. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир

янги мусулмон бўлган одамни ғул қилишга буюрмаганлар. Шунинг учун янги мусулмон бўлган одам жунуб бўлмаса, таҳорат қилиб олса бўлади.

2. Агар янги мусулмон бўлган одам жунуб бўлса, унинг учун ғул қилмоқ вожиб бўлади. Чунки жунуб кишига ғул вожиблигида ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Шу билан ғулга сабаб бўладиган нарсалар ҳақидаги бобда келтирилган ҳадислар тамом бўлди. Аммо бу ҳақда мазкур бобдаги ҳадислардан бошқа ҳадислар йўқ, дегани эмас.

Шунингдек, ғулга сабаб бўладиган нарсалар фақат ушбу бобда ўрганган нарсаларимиз эмас, балки бундан бошқа нарсалар ҳам бор, мисол учун:

1. Ҳайз ва нифос.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотима бинти Қайс розияллоҳу анҳога:

«Агар ҳайз келса, намозни қўй. Қачонки ҳайз кетса, ғул қил ва намоз ўқи», деганлар.

Шунинг учун ҳайздан пок бўлган аёлга ғул вожиб.

Нифос эса янги туққан аёлда тупланиб қолган ҳайздир. Шунинг учун нифосдан пок бўлган аёлга ҳам ғул вожиб бўлади. Бу каби масалалар ўз бобида батафсил ўрганилади, иншааллоҳ.

2. Шаҳид бўлмаган мусулмон маййитга ҳам ғул вожиб бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг давларида ҳаммага шу муомала қилинган.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда уловидан йиқилиб ўлган киши ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни сув ва сидр ила ювинглар ва икки кийим ила кафанланглар», деганлар.

Бу бобда зикр қилинмаган суннат ғуллар ҳам бор:

1. Икки ийд намози учун ғул қилиш.

Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар.

2. Ҳаж ёки умра учун эҳром боғлаганда ғусл қилиш. Бунини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қилганлар.

3. Арафотда туриш учун ғусл қилиш. Бу ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан собит бўлган суннатдир.

4. Истеҳоза (одатдан ташқари қон) кўрган аёл учун. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Ҳабиба ва Зайнаб бинти Жаҳш оналаримизга шу амрни қилганлар.

5. Ҳушидан кетган одам ўзига келганида ғусл қилиш. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар. Уламолар бунга жинниликдан тузалган ва мастликдан ҳушёр бўлган одамларни ҳам қўшадилар.

6. Кўпчилик тўпланиб қилинадиган ибодатларда тер ва бошқа сабабларга кўра ноҳуш ҳидларнинг тарқалиб кетишининг олдини олиш ниятида ғусл қилиш тавсия этилади. Бундай ишларга Муздалифада тунаш, шайтонга тош отиш, зиёрат ва видо тавофлари, Жумҳа намози, қуёш ва ой тутилгандаги намозлар ва истисқо намозлари киради.

الفصل الثاني في آداب الغسل وحكم الحمام

ИККИНЧИ ФАСЛ

ҲУСЛНИНГ ОДОБЛАРИ ВА ҲАММОМНИНГ ҲУКМИ

٢٥٦- عَنْ أُمِّ هَانِئٍ بِنْتِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا تَقُولُ:
ذَهَبْتُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ عَامَ الْفَتْحِ، فَوَجَدْتُهُ يَغْتَسِلُ وَفَاطِمَةُ تَسْتُرُهُ،
فَقَالَ: مَنْ هَذِهِ؟ قُلْتُ: أَنَا أُمُّ هَانِئٍ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا أَبُو دَاوُدَ.

256. Умму Ҳонеъ бинти Абу Толиб розияллоҳу ан-ҳодан ривоят қилинади:

«Фатҳ куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борсам, гусл қилаётган эканлар. Фотима эса у кишини тўсиб турар эди. Бас, у зот:

«Ким бу?» дедилар.

«Мен, Умму Ҳонеъман», дедим.

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бу ҳадиснинг ровияси Умму Ҳонеъ розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари — Абу Толибнинг қизларидир. У киши ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг сингиллари бўладилар. Кунялари билан машҳур бўлганлар, шунинг учун ҳам исмларида ихтилоф бор. Баъзилар Отика деса, бошқалар Фотима дейдилар, учинчилари яна бошқа исмни айтадилар. У кишидан қирқ олтита ҳадис ривоят қилинган.

Умму Ҳонеъ маккалик бўлганлар, шунинг учун ҳам Макка фатҳ этилган куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг келганларини эшитиб, ҳузурларига борганлар. Кейин эса ҳадисда васф қилинган ҳолатни кўрганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Ғусл қилинаётганда киши одамлар кўзидан тўсилиши вожиблиги.

Мусулмон киши бегоналардан авратини тўсмоғи фарз. Уламоларимиз «Ким ҳаммомга яланғоч кириб, бошқаларга авратини кўрсатса, унинг гувоҳлиги қабул қилинмайди», деганлар. Яъни фосиқ киши сифатида тўлақонли, эътиборга сазовор мусулмонлик даражасидан тушади.

2. Ғусл қилаётган отани қизи пана қилиб туриши жоизлиги. Фотима онамизнинг Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламни тўсиб турганлари бунга хужжатдир.

3. Шунингдек, маҳрам аёл ҳузурида ғусл қилиш мумкинлиги.

4. Кирган одамнинг кимлигини сўраш мумкинлиги.

5. Кирган одам ўзи ҳақида хабар бериши жоизлиги.

۲۵۷ - عَنْ مَيْمُونَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: وَضَعْتُ لِلنَّبِيِّ ﷺ مَاءً وَسَتَرْتُهُ فَأَغْتَسَلَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

257. Маймуна розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий солаллоҳу алайҳи васалламга сув қўйиб қўйдим ва тўсиб турдим. У киши ғусл қилдилар».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Маймуна онамиз бу ривоятда Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламга ғусл учун сув тайёрлаб берганлари ва ғусл қилган пайтларида у зотни тўсиб турганлари ҳақида сўзлаб бермоқдалар.

Бу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Аёл эрининг ғусл қилиши учун сув тайёрлаб бериши яхшилиги.

2. Аёл эри ғусл қилаётганида уни тўсиб туриши.

(Бошқа бир ривоятда «бир кийим билан тўсиб турдим», дейилган).

3. Ғусл пайтида тўсилиб туриш вожиблиги.

٢٥٨ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كُنْتُ أَغْتَسِلُ أَنَا وَالنَّبِيَّ ﷺ مِنْ إِنَاءٍ وَاحِدٍ. وَفِي رِوَايَةٍ: مَنْ قَدَحَ يُقَالُ لَهُ الْفَرْقُ، تَحْتَلِفُ أَيْدِينَا فِيهِ. زَادَ فِي رِوَايَةٍ: مِنَ الْجَنَابَةِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

258. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Мен Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бир идишдан ғусл қилар эдим».

Бошқа бир ривоятда:

«Фарақ дейиладиган қадахда қўлларимиз тўқ-нашиб кетар эди», дейилган.

Учинчи бир ривоятда:

«Жунубликдан» деган сўз зиёда қилинган.

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Фарақ дейиладиган қадах ўн олти ратл сув сиғадиған идиш экани аввал айтилган.

Ҳадисдан олинадиган фойда:

Эр-хотин жунубликда бир жойда, бир идишдан сув олиб, ғусл қилишлари мумкинлиги.

٢٥٩ - عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا يَنْظُرُ الرَّجُلُ إِلَى عَوْرَةِ الرَّجُلِ، وَلَا الْمَرْأَةُ إِلَى عَوْرَةِ الْمَرْأَةِ، وَلَا يُفْضِي الرَّجُلُ إِلَى الرَّجُلِ فِي ثَوْبٍ وَاحِدٍ، وَلَا تُفْضِي الْمَرْأَةُ إِلَى الْمَرْأَةِ فِي الثَّوْبِ الْوَاحِدِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

259. Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эркак киши эркак кишининг авратига қарамайди. Аёл киши ҳам аёл кишининг авратига қарамайди. Бир кийим ичида эркак киши эркак кишига баданини теккизмайди. Бир кийим ичида аёл киши аёл кишига баданини теккизмайди», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Эркак киши хотин кишининг, хотин киши эркак кишининг авратига қараши мутлақо мумкин эмаслиги маълум ва машҳур бўлганлигидан ҳамда оят ва бошқа ҳадисларда муфассал баён қилинганидан бу жойда у ҳақда айтилмаган.

Бу ҳадисда кишилар ўзига енгил санайдиган, бўлавереди, деб ўйлайдиган нарсалардан баъзиларининг ҳукми баён қилинган.

«Эркак киши эркак кишининг авратига қарамайди».

Маълумки, эркак кишининг эркак кишига нисбатан аврати — тиззалари билан киндиги орасидаги танаси. Бу авратни аёл киши кўрмаса бўлди, деган ҳаёл билан эркак кишига кўрсатишнинг зарари йўқ, деб ўйлаш мутлақо хатодир. Аввало эркак киши бегона эркак кишидан ҳам авратини тўсиши лозим. Шунингдек, ўзи бошқа эркак кишининг авратига ҳам назар солмаслиги керак. Бу нарса шариатимизда ҳаром қилинган.

«Аёл киши ҳам аёл кишининг авратига қарамайди».

Кўпчилик аёлларда аёл киши авратини эркак кишига кўрсатмаса бўлди, деб аёллардан эҳтиёт бўлмаслик одатлари бор. Бу ҳам нотўғри. Аёл кишининг аврати бошқа бир аёл кишига нисбатан иккига бўлинади.

1. Муслима аёлнинг муслима аёлга нисбатан аврати киндигидан тиззасигача.

Мазкур жойини муслима аёлларга ҳам кўрсатмаслиги керак. Бошқа аёлларнинг ўша жойига қарамаслик ҳам керак.

2. Муслима аёлнинг кофир аёлга нисбатан аврати иш-юмушларни бажариш вақтида очиқ турадиган жойларидан бошқа жойларидир.

«Бир кийим ичида эркак киши эркак кишига баданини теккизмайди».

Кийим деганда бунга ётиш ўрни ҳам киради. Яъни эркак киши яланғоч баданини бошқа эркак кишига теккизмаслиги керак. Чунки бу иш жинсий бузуқликка олиб келиши мумкин. Эркак киши-ку, нима ҳам бўлар эди, дейиш керак эмас. Кўпчилик бузуқ ишлар, хусусан, ливота (бачабозлик) шундан бошланади.

«Бир кийим ичида аёл киши аёл кишига баданини теккизмайди».

Чунки бу иш ҳам аёллар ичида ўзаро бузуқликка олиб боради. Бу ҳаром иш арабчада «сиҳок» дейилади.

Кўриб турибмизки, Ислом шариатида жинсий тарбияга алоҳида эътибор берилган. Хоҳ эркак киши бўлсин, хоҳ аёл бўлсин, ўзгаларнинг жинсий майлини қўзғатиши мумкин бўлган аъзоларини беркитиб юришга, бошқаларнинг ўша аъзоларига назар солмасликка амр қилинган.

Шунингдек, хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин, яланғоч баданини бир-бирига теккизиши ҳам ман қилинган. Булар ҳаммаси зино, бачабозлик, аёлларнинг бир-бирлари билан шаҳвоний алоқалари каби катта гуноҳ бўладиган ҳаром ишларнинг олдини олиш учун қилинган.

Биз, мусулмонлар бу амрларга сўзсиз бўйсунишимиз, шариатимизнинг амрларига итоат қилишимиз лозим. Фарзандларимизни, ўзимизга қарашли кишиларни шу руҳда тарбиялашимиз керак.

۲۶۰- عَنْ يَهْرَ بْنِ حَكِيمٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ قَالَ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، عَوْرَاتُنَا مَا نَأْتِي مِنْهَا وَمَا نَذَرُ؟ قَالَ: أَحْفَظْ عَوْرَتَكَ إِلَّا مِنْ زَوْجَتِكَ أَوْ مَا مَلَكَتْ يَمِينُكَ، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِذَا كَانَ الْقَوْمُ بَعْضُهُمْ فِي بَعْضٍ؟ قَالَ: إِنْ اسْتَطَعْتَ أَلَّا يَرَيْنَهَا أَحَدٌ فَلَا يَرَيْنَهَا،

قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِذَا كَانَ أَحَدُنَا خَالِيًا؟ قَالَ: اللَّهُ أَحَقُّ أَنْ يُسْتَحْيَى مِنْهُ مِنَ النَّاسِ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ وَالْبُخَارِيُّ بَعْضُهُ.

260. Баҳз Ибн Ҳакиймдан, у отасидан, у эса бобо-сидан ривоят қилади:

«Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, авратларимиздан қайси бирини тўсайлик, қайси бирини қўяйлик?» дедим.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Авратингни хотининг ва чўрингдан бошқадан муҳофаза қил», дедилар. Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, агар одамлар бир-бир-лари билан бирга бўлсалар-чи?» дедим. У зот:

«Агар уни бирор киши зинҳор кўрмаслигига қодир бўлсанг, зинҳор кўрмасин», дедилар. Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бирортамиз ўзи холи бўлганда-чи?» дедим.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамлардан кўра Аллоҳдан ҳаё қилинмоғи ҳақлироқдир», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Бухорий баъзисини ривоят қилган.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Баҳз ибн Ҳакийм розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Баҳз ибн Ҳакийм ибн Муовия ал-Қушайрий ал-Басрий.

Баҳз ибн Ҳакиймнинг оталари Ҳакийм ибн Муовиядирлар. У киши тобеъинлардан бўлиб, ишончли одам бўлган. Баҳз ибн Ҳакиймнинг боболари Муовия ибн Ҳайдата бўлиб, у киши саҳобийлардан бўлганлар.

Ҳадисларни боболари ва оталаридан ривоят қилдилар. Бу кишидан Саврий, Химода ибн Салама, Маъмур, Абу Осим, Марвон ибн Муборақлар ривоят қилганлар.

Бу ҳадисда Муовия ибн Ҳайдата розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраган бир неча масалалар ва уларга берилган жавоблар келтирилмоқда:

«Эй Аллоҳнинг Расули, авратларимиздан қайси бирини тўсайлик, қайси бирини қўяйлик?»

«Авратингни хотининг ва чўрингдан бошқадан муҳофаза қил».

Демак, эркак киши тиззаси билан киндиги орасидаги аъзоларини ўз хотини ва чўрисидан беркитмаса ҳам бўлар экан. Аммо бошқалардан тўсмоғи вожибдир.

«Эй Аллоҳнинг Расули, агар одамлар бир-бирлари билан бирга бўлсалар-чи?» Унда нима қилади? Баъзи вақтларда беихтиёр баъзи жойлар кўриниб қолиши мумкин-ку?

«Агар уни бирор киши зинҳор кўрмаслигига қодир бўлсанг, зинҳор кўрмасин».

Яъни кўпчиликнинг ичида, ноқулай ҳолатда бўлсанг ҳам авратингни бировга зинҳор кўрсатмасликка ҳаракат қил.

«Эй Аллоҳнинг Расули, бирортамиз ўзи холи бўлганда-чи?»

«Одамлардан кўра Аллоҳдан ҳаё қилинмоғи ҳақлироқдир».

Яъни авратни тўсиш масаласида одамлардан кўра кўпроқ Аллоҳдан ҳаё қилмоқ зарур.

Шунга биноан, «Холи одам ўзини тўсмай ғусл қилганидан кўра авратини тўсиб ғусл қилгани афзал», дейилган.

Имом Бухорий ўзларининг Саҳиҳларида «Ўзи ёлғиз, холи жойда яланғоч ғусл қилган ва тўсиниб ғусл қилган одам. Тўсмоқлик афзаллиги ҳақида боб» номли боб очганлар.

Бошқа ҳадислар, хусусан, Мусо ва Айюб алайҳиссаломларнинг яланғоч ҳолда ғусл қилганларини васф қилувчи ҳадисларни далил қилиб, барча фақиҳлар «Ғусл вақтида холи бўлган одам авратини тўсиши мустаҳабдир», деганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Аврат ҳақида савол бериб, билиб олиш яхши-лиги.

2. Эркак киши ўз хотини ва чўрисидан авратини тўсмасе жоизлиги.

3. Хотин ва чўридан бошқадан авратни тўсиш лозимлиги.

4. Одамлар ичида бўлганда ҳам зинҳор авратни ўзгага кўрсатмасликка ҳаракат қилиш зарурлиги.

5. Холи бўлган одам авратини тўсиб ғусл қилиши афзаллиги.

۲۶۱- عَنْ جَرْمَدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ مِنْ أَصْحَابِ الصُّفَّةِ قَالَ: جَلَسَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عِنْدَنَا وَفُخِذِي مُنْكَشِفَةً، فَقَالَ: أَمَا عَلِمْتُمْ أَنَّ الْفُخْذَ عَوْرَةٌ؟ رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ خَارِثٍ.

261. Асҳоби суффалардан бўлган Жарҳад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузуримизга ўтирдилар. Соним очик эди. У зот:

«Сон аврат эканини билмайсанми?» дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Бухорийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало, ҳадиснинг ровийси Жарҳад розияллоҳу анҳу ҳақида.

Жарҳад ибн Хувайлид Асламий, кунялари Абу Абдуррахмон. У киши аҳли суффалардан эдилар. Ҳудайбияда иштирок этганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир неча машҳур ҳадислар ривоят қилганлар. Ана шу ҳадислардан бири — «кишиларнинг сони ҳам авратдир» деган ҳадис.

Бу зот тўплаган ҳадислардан баъзиларини уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритишган.

Жарҳад розияллоҳу анҳу Мадинада яшадилар ва ана шу ерда Язийд ибн Муовия даврида вафот этдилар.

«Асҳоби суффа» саҳобаи киромлардан бир гуруҳига берилган ном бўлиб, уларнинг турар жойлари бўлмаганлигидан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидлари ортидаги суффада яшаб, кўпроқ Масжиди Набавийга келган хайр-эҳсонлардан кун кўрар эдилар.

Ҳозирги кунда ҳам ўша суффа ислоҳ қилинган ҳолда сақланиб қолган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳоби суффаларни эҳтиром қилар, кўнгилларини кўтарар, кўпинча улар билан бирга ўтирар эдилар. Ана шундай ўтиришлардан бирида ушбу ҳадиснинг ровийси Жарҳад розияллоҳу анҳунинг сонлари очилиб қолганини кўриб, у кишига:

«Сон аврат эканини билмайсанми?» дедилар.

Яъни нимага сонингни очиб ўтирибсан, беркит, деганлар. Шундан сон ҳам аврат экани ва аврати очилиб қолган, бошқа ношаръий ҳолатдаги одамларга танбеҳ бериш лозимлиги келиб чиқади.

۲۶۲- عَنْ يَعْلَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ رَأَى رَجُلًا يَغْتَسِلُ بِالْبَرَّازِ بَلَا إِزَارَ، فَصَعَدَ الْمُنْبَرَ، فَحَمَدَ اللَّهَ وَأَثْنَى عَلَيْهِ، ثُمَّ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ حَبِيئٌ سَتِيرٌ يُحِبُّ الْحَيَاءَ وَالسَّتَرَ، فَإِذَا اغْتَسَلَ أَحَدُكُمْ فَلْيَسْتَتِرْ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتَّيَمِيُّ.

262. Яъло розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам очик жойда изорсиз русл қилаётган одамни кўриб қолдилар. Бас, минбарга чиқдилар. Аллоҳга ҳамду сано айтганларидан сўнг:

«Албатта, Аллоҳ ўта ҳаёли ва ўта тўсингандир. Бирортангиз русл қилса, тўсилиб олсин», дедилар».

Абу Довуд ва Насоий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввал ҳадиснинг ровийси Яъло розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Яъло ибн Мурра ас-Сақафий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг фазилатли саҳобаларидандирлар. Ҳудайбия, Хайбар, Макка фатҳи, Ҳавазон, Тоифдаги жангларда иштирок этганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Тоифга борганларида узум келтирган саҳоба шу киши эдилар.

Яъло Али розияллоҳу анҳунинг асҳобларидан бўлиб, Куфа, Басра шаҳарларида истиқомат қилдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳадислар ривоят қилдилар. Бу зотдан ўғиллари Абдуллоҳ, Саид ибн Абу Рашид ва бошқалар ривоят қилганлар.

Бу киши ривоят қилган ҳадислардан баъзиларини уч «Саҳиҳ» соҳиблари ўз китобларига киритганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам муслмонларнинг шариат ҳукмларига амал қилишларини доимо зийраклик билан кузатиб, йўл қўйилган хатоларни ўз ўрнида тузатиб борар эдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу тузатиш ишларини шароитга, шахсга, хатога қараб, энг мос усулини топар ва турлича муолажа қилар эдилар.

Гоҳида юқоридаги ўтган ҳадисдаги Жарҳад розияллоҳу анҳуга қилган муомалалари каби, хатога йўл қўйган одамнинг ўзини огоҳлантирар эдилар.

Агар хато кенгроқ миқёсда бўлса, ўша атрофда турганларни ҳам бохабар қилиб қўяр эдилар.

Гоҳида эса ушбу ҳадисда келгани каби, намоздан кейин минбарга чиқиб, ҳаммага тушунтирар эдилар.

Кунлардан бирида Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ўзи, лекин очиқ жойда яланғоч ҳолда ғусл қилаётган бир одамни кўриб қолдилар. Бу хатони тузатишга аҳд қилдилар. Масжидда намоз ўқилганидан кейин минбарга чиқиб, хутба қилдилар. Одатларига кўра, гапни Аллоҳ таолога ҳамду сано айтишдан бошладилар. Сўнгра:

«Албатта, Аллоҳ ўта ҳаёли ва ўта тўсингандир. Бирортангиз ғусл қилса, тўсилиб олсин», дедилар».

Бу сўзларда одоб-ахлоқнинг олий даражаси ўз ифодасини топган. Мусулмонлар ичидаги мавжуд камчиликларни муолажа қиладиган ваъзхонлар ва хатиблар бундан ўрнак олишлари керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фалончини фалон жойда қип-яланғоч ғул қилаётганини кўрдим, шу ҳам иш бўлдими, демадилар. Бошқа шунга ўхшаган гапларни ҳам айтмадилар. Балки аввал Аллоҳнинг ўта ҳаёли эканини эслатиб, мусулмонларни ҳам ўта ҳаёли бўлишга ундадилар. Аллоҳнинг ўта тўсилган эканини эслатиб, мусулмонларни ҳам ўта тўсилишга ундадилар. Сўнгра асосий мақсадга кўчиб, тўсилиб олиб ғул қилиш кераклигини баён қилдилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Баъзи кишилардан содир бўлган ношаръий ишларни тузатишга шошилиш кераклиги.

2. Холи, очиқ жойда бировнинг кўриб қолиш эҳтимоли борлиги учун яланғоч ҳолда ғул қилмаслик.

3. Намоздан кейин ваъз қилиб, баъзи хатоларни тузатиш жоизлиги.

4. Минбарда гапни ҳамду сано билан бошлаш.

5. Аллоҳнинг ўта ҳаёли, ўта тўсинган сифатлари борлиги.

6. Мусулмонларни Аллоҳнинг сифатларидан ўрнак олишга чақириш жоизлиги.

7. Авратни доимо тўсиб юришга ҳаракат қилиш лозимлиги.

۲۶۳ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ نَهَى عَنْ دُخُولِ الْحَمَّامَاتِ، ثُمَّ رَخَّصَ لِلرِّجَالِ أَنْ يَدْخُلُوهَا فِي الْمَيَازِرِ.

263. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаммомларга киришдан қайтардилар. Сўнгра эркекларга изор билан киришга рухсат бердилар».

Шарҳ: Кўриниб турибдики, ҳаммомларда содир бўладиган аврат очилиши ва бошқа гуноҳ ишларни

эътиборга олиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам маълум муддат мусулмонларга умумий ҳаммомларга киришга рухсат бермаганлар. Кейинчалик ҳамма нарсa ўрнига тушиб, кишилар бу ишга боғлиқ масалаларни яхши ўрганиб олганларидан кейин эркакларга изор (авратни тўсадиган кийим) билан киришга рухсат берганлар.

Аёлларга эса рухсат бўлмаган. Чунки аёлларнинг умумий ҳаммомларга қатнаши туфайли келиб чиқадиган ношаръий ишлар эҳтимоли кўп ва кучлидир.

۲۶۴ - وَعَنْهَا: عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَا مِنْ امْرَأَةٍ تَخْلَعُ ثِيَابَهَا فِي غَيْرِ بَيْتِهَا إِلَّا هَتَكَتَ مَا بَيْنَهَا وَبَيْنَ اللَّهِ تَعَالَى. رَوَاهُمَا أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

264. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қайси бир аёл ўз уйидан бошқа жойда кийимини ечса, албатта, ўзи билан Аллоҳ таоло орасидаги пардани йиртган бўлади», дедилар».

Иккала ҳадисни Абу Довуд ва Термизийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аёл киши учун эри, ота-онаси ва болачақасининг уйи ҳам ўз уйи ҳисобланади. Аммо аёл кишининг нотаниш жойларда кийимларини бутунлай ечиши кўпгина ҳаром ишларга сабаб бўлганидан, муслима аёлларни турли ноқулайликлардан сақлаш мақсадида шу ҳукм жорий қилинган. Ушбу ҳукмга амал қилмаслик кўплаб ҳаром-хариш ишларнинг келиб чиқишига сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

۲۶۵ - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: إِنَّهَا سَتُفْتَحُ لَكُمْ أَرْضُ الْعَجَمِ، وَتَسْجُدُونَ فِيهَا بُيُوتًا

يُقَالُ لَهَا الْحَمَامَاتُ، فَلَا يَدْخُلْنَهَا الرِّجَالُ إِلَّا بِالْأُزْرِ، وَامْنَعُوهَا
النِّسَاءَ إِلَّا مَرِيضَةً أَوْ نَفْسَاءَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَهَ.

265. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, келажақда сиз учун ажам юртлари фатҳ қилинур. Ўша ерларда ҳаммомлар деб аталадиган уйларни кўрасизлар. Уларга эркаклар фақат изор билангина кирсинлар. Аёлларни улардан ман қилинглар. Фақат бемор, нифосли бўлсалар, майли», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можалар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келажақда бўладиган ишлардан хабар берганлар. Бу эса у зотнинг пайғамбарлик мўъжизаларидандир. Дарҳақиқат, ҳадисда айтилган башорат воқелиқда содир бўлди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин саҳобаи киромлар ажам юртларини фатҳ қилдилар. Мазкур «ҳаммом» деб аталадиган уйларни ҳам кўрдилар. Улар ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларини амалга оширдилар.

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, ўша пайтда ҳаммомлар жуда кам бўлган. Борлари ҳам, ҳукмдорларга хос бўлиб, аслида фисқу фужурнинг, ифлосликнинг уяси эди. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларни ҳаммомга киришдан эҳтиёт бўлишга чақирганлар. Шариат ҳукмларига қаттиқ риоя қилиб, авратларини тўсган ҳолда киришни тайинлаганлар. Аёлларга эса фақат беморликда ва нифосдан покланиш каби тиббий мақсадлардагина рухсат берилган.

Мусулмонлар бу кўрсатмаларга амал қилиб, ҳаммомларни исломийлаштирдилар. Уларда ношаръий

ишлар бўлмаслиги учун барча чораларни кўрдилар. Исломий ҳаммомлар ҳақиқий поклик ва саломатлик масканларига айланди.

Бунга тарих шоҳид. Салбчилар Андалус (Испания) мусулмонларини аямай, бирма-бир тигдан ўтказиб, уйларини хароб қилишганда ҳар бир уйда ҳаммом борлигини кўриб, «Бу нима экан?» деб ҳайрон бўлишган. Чунки у вақтларда европаликларда ювиниш гуноҳ ҳисобланар эди. Мусулмонлар дунё маданиятининг етакчилари сифатида бу ишни ҳам қойиллатиб, ўрнига қўйган эдилар.

Мусулмон фуқаролар эса умумий ҳаммомларга тааллуқли ҳукмларни ҳамма учун қоида сифатида ишлаб чиққанлар. Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган бу ҳукмлар билан танишиб чиққан одам Ислам маданияти қай даражага етганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиши мумкин.

Ҳозиргача Исломий ҳаммомларнинг «турк ҳаммомлари» номи билан бутун дунёга машҳурлиги фикримизнинг далилидир. Келинг, қисқача бўлса ҳам, ана шу умумий ҳаммомлар ҳукми билан танишиб чиқайлик:

«Ҳаммомларнинг яхшиси ўзи баланд, суви чучук, ҳарорати муътадил, хоналари ўртача ва биноси қадим бўлгандир.

Эр кишилар учун ҳаммомга киришга рухсат. Уларга у ерда ҳалол бўлмаган нарсалардан кўзларини тийиш вожибдир. Шунингдек, ўз авратларини беркитмоқ ҳам вожибдир. Агар бировнинг авратини кўришдан, бировга авратини кўрсатишдан саломат бўлишига ишонмаса, ҳаммомга бормасин. Умумий ҳаммомларга иштон(лунги)сиз кириш ҳаромдир» ва ҳоказо.

الفصل الثالث في بيان الغسل وحكم الجنب

УЧИНЧИ ФАСЛ

ҲУСЛНИНГ БАЁНИ ВА ЖУНУБНИНГ ҲУКМИ ҲАҚИДА

٢٦٦- عَنْ مَيْمُونَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: وَضَعْتُ لِلنَّبِيِّ ﷺ مَاءً لِلْغُسْلِ، فَغَسَلَ يَدَيْهِ مَرَّتَيْنِ أَوْ ثَلَاثًا، ثُمَّ أَفْرَغَ عَلَى شِمَالِهِ فَغَسَلَ مَذَاكِيرَهُ، ثُمَّ مَسَحَ يَدَهُ بِالْأَرْضِ، ثُمَّ مَضَمَضَ وَاسْتَنْشَقَ وَغَسَلَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ، ثُمَّ أَفَاضَ عَلَى جَسَدِهِ، ثُمَّ تَحَوَّلَ عَنْ مَكَانِهِ فَغَسَلَ قَدَمَيْهِ. وَفِي رَوَايَةٍ: ثُمَّ غَسَلَ رَأْسَهُ ثَلَاثًا. وَفِي رَوَايَةٍ: فَأَتَيْتُهُ بِخِرْقَةٍ فَلَمْ يُرِدْهَا، فَجَعَلَ يَنْفُضُ الْمَاءَ بِيَدِهِ.

266. Маймуна розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам учун ҳусл қилгани сув қўйдим. Бас, у зот икки қўллари икки ёки уч марта ювдилар. Кейин чап қўлларига сув қуйиб туриб, олатларини ювдилар. Сўнгра қўллари ерга суртдилар. Кейин оғизларини чайқадилар, бурунларига сув олдилар, юзлари ва икки билакларини ювдилар. Сўнгра таналарига сув қуйдилар. Кейин бошқа жойга ўтиб, икки оёқларини ювдилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Сўнгра бошларини уч марта ювдилар», дейилган.

Яна бошқа ривоятда:

«Мен у кишига бир латта келтирган эдим, хоҳламадилар ва сувни қўллари билан сидира бошладилар», дейилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисда Маймуна онамиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ғуслларини батафсил васф қилиб бермоқдалар. Келинг, бу муҳим ишни батафсил ўрганиб чиқайлик.

1. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам учун ғусл қилгани сув қўйдим».

Бундан аёл киши эрига ғусл учун сув тайёрлаб, шароит яратиб бериши исломий одобдан экани яққол кўриниб турибди.

2. «Бас, у зот икки қўлларини икки ёки уч марта ювдилар».

Ғусл қилишни бошлашда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биринчи қилган ишлари икки қўлларини ювиш бўлди. У зот қўлларини икки марта ювдиларми, уч марта ювдиларми, Маймуна онамиз шак қилиб қолган эканлар. Аммо бошқа ҳадисларда уч марта ювилганлиги ҳақида кўп келади. Демак, энг аввало поклик учун ғусл қилишда сув ишлатадиган аъзо ҳисобланмиш қўлларни ювиб, поклаб олиш лозим.

3. «Кейин чап қўлларига сув қуйиб туриб, олатларини ювдилар».

Чунки жунуб бўлган ёки таҳорат ушатган одамнинг ўша аъзоларида ювиб ташланиши лозим бўлган нарсалар қолади. Агар ўша нарсалар баданнинг бошқа жойларига теккан бўлса, ўша жойларни ҳам ювиб, поклаб олинади.

4. «Сўнгра қўлларини ерга суртдилар».

Чунки жинсий аъзоларни ювганда улардаги нопок нарсалар, уларнинг ҳиди қўлга ўтиб қолади. Қўлни ерга суртганда эса ўша нарсалардан асар ҳам қолмайди. Албатта, бугунги кунда бу мақсадни амалга ошириш учун бошқа воситалар бор.

5. «Кейин оғизларини чайқадилар».

Албатта, оғизни яхшилаб чайқаш ғуслнинг фарзларидан бири экани ҳаммага маълум. Бусиз ғусл бўлиши мумкин эмас.

6. «Бурунларига сув олдилар».

Бурунни яхшилаб, муболаға ила чайиш ҳам ғуслнинг фарзи ҳисобланади.

7. «Юзлари ва икки билакларини ювдилар».

Яъни шу ергача намозга қандай таҳорат қилсалар, шундай таҳорат қилдилар. Фақат оёқни ювиш қолди, холос.

8. «Сўнгра таналарига сув қўйдилар».

Бутун тананинг бирор туки остини ҳам қўймай, сув етказиб ювиш ҳам ғуслнинг фарзидир.

9. «Кейин бошқа жойга ўтиб, икки оёқларини ювдилар».

Чунки ғуслга ишлатилган сув оёқ остига тўпланиб қолган эди. Шунинг учун бошқа томонга ўтиб ювилди. Агар ишлатилган сув оёқ остига тўпланмайдиган бўлса, оёқни ўша жойнинг ўзида ювса бўлаверади.

Бошқа бир ривоятда:

10. «Сўнгра бошларини уч марта ювдилар», дейилган.

Соч орасига сувни яхшилаб етказиб олиш мақсадида шундай қилинади. Бу иш таҳорат қилиб бўлингач, баданга сув қўйишдан олдин қилинган.

Яна бошқа ривоятда:

11. «Мен у кишига бир латта келтирган эдим, хоҳламадилар ва сувни қўллари билан сидира бошладилар», дейилган.

Яъни Маймуна онамиз томонларидан сочиқ сифатида берилган матони Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам олмаганлар. Сувни қўллари билан сидирганлар. Бошқа ҳолларда сочиқ ишлатганлар. Шунинг учун сочиқ масаласи ихтиёрий, хоҳлаган одам артинади, хоҳламаган артинмайди.

۲۶۷ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ إِذَا اغْتَسَلَ مِنَ الْجَنَابَةِ يَبْدَأُ فَيَغْسِلُ يَدَيْهِ، ثُمَّ يُفْرِغُ بِيَمِينِهِ عَلَى شِمَالِهِ فَيَغْسِلُ فَرْجَهُ، ثُمَّ يَتَوَضَّأُ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ، ثُمَّ يَأْخُذُ الْمَاءَ

فِيَدْخُلُ أَصَابِعَهُ فِي أَصُولِ الشَّعْرِ حَتَّى إِذَا رَأَى أَنْ قَدْ اسْتَبْرَأَ حَقْنَ
عَلَى رَأْسِهِ ثَلَاثَ حَفَنَاتٍ، ثُمَّ أَفَاضَ عَلَى سَائِرِ جَسَدِهِ، ثُمَّ غَسَلَ
رِجْلَيْهِ. رَوَاهُمَا الْخَمْسَةُ.

267. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жунубликдан ғусл қилсалар, аввал икки қўллари ювишдан бошлар эдилар. Сўнгра ўнг қўллари билан чап қўлларига сув қуйиб, фаржларини ювар эдилар. Кейин эса намозга қиладиган таҳоратларини бажарар эдилар. Сўнгра сувни олиб, панжаларини сочлари остига киритар эдилар. Токи, сув яхши етганига ишонганларидан кейин бошлари устидан уч ҳовуч сув қуяр эдилар. Кейин қолган таналарига сув қуяр, сўнгра оёқларини ювар эдилар».

Иккала ҳадисни бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Оиша онамизнинг бу ҳадислари Маймуна онамизнинг юқоридаги ҳадисларини таъкидлаб, унда зикр қилинмай қолган баъзи нарсаларни баён қилиб келмоқда.

1. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жунубликдан ғусл қилсалар, аввал икки қўллари ювишдан бошлар эдилар».

Бу маъно биринчи ҳадисда ҳам келган. Уламоларимиз олдин икки қўлни ювиб олишни суннат деганлар.

2. «Сўнгра ўнг қўллари билан чап қўлларига сув қуйиб, фаржларини ювар эдилар».

Бу маъно ҳам олдинги ҳадисда келган, лекин ўнг қўл билан чап қўлга сув қуйиб олиш айтилмаган. Аммо айтилмаса ҳам шундай тушуниш бор. Чунки бошқача бўлиши мумкин эмас. Нопок жойларни ушлаш учун ажратилган чап қўлни тўғридан-тўғри тоза суви идишга солинмайди.

3. «Кейин эса намозга қиладиган таҳоратларини бажарар эдилар».

Бошқа нарсани тушуниш керак эмас. Араб тилида қўл ювишни ҳам таҳорат қилди, дейилаверади. Шунинг учун бу ҳадисдаги Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таҳорат қилганларини бошқача тушуниш керак эмас. Бу ерда айнан намозга қилинадиган таҳорат зикр қилинган.

Уламолар «Ғуслдан олдин таҳорат қилиб олиш суннат», деганлар.

4. «Сўнгра сувни олиб, панжаларини сочлари остига киритар эдилар».

Чунки соч узун бўлганлигидан унинг остига сув етмай қолиш хавфи бор. Шунинг учун бу ишга алоҳида эътибор берилган.

Уламолар бу ишни вожиб деганлар.

5. «Токи сув яхши етганига ишонганларидан кейин бошлари устидан уч ҳовуч сув қуяр эдилар».

Бу худди бошни алоҳида ювиб олгандек эди.

6. «Кейин қолган таналарига сув қуяр, сўнгра оёқларини ювар эдилар».

Бу маъно олдинги ҳадисда ҳам ўтди.

Оиша онамизнинг «қилар эдилар», «қуяр эдилар» каби ибораларни ишлатишларидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одатлари шундай экани тушунилади.

Маймуна онамизнинг ҳадисларида бир ғусл васфи келган. Оиша онамизнинг ҳадисларида эса доимий одат ҳақида сўз бормоқда.

Бу икки ҳадисдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ғусллари сифатини ўрганиб олдик. Энди ҳар биримиз ғуслимизни ўша Ҳабиби Роббил оламийннинг ғуссларига ўхшатиб қилишимиз керак.

۲۶۸ - عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي أَمْرَأَةٌ أَشَدُّ ضَفَرٍ رَأْسِي، أَفَأَنْقِضُهُ لَغَسَلِ الْجَنَابَةِ؟ قَالَ:

لَا، إِنَّمَا يَكْفِيكَ أَنْ تَحْتَبِي عَلَى رَأْسِكَ ثَلَاثَ حَيَّاتٍ، ثُمَّ تُفِضِينَ
عَلَيْكَ الْمَاءَ فَتَطْهُرِينَ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

268. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен сочимни мустаҳкам қилиб ўрадиган аёлман. Жунублик ғусли учун уни ёймоғим керакми?» дедим. У зот:

«Йўқ, сен учун бошинг устидан уч ҳовуч сув қуймоғинг кифоя қилур. Сўнгра устингдан сув қуясан. Бас, пок бўлурсан», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда аёл кишининг ғуслига тегишли муҳим бир масала муолажа қилинмоқда. У ҳам бўлса, ўрилган соч масаласи. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Умму Салама онамиз ораларида бўлиб ўтган савол-жавобдан сочи ўрилган аёл киши жунублиқдан ғусл қилганда ўрилган сочларини ёймаса ҳам жоизлиги англаймоқда. Фақат у сочининг остига яхшилаб сув етказиб туриб, ғусл қилаверади. Ҳар сафар сочни ёйиб, яна ўриш машаққатидан аёлларга енгиллик бериш учун шариатимизда шундай қилишга рухсат берилган. Бошга яхшилаб сув етказиш билан ғуслдан кўзланган мурод ҳосил бўлади. Ўстирилган сочнинг ҳамма қисмига сув тегиши шарт эмас.

٢٦٩ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: إِنْ كَانَ رَسُولُ
اللَّهِ ﷺ لِيُحِبُّ التَّيْمَنَ فِي طُحُورِهِ إِذَا تَطَهَّرَ، وَفِي تَرْجُلِهِ إِذَا تَرَجَّلَ،
وَفِي انْتَعَالِهِ إِذَا انْتَعَلَ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

269. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пок-лансалар, покланишларида ҳам, тарансалар, таранишларида ҳам ва кавуш кийсалар, кавуш кийишларида ҳам доимо ўнгдан бошлашни жуда яхши кўрар эдилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳадисда яхшилик, покликка доир ишларни ўнг тарафдан бошлаш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда яхши кўрган, доимо қилиб юрган иш эканини айтиш билан сиз билан биз, умматлар ҳам шу ишга эргашишимиз кераклигига тарғиб қилинмоқда.

Ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам покланганларида ҳам ўнг томондан бошлашни жуда яхши кўрганликлари ҳақида гап борганлиги учун у ғусл бобида келтирилмоқда.

Демак, ғуслда ҳамма аъзоларни ювишни ўнгдан бошлаш керак.

Таҳоратда ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам сочларини тарасалар ҳам бошларининг ўнг томонини тарашдан, оёқ кийимини кийсалар, ўнг пойини кийишдан бошлар эдилар.

Ушбу ҳадиснинг Имом Бухорий қилган ривоятида:

«Барча ишларида ўнгдан бошлашни яхши кўрар эдилар», дейилган.

Чиндан ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам барча яхшилик, эҳтиром, хайр маъносидаги бир нарсани олиш ёки бериш, ичиш, ейиш, кийиш, ювиш каби ишларни ўнг қўл билан қилар ва ўнгдан бошлар эдилар.

Умуман, Исломда яхшилик маъноси ўнг томонга боғлаб қўйилган. Аҳли жаннатлар ўнг томон соҳиблари, дейилади. Бу дунёда яхши ўтган кишиларнинг номаи аъмоллари қиёмат куни ўнг томондан берилади. Ҳатто намоздаги сафда имомнинг ўнг томонида туриш афзал ҳисобланади.

Қолаверса, ҳадисда зикр қилинганидек, ҳар бир шарафли, яхшилик, поклик ва зийнат ишларини ўнг қўл билан қилиб, ўнгдан бошлашга тарғиб этилади.

Аксинча, чап тараф нохуш, нопок ишларга хос қилинган.

Аҳли дўзахлар чап томон соҳиблари дейилади.

Бу дунёда ёмон ўтган кишиларнинг номаи аъмоллари у дунёда чап қўлларидан берилади.

Нопокликдан тозаланиш, масалан, истинжо, аъзолардаги нопокликни кетказиш, бурунни қоқиш каби ишлар чап қўл билан қилинади.

Бу кўрсатмаларга риоя қилиш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига риоя қилишдир, Ислом маданиятининг рамзларидандир. Кўпчилигимиз бу нарсаларнинг фарқига бормаймиз. Ҳамма нарсани аралаш-қуралаш қилаверамиз. Бу билан аввало Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига, исломий одобларга хилоф иш қилган бўламиз. Қолаверса, Ислом маданиятидан хабардор кишилар ҳузурида ким эканимизни ошкор қилиб қўямиз.

Бу ҳадисни ўқиганимиздан кейин зудлик билан унга оғишмай амал қилишга ўтишимиз керак бўлади. Ўзимиз унга амал қилишимиз билан бирга, фарзандларимиз, оила аъзоларимиз, яқин кишиларимизни ҳам шунга даъват қилишимиз лозим.

۲۷۰ - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِنَّ تَحْتَ كُلِّ شَعْرَةٍ جَنَابَةٌ، فَاغْسِلُوا الشَّعْرَ، وَأَنْقُوا الْبَشْرَةَ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

270. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, ҳар бир тук толаси остида жунублик бор. Бас, сочни ювинг ва жилдингизни покланг», дедилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда икки муҳим масала кўрилмоқда:

1. «Ҳар бир тук толаси остида жунублик бор».

Дарҳақиқат, инсондан шаҳват билан маний чиқиб, жунуб бўлганида унинг барча жисми таъсирланади. Демак, шу сабабдан бутун вужуди, ҳатто ҳар бир тукининг ости ҳам жунубга айланади. Бинобарин, жунубликдан покланиш учун ҳар бир тукнинг остига сув етказиб, ювиш керак бўлади. Агар бирор-та тук остига сув етмай қолса, ғусл ғусл бўлмайди. Шунинг учун ғусл қилган одам жуда эътиборли ва эҳтиёт бўлиши лозим.

2. «Жилдингизни покланг».

Яъни баданингиз, терингизни покланг. Жунуб бўлган одамнинг бадани нопок бўлиб қолади. У ғусл қилиш билан покланади.

Ғусл бўлмаса, покланиш йўқ.

Покланиш бўлмаса, ибодат ҳам йўқ, сиҳат-саломатлик ҳам йўқ.

Ғуслнинг киши соғлиқ-саломатлигига фойдасини табиблардан сўранг.

Ғусл бўлмаса, кишида қандай хасталиклар пайдо бўлишини табиблардан сўранг.

Аллоҳ таоло ўзимиз учун ўта фойдали нарсани бизга ибодат қилиб қўйгани учун У Зотга шукрлар айтинг.

وَفِي رَوَايَةٍ: مَنْ تَرَكَ مَوْضِعَ شَعْرَةٍ مِنْ جَنَابَةٍ لَمْ يَغْسِلْهَا فَعَلَّ بِهَا كَذْبًا وَكَذًّا مِنَ النَّارِ. قَالَ عَلِيٌّ: فَمِنْ ثَمَّ عَادَيْتُ رَأْسِي، ثَلَاثًا، وَكَانَ يَجُزُّ شَعْرُهُ.

Ушбу ҳадиснинг бошқа бир ривоятида:

«Ким жунубликдан бир тук ўрнини ювмай қолдирса, дўзахда ундай қилинади, бундай қилинади», дедилар».

«Али:

«Шунинг учун бошимни душман тутдим», деб уч марта айтди. У сочини қирдириб юрар эди», дейилган.

Шарҳ: Бу ривоят олдингисини тўлдириб келмоқда. Унда жунуб одам бирорта туки остига бўлса ҳам, сув етказмай қолдирса, қиёмат куни дўзах азобини тортиши айтилмоқда. Бу эса сиз билан биз — мўмин-мусулмонларнинг ғусл ибодатига ўта эътиборли бўлишимиз зарурлигини яна бир бор таъкидлаяпти. Биз бир тукимиз остига сув тегмай қолса, жунубликдан пок бўла олмай, нопок ҳолимизда юрган бўлишимизни ҳеч унутмаслигимиз керак. Бунинг оқибатида гуноҳқори азим бўлишимиз, қиёмат азобига қолишимиз мумкинлигини ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим. Ана шундай ҳолга тушиб қолмаслик учун барча чоратадбирларни кўришимиз керак.

Олдимизда тайёр ўрнат турибди. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу бу маънонинг қанчалик жиддийлигини англаб етганликлари ушбу ривоятда келмоқда.

«Али:

«Шунинг учун бошимни душман тутдим», деб уч марта айтди. У сочини қирдириб юрар эди».

Демак, биз ҳам бу маънони ўзимизга сингдиришимиз лозим. Ғусли яхшилаб қилиб, бирор туки-миз остини ҳам қўймай, сув етказиб, ювиш чорасини кўришимиз керак.

Мазкур чораларнинг энг муҳимларидан бири ғусл қиладиган жой ва шароитни яхшилашдир. Токи, инсон иссиқ ёки совуқдан ва бошқа халал берувчи омиллардан ташвишланмай, бемалол, хотиржам ғусл қилсин. Бу ибодатни кўнгилдагидек, шариат кўрсатмаларига мувофиқ қилсин.

Шу билан бирга, ғуслнинг ҳукмини, аҳамиятини, тутган ўрнини каттаю кичик — барчага яхшилаб тушунтириш лозим. Токи, ҳамма бу иш Аллоҳнинг амри эканини, қилмаган ёки чала қилган одам гуноҳқори азим бўлишини англаб етсин.

۲۷۱- قَالَ ابْنُ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: كَانَتْ الصَّلَاةُ خَمْسِينَ،
وَالْغُسْلُ مِنَ الْجَنَابَةِ سَبْعَ مَرَارٍ، وَغَسَلَ الْبَوْلُ مِنَ الثَّوْبِ سَبْعَ مَرَارٍ،
فَلَمْ يَزَلْ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَسْأَلُ حَتَّى جُعِلَتِ الصَّلَاةُ خَمْسًا، وَالْغُسْلُ
مِنَ الْجَنَابَةِ مَرَّةً، وَغَسَلَ الْبَوْلُ مِنَ الثَّوْبِ مَرَّةً. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

271. Ибн Умар розияллоҳу анҳумо:

«Намоз эллик вақт, жунубликдан ғусл қилиш етти марта, кийимдаги пешобни ювиш етти марта эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам токи, намоз беш вақт, жунубликдан ғусл қилиш бир марта ва кийимдаги пешобни ювиш бир марта қилин-гунча (Роббларидан) сўрайверганлар», деди».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан қилинаётган ушбу ривоятда Ислом динининг нақадар осон ва енгил дин экани, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз умматларига қанчалик меҳрибон эканликлари, доимо уларга шариат ишларида осонлик туғдиришга уринганликлари ҳақида сўз бормоқда.

Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам Меърожга чиққанларида Аллоҳ таоло Ислом умматига кунига эллик вақт намоз ўқишни фарз қилгани, йўлда Мусо алайҳиссалом учраб қолиб, одамларнинг бунга тоқат қила олмасликларини айтиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ таолонинг ҳузурига қайтиб, намозни камай-тиришни сўрашни маслаҳат берганлари, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таоло билан Мусо алайҳиссалом ораларида бир неча бор бориб-келганларидан кейин намоз бир кунда беш маҳалга қисқартирилганлиги маълум ва машҳур.

Бу ҳадисдан эса жунубликдан ғусл қилиш ва кийимнинг пешоб теккан жойини ювиш масала-

сида ҳам юқорида намоз ҳақида зикр қилинган воқеага ўхшаш воқеа бўлиб ўтганлигини билиб олмоқдамиз.

Аллоҳ таоло дастлаб жунуб бўлган одам етти марта қайта-қайта ғусл қилмаса, пок бўла олмаслигини жорий қилган экан. Лекин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу иш умматларига оғирлик қилишини айтиб, Аллоҳдан енгиллик сўраган эканлар. Аллоҳ таоло бир оз енгиллатган. Аммо у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам яна ҳам енгиллатишни сўрайверганлар. Охири келиб, бир мартага тушган.

Бу Аллоҳ таолонинг бандаларига меҳрибонлиги, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига мушфиқликларининг исботидир. Аллоҳ таоло бандаларига жунубликда қилинадиган ғуслни етти эмас, етмиш ёки ундан ҳам кўп марта бўлишини фарз қилишга ҳаққи бор. Биров бир нарса дея олмайди.

Аллоҳ таоло Ислом умматига енгилликни жуда ҳам хоҳлашини амалда кўрсатиш учун олдин етти марта ғуслни амр қилиб туриб, кейин бир мартага туширди. Биз ушбу маънони яхши тушуниб, Аллоҳга шукр қилишимиз лозим.

Дарҳақиқат, ғусл учун оқар сувга тушиб, кўмилиб, яна баъзи амалларни бажаришни жорий қилган динлар ҳам бор. Исломда эса энг тўғри ва энг осон ғусл жорий қилинган. Бунинг учун мусулмонлар шукр қилишлари керак. Ўзларига амр қилинган ғуслни рисоладагидек қилиб адо этишлари ҳам шукрга киради.

Кийимнинг пешоб теккан жойини ювиш масаласи ҳам худди ғусл масаласига ўхшайди. Аллоҳ таоло буни поклаш учун етти марта ювишни амр қилган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сўраб-сўраб, бир мартага туширганлар.

Баъзи динларда бундай кийимларни умуман ташлаб юборишга ёки пешоб теккан жойини кесиб олиб ташлашга ҳукм қилинган.

Бошқаларида эса бундай нарсалар билан ҳеч кимнинг иши бўлмаган.

Исломда эса бу масала энг тўғри ва энг осон йўл билан ҳал этилган. Бу ҳам мусулмонлардан шукр қилишни тақозо қилади. Шукрнинг бир тури эса кийимларини доимо шариатда айтилганидек тоза тутишларидир.

۲۷۲- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: لَقِنِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ مَرَّةً فِي طَرِيقٍ مِنْ طُرُقِ الْمَدِينَةِ وَأَنَا جُنُبٌ، فَأَخْتَنَسْتُ - وَفِي رَوَايَةٍ: فَأَنْسَلْتُ - فَذَهَبْتُ فَأَغْتَسَلْتُ ثُمَّ جِئْتُ، فَقَالَ: أَيْنَ كُنْتَ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ؟ قُلْتُ: إِنِّي كُنْتُ جُنُبًا، فَكَرِهْتُ أَنْ أَجَالِسَكَ عَلَى غَيْرِ طَهَارَةٍ، قَالَ: سُبْحَانَ اللَّهِ! إِنْ الْمُسْلِمَ لَا يَنْجُسُ.

272. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир марта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга Мадинанинг йўлларида бирида йўлиқиб қолдилар. Мен жунуб эдим, ўзимни четга олдим».

Бошқа ривоятга:

«(Билдирмай четландим). Бориб, русл қилиб келдим. У зот:

«Эй Абу Ҳурайра, қаерда эдинг?» дедилар. Мен:

«Жунуб эдим, сиз билан нопок ҳолимда ўтиришни ёқтирмадим», дедим. У зот:

«Субҳаналлоҳ! Мусулмон нажас бўлмас», дедилар», дейилган.

Шарҳ: Ҳадисда жунубликнинг ҳукмини тўлиқ билмайдиган одамнинг ҳоли баён қилинмоқда. Жунублик ҳақидаги дастлабки маълумотларни эшитган одамда кўпгина ғалати фикрлар тўпланиб қолади. Жумладан, баъзилар жунуб одамни кўрган одам ҳам жунуб бўлиб қолар экан, фалон бўлар экан, пистон бўлар экан, деган эътиқодларни қилиб, ноўрин гапларни айтиб юрадилар. Аслида ундай эмаслигини ушбу ҳадисдан билмоқдамиз.

Мадинаи Мунавваранинг йўлларида бирида Расули Акрам солаллоҳу алайҳи васалламга йўлиқиб қолган Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ҳам шунга ўхшаш ҳаёлга борганлар. Яъни жунуб ҳолда Пайғамбар солаллоҳу алайҳи васалламга кўриниб, у киши билан ўтириб бўлмайди, деган фикрга бориб, бекиниб олган эдилар. У киши бориб, ғул қилиб келганларидан кейин бўлиб ўтган ишнинг мулоҳазасини қилиб турган Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Абу Ҳурайра, қаерда эдинг?» деб сўрадилар.

Бу юксак одоб намунасидир. "Нима учун мени кўриб, бекиниб олдинг?" ёки "Ҳа, фалон ҳолатда эдингми?" демай, «Қаерда эдинг?» дедилар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу эса тўғриси айтдилар:

«Жунуб эдим, сиз билан нопок ҳолимда ўтиришни ёқтирмадим», дедилар.

Бу у кишининг ҳаққи эди. Ўз ҳолатини хоҳласа, айтсин, хоҳласа, беркитсин эди. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ўз ҳолатларини ва фикрларини очиқчасига айтишни раво кўрдилар ва айтдилар. Расули Акрам солаллоҳу алайҳи васаллам эса Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг фикрлари нотўғри эканини баён қилиб:

«Субҳаналлоҳ! Мусулмон нажас бўлмас», дедилар».

«Субҳаналлоҳ»нинг луғавий маъноси «Аллоҳни поклаб, ёд этаман» бўлиб, гоҳида ажабланиш маъносидаги гап ўрнида ҳам ишлатилади. Мусулмон одам нажас бўлмас, у жунуб бўлади. Жунублик эса уни намоз ўқиш, Қуръон ушлаш каби баъзи нарсалардан четда туришини тақозо қиладиган ҳолатдир. Жунублик инсонни нажасга айлантириб қўймайди. Биров билан гаплашиш, сўрашиш ёки бирга ўтиришини ман қилмайди.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Ғул вожиб бўлгандан кейин кўчага чиқиб юриш жоизлиги.

2. Гарчи ғул вожиб бўлиши билан уни қилиб олиш яхши бўлса ҳам, бир оз ортга суриш мумкин-

лиги. Лекин ортга суриш намоз вақтидан чиқиб кетиш даражасида бўлмаслиги керак.

3. Раҳбар, олим одам ўзига тобеъ кишиларда нотўғри иш содир бўлганини мулоҳаза қилса, ундан сўраб, тўғри йўлни кўрсатиб қўйиши лозимлиги.

4. Мўмин-мусулмон одам нажас бўлмаслиги.

5. Жунуб одам бошқалар билан кўришиши, бирга ўтириши мумкинлиги.

Шунингдек, оғзи ва бурнини яхшилаб чайиб олиб, ичимлик ва таом тановул қилиши ҳам мумкин. Бу ҳукмларни кейинги ҳадиси шарифлардан ўрганамиз.

۲۷۳ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا كَانَ جُنُبًا فَأَرَادَ أَنْ يَأْكُلَ أَوْ يَنَامَ تَوَضَّأَ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ. رَوَاهُمَا الْخَمْسَةُ.

273. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон жунуб бўлсалар-у, ейиш ёки ухлашни ирода қилсалар, намозга таҳорат қилганларидек таҳорат қилар эдилар».

Иккала ҳадисни бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одатлари шундай эди. Бу бир-икки марта қилинган эмас, балки одат тусига кирган ҳол эди. У зот аввало ғусл вожиб бўлиши билан уни қилар эдилар. Лекин баъзи ҳолларда ғуслдан олдин ухлашлари ёки таом тановул қилишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас эди. Ана шундай вақтларда аввал намозга қиладиган таҳоратни амалга ошириб, ухлар ёки таом тановул қилар эдилар. Бу ҳам бўлса, Ислом дини осонлик йўлини тутишидан далолатдир.

۲۷۴ - وَسُئِلَتْ عَائِشَةُ: كَيْفَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَصْنَعُ فِي

الْجَنَابَةِ؟ أَكَانَ يَغْتَسِلُ قَبْلَ أَنْ يَنَامَ أَمْ يَنَامُ قَبْلَ أَنْ يَغْتَسِلَ؟ قُلْتُ: كُلُّ ذَلِكَ قَدْ كَانَ يَفْعَلُ، رُبَّمَا اغْتَسَلَ فَنَامَ وَرُبَّمَا تَوَضَّأَ فَنَامَ، قُلْتُ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي جَعَلَ فِي الْأَمْرِ سَعَةً. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

274. Оишадан:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жунубликда қандай қилар эдилар, ухлашдан олдин ғусл қилар эдиларми ёки ғусл қилишдан олдин ухлар эдиларми?» деб сўралди.

«Бунинг барчасини қилар эдилар. Гоҳида ғусл қилиб, сўнг ухлар эдилар. Гоҳида таҳорат қилиб, ухлар эдилар. Ишда кенглик қилиб қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», дедим».

Бешовларидан фақат Имом Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Жунубликдан ғусл қилиш борасида Аллоҳ тасло мусулмонларга қанчалик кенглик берганлиги бу ҳадиси шарифда очиқ-ойдин кўриниб турибди. Аллоҳ таолонинг, жунуб бўлишинг билан дарҳол ғусл қилмасанг, фалон бўлади, дейишга ҳаққи бор эди. Жунуб бўлган одамга бир лаҳза ҳам ухлаши, еб-ичиши, бировга кўриниши ва бошқа нарсалар мумкин эмас, дейишга ҳаққи бор эди. Лекин ундай қилмади, осон қилди. Шунинг учун ҳаммамиз худди Оиша онамиз каби:

«Ишда кенглик қилиб қўйган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», дейишимиз лозим.

٢٧٥ - عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ كَانَ يَطُوفُ عَلَى نِسَائِهِ فِي اللَّيْلَةِ الْوَاحِدَةِ، وَلَهُ يَوْمَئِذٍ سَبْعُ نِسْوَةٍ. وَفِي رِوَايَةٍ: كَانَ يَطُوفُ عَلَى نِسَائِهِ بِغُسْلٍ وَاحِدٍ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

275. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кеча-да аёлларини айланиб чиқар эдилар. Ўша кунларда у зотнинг тўққиз аёллари бор эди».

Бошқа ривоятда:

«Аёлларини бир ғул ила айланиб чиқар эдилар», дейилган.

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисдан бирин-кетин бир неча марта жунуб бўлган одам бир ғул билан кифояланиши мумкинлиги тушунилади. Бу кўп хотинли кишиларда ҳам бўлиши мумкин, бир аёли билан бирдан ортиқ яқинлик қилган кишида бўлиши ҳам мумкин.

۲۷۶ - عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِذَا أَتَى أَحَدُكُمْ أَهْلَهُ ثُمَّ أَرَادَ أَنْ يَعُودَ فَلْيَتَوَضَّأْ بَيْنَهُمَا وَضُوءًا. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

276. Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирингиз ўз аҳлига (яқин) келса-ю, сўнгра яна қайтишни ирода қилса, икковининг орасида бир таҳорат қилиб олсин», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бу ҳадисдан ҳам аёлига бир мартадан ортиқ яқинлик қилган одамга бир ғул вожиб бўлиши билинади. Фақат биринчи ва иккинчи яқинлик орасида таҳорат қилиб олиш лозим. Бу ҳам поклик учун, ҳам тетик бўлиш учун хизмат қилади. Шу билан бирга, Исломнинг осонлик дини эканига далолат қилади.

۲۷۷ - عَنْ أَبِي رَافِعٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: طَافَ النَّبِيُّ ﷺ ذَاتَ يَوْمٍ عَلَى نِسَائِهِ يَغْتَسِلُ عِنْدَ هَذِهِ وَعِنْدَ هَذِهِ، قَالَ: فَقُلْتُ لَهُ: يَا رَسُولَ

اللَّهُ، أَلَا تَجْعَلُهُ غُسْلًا وَاحِدًا؟ قَالَ: هَذَا أَزْكَى وَأَطْيَبُ وَأَطْهَرُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

277. Абу Рофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни аёлларини айланиб чиқдилар. Унисининг олдида ҳам, бунисининг олдида ҳам ғусл қилар эдилар. Мен у зотга:

«Эй Аллоҳнинг Расули, ғуслни битта қилсангиз бўлмайдими?» дедим. У киши:

«Мана шуниси хушҳолроқ, тозароқ ва покроқ», дедилар».

Абу Довуд ва Насоийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисдан хоҳлаган одам икки жинсий яқинлик орасида ғусл қилиб олиши ҳам мумкин экани билинади. Бу мажбурий эмас, хоҳишига боғлиқ нарсас. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари зикр қилганларидек, фойдалироқ, хушҳолроқ ва покроқдир.

٢٧٨ - عَنْ عَلِيٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَقْرَأُ الْقُرْآنَ عَلَى كُلِّ حَالٍ مَا لَمْ يَكُنْ جُنْبًا. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

278. Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам жунуб бўлмасалар, бизларга ҳар қандай ҳолда Қуръонни ўқитар эдилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисдан жунуб ҳолда Қуръон ўқитиш ва ўқиш мумкин эмаслиги келиб чиқади.

Кези келганда жунуб одамга ман қилинган нарсаларни тартиб билан эслаб ўтайлик:

1. Намоз ўқиш ва тиловат саждаси қилиш.
2. Каъбаи Муаззамани тавоф қилиш.

3. Қуръони Каримни ушлаш.

4. Қуръони Каримни тиловат қилиш. Аммо «Бис-миллаҳ»ни айтиш, Аллоҳни зикр қилиш мумкин.

5. Масжидга кириш ва у ерда қолиш.

Ушбу ишлардан бошқа ишларни қилиш мумкин. Лекин иложи борича тезроқ ғусл қилиб олган маъқул.

Бу бобда ўрганган ҳадисларимиз ғусл ва жунубнинг ҳукмлари ҳақида келган баъзи ҳадислар бўлиб, улардан динимиз озодаликка, покликка қанчалар аҳамият берганлигини бевосита ўргандик. Бу борадаги ўзимизга юклатилган масъулиятларни ҳам англаб олдик. Бу масалада бепарволик қилиш гуноҳ экани, Аллоҳга маъсият ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларига хилоф эканини ва охиратда дўзах азоби борлигини билиб олдик.

Энди мазкур ҳукмларга нечоғлик амал қилишимизни текшириб кўрайлик.

Мусулмонман, деб юрган ҳамма ҳам шариатимизнинг бу масаладаги ҳукмларига амал қиладими?

Қилса, қай даражада амал қиладилар?

Кишиларнинг бу масалаларни тушуниб етиш савиялари ҳам, унга амал қилиш даражалари ҳам турлича. Уларнинг ичида яхши тушуниб, яхши амал қиладиганлари ҳам, қилмайдиганлари ҳам бор.

Баъзи диёрларимизда таҳоратхона ва ҳаммомлар қуриш яхши йўлга қўйилган. Аммо аксар жойларда кўпчиликнинг тузукроқ ғусл қиладиган жойи йўқ. Ноқулай жойда, иссиқ-совуқ шароитда қилинган ғусл рисоладагидек бўлмаслиги аниқ. Бунинг устига, ўта ноқулай жойда, совуқда ғусл қилиб, бемор бўлганлар ҳам оз эмас. Бу ишнинг аҳамиятини тўлиқ тушуниб етмаганимиз боис, тозаликка унчалик аҳамият бермаймиз.

Кишилар беҳуда нарсаларга, кези келганда ҳаром-харишга қанчадан-қанча маблағларни сарф қиладилар. Аммо шаръий ишлар учун, ўзи, оиласи, болалари соғлиги учун зарур бўлган ювиниш жойини тузатиб қўйишмайди. Бу ишда ҳам аждодларимиздан ўрнак олишимиз, улар каби бошқа халқлар ичида олдинги сафда бўлишимиз лозим.

الباب السابع في الحيض والنفاس والاستحاضة

ЕТТИНЧИ БОБ

ҲАЙЗ, НИФОС, ИСТЕҲОЗА ҲАҚИДА

وفيه ثلاثة فصول

УЧ ФАСЛДАН ИБОРАТ

Шарҳ: «Ҳайз» луғатда «оқиш» деган маънони билдиради.

Шариатда эса балоғатга етган аёл жинсининг раҳми ичидан туғишсиз, беморликсиз муайян муддатда чиқадиган қон бу ҳайздир.

Одатда ҳайзнинг ранги қорамтир, ўзи ҳароратли ва оғриқ ила келадиган бўлиб, ҳиди нохуш бўлади.

«Нифос» сўзи эса «туғиш» ва «қон» деган маъноларни англатади. Шариатда эса туғишдан кейин аёл кишининг раҳмидан келган қонга нифос дейилади.

«Истеҳоза» бу аёл кишининг раҳмидан одатдан (ҳайз ва нифосдан) ташқари қон оқишидир.

الفصل الأول في مخالطتهن

БИРИНЧИ ФАСЛ

УЛАРГА АРАЛАШИШ ҲАҚИДА

٢٧٩ - عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ الْيَهُودَ كَانُوا إِذَا حَاضَتِ الْمَرْأَةُ فِيهِمْ لَمْ يُؤَاكِلُوهَا وَلَمْ يُجَامِعُوهُنَّ فِي الْبُيُوتِ، فَسَأَلَ أَصْحَابُ النَّبِيِّ ﷺ عَنْ ذَلِكَ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ - وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الْمَحِيضِ قُلْ هُوَ أَذَى فَأَعْرِضُوا

النِّسَاءِ فِي الْمَحِيضِ وَلَا تَقْرُبُوهُنَّ حَتَّى يَذْهَبْنَ فَإِذَا تَطَهَّرْنَ فَأْتُوهُنَّ
 مِنْ حَيْثُ أَمَرَكُمُ اللَّهُ - فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: اصْنَعُوا كُلَّ شَيْءٍ إِلَّا
 النِّكَاحَ. فَبَلَغَ ذَلِكَ الْيَهُودَ، فَقَالُوا: مَا يُرِيدُ هَذَا الرَّجُلُ أَنْ يَدْعَ مَنْ
 أَمَرَنَا شَيْئًا إِلَّا خَالَفْنَا فِيهِ. فَجَاءَ أَسِيدُ بْنُ حُضَيْرٍ وَعَبَادُ بْنُ بَشْرٍ
 فَقَالَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ الْيَهُودَ يَقُولُ كَذَا وَكَذَا، أَفَلَا نَجَامِعُهُنَّ؟
 فَتَغَيَّرَ وَجْهُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ حَتَّى ظَنَنَّا أَنَّهُ قَدْ وَجَدَ عَلَيْنَا، فَخَرَجَا
 فَاسْتَقْبَلَهُمَا هَدِيَّةٌ مِنْ لَبَنٍ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَأَرْسَلَ فِي آثَارِهِمَا
 فَسَقَاهُمَا، فَعَرَفَا أَنَّهُ لَمْ يَجِدْ عَلَيْهِمَا. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيُّ.

279. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Яҳудийлар аёл киши ҳайз кўрса, уйларида у билан бирга таом емас, унга жинсий яқинлик қилмас эдилар. Саҳобалар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан бу ҳақда сўрадилар. Бас, Аллоҳ: «Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар. Сен: «У озор, нопокдир. Бас, ҳайз пайтида аёллардан четда бўлинглар. Токи, пок бўлмагунларича уларга яқинлик қилманглар. Қачон пок бўлсалар, уларга Аллоҳ амр қилган томондан келинглар», деб айт» оятини нозил қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Никоҳдан бошқа ҳамма нарсани қилаверинглар», дедилар. Бу яҳудийларга етиб борди ва улар: «Бу одам бизнинг ишимиздан бирортасини қўймай хилоф қилади», дейишди.

Кейин Усайд ибн Ҳузайр ва Аббод ибн Бишрлар келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, яҳудийлар бундай, бундай демоқдалар. У(аёл)ларга яқинлик қилаверайликми?» дедилар.

Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзлари ўзгариб кетди, ҳатто биздан ач-

чиқлари чиқди, деб ўйладик. Икковлари чиқишди. Шунда уларнинг қаршисидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳадяга сут келиб қолди. У зот уларнинг ортларидан сут юбориб, икковларига ичирдилар. Бас, улар у зотнинг ўзларидан аччиқланмаганларини билдилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ушбу улуғ ҳадиси шарифдан кўплаб маълумотлар оламиз. Ҳадиснинг аввалида яҳудийларнинг аёлларга нисбатан, хусусан, ҳайз кўрган аёлга нисбатан қанчалар ёмон муомала қилишларини билиб оламиз. Қўполроқ қилиб айтадиган бўлсак, яҳудийлар ҳайз кўрган аёлни яккалатиб қўйишар экан. У аёл билан бирга ўтиришмас, гаплашишмас, ҳатто таом ҳам ейишмас экан. Ҳайз кўрган аёл билан бу ишларни қилишни гуноҳ ҳисоблашар экан. Ана ўша жирканиш туфайли улар билан жинсий алоқа ҳам қилишмас экан.

Арабларда яҳудийларга нисбатан эҳтиром мавжуд бўлиб, уларни аҳли китоб, Аллоҳдан келган шариатга амал қилувчи халқ деб билар эдилар. Шунинг учун улардан баъзи нарсаларни сўрар, баъзи нарсаларда уларга тақлид ҳам қилишар эди.

Аста-секин исломий ҳукмлар, жумладан, поклик ҳақидаги, аёллар билан бўладиган муносабатлар борасидаги ҳукмлар шаклланиб бораётган пайт эди. Яҳудийларнинг ҳайз кўрган аёлга қиладиган бундай муносабатларини кўрган саҳобалар: «Биз бу масалада ўзимизни қандай тутишимиз керак?» дейишган экан.

Ниҳоят улар ўртада туғилган саволни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бердилар. Бу оддий жавоб билан ҳал бўладиган масала эмас, балки ўта муҳим масала эди. Шунинг учун ҳам гарчи савол Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган бўлса ҳам, жавобни Аллоҳ таолонинг Ўзи марҳамат қилиб:

«Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар. Сен: «У озор, нопокдир. Бас, ҳайз пайтида аёллардан четда бўлинглар. Токи, пок бўлмагунларича уларга яқин-

чиқлари чиқди, деб ўйладик. Икковлари чиқишди. Шунда уларнинг қаршисидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳадяга сут келиб қолди. У зот уларнинг ортларидан сут юбориб, икковларига ичирдилар. Бас, улар у зотнинг ўзларидан аччиқланмаганларини билдилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ушбу улуғ ҳадиси шарифдан қўплаб маълумотлар оламиз. Ҳадиснинг аввалида яҳудийларнинг аёлларга нисбатан, хусусан, ҳайз кўрган аёлга нисбатан қанчалар ёмон муомала қилишларини билиб оламиз. Қўполроқ қилиб айтадиган бўлсак, яҳудийлар ҳайз кўрган аёлни яккалатиб қўйишар экан. У аёл билан бирга ўтиришмас, гаплашишмас, ҳатто таом ҳам ейишмас экан. Ҳайз кўрган аёл билан бу ишларни қилишни гуноҳ ҳисоблашар экан. Ана ўша жирканиш туфайли улар билан жинсий алоқа ҳам қилишмас экан.

Арабларда яҳудийларга нисбатан эҳтиром мавжуд бўлиб, уларни аҳли китоб, Аллоҳдан келган шариатга амал қилувчи халқ деб билар эдилар. Шунинг учун улардан баъзи нарсаларни сўрар, баъзи нарсаларда уларга тақлид ҳам қилишар эди.

Аста-секин исломий ҳукмлар, жумладан, поклик ҳақидаги, аёллар билан бўладиган муносабатлар борасидаги ҳукмлар шаклланиб бораётган пайт эди. Яҳудийларнинг ҳайз кўрган аёлга қиладиган бундай муносабатларини кўрган саҳобалар: «Биз бу масалада ўзимизни қандай тутишимиз керак?» дейишган экан.

Ниҳоят улар ўртада туғилган саволни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бердилар. Бу оддий жавоб билан ҳал бўладиган масала эмас, балки ўта муҳим масала эди. Шунинг учун ҳам гарчи савол Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга берилган бўлса ҳам, жавобни Аллоҳ таолонинг Ўзи марҳамат қилиб:

«Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар. Сен: «У озор, нопокдир. Бас, ҳайз пайтида аёллардан четда бўлинглар. Токи, пок бўлмагунларича уларга яқин-

«Кейин Усайд ибн Ҳузайр ва Аббод ибн Бишрлар келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, яҳудийлар бундай, бундай демокдалар. У(аёл)ларга яқинлик қилаверайликми?» дейишди.

Бу икки саҳобий яҳудийларни яхши билишар, улар билан кўп тортишувларда бўлган эдилар. Қолаверса, улар Мадина аҳлидан дастлаб Исломга кирган, Ислом учун жон куйдирган, нима қилиб бўлса ҳам, Исломнинг устунлигини кўрсатишга интиланган мусулмонлардан эдилар.

Усайд ибн Ҳузайр Ансорий розияллоҳу анҳу Авс қабиласидан эдилар. У киши Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам ҳижратдан олдин Мадинага юборган дастлабки даъватчи Мисъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг қўлларида ўз бошлиғи Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳудан ҳам олдин Исломга кирган эдилар.

Усайд ибн Ҳузайр Ансорий розияллоҳу анҳу Минадаги шайтонга тош отиладиган Ақаба номли жойда ҳажга келган мадиналиклар билан Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламнинг иккинчи яширин учрашувларида қатнашиш шарафига эга бўлган зотлардан бўлганлар.

Кейинчалик Усайд ибн Ҳузайр розияллоҳу анҳу Бадр жангида ва қолган барча жиҳодларда иштирок этиш фазлига эга бўлдилар.

Аббод ибн Бишр Ансорий розияллоҳу анҳу эса Бану Абдул Ашҳалга мансуб саҳобалардан эдилар. У киши ҳам Мадинада Мисъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг қўлларида Саъд ибн Муъоз розияллоҳу анҳудан олдин Исломга кирган эдилар. Сўнг Бадр ва бошқа жангларда қатнашиш бахтига муяссар бўлдилар.

Бу икки муҳтарам саҳобий яҳудийларнинг гапларини эшитиб, уларга хилоф қилиш мақсадида ҳайз кўрган аёлга яқинлик қилаверсак яхши бўлар экан, деган қарорга келган, бу фикрни Расули Акрам солаллоҳу алайҳи васалламга айтиб, рухсат олишга келишган эди.

Аммо уларнинг бу ҳақдаги гапларини эшитиб:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзлари ўзгариб кетди, ҳатто биздан аччиқлари чиқди, деб ўйладик».

Анас розияллоҳу анҳунинг гапларига қараганда, бу таклифдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қаттиқ аччиқланганларидан юзлари ўзгариб кетган. Чунки бу гап Қуръон ҳукмига зид эди. Бундай ҳолатларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг улўф одоблари, буюк ҳалимликларига қарамасдан, қаттиқ ғазабланиб кетар эдилар. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Бундан саҳобалар қўрқиб кетишди. Шунинг учун:

«Икковлари чиқишди».

Чунки ўзларининг у ерда (Расулуллоҳ ҳузурларида) ортиқча қолишлари яхшилик келтирмаслигини англаб етишди.

«Шунда уларнинг қаршисидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳадяга сут келиб қолди».

Яъни ҳадяга сут кўтариб олиб келаётган одам икковларининг қаршисидан чиқди.

«У зот уларнинг ортларидан сут юбориб, икковларига ичирдилар. Бас, улар у зотнинг ўзларидан аччиқланмаганларини билдилар».

Чунки аслида уларнинг Қуръон ҳукмига қарши чиқиш ниятлари йўқ эди. Янги тушган оятни яхши ўзлаштириб олмаганлари сабабли яҳудийларга ҳилоф иш қилишга қизиқиб кетиб, бу таклифни қилган эдилар, холос.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Ўша даврдаги яҳудийларнинг ҳайз кўрган аёлларни ажратиб қўйиб, уларга гапирмай, улар билан таом емай ва бошқа муомалаларни қилмай юришлари.

2. Яҳудийларнинг ҳайз кўрган аёлга жинсий яқинлик қилмасликлари.

3. Саҳобийларнинг бошқа дин аҳкомидаги нарсага ва ўша нарсага Ислом қандай қарашига қизиқишлари.

4. Масала муҳим бўлса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўринларига Аллоҳ таолонинг Ўзи жавоб бериши.

5. Ҳайз масаласи муҳим бўлганлигидан у ҳақда оят тушганлиги.

6. Ҳайз озор ва нопоклик экани.

7. Ҳайз пайтида аёлга жинсий яқинлик қилиб бўлмаслиги.

8. Аёл ҳайздан покланганидан кейин унга олдидан яқинлик қилиш лозимлиги.

9. Ҳайз кўрган аёлга жинсий яқинликдан бошқа муомалаларни қилиш мумкинлиги.

10. Бошқа диннинг бузуқ ишларига хилоф иш қилиш кераклиги.

11. Бошқа диндагиларнинг динимиз тасдиқлаган ишларини бемалол қилавериш жоизлиги. Ҳайз кўрган аёлга жинсий яқинлик қилмаслик яҳудий динида ҳам бор. Буни Қуръон ҳам тасдиқлади.

12. Чуқур ўйламай туриб, турли таклиф билан чиқиш яхши эмаслиги.

13. Шариатга хилоф нарсадан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қаттиқ аччиқланишлари.

14. Раҳбар аччиқланганида айбдорлар тезроқ чиқиб кетиши яхшилиги.

15. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадяни қабул қилишлари.

16. Бировга ҳадя бериш ундан розилик аломати экани.

Ҳайз кўрган аёлга жинсий алоқа қилмаслик кўп фойдали бўлганлиги учун шариатимизга киритилган. Ҳайз кўрган аёл ўта бемор шахс ҳисобланиб, жуда оғир ҳолатни бошидан кечираётган бўлади. Бу пайтдаги жинсий алоқа эса унинг шундоқ ҳам заиф ҳолатини янада оғирлаштиради.

Ҳайз нопокликдир. Аёл танасидаги нопок қонлар ой давомида тўпланиб, муддати келганида оқиб чиқаётган бўлади. Бу даврдаги жинсий яқинлик нопоклик устига қилинган яқинлик бўлади. Бундай алоқа-

дан нафақат аёл киши, балки эркак киши ҳам зарар кўради. Бунинг устига, ўша ҳайз пайтидаги алоқадан бола бўлиб қолса, майиб туғилади. Тиб илми бу нарсаларнинг ҳаммасини тасдиқлади, бундан бошқа зарарлар ҳам борлигини исбот қилди.

Ҳозирга келиб, тиб илми эркак ва аёлларни ҳайз ҳолатида жинсий алоқа қилмасликка даъват қилмоқда. Исломда эса бу иш бир минг тўрт юз йил илгари асосий дастурда зикр этилган. Муқаддас илоҳий китобда алоҳида масала бўлиб келган. Мусулмонлар уни Куръон ояти сифатида тиловат қиладилар, намозларида ўқийдилар.

۲۸۰ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كُنْتُ أَغْتَسِلُ أَنَا وَالنَّبِيُّ ﷺ مِنْ إِنَاءٍ وَاحِدٍ كَلَانَا جُنُبًا، وَكَانَ يَأْمُرُنِي فَأَتَزُرُ فَيُبَاشِرُنِي وَأَنَا حَائِضٌ، وَكَانَ يُخْرِجُ رَأْسَهُ إِلَيَّ وَهُوَ مُعْتَكِفٌ فَأَغْسِلُهُ وَأَنَا حَائِضٌ. رَوَاهُ الْخَمِيسَةُ.

280. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бир идишдан икковимиз ҳам жунуб ҳолимида ғусл қилар эдик. У зот менга амр этар эдилар, мен изор тутар эдим ва мени қучоқлар эдилар. Ўшанда мен ҳайз кўрган ҳолимда бўлар эдим. Эътикоф ўтирганларида бошларини чиқарар эдилар, мен ҳайзли ҳолимда уни ювиб қўяр эдим».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдан қуйидаги фойдаларни оламиз:

1. Жунуб бўлган эр-хотиннинг бир идишдан ғусл қилишлари жоизлиги.

2. Ҳайз кўрган аёлнинг эри уни изор устидан қучоқлаши мумкинлиги.

3. Масжидда эътикоф ўтирган одам бошини масжиддан чиқариб турса, ҳайз кўрган хотини уни ювиб қўйиши жоизлиги.

Кўриниб турибдики, ҳайз кўрган аёлдан жирканиш, уни четлатиш маънолари Исломда йўқ.

۲۸۱- عَنْ مَيْمُونَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَبَاشِرُ نِسَاءَهُ فَوْقَ الْإِزَارِ وَهُنَّ حَيْضٌ. رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

281. Маймуна розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз аёлларини ҳайзли пайтларида изор устидан қучоқлар эдилар».

Учовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ҳайз кўрган аёлни қучоқлаш учун у аёл изор тутган бўлиши шартлиги аввалги ҳадисда ҳам айтилган эди, бу ҳадисда ҳам айтилмоқда.

۲۸۲- وَعَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ يَضْطَجِعُ مَعِيَ وَأَنَا حَائِضٌ، وَبَيْنِي وَبَيْنَهُ ثَوْبٌ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالنَّسَائِيُّ.

282. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мен билан бирга ётар эдилар. Мен ҳайзли бўлсам, орамизда кийим бўлар эди».

Икки шайх ва Насоий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда ҳам олдинги ҳадисларда зикр қилинган маъно таъкидланмоқда. Ҳайз кўрган аёлни кийим устидан қучоқлашни шарт қилишнинг ҳикмати ҳаром қилинган нарсанинг олдини олиш, ҳайзли аёлга жинсий яқинлик қилишдан тийилишдир.

۲۸۳- وَقَالَتْ عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: كُنْتُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ ﷺ نَبِيتٌ فِي الشَّعَارِ الْوَاحِدِ وَأَنَا حَائِضٌ طَامِثٌ، فَإِنْ أَصَابَهُ مِنِّي شَيْءٌ، غَسَلَ مَكَانَهُ لَمْ يَغْدُهُ، ثُمَّ صَلَّى فِيهِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

283. Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар:

«Мен ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иккимиз бир (ички) кийимда тунар эдик. Ҳолбуки, мен ҳайзли бўлиб, қон оқиб турган бўлар эди. Агар мендан у зотга бирор нарса тегса, ўша жойни ювар эдилар. Бошқа жойга ўтмас эдилар. Сўнгра ўша кийим ила намоз ўқир эдилар».

Абу Довуд ва Насоийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисдан оладиган фойдалар очик кўриниб турибди:

1. Ҳайз кўрган аёл билан кечаси бирга ётиш мумкинлиги.

2. Ҳайз кўрган аёл билан бир ички кийимда ётиш мумкинлиги.

3. Ҳайз қони теккан кийимнинг қон теккан жойини ювиб ташлаб, унда намоз ўқиш мумкинлиги.

۲۸۴ - وَعَنْهَا قَالَتْ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ نَاوليني الخُمرةَ مِنَ الْمَسْجِدِ، فَقُلْتُ: إِنِّي حَائِضٌ، فَقَالَ: إِنَّ حَيْضَتَكَ لَيْسَتْ فِي يَدِكَ، فَنَاولْتُهُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

284. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«Масжиддан «хумра»ни олиб юбор», дедилар.

«Ҳайзлиман», дедим. У зот:

«Ҳайзинг қўлингда эмас», дедилар.

Бас, олиб бердим».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: «Хумра» — бу хурмонинг баргидан қилинган кичик жойнамоз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиздан масжиддаги кичик жойнамозни олиб беришни сўраганлар. Оиша онамиз ҳайзли эканликларини эслатиб, узр айтганлар. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига:

«Ҳайзинг қўлингда эмас», деганлар.

Яъни бу, олиб берсанг бўлаверади, деганлари эди. Шундан сунг Оиша онамиз жойнамозни олиб бердилар.

Кўриниб турибдики, Оиша онамиз масжидга кирмаганлар. Фақат масжидга қўлларини узатиб, жойнамозни олиб берганлар. Буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олиб юбор, дейишларидан ҳам тушунсак бўлади. Айниқса «ҳайзинг қўлингда эмас» деганлари мазкур маънога очиқ-ойдин далолат қилиб турибди. Бу, сенинг ўзинг ҳайзлисан ва масжидга кира олмайсан, аммо қўлинг ҳайзли эмас, уни масжидга киргизсанг бўлаверади, деганларидир. Маълумки, Оиша онамизнинг ҳужралари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидларига ёпишган эди. Шундан остона ёки туйнукка яқин турган жойнамозни қўлни узатиб олиш мумкин бўлган.

Бу ҳадисдан ҳайзли аёл қўлини масжид ичига узатиб, бирор нарсани олиши мумкинлигини билиб оламиз.

۲۸۵ - عَنْ أُمِّ عَطِيَّةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، وَكَانَتْ بَايَعَتِ النَّبِيَّ ﷺ، قَالَتْ: كُنَّا لَا نَعُدُّ الْكُدْرَةَ وَالْصُّفْرَةَ بَعْدَ الطَّهْرِ شَيْئًا. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ خَارِشٍ وَالنَّسَائِيُّ.

285. Умму Атийя розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилган эди:

«У «Покликдан кейинги кулранг ва сарғишни (суюқликни) ҳеч нарса ҳисобламас эдик», деди».

Абу Довуд, Насоий ва Бухорий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ровия Умму Атийя розияллоҳу анҳо билан танишиб олайлик:

Умму Атийя ал-Ансорийянинг исмлари Нусайба бинти Каъб. У киши Исломга кирдилар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилдилар.

Исмларининг кичрайтирилиши, яъни нун ҳарфининг заммалаштирилиши (араб тилида исмлар кичик шаклга келтирилади. Мисол учун, Насиба — Нусайба каби) Умму Иморанинг исмларидан фарқли бўлиши учун эди. Иккалалари ҳам Насиба, бирлари кичик, бирлари катта.

Умму Атийя розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кўп ҳадислар ривоят қилдилар. У киши аёл киши бўлишларига қарамай, Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам билан етти-та жангда қатнашганлар: юкларни қўриқлар, мўмин биродарларга таом ҳозирлар, қоринларини тўйғизар, жароҳатларини даволар, аскарларга ёрдам берар, ўлимдан сақлар эдилар.

Умму Атийя розияллоҳу анҳонинг айтишларича, саҳобия аёллар ҳайзларидан пок бўлганларидан кейин ўзларидан келадиган кулранг ва сарғиш қонни ҳайздан ёки бошқа бирор моневдан ҳисобламай, поклик ҳолидаги амалларни қилаверишларини айтмоқдалар.

Саҳобия аёлнинг бундай гапи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан чиққан бўлади. Бўлмаса, улар ўзларича бундай гапни айтмайдилар. Ушбу ривоятга биноан, Имом Молиқдан бошқа уламолар «Аёл кишининг фаржидан поклик пайтида чиққан мазкур суюқликлар ҳеч нарса ҳисобланмайди», деганлар.

Ҳайз кўрган аёл билан бошқа муомалалар ҳам қилинганлиги ҳақида ҳадислар кўп. Мисол учун, баъзиларини келтириб ўтайлик:

Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда:

«Мен ҳайзли ҳолимда бирор нарсани ичиб, кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга берар эдим. У киши менинг оғзим теккан жойга оғизларини қўйиб, ичар эдилар. Мен ҳайзли ҳолимда суюқликни ғажиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга берар эдим. У киши менинг оғзим теккан жойга оғизларини қўяр эдилар», дейилган.

Яна Имом Муслим Оиша онамиздан ривоят қилган ҳадисда:

«Мен ҳайзли бўлган ҳолимда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кўксимга суяниб олиб, Қуръон ўқир эдилар», дейилган.

Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Маймуна онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда:

«Мен ҳайзли ҳолимда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам устимдаги миртнинг (жун чойшабнинг) бир томонини устиларига қилиб олиб, намоз ўқир эдилар», дейилган.

Гапнинг хулосасини айтганда, ҳайз кўрган аёлга жинсий яқинлик қилинмайди, холос. Қолган барча муомалалар қилинаверади.

كفارة الوقاع في الحيض

ҲАЙЗ ПАЙТИДА ҚИЛИНГАН ЖИНСИЙ ЯҚИНЛИКНИНГ КАФФОРАТИ

۲۸۶- عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ فِي
الَّذِي يَأْتِي امْرَأَتَهُ وَهِيَ حَائِضٌ، قَالَ: يَتَصَدَّقُ بِدِينَارٍ أَوْ بِنِصْفِ
دِينَارٍ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

286. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайзли ҳолидаги хотинига жинсий яқинлик қилган шахс ҳақида:

«Бир динар ёки ярим динар садақа қилади», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ислом шариатида ҳайз кўриб турган аёлга жинсий яқинлик қилиш ман этилганлиги маълум. Бу ҳақда Қуръонда ҳам, ҳадисда ҳам амр келган. Бу ишни қилган одам гуноҳкор бўлиши аниқ. Шу билан бирга, бундай ишни қилишга журъат этган одамни жазолаш, ҳушини жойига келтириб қўйиш учун молиявий жазо ҳам белгиланган. Ундай одам мазкур ишни қачон қилганига қараб, бир ёки ярим динар пул садақа қилиши лозим бўлади. Қачон бир динар, қачон ярим динар садақа қилишининг баёни кейинги ҳадисда келади.

Ўша вақтда бир динар 4,25 грамм соф тилладан бўлган, ҳозирги пайтда шу оғирликдаги тилланинг қийматини садақа қилиш керак бўлади. Ана шундагина ҳайз пайтида қилган жинсий яқинликнинг гуноҳи ювилади.

Бу жазо гуноҳнинг ювилишига сабаб бўлиши билан бирга келажақда мазкур ҳаром ишни такрорламасликка эслатма ҳам бўлади.

۲۸۷- وَلَآئِي دَاوُدَ: إِذَا أَصَابَهَا فِي أَوَّلِ الدِّمِ فَدِينَارٌ، وَإِذَا أَصَابَهَا فِي انْقِطَاعِ الدِّمِ فَنِصْفُ دِينَارٍ.

287. Абу Довуд келтирган ривоятда:

«Агар унга (аёлга) қон келишининг аввалида яқинлик қилган бўлса, бир динар, агар қон тўхташ пайтида яқинлик қилган бўлса, ярим динар», дейилган.

Шарҳ: Чунки ҳайз янги бошланган пайтдаги жинсий яқинликнинг зарари катта, ҳайзнинг охиридаги синики эса катта эмас.

Имом Аҳмад ва бошқа баъзи уламолар ушбу ҳадисни ҳужжат қилиб, «Садақа қилиш вожиб», деганлар. Кўпчилик уламолар эса «Бу ҳадис изтиробли, шунинг учун аслга эътибор қилиб, бу ишни қилган одам тавба қилиб, истиффор айтса кифоя», деганлар.

۲۸۸- عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَنْ أَتَى حَائِضًا أَوْ امْرَأَةً فِي دُبُرِهَا أَوْ كَاهِنًا فَقَدْ كَفَرَ بِمَا أَنْزَلَ عَلَى مُحَمَّدٍ ﷺ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

288. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ҳайзли аёлга яқинлик қилса ёки аёл кишининг орқасидан яқинлик қилса ёхуд фолбинга борса, батаҳқиқ, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлган нарсага куфр келтирибди», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисда уч нарса куфр иш ҳисобланмоқда:

1. Ҳайз кўриб турган аёлга жинсий яқинлик қилиш.

2. Аёл кишига орқасидан яқинлик қилиш.

3. Фолбинга бориб, унинг гапини тасдиқлаш.

Бу ердаги куфр Ислом динидан чиқарадиган куфр бўлмай, балки мусулмон одам қилиши мумкин бўлмаган, кофир одам қиладиган ишни қилишдир. Таққиқланган бу уч ишни қилиш шариат амрига куфр келтириш, деганидир.

Шунинг учун ҳам мўмин-мусулмон эркак-аёллар бу ишда ўта ҳушёр бўлишлари, ҳайз пайтида жинсий яқинлик қилишдан ўзларини тийишлари лозим. Эркаклар ҳеч қачон бу ишга хотинларини мажбур қилмасинлар. Шариат бўйича ҳайз кўрган аёлларга ўзига оро бериб, пардоз-андоз қилмаслик, чиройли кийимларини кийиб, эрига кўринмаслик, эри ҳузурида шаҳватни қўзғатадиган гап-сўз ёки қилиқлар қилмаслик тавсия этилади.

Ҳайз пайтида содир бўлган жинсий яқинлик учун каффорот бериш вожиб, деган уламолар, «Хотин киши ўша ишга сабаб бўлса, монеълик қилмаса, гуноҳкор бўлади ва каффорот тўлайди», деганлар.

Ислом ҳайвоний нафси ва шаҳвати учун ўз соғлигига зарарли иш қилган одамни айбдор ҳисоблайди. Чунки Ислом бўйича киши нафсининг ҳам унда ҳаққи бор.

Шунингдек, унинг соғлигида оила аъзоларининг ва жамиятнинг ҳам ҳаққи бор. Мана шу асосга биноан, ҳайз пайтида жинсий яқинликка шароит яратган аёл ҳам айбдор ҳисобланади.

الفصل الثاني في تطهرهن وحكم الحائض والنفساء

ИККИНЧИ ФАСЛ

ҲАЙЗЛИ ВА НИФОСЛИ АЁЛЛАРНИНГ ҲУКМИ ВА УЛАРНИНГ ПОК БЎЛИШИ

٢٨٩- عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ أَسْمَاءَ سَأَلَتِ النَّبِيَّ ﷺ عَنْ غُسْلِ الْمَحِيضِ، فَقَالَ: تَأْخُذُ إِحْدَاكُنْ مَاءَهَا وَسِدْرَتَهَا فَتَطَهَّرُ فَتُحَسِّنُ الطُّهُورَ، ثُمَّ تَصُبُّ عَلَى رَأْسِهَا فَتَدْلِكُهُ ذَلِكَ شَدِيدًا حَتَّى يَبْلُغَ شُؤْنُ رَأْسِهَا، ثُمَّ تَصُبُّ عَلَيْهَا الْمَاءَ، ثُمَّ تَأْخُذُ فِرْصَةً مُمَسَّكَةً فَتَطَهَّرُ بِهَا. فَقَالَتْ أَسْمَاءُ: وَكَيْفَ تَطَهَّرُ بِهَا؟ فَقَالَ: سُبْحَانَ اللَّهِ! تَطَهَّرِينَ بِهَا. فَقَالَتْ عَائِشَةُ: تَتَّبَعِينَ أَثَرَ الدَّمِ. وَفِي رَوَايَةٍ: قَالَ: خُذِي فِرْصَةً مُمَسَّكَةً فَتَوَضَّئِي بِهَا ثَلَاثًا، وَاسْتَحْيِي النَّبِيَّ ﷺ فَأَعْرِضْ بَوَجْهِهِ، فَقَالَتْ عَائِشَةُ: نَعَمْ النَّسَاءُ نِسَاءُ الْأَنْصَارِ، لَمْ يَكُنْ يَمْنَعُهُنَّ الْحَيَاءُ أَنْ يَتَفَقَّهْنَ فِي الدِّينِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا التِّرْمِذِيَّ.

289. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Асмо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳайзнинг ғусли ҳақида сўради. У зот:

«Сиздан бирортангиз сув ва сидрни олади. Сўнгра яхшилаб тозаланади. Кейин бошига сув қуяди ва токи, бошининг ҳамма жойига етгунча қаттиқ ишқалайди. Сўнгра устидан сув қуяди. Кейин мискланган бир парча пахтани олади ва у билан покланади», дедилар. Асмо:

«У билан қандай покланади?» деди. У зот:

«Субҳаналлоҳ! У билан покланасан-да!» дедилар.

Бас, Оиша: «Қоннинг ўрнига қўясан», деди.

Бошқа бир ривоятда:

«У зот: «Мискланган бир парча пахтани олиб, у билан покланасан», деб уч марта айтдилар ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уялиб, юзларини ўгириб олдилар. Бас, Оиша:

«Ансорийларнинг аёллари қандай ҳам яхши аёллар. Уларни ҳаё динда фақиҳ бўлишларидан ман қилмас эди», дедилар», дейилган.

Бешовларидан фақатгина Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга савол берган аёл Асмо бинти Шакл ал-Ансориядирлар. У киши ўз динларига тўлиқ ва аниқ амал қилиш мақсадида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳайздан кейин қилинадиган ғусл ҳақида сўрадилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишни батафсил баён қилиб бердилар:

1. «Сиздан бирортангиз сув ва сидрни олади».

Яъни сиз, аёллардан ҳайзи тўхтаганингиз ғусл қилиш учун тайёрланиб, бунинг учун ишлатадиган сувни ва совун ўрнига сидр наботини олади (ўша вақтда Арабистонда совун ўрнига сидр ишлатилар эди).

2. «Сўигра яхшилаб тозаланади».

Яъни истинжо қилиб, жинсий аъзоларини яхшилаб тозалаб олади.

3. «Кейин бошига сув қуяди ва токи бошининг ҳамма жойига етгунча қаттиқ ишқалайди».

Чунки соч остига сув етмай қолмаслиги керак. Хусусан, ҳайз кўриб, яхшилаб тозаланиш имкони бўлмай юргандан кейин бу иш яна ҳам катта аҳамият касб этади.

4. «Сўигра устидан сув қуяди».

Яъни бутун танасига сув қуйиб, яхшилаб ювади.

5. «Кейин мискланган бир парча пахтани олади ва у билан покланади».

Яъни миск (мушк) суртилган пахта ила покланади. Миск топа олмаса, бошқа хушбӯй нарса ҳам бўлаверади. Аммо Асмо бинти Шакл ал-Ансория розияллоҳу анҳо бу гапни тушуна олмадилар ва яхшилаб тушуниб олиш учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«У билан қандай покланади?» деб сўрадилар.

«У зот: «Субҳаналлоҳ! У билан покланасан-да», дедилар».

Яъни Асмо розияллоҳу анҳонинг тушунмаганларига ажабландилар ва очиқ айтишдан тортиниб, яна аввалги гапларига ўхшаш гап қилдилар.

Шу ерга келганда гапга Оиша онамиз аралашдилар ва Асмо розияллоҳу анҳога:

«Қоннинг ўрнига қўясан», дедилар.

Бошқа бир ривоятда:

«У зот: «Мискланган бир парча пахтани олиб, у билан покланасан», деб уч марта айтдилар ва **Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уялиб, юзларини ўгириб олдилар», дейилган.**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўта уятчанликлари маълум ва машҳур.

Шундай бўлса ҳам, Оиша онамиз Асмо бинти Шакл ал-Ансориянинг тутган ишларига таҳсин айтиб:

«Ансорийларнинг аёллари қандай ҳам яхши аёллар. Уларни ҳаё динда фақиҳ бўлишларидан ман қилмас эди», дедилар.

Дарҳақиқат, уларнинг илм йўлида кўрсатган шижоатлари ва фидокорликлари самарасидан мўмин-мусулмонлар ҳозиргача фойдаланиб келмоқдалар ва, иншааллоҳ, то қиёматгача фойда оладилар.

٢٩٠ - وَبَعَثَ نِسَاءً إِلَى عَائِشَةَ بِالدرَجَةِ فِيهَا الْكُرْسُفُ، فِيهِ الصُّفْرَةُ، فَقَالَتْ: لَا تَعْجَلْنَ حَتَّى تَرَيْنَ الْقِصَّةَ الْبَيْضَاءَ، تُرِيدُ بِذَلِكَ تَمَامَ الطُّهْرِ مِنَ الْخِيْضَةِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُأَلِّكٌ.

290. «Аёллар Оишага ичига пахта солинган тувакни юбордилар. Унда сарғиш рангли қон асари бор эди. У (Оиша):

«То оппоқ(нарс)ани кўрмагунигизча шошилманглар», деди. У бу билан ҳайздан тамоман пок бўлишни ирода қилган эди».

Бухорий ва Молик ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бир гуруҳ муслима аёллар ҳайзнинг қачон шаръан бутунлай тугашини билмоқчи бўлишибди. Бу масалани Оиша онамиздан сўраш мақсадида чиқиндиларга ишлатиладиган тувакка сарғиш рангли қон артилган пахтани солиб, у кишига юборишибди. Бу «Қон шу рангда кела бошлаганида ҳайз тамом бўладими?» деганлари эди. Шунинг учун Оиша онамиз:

«То оппоқ(нарс)ани кўрмагунигизча шошилманглар», дедилар.

Ҳайз кўрган аёлдан охириги вақтда оқ рангли суюқлик келгани ҳайзнинг тутагани аломати экан. Ана шунгача шошилиб, ҳайзим тутади, деб ғусл қилиш ёки ҳайз ман қилган нарсаларга уриниш лозим эмас.

٢٩١ - عَنْ مُعَاذَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: سَأَلْتُ عَائِشَةَ فَقُلْتُ: مَا بَالُ الْحَائِضِ تَقْضِي الصَّوْمَ وَلَا تَقْضِي الصَّلَاةَ، فَقَالَتْ: أَحْرُورِيَّةٌ أَنْتِ؟ قُلْتُ: لَسْتُ بِحَرُورِيَّةٍ وَلَكِنِّي أَسْأَلُ، قَالَتْ: كَانَ يُصَيِّنَا ذَلِكَ فَنُؤْمَرُ بِقَضَاءِ الصَّوْمِ وَلَا نُؤْمَرُ بِقَضَاءِ الصَّلَاةِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

291. Муъоза розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. «Оишадан:

«Нимага ҳайз кўрган аёл рўзанинг қазосини тутад-ю, намознинг қазосини ўқимайди?» деб сўрадим.

«Нима, сен Ҳаруриямисан?!» деди.

«Мен Ҳарурия эмасман, лекин сўраяпман», дедим.

«Ўша нарса бизда ҳам бўлар эди. Бас, рўзанинг қазосини тутишга амр қилинар эдик, намознинг қазосини ўқишга амр қилинмас эдик», деди».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало Муъоза розияллоҳу анҳо билан яқиндан танишиб олайлик:

Муъоза бинти Абдуллоҳ ал-Авсия жуда ҳам оқил-аёл бўлганлар. Кунялари Умму ас-Сухба бўлиб, ўғиллари шаҳид бўлган экан. Ўғиллари жаннатда бўлганлари учун «Роббим мени ўғлим Сухба билан учраштирса эди», деб дуо қилар эканлар.

Бу аёл ҳар куни кечаси олти юз ракъат намоз ўқиб, уйқудан доимо ўзларини тийиб юрар, қирқ йил осмонга тик қарамаган эканлар.

Муъоза розияллоҳу анҳо Оиша онамиздан, Ҳишом ибн Омир ва Умму Амр бинти Абдуллоҳдан бир неча ҳадисларни ривоят қилган эканлар. У кишидан эса Абу Қалоба, Қатода, Язийд ар-Ришк, Айюб ва Исом ал-Аҳвал, Сулаймон ибн Абдуллоҳ ал-Басри, Исҳоқ ибн Саъид, Умму ал-Ҳасан ва бошқалар ривоят қилганлар.

Муъоза розияллоҳу анҳо 101-ҳижрий санада вафот этдилар.

Муъоза розияллоҳу анҳо Оиша онамиздан ҳайз кўрган аёлга жорий қилинган баъзи ҳукмларнинг ҳикмати ҳақида сўрабдилар. Шунда:

«Нимага ҳайз кўрган аёл рўзанинг қазосини тутади-ю, намознинг қазосини ўқимайди?» деган эканлар.

Шунинг ўзидан ҳайз кўрган аёл рўза ҳам тутмаслиги, намоз ҳам ўқимаслиги келиб чиқади.

Ҳайз тамом бўлгандан кейин эса ҳайз вақтида тута олмаган рўзасининг қазосини тутади. Аммо ҳайз вақтида ўқий олмаган намозининг қазосини ўқимайди.

Нима учун шундай? Муъоза розияллоҳу анҳонинг хаёлларига мана шу савол келган ва Оиша онамиздан сўраганлар. Оиша онамиз эса саволга жавоб беришнинг ўрнига Муъозага савол бериб:

«Нима, сен Ҳаруриямисан?!» дедилар.

Яъни бу, сен ҳарурия мазҳабидаги аёлмисан, деганлари. Ҳарурия Куфа шаҳрига яқин жойдаги Ҳаруро қишлоғига берилган нисбат бўлиб, Хавориж мазҳабининг таъсис мажлиси шу қишлоқда бўлганлиги учун Хаворижлар Ҳарурийлар ҳам дейилади.

Маълумки, Хаворижлар «Аёл киши ҳайз пайтида ўқий олмаган намозини ҳам ўқийди», дейдилар. Муъоза розияллоҳу анҳонинг «Нима учун ҳайз кўрган аёл намознинг қазосини ўқимайди?» деган саволи Оиша онамизга оғир ботиб, нима учун бузуқ мазҳабнинг гапини айтмоқдасан, дегандек гап қилдилар. Лекин Муъоза розияллоҳу анҳо бузуқ ният билан эмас, соф ният билан сўраган эдилар. Шунинг учун:

«Мен Ҳарурия эмасман, лекин сўраяпман», дедилар.

Яъни менинг Хаворижларга алоқам йўқ, лекин билмоқчиман, дедилар. Ана шундан кейин Оиша онамиз саволга жавоб бериб:

«Ўша нарса бизда ҳам бўлар эди».

Яъни биз ҳам ҳайз кўрар эдик.

«Бас, рўзанинг қазосини тутишга амр қилинар эдик».

Яъни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам биз аёлларни ҳайз вақтидаги қазо қилган рўзамизни тутишга амр қилар эдилар.

«Намознинг қазосини ўқишга амр қилинмас эдик».

Яъни у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам биз, аёлларни ҳайз вақтидаги қазо қилинган намозни ўқишга амр қилмас эдилар, дедилар.

Аввалги мусулмонлар Аллоҳдан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан амр бўлса, наҳий бўлса, дарҳол итоат билан амал қилишга ўтар эдилар. Амр ва наҳийни муҳокама қилмас, нима учун, деб сўрамас эдилар.

Зотан, мўмин-мусулмонликнинг бош фазилати ҳам шудир. Амр ёки наҳийни муҳокама қилиб, ёқса,

амал қилиб, ёқмаса, амал қилмаслик куфр ва мунофиқликдан бошқа нарса эмас. Чунки мусулмон киши шариат амр қилган нарса ҳақида «Нима учун?» деган саволни бермайди. Унга оғишмай амал қилади. Бунга Оиша онамизнинг жавоблари очиқ-ойдин далолат қилиб турибди.

Кейинчалик бошқа диндагилар, турли-туман одамлар ҳадеб сўрайверганидан уламоларимиз Муъоза розияллоҳу анҳонинг мазкур саволига ўхшаш саволларга жавоб беришга ўтишган.

Жумладан, шу саволга ҳам жавоб берганлар. Рўза йилда бир марта фарз бўлади. Ҳайз кўрган аёл маълум кунларнинггина рўзасини қазо қилади. Шунинг учун рўза савобидан маҳрум бўлмаслиги юзасидан унинг қазосини тутади.

Ҳайз кунларида ҳар куни беш маҳал қолдирилган фарз намознинг эса сони кўпайиб кетади. Бунинг устига, аёл киши ҳар ойда ҳайз кўради. Бу — ҳар ойда такрор машаққат дегани. Шунинг учун ҳайз кўрган аёлдан намозни қазо қилиш талаб қилинмайди.

۲۹۲- عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَتِ النَّفْسَاءُ تَجْلِسُ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ أَرْبَعِينَ يَوْمًا، فَكُنَّا نَطْلِي وَجُوهَنَا بِالْوَرَسِ مِنَ الْكَلْفِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

292. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Нифос кўрган аёллар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида қирқ кун ўтирар эдилар. Юзларимизга нарса тошиб кетиб, вара суртиб олар эдик».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Умму Салама онамизнинг бу гапларидан маълум бўладикки, фарзанд туғиб, нифос кўрган аёллар қирқ кунгача намоз ўқимай, рўза тутмай ва бошқа ибодат қилмай ўтирар эканлар.

Ушбу ҳадиси шарифни далил қилиб, Ҳанафий ва Ҳанбалий мазҳаби уламолари «Нифоснинг энг кўп муддати қирқ кун», деганлар. Бола туққан аёлдан қирқ кундан ортиқ вақтда ҳам қон келаверса, ўша қирқ кундан ортиғи нифос ҳисобланмайди. Қирқ кун тўлганидан кейин аёл ғусл қилади ва ибодатларини адо этишни бошлайди. Нифос ман қилган бошқа нарсалар ҳам жоиз бўлади.

«Нифоснинг ози эса бир лаҳза ҳам бўлиши мумкин», дейишади баъзи уламолар. Лекин кўпчилик уламолар «Нифоснинг озининг чегараси йўқ», дейдилар. Оддий ҳолатларда нифос қони тўхтаган вақт нифоснинг охириги вақти бўлади.

Умму Салама онамизнинг айтишларича, қирқ кун нифосда ўтириб, аёлларнинг юзларига турли нарсалар тошиб кетар экан. Ўша нарсаларга қарши Ямандан келтирилган сариқ рангли варас номли набототдан суртиб олар эканлар. Бу ҳам узоқ вақт яхшилаб тозаланмаслик оқибатида содир бўлар экан.

۲۹۳ - وَعَنْهَا: كَانَتْ الْمَرْأَةُ مِنْ نِسَاءِ النَّبِيِّ ﷺ تَقْعُدُ فِي النَّفَاسِ أَرْبَعِينَ لَيْلَةً لَا يَأْمُرُهَا النَّبِيُّ ﷺ بِقَضَاءِ صَلَاةِ النَّفَاسِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

293. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларидан бири нифосда қирқ кеча ўтирар, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни нифос (пайтидаги) намозининг қазосини ўқишга буюрмас эдилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Ушбу ривоятдаги Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари, деганда қизлари ва қариндошлари ҳам тушунилади. Чунки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинларидан Ҳадича онамиз ва чўрилари Мория Қибтиядан бошқалари туғмаганлар. Бу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Нифоснинг ғолиб муддати қирқ кун экани.
2. Нифос кўрган аёл намоз ўқимаслиги.
3. Нифос вақтидаги тарк қилинган намоз қазо қилинмаслиги.

۲۹۴ - عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا تَقْرَأُ الْحَائِضُ وَلَا الْجُنُبُ شَيْئًا مِنَ الْقُرْآنِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

294. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳайзли аёл ва жунуб Қуръондан ҳеч нарса ўқимайди», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Шарҳ: Чунки ҳайзли ҳолат ҳам, жунубли ҳолат ҳам поклик ҳолати эмас. Ундай ҳолатда Аллоҳнинг каломини қироат қилиб бўлмайди.

۲۹۵ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: وَجَّهُوا هَذِهِ الْبُيُوتَ عَنِ الْمَسْجِدِ، فَإِنِّي لَا أَحِلُّ الْمَسْجِدَ لِحَائِضٍ وَلَا جُنُبٍ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

295. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мана бу уйларни масжиддан бошқа томонга юзлантинглар. Мен масжидни ҳайзли аёлга ва жунубга ҳалол қилмайман», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Ўша вақтда баъзи кишилар уйларини масжидга қаратиб қуриб олган эдилар. Уйларига масжид орқали кириб-чиқар эдилар. Бундай ҳолатда, албатта, ҳайзли аёл ҳам, жунуб ҳам масжиддан ўтиши, унда қолиши мумкин бўларди. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларни масжиддан

бошқа томонга қаратиб қуришга амр қилдилар. Токи ҳайзли аёллар ва жунублар масжидга кирмасинлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Ҳайзли аёл масжидга кириши мумкин эмаслиги.

2. Жунуб шахснинг масжидга кириши мумкин эмаслиги.

Албатта, масжид Аллоҳнинг уйи бўлганидан кейин у ерга фақат пок ҳолда кириш лозим.

Булар ҳайз ва нифос ҳукмини баён қилувчи баъзи ҳадиси шарифлардир. Фойдани мукаммал қилиш учун ҳайз ва нифосга тегишли ҳукмларни қисқача баён этиб ўтамыз:

1. Ҳайз ва нифос тамом бўлганидан кейин ғусл қилиш вожиб бўлади.

Бу ҳайз ҳақидаги оят ва Имом Бухорий Фотима бинти Абу Ҳубайш розияллоҳу анҳодан ривоят қилган:

«Ҳайз кўрган кунларинг миқдорида намозни қўй. Сўнг ғусл қилгин-да, намозни ўқийвергин», деган ҳадисга биноан бўлади.

2. Ҳайз кўриш билан қиз бола баловатга етади ва шариат таклифларини амалга ошириши лозим бўлади.

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳайз кўрувчининг намозини Аллоҳ химорсиз (авратни тўсадиган кийимсиз) қабул қилмайди», деганлар.

Бундан қиз бола ҳайз кўра бошлаши билан ўзини тўсиши лозим бўлишини билиб оламиз.

3. Идда ўтириш ҳам ҳайзга қараб бўлади.

4. Ҳайзли ва нифосли аёлга намоз ўқиш ҳаромдир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотима бинти Абу Ҳубайш розияллоҳу анҳога:

«Қачон ҳайз келса, намозни қўй», деганлар.

Шунингдек, бу масала юқорида ўрганган ҳадисларимизда ҳам ўтди.

Улардан ҳайз пайтида ўқилмай қолган намозлар қазо қилиб ўқилмаслигини ҳам билдик.

5. Ҳайзли ва нифосли аёлга рўза тутиш ҳаромдир.

Буни ҳам ўтган ҳадислардан билиб олдик.

Шунингдек, улардан ҳайз пайтида тутилмай қолган рўзани қазо қилиб тутиш лозимлигини ҳам биламиз.

6. Ҳайзли ва нифосли аёлга Байтуллоҳни тавоф қилиш ҳаромдир.

Набий алайҳиссалом Оиша онамизга:

«Қачон ҳайз кўрсанг, ҳожи нимани қиладиган бўлса, қилгин-у, аммо то пок бўлмагунигча, Байтни тавоф қилмагин», деганлар.

7. Қуръон қироат қилиш ва мусҳафни ушлаш ҳам бу фаслдаги ҳадисга биноан, ҳайзли ва нифосли аёллар учун ҳаром.

8. Ҳайзли ва нифосли аёлларга масжидга кириш, туриш ва у ерда эътикоф ўтириш ҳаром. Буни ҳам шу фаслдаги ҳадисдан ўргандик.

9. Ҳайзли ва нифосли аёлларга жинсий яқинлик қилиш ва уларнинг киндиклари билан тиззалари орасидан лаззатланиш ҳаром. Бу ҳақдаги ҳадисларни ҳам ўрганиб чиқдик.

10. Ҳайзли аёлни, яъни ҳайз кўриб турган аёлни талоқ қилиш ҳаромдир.

Буни Ибн Умар розияллоҳу анҳу ҳайзли хотинларини талоқ қилганларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам баён қилганлар.

Ушбу ҳукмларни барча, айниқса мўмина-муслима аёллар яхшилаб билиб олишлари ва уларга амал қилишлари лозим. Чунки ҳайз ва нифосни ўз эгасидан бошқалар билмайди, билиш имкони ҳам йўқ. Қолаверса, бу масалаларни омма ичида муолажа қилишга одатланилмаган. Шунинг учун аёллар ўзлари илмий мажлислар қилиб, билганлардан дарс олиб, яхшилаб ўрганиб қўйишлари ўта муҳимдир.

الفصل الثالث – في أحكام المستحاضة ترجع لعادتها أو تعمل القوي حيضا

УЧИНЧИ ФАСЛ

МУСТАҲОЗАНИНГ ҲУКМЛАРИ, УНИНГ ЎЗ ОДАТИГА ҚАЙТИШИ ЁКИ КУЧЛИ(ҚОН)НИ ҲАЙЗ ДЕБ ЭЪТИБОР ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Шарҳ: «Мустаҳоза» калимаси энг кўп ҳайз муддатидан ортиқ вақтда ҳам қон кўраверадиган аёлга нисбатан айтилади.

«Унинг ўз одатига қайтиши» дейилишига сабаб шуки, одат бўйича неча кун ҳайз кўрадиган бўлса, ўшанча кунни ҳайз ҳисоблайди, ундан сўнг ҳайздан чиққанда нима қилса, шуни қилади. Ортиқча қонни истеҳоза ҳисоблайди.

«Кучли қонни ҳайз деб эътибор қилиш» дегани агар одатда неча кун ҳайз кўриши аёлнинг эсидан чиқиб қолса ёки аввал ҳайз кўрмаган бўлса, қон кучли келган кунларини ҳайз, қон кучсиз келган кунларини эса истеҳоза деб ҳисоблайди.

Агар қон кучли ёки кучсиз бўлмай, бир хилда келса, ҳайзнинг аксар муддатидаги вақтни ҳайз ҳисоблаб, ундан ортигини истеҳоза ҳисоблайди.

Ҳанафий мазҳабида ҳайзнинг аксар муддати ўн кундир.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бокира қизнинг ва турмушга чиққан аёлнинг оз ҳайзи уч кундир, кўп ҳайзи ўн кундир», деганлар.

٢٩٦- عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ فَاطِمَةَ بِنْتَ أَبِي حُبَيْشٍ سَأَلَتِ النَّبِيَّ ﷺ فَقَالَتْ: إِنِّي أُسْتَحَاضُ فَلَا أَطْهَرُ، أَفَادَعُ

الصَّلَاةُ؟ فَقَالَ: لَا، إِنَّ ذَلِكَ عَرَقٌ وَلَيْسَ بِالْحَيْضَةِ، وَلَكِنْ دَعِيَ
 الصَّلَاةَ قَدَّرَ الْأَيَّامَ الَّتِي كُنْتَ تَحِيضِينَ فِيهَا، ثُمَّ اغْتَسَلِي وَصَلِّي.
 وَفِي رَوَايَةٍ: إِذَا أَقْبَلَتِ الْحَيْضَةُ فَدَعِيَ الصَّلَاةَ، وَإِذَا أَذْبَرَتْ فَاغْتَسَلِي
 عَنْكَ الدَّمَ وَصَلِّي. رَوَاهُ الْخُمْسَةُ، وَزَادَ التِّرْمِذِيُّ: وَتَوَضَّئِي لِكُلِّ
 صَلَاةٍ حَتَّى يَجِيءَ ذَلِكَ الْوَقْتُ.

296. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Фотима бинти Абу Ҳубайш Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Мен истеҳоза бўламан, пок бўлмайман. Намозни қўяманми?» деб сўради. У зот:

«Йўқ! Албатта, у томир(узилганидан)дир. Ҳайз эмас. Лекин сен одатда ҳайз кўрадиган кунларнинг миқдорида намозни қўй. Сўнгра ғусл қилиб, намозни ўқийвер», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Ҳайз (кунлари) келса, намозни қўй. Қачонки у (кунлар) ўтиб кетса, ўзингдан қонни ювиб, намозни ўқийвер», дедилар», дейилган.

Бешовлари ривоят қилганлар.

Термизий:

«Нариги вақт келгунча, ҳар намозга таҳорат қил», дедилар»ни зиёда қилди.

Шарҳ: Аввало Фотима бинти Ҳубайш розияллоҳу анҳо билан танишиб қўяйлик:

Фотима бинти Ҳубайш ибн Мутталиб ибн Асад ибн Абдул Уззо ал-Қурайшил-Асадия.

Мазкур ҳадисни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраганлари билан машҳур бўлган Фотима бинти Ҳубайш розияллоҳу анҳо фаржларидан доимо қон келиб турадиган беморликка учраган эканлар. У кишининг:

«Мен истеҳоза бўламан, пок бўлмайман» деганларидан шу маъно тушунилади. Яъни қон тўхта-

майди. Ҳайз вақтида қон келгани учун намоз ўқиб бўлмас эди. Энди доим қон келиб турадиган бўлиб қолди. Нима қилиш керак? Умр бўйи намоз ўқимай юраверадими?

Бу саволни Фотима бинти Ҳубайш розияллоҳу анҳо Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрадилар ва:

«У зот: «Йўқ! Албатта, у томир(узилганидан)дир. Ҳайз эмас. Лекин сен одатда ҳайз кўрадиган кунларнинг миқдорида намозни қўй. Сўнгра ғусл қилиб, намозни ўқийвер», дедилар».

Демак, аёл кишидан доимо қон келиб туриши — беморлик. Баъзи томирлар узилгани учун доимо қон келади. Шунинг учун ундай дардга чалинган аёл соғлиқ вақтдаги одати бўйича неча кун ҳайз кўрадиган бўлса, ўша кунларни ҳар тарафлама ҳисоблаб, аниқлайди ва мазкур кунларнинг намозини ўқимайди. У кунлар тамом бўлгандан кейин эса ҳайзнинг ғуслини қилади ва истеҳоза қони келиб турса ҳам намозини ўқийверади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошқа бир ривоятда:

«Қачонки ҳайз (кунлари) келса, намозни қўй. Қачонки у (кунлар) ўтиб кетса, ўзингдан қонни ювиб, намозни ўқийвер», деганларидан ғусл қилмаса ҳам бўлар экан, деган гап келиб чиқмайди.

Аввало ўзи шу гапнинг ичида ғусл маъноси бор.

Қолаверса, ғусл қилиш зарурлиги жуда ҳам равшан иш. Шунинг учун уни доимо зикр қилишга ҳожат йўқ. Учинчидан, ўзингдан қонни ювиб, деганлари ҳар намозга бир таҳорат қилиш маъносини ҳам англатади.

Бу маъно Имом Термизий келтирган зиёдадаги:

«Нариғи вақт келгунча, ҳар намозга таҳорат қил» деган жумлада ҳам таъкидланади. Бу, яна ҳайз вақти келгунча, деганларидир.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Шариат масаласини аёл бўлсин, эркак бўлсин, уялмай сўраб, ўрганиш кераклиги.

2. Мустаҳоза (одатдан ташқари қон кўрган) аёл намозларини қўймай ўқиши лозимлиги.

3. Истеҳоза қони ҳайз эмас, узилган томирдан чиқаётган қон экани.

4. Истеҳозали аёл одатдаги ҳайзи миқдорича кунларни ҳайз ҳисоблаб, ўша кунлари ҳайзга оид ҳукмларга амал қилиши.

5. Истеҳозали аёл одатдаги ҳайзи миқдорича кунлар ўтганидан кейин ғусл қилиши ва намозини ўқийвериши лозимлиги.

6. Истеҳозали аёл ҳар намозга таҳорат қилиши лозимлиги.

۲۹۷- وَلَآبِي دَاوُدَ: لَتَنْظُرُ عِدَّةَ الْآيَامِ وَاللَّيَالِي الَّتِي كَانَتْ تَحِيضُهُنَّ مِنَ الشَّهْرِ قَبْلَ أَنْ يُصِيبَهَا الَّذِي أَصَابَهَا، فَلَتَتْرَكَ الصَّلَاةَ قَدَرِ ذَلِكَ مِنَ الشَّهْرِ، فَإِذَا خَلَفَتْ ذَلِكَ فَلَتَغْسِلْ، ثُمَّ لَتَسْتَنْفِرْ بِثَوْبٍ، ثُمَّ لَتُصَلِّيَ.

297. Абу Довуд келтирган ривоятга:

«У аёлга етган нарса (дард) етгунча одати бўйича ҳар ойда ҳайз кўрадиган кунлари ва кечалари саноғига қарасин. Ҳар ойдан ўша миқдорича намозни тарк қилсин. Қачон ўшани ўтказса, ғусл қилсин ва бир кийим билан муҳофаза қилиб, намозини ўқисин», дейилган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифда истеҳоза беморлигига дучор бўлган аёл ҳайз кунлари билан истеҳоза кунларини бемор бўлгунча жорий одатига қараб аниқлаши баён қилинмоқда. Ҳар бир аёл бир ойда неча кун ҳайз кўриши ва ўша кунлар ойнинг қайси қисмига тўғри келишини яхши билади. Чунки истеҳозага чалинишидан олдин ҳар ойда ҳайз кўриб юрган бўлади. Истеҳозага чалинганидан кейин эса ўша одатидаги

кунлар неча кун бўлса ва ойнинг қайси пайтига тўғри келса, ўшанча кунни ана шу пайтга тўғрилаб, ҳайз ҳисоблайди. Ўша кунларда намозини ўқимайди.

Бу кунлар ўтганидан кейин эса ҳайзнинг ғуслини қилади. Ҳадиси шарифдаги «**бир кийим ила муҳофаза қилсин**» дейилгани қон оқиб, бошқа томонларга, кийимларга тегиб кетишининг олдини олсин, дейилгандир. Бунинг учун қон чиқадаган жойга пахта қўйиб, устидан ўша пахтани ушлаб турадиган ички кийим кийиб олинади.

Бу истеҳозали аёлнинг ҳайзни одатга қараб аниқлашидир. Лекин баъзи аёллар одатларини унутган бўлиши, беморлик туфайли одатлари тартибли бўлмаслиги ёки ҳали ҳайзи одатга кирмай туриб, истеҳозага чалиниб қолган бўлишлари мумкин. Унда нима қилинади?

Бу саволнинг жавоби келаси ҳадисдан билиб олинади.

۲۹۸ - عَنْ فَاطِمَةَ بِنْتِ أَبِي حُبَيْشٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا؛ أَنَّهَا قَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي أُسْتَحَاضُ، فَقَالَ لَهَا: إِذَا كَانَ دَمُ الْحَيْضِ فَإِنَّهُ دَمٌ أَسْوَدُ يُعْرِفُ، فَإِذَا كَانَ ذَلِكَ فَأَمْسِكِي عَنِ الصَّلَاةِ، فَإِذَا كَانَ الْآخِرُ فَتَوَضَّئِي وَصَلِّي، فَإِنَّمَا هُوَ عِرْقٌ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتَّيْسَانِيُّ.

298. Фотима бинти Хубайш розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен мустаҳоза бўлман», деди. У зот унга:

«Агар ҳайзнинг қони бўлса, у қора қон бўлиб, ўзи билинади. Қачонки ўша бўлса, ўзингни намоздан тий. Қачон бошқаси бўлса, таҳорат қилиб, намозни ўқийвер. У томир(нинг узилишидан)дир», дедилар».

Абу Довуд ва Насоий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Демак, аёл киши қайси қон ҳайзнинг қони, қайсиниси истеҳозанинг қони эканини қоннинг сифатига қараб билиб олиши ҳам мумкин. Бу нарсани аниқса аёллар учун жуда ҳам осон бўлиши керак. Ҳайзнинг қони қорамтир, қуюқроқ ва ёмон ҳидли бўлади. Истеҳозанинг қони эса тананинг бошқа жойларидан чиқадиган қонга ўхшаш қизғиш бўлади. Ана ўшанга қараб, ҳайз келаётганини аниқлаганда намоз ўқимади, рўза тутмайди ва бошқа ҳайз ман қилган нарсаларни қилмай туради.

Қоннинг ранги ўзгариб, ҳайз тамом бўлгани аломати собит бўлгандан сўнг ғусл қилиб, ибодатларни бошлайди. Таҳорат қилиб, намозини ўқийверади.

Лекин баъзи аёлларда одат бўйича ҳам, қоннинг сифати бўйича ҳам ҳайз билан истеҳозани ажратиб бўлмайдиган ҳолат бўлиши мумкин. У ҳолда кейинги ҳадисларда келадиган муолажа йўлларига қарайди.

تتحيض غالب الحيض أو تجمع الصلاتين بعد الغسل

АКСАР ҲАЙЗНИ ҲИСОБЛАЙДИ ЁКИ ҲУСЛДАН
КЕЙИН ИККИ НАМОЗНИ ЖАМ ҚИЛАДИ

٢٩٩- عَنْ حَمْنَةَ بِنْتِ جَحْشٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: أَتَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي امْرَأَةٌ أُسْتَحَاضُ حَيْضَةً كَثِيرَةً شَدِيدَةً، فَمَا تَرَى فِيهَا قَدْ مَنَعَتْنِي الصَّلَاةَ وَالصَّوْمَ؟ قَالَ: أَنْعْتُ لَكَ الْكُرْسُفَ فَإِنَّهُ يُذْهِبُ الدَّمَ، قَالَتْ: هُوَ أَكْثَرُ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: فَاتَّخِذِي ثَوْبًا، قَالَتْ: هُوَ أَكْثَرُ مِنْ ذَلِكَ، إِنَّمَا أُتِجُ نَجًّا، قَالَ: سَأْمُرُكَ بِأَمْرَيْنِ أَيُّهُمَا فَعَلْتَ أَجَزَى عَنْكَ مِنَ الْآخَرِ، فَإِنْ قَوِيَتْ عَلَيْهِمَا فَأَنْتِ أَعْلَمُ، إِنَّمَا هَذِهِ رُكُضَةٌ مِنْ رُكُضَاتِ الشَّيْطَانِ، فَتَحِيضِي سِتَّةَ أَيَّامٍ أَوْ سَبْعَةَ أَيَّامٍ فِي عِلْمِ اللَّهِ تَعَالَى ذِكْرُهُ، ثُمَّ اغْتَسِلِي حَتَّى إِذَا رَأَيْتِ أَنَّكَ قَدْ طَهَرْتَ وَاسْتَنْقَأْتَ فَصَلِّي ثَلَاثًا وَعِشْرِينَ لَيْلَةً أَوْ أَرْبَعًا وَعِشْرِينَ لَيْلَةً وَأَيَّامَهَا وَصُومِي، فَإِنَّ ذَلِكَ يُجْزئُكَ، وَكَذَلِكَ فَافْعَلِي كُلَّ شَهْرٍ كَمَا يَحِضُنَ النِّسَاءُ وَكَمَا يَطْهَرْنَ مِيقَاتِ حَيْضِهِنَّ وَطَهْرِهِنَّ، فَإِنْ قَوِيَتْ عَلَى أَنْ تُؤَخِّرِيَ الظُّهْرَ وَتُعَجِّلِي الْعَصْرَ فَتَغْتَسِلِي وَتَجْمَعِينَ بَيْنَ الصَّلَاتَيْنِ الظُّهْرِ وَالْعَصْرِ وَتُؤَخِّرِينَ الْمَغْرِبَ وَتُعَجِّلِينَ الْعِشَاءَ ثُمَّ تَغْتَسِلِينَ

وَتَجْمَعِينَ بَيْنَ الصَّلَاتَيْنِ فَأَفْعَلِي، وَتَغْتَسِلِينَ مَعَ الْفَجْرِ فَأَفْعَلِي،
وَصُومِي إِنْ قَدَرْتِ عَلَى ذَلِكَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: وَهَذَا أَعْجَبُ
الْأَمْرِينِ إِلَيَّ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

299. Ҳамна бинти Жаҳш розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен жуда ҳам кўп ва шиддатли ҳайз кўрадиган аёлман. Бу ҳақда нима дейсиз, батаҳқиқ, мени намоз ва рўзадан ман қилдими?» дедим. У зот:

«Мен сенга пахтани васф қилиб бераман. У қонни кетказади», дедилар. У (Ҳамна):

«У ўшандан анча кўп», деди. У зот:

«Унда бир кийим қилиб ол», дедилар. У:

«У ўшандан ҳам кўп. Қуйилиб келаверади», деди.

«Сенга икки ишни буюраман. Улардан қай бирини қилсанг, сен учун кифоя қилади. Агар уларга қувватинг етса, ўзинг биласан. Албатта, бу шайтон тепкиларидан бир тепкидир. Бас, бу Аллоҳ таолонинг илмида-ку, аммо сен олти ёки етти кунни ҳайз сана. Сўнгра русл қил. Токи, батаҳқиқ, пок бўлдим, деб ишониб, ўзингни топ-тоза қилганингдан сўнг йигирма уч ёки йигирма тўрт кечаю кундуз намоз ўқи ва рўза тут. Мана шу сенинг учун кифоя қилади. Ҳар ойда аёлларнинг ҳайз вақтларида ҳайз кўриб, поклик вақтларида пок бўлишларига ўхшаб шундай қилавер.

Агар кучинг етса, пешиннинг охириги вақтини асрнинг олдинги вақтига суриб, русл қиласан-да, икки намозни – пешин ва асрни жам қилиб ўқийсан. Шунингдек, шомнинг охириги вақтини хуфтоннинг олдинги вақтига суриб, русл қиласан-да, икки намозни жам қилиб ўқийсан. Бомдодда ҳам

ғусл қиласан. Шунини қила олсанг, қил. Рӯза ҳам тут. Агар ўшанга қодир бўлсанг, бу мен учун икки ишдан маҳбуброғидир», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадисда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳайз билан истеҳозани ажрата олмай, ҳайрон бўлиб қолган Ҳамна бинти Жаҳш розияллоҳу анҳога қилиш мумкин бўлган икки йўлни кўрсатмоқдалар.

Биринчи йўл — ҳақиқий илмни Аллоҳнинг Ўзи билади, деб ижтиҳод қилиб, бир ой давомида келадиган қоннинг олти ёки етти кунини ҳайз кунлари ҳисоблаб, қолган йигирма уч ёки йигирма тўрт кунни ҳайздан ташқари истеҳоза кунлари ҳисоблаш. Ҳар ҳолатнинг ўз амалларини қилиш.

Иккинчи йўл — пешин намозининг вақти тутаб, аср намозининг вақти бошланадиган пайтда ғусл қилиб, пешин ва аср намозларини қўшиб ўқиб олиш. Шунингдек, шом намозининг вақти чиқиб, хуфтон намозининг вақти кирадиган пайтда яна бир ғусл қилиб, шом ва хуфтон намозларини қўшиб ўқиб олиш. Бомдод намозига алоҳида ғусл қилиш. Шу тариқа ҳар куни уч марта ғусл қилиб, рўзани ҳам вақтида тутавериш.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур икки ишдан иккинчиси, яъни бир кунда уч марта ғусл қилиб, иш юритиш ўзлари учун маҳбуброқ эканини ҳам таъкидлаб қўйдилар.

Ушбу ҳадиси шарифдан бундан бошқа яна жуда кўп фойдалар олинади:

1. Баъзи аёллардан тўхтамай, кўп миқдорда қон келиб туриши.

2. Намоз ва рўзани ман қилувчи нарсалар аввалги муслималарни ташвишлантиргани.

3. Қонни тўхтатиш учун пахтага баъзи дори нарсаларни қўшиб қўйиб кўриш.

4. Махсус кийим кийиб бўлса ҳам, қон келишини тўхтатишга уриниб кўриш.

5. Қон келиши туфайли пайдо бўладиган ҳайронлик ва турли ташвишлар шайтоннинг тепкиси ва васвасасидан экани.

6. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳамна бинти Жаҳш розияллоҳу анҳога олти ёки етти кунни ҳайз кунлари деб ҳисоблашни амр қилганлари.

Ушбу гапни ҳужжат қилиб, Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳаблари «Аёл кишининг энг кўп ҳайз кўриш муддати олти ёки етти кун бўлади», дейишган.

Аммо Ҳанафий мазҳаби уламолари «Бу гап Ҳамна бинти Жаҳш розияллоҳу анҳога тегишли. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишидан «Бир ойда неча кун ҳайз кўрар эдинг?» деб сўраган бўлсалар, «Баъзида олти кун, баъзида етти кун», деб жавоб берган. Бу гапни ҳамма аёлларга умумлаштириб бўлмайди. Чунки аёлларнинг ичида олти-етти кундан ортиқ ҳайз кўрадиганлари бор. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бошқа ҳадисда бирор кишига боғламай, умумий қилиб, «Ҳайзнинг аксари ўн кун», деганлар», дейишади.

7. Ҳайз кунларини мазкур услубда ихтиёр қилишда асосий илмни Аллоҳга хос деб, ўзича барча билим ва аломатларни ишга солиб, ҳаракат қилиш.

8. Ўшандай ижтиҳод ила белгиланган кунлар таъмом бўлганидан кейин ғусл қилиш вожиблиги. Ғуслдан кейин кўнгли равшан бўлгунча покланишга уриниш лозимлиги.

9. Бир ойнинг ҳайзга чиқарилган кунларидан қолган кунлар намоз ўқиб, рўза тутиш кифоя қилиши. Фарз рўза бўлса, албатта тутади. Нафл рўзани хоҳласа, тутади.

10. Бундай қилиш бошқа соғлом аёлларнинг ҳайз ва поклик кунларига ўхшаш бўлиши.

11. Агар бу услубга кўнгли чопмаса, юқорида баён қилинганидек, иккинчи услубни қўллаши.

المستحاضة تعتكف ويغشاها زوجها

МУСТАҲОЗА ЭЪТИКОФ ЎТИРАДИ ВА ЭРИ УНГА ЯҚИНЛИК ҚИЛАДИ

۳۰۰ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: اعْتَكَفَ مَعَ النَّبِيِّ ﷺ امْرَأَةٌ مِنْ أَزْوَاجِهِ، فَكَانَتْ تَرَى الصُّفْرَةَ وَالْحُمْرَةَ، وَرَبَّمَا وَضَعْنَا الطُّسْتَ تَحْتَهَا وَهِيَ تُصَلِّي. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

300. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан у зотнинг завжаларидан бири эътикоф ўтирди. У (аёл) сарғиш ва қизғиш (қон) кўрар эди. Гоҳида у намоз ўқиётганда остига тоғора қўйиб қўяр эдик».

Абу Довуд, Бухорий ва Насоийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ривоятда зикри келган, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эътикоф ўтирган онамизнинг ким эканликлари ҳақида уламоларимиз бир неча хил таҳминлар айтишган. Баъзилари у онамиз Савда бинти Замъа розияллоҳу анҳо, деганлар, бошқалари Умму Ҳабиба Рамла бинти Абу Суфён деганлар, учинчилари Умму Салама розияллоҳу анҳо деганлар.

Эҳтимол, учалалари турли вақтларда алоҳида-алоҳида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эътикоф ўтирган бўлишлари мумкин.

Ушбу ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1. Мустаҳоза аёл масжидда эътикоф ўтириши мумкинлиги. Зотан, масжиддан бошқа жойда эътикоф ўтирилмайди.

2. Истеҳозанинг қони сарғиш ва қизғиш бўлиши.

3. Мустаҳоза аёлдан қон масжидга томиш эҳтимоли бўлса, остига нарсa қўйиб, намоз ўқиши мумкин.

۳۰۱ - عَنْ عِكْرَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَتْ أُمُّ حَبِيبَةَ تُسْتَحَاضُ، فَكَانَ زَوْجُهَا يَغْشَاهَا.

301. Икрима розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Умму Ҳабиба истеҳозали бўлар, эри эса унга яқинлик қилар эди».

Шарҳ: Олдин Икрима розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Икрима ибн Абу Жаҳл Махзумий ал-Қурайший, кунялари Абу Усмон.

Икрима ва бу кишининг оталари Абу Жаҳл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ашаддий душманларидан эди. Икрима Макка фатҳ этилганидан бир оз кейин Исломга кирдилар ва исломлари чиройли бўлди.

Ҳаж йилида Расулуллоҳ бу кишини Ҳавазон аҳлидан садақаларни йиғиш учун масъул этган эдилар.

Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида мансабларнинг бирида ўлтирдилар. Ридда (яъни диндан қайтганлар) билан бўлган урушда катта ўрнак кўрсатдилар. Мана шу жангда халифа бу кишини аскарлар устига бошлиқ қилиб тайинлади. Бу зот жоҳилиятда ва Исломда Қурайшнинг шижоатли кишиларидан эдилар.

Икрима Исломга келган кунлари мусулмонлар уни: «Сен Аллоҳнинг душмани бўлган Абу Жаҳлнинг ўғлисан», деб ҳақорат қилишганида Икрима бу тўғрида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шикоят қилдилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга:

«Икриманинг отасини сўкманглар, чунки ўликларни сўксаларингиз, тирикларга озор берган бўласизлар», дедилар. Икриманинг ҳурматидан Абу Жаҳлни сўкишдан ва уни Икрима ибн Абу Жаҳл деб аташдан саҳобаларни қайтардилар.

Бу зот ҳижратнинг 13-санасида (милодий 634 йилда) Ярмук ғазотида шаҳид бўлдилар.

Ушбу ривоятда номи келган Умму Ҳабиба Абдуррахмон ибн Авф розияллоҳу анҳунинг хотинларидир. Ушбу ҳадисдан истеҳозали аёлга эри жинсий яқинлик қилиши мумкинлиги собит бўлади.

۳۰۲ - عَنْهُ أَنَّ حَمْنَةَ بِنْتَ جَحْشٍ كَانَتْ مُسْتَحَاضَةً، وَكَانَ زَوْجُهَا يُجَامِعُهَا. رَوَاهُمَا أَبُو دَاوُدَ.

302. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Ҳамна бинти Жаҳш мустаҳоза эди. Унинг эри унга яқинлик қилар эди».

Иккала ривоятни Абу Довуд келтирган.

Шарҳ: Ҳамна бинти Жаҳш Талҳа ибн Убайдуллоҳ розияллоҳу анҳунинг хотинларидир. Бу ривоят ҳам олдингисини қувватлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, истеҳоза ҳайзман қилган нарсаларнинг бирортасини ҳам ман этмайди. Истеҳозали аёл худди ҳайз кўрмаган аёлдек тасарруф қилаверади. Фақат истеҳозали аёл истеҳоза қонини эҳтиётлаб, ўзини иложи борича пок олиб юришга ҳаракат қилади. У ҳар намоз вақтида алоҳида таҳорат қилади.

Аёлларга тегишли ҳайз, нифос, истеҳоза ва шунга ўхшаш масалалар ўта нозик масалалар эканини юқоридаги ҳадиси шарифлардан яққол кўрдик.

Ўта нозик бу масалага барча мусулмонлар катта аҳамият билан қарашлари лозим. Чунки ҳаммамиз бу масалаларнинг ҳалол-ҳаромга, савоб-гуноҳга бевосита алоқадор эканини яхши биламиз. Бас, шундай экан, бу масалага жиддий эътибор бермай, қайси масалага эътибор берамиз?

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг даврларида ҳам ҳайз, нифос, истеҳоза ва аёлларга тегишли бошқа масалалар алоҳида ўрганилганлиги шундандир.

Ҳозирги кунимизда ҳам айнаи шу масалалар ўзига хос равишда алоҳида эътиборга сазовор бўлмоқда. Умумий фикр масалалари қаторида ўрганилиши билан бирга, уларни алоҳида ўрганиш ҳам йўлга қўйилмоқда.

Шу маънода алоҳида мақолалар ва китоблар чоп этилмоқда. «Аёллар фикри», «Хонимларга эслатма» номли ва шунга ўхшаш асарлар нашр этилмоқда.

Мазкур мавзуларни батафсил ўзлаштиришни ис-таган азизларга ана шундай китобларга мурожаат қилиш тавсия этилади.

الباب الثامن في التيمم

САККИЗИНЧИ БОБ

ТАЯММУМ ҲАҚИДА

وفيه فصول ثلاثة وخاتمة

УЧ ФАСЛ ВА ХОТИМАДАН ИБОРАТ

الفصل الأول في أصالة

ТАЯММУМНИНГ АСЛИ ҲАҚИДА

Шарҳ: «Таяммум» сўзи луғатда «қасд қилиш» маъносини билдиради.

Шариатда эса:

«Аллоҳга қурбат ниятида покловчи тупроқ моддасини махсус сифат ила икки қўл ҳамда юзга суртиш таяммумдир».

۳۰۳ - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: خَرَجْنَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فِي بَعْضِ أَصْفَارِهِ، حَتَّى إِذَا كُنَّا بِالْبَيْدَاءِ أَوْ بِذَاتِ الْجَيْشِ انْقَطَعَ عَقْدٌ لِي، فَأَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَلَى التِّمَاسِ، وَأَقَامَ النَّاسُ مَعَهُ، وَلَيْسُوا عَلَى مَاءٍ وَلَيْسَ مَعَهُمْ مَاءٌ، فَأَتَى النَّاسُ إِلَى أَبِي بَكْرٍ فَقَالُوا: أَلَا تَرَى إِلَى مَا صَنَعَتْ عَائِشَةُ؟ أَقَامَتْ بِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَبِالنَّاسِ مَعَهُ، وَلَيْسُوا عَلَى مَاءٍ وَلَيْسَ مَعَهُمْ مَاءٌ، فَجَاءَ أَبُو بَكْرٍ وَرَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَاضِعَ رَأْسَهُ عَلَى فِخْذِي قَدْ نَامَ، فَقَالَ: حَبِسْتُ

رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَالنَّاسَ، وَلْيَسُوا عَلَى مَاءٍ وَلَيْسَ مَعَهُمْ مَاءٌ، قَالَتْ: فَعَاتَبَنِي أَبُو بَكْرٍ وَقَالَ مَا شَاءَ اللَّهُ أَنْ يَقُولَ، وَجَعَلَ يَطْعُنُ يَدَهُ فِي خَاصِرَتِي، فَلَا يَمْنَعُنِي مِنَ التَّحَرُّكِ إِلَّا مَكَانُ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ عَلَيَّ فَخَذِي، فَنَامَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ حَتَّى أَصْبَحَ عَلَيَّ غَيْرَ مَاءٍ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ آيَةَ التِّيْمِ - فَيَتِمُّوا صَعِيدًا طَيِّبًا - . قَالَ أَسِيدُ بْنُ حُضَيْرٍ وَهُوَ أَحَدُ النُّقَبَاءِ: مَا هِيَ بِأَوَّلِ بَرَكَتِكُمْ يَا آلَ أَبِي بَكْرٍ، فَقَالَتْ عَائِشَةُ: فَبَعَثْنَا الْبَعِيرَ الَّذِي كُنْتُ عَلَيْهِ فَوَجَدْنَا الْعَقْدَ تَحْتَهُ.

303. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга у зотнинг сафарларидан бирига чиқдик. Байдаа ёки Зотул Жайшда эканимизда мунчоғим узилиб кетди. Уни ахтариш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб қолдилар. У киши билан бирга одамлар ҳам туриб қолишди. Улар сув ёқасида эмас эдилар, ўзлари билан бирга сувлари ҳам йўқ эди. Одамлар Абу Бакрнинг олдига бориб:

«Оишанинг нима қилганини кўрмайсанми?! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва у киши билан бирга одамларни ҳам тутиб қолдику! Одамлар сув бор жойда ҳам эмаслар, ўзлари билан сувлари ҳам йўқ», дедилар. Абу Бакр келганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сонимга бошларини қўйиб, ухлаб қолган эдилар. Бас, у (Абу Бакр) менга:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва одамларни тутиб қолдинг. Улар сув бор жойда ҳам эмаслар, уларнинг сувлари ҳам йўқ», деди.

Абу Бакр мени итоб қилиб, Аллоҳ нима дейишини хоҳлаган бўлса, ўшани деди ва қўли билан биқинимга ниқтай бошлади. Расулуллоҳ соллал-

лоҳу алайҳи васаллам сонимга бошларини қўйиб ётганларигина мени қимирлашдан ман қилар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ухлаб туриб, уйғонсалар, сув йўқ экан. Бас, шунда Аллоҳ таяммум оятини нозил қилди. «Бас, пок тупроқ ила таяммум қилинглар», деди. Усайд ибн Ҳузайр (у нақиблардан бири эди):

«Эй Оли Абу Бакр, бу сизнинг биринчи баракангиз эмас», деди.

Оиша айтади:

«Сўнг мен минган туяни турғизган эдик, мунчоримни ўшанинг тагидан топдик».

Шарҳ: Оиша онамизнинг мунчоқлари тушиб қолган Байдаа ёки Зотул Жайш номли жойлар Мадинаи Мунаввара билан Маккаи Мукаррама орасидаги маълум жойлардир.

Ушбу ҳодиса билан танишар эканмиз, саодат замонида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошлиқ саҳобаи киромлар ҳаётидан, ўшал ўхшаши йўқ ажойиб жамиятнинг ўрнакли ҳаётидан бир лавҳанинг шоҳиди бўлдик. Бу улуғ ҳаёт содда, камтарона ҳаёт ҳам эди.

Оиша онамизнинг йўлда тушиб қолиб, охирги замон Пайғамбари бошлиқ бутун бошли бир аскарни тўхтатиб қолган, уларни машаққатга солган мунчоқлари ўн икки дирҳам (тийин) қийматга эга бўлиб, уни ҳазрати Оиша опалари Асмо розияллоҳу анҳодан қарзга олиб таққан эдилар. Лекин худди ана шу ўн икки дирҳамлик мунчоқ мусулмонларга қиёмат кунигача осонлик яратувчи ҳукм — таяммум ҳақидаги Қуръон оятининг нозил бўлишига ҳам сабаб бўлди.

Ҳа, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларидаги Ислом жамияти ҳаёти ана шундай ажойиб ҳаёт эди. Бу ҳаётга Аллоҳ таолонинг Ўзи аралашиб, гоҳо Расули орқали, гоҳо Қуръон орқали тузатишлару йўлланмалар юбориб турар эди.

Йўқолган мунчоқ ҳам, бир саҳобийнинг хатоси ҳам оламшумул аҳамиятга молик ишга айланиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Бунинг устига Ислом жамиятининг аёл кишига бўлган эҳтиромини қаранг! Ун икки дирҳамлик мунчоқ учун қанчалик ишлар бўлиб кетди. Оиша онамизга бўлган бу ҳурмат бошлиқнинг хотини бўлганлари учун, эрларининг мавқеълари учун, саҳобалар томонидан бўлаётган тилғламачилик ёки хушомад эмас эди. Балки кўпчиликнинг чин қалбдан қилаётган эҳтироми эди. Баъзи кишиларнинг Оиша онамиз устиларидан у кишининг оталари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу-га шикоят қилишлари шуни кўрсатиб турибди. Яъни норози бўламан, шикоят қиламан, деганларга йўл очиқ эди. Ўша шикоят қилган кишиларга ҳеч ким ҳеч нарса демагани фикримиз тўғри эканига далилдир.

Мазкур оддий ва содда, пок ва олий, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошчиликларига, саҳобаларнинг иштирокларига ва энг муҳими, Аллоҳ таолонинг аралашувидаги намунали ҳаёт ўзининг барча баланд-пастликлари билан Қуръоннинг ҳаётга татбиғи ва қиёматгача мўмин-мусулмонларга ўрнак бўладиган, турли ҳукмлар ва ҳикматлар келиб чиқадиган ҳаёт эди.

Келинг, ушбу ўзимиз ўрганаётган ҳадисдаги келтирилган мисолдан ўша улкан ва соф ҳаётнинг бир парчасидан қанчалар фойда олишимизни биргалашиб кўриб чиқайлик:

1. Эр сафарга ўзи билан хотинини олиб бориши мумкинлиги.

Агар бу ҳодиса ғазот учун чиқилганда бўлганини эътиборга оладиган бўлсак, ҳатто урушга ҳам олиб бориш мумкинлиги.

2. Аёл кишининг эри учун ўзини безаб кўрсатиш мақсадида мунчоқ ва шунга ўхшаш тақинчоқлар тақиши жоизлиги.

3. Ўзида йўқ тақинчоқни бировдан қарзга олиб тақиш мумкинлиги.

4. Бировдан қарзга олинган нарса билан сафарга чиқиш мумкинлиги.

5. Йўқолган нарсани излаш кераклиги.

Чунки Исломда молни беҳуда зое қилиш ман қилинган.

6. Аёл кишининг кўнгли учун унинг нарсасини топишда ёрдам бериш зарурлиги.

7. Аёл кишининг баъзи хархаша ва ноқулайлик келтириб чиқаришларига нисбатан сабрли бўлиш лозимлиги.

Ушбу мисолда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-саллам Оиша онамизга бир оғиз сўз айтмаганлар.

8. Оилали аёл устидан эри туриб, отасига шикоят қилиш мумкинлиги.

9. Бирор кўнгилсиз ишни унга сабабчи бўлган одамдан кўриш саҳобалар ичида ҳам бўлганлиги.

10. Таҳорат суви йўқ жойда тўхтаб туриш мумкинлиги.

11. Ота эри билан ўтирган қизининг олдига рухсатсиз кириб бориши мумкинлиги (албатта, олдиндан розилик бўлса).

12. Ота оилали, уйли-жойли қизига ҳам одоб беришга ҳаққи борлиги.

13. Хотинининг сонига бош қўйиб ухлаш мумкинлиги.

14. Ухлаётган одамга озор етмасин деб, машаққатга сабр қилиш лозимлиги.

15. Сув йўқ бўлганда таяммум қилиш жоизлиги.

16. Таяммумга ният лозимлиги.

17. Таяммум барчага баробар экани.

18. Оиша онамизнинг фазллари.

19. Оли Абу Бакрнинг баракали экани.

Бошқа бир ривоятда ушбу ҳодисадан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамизга:

«Мунчоғингнинг баракаси қанча ҳам кўп экан», деганлари ва яна бошқа бир сафар Усайд ибн Ҳузайр у кишига:

«Сенга қачон ўзинг ёқтирмайдиган бир иш бўлса, албатта, ундан Аллоҳ мусулмонларга яхшилик келтиради», деганлари зикр қилинган.

20. Ислом енгиллик, кишиларни машаққатга қўймайдиган дин экани. Сув топа олмай, қийналиб турган кишиларга тупроқ ила таяммум қилишга рухсат берилганлиги шундандир.

۳۰۴- وَعَنْهَا: أَنَّهَا اسْتَعَارَتْ مِنْ أَسْمَاءَ قِلَادَةً فَهَلَكَتْ، فَأَرْسَلَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ نَاسًا مِنْ أَصْحَابِهِ فِي طَلَبِهَا، فَأَذَرَكْتَهُمُ الصَّلَاةَ فَصَلُّوا بِغَيْرِ وُضْوءٍ، فَلَمَّا أَتَوْا النَّبِيَّ ﷺ شَكُّوا ذَلِكَ إِلَيْهِ، فَنَزَلَتْ آيَةُ التَّيَمُّمِ. قَالَ أُسَيْدُ بْنُ حُضَيْرٍ: جَزَاكَ اللَّهُ خَيْرًا، فَوَاللَّهِ مَا نَزَلَ بِكَ أَمْرٌ تَكْرَهِينَهُ إِلَّا جَعَلَ اللَّهُ لَكَ وَلِلْمُسْلِمِينَ فِيهِ خَيْرًا. رَوَاهُمَا الْخُمْسَةُ إِلَّا التِّرْمِذِيُّ.

304. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«У киши Асмодаи мунчоқ қарз олиб турган экан, йўқолиб қолибди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларидан (баъзи) одамларни уни излаш учун юборибдилар. Бас, намоз вақти бўлиб қолиб, таҳоратсиз намоз ўқибдилар. Сўнгра келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бу ҳақда шикоят қилибдилар. Ана шунда таяммум ояти нозил бўлибди. Усайд ибн Ҳузайр (Оишага):

«Аллоҳ сени яхшилик ила мукофотласин. Бас, Аллоҳга қасамки, сенга ўзинг ёқтирмайдиган бир иш етса, албатта, ундан Аллоҳ сен учун ва мусулмонлар учун бир яхшилик чиқаради», деди».

Иккала ҳадисни бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Бу ривоят олдингисини тўлдириб келмоқда. Унда қуйидаги нарсалар зикр қилинмоқда:

1. Оиша онамизнинг мунчоқни опалари Асмодан қарз олганликлари.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобаларидан баъзиларини мунчоқни излаш учун юборганликлари. Демак, шундай ҳам қилиш мумкин экани.

3. Ўша пайтда намоз вақти бўлиб қолганлиги.

4. Мунчоқни излаш учун юборилган кишилар бетаҳорат намоз ўқиганликлари.

5. Ўзларича қилган ижтиҳодларининг тўғри ёки нотўғри эканини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраганлари.

6. Аллоҳ таолонинг мусулмонлар ҳаётига бевосита аралашиб, пайдо бўлган муаммони ҳал қилгани.

7. Усайд ибн Ҳузайр розияллоҳу анҳунинг Оиша онамизга мақтов гаплари. У киши нақиблардан эдилар. Яъни Минодаги мадиналикларнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга берган байъатлари учун танлаган ўн икки кишидан бирлари эдилар.

8. Бу ҳадисдан бошқа вақтларда ҳам Оиша онамиз туфайли мусулмонларга хайр-барака бўлганлиги (мисол учун, «Ифк ҳодисаси»да).

الفصل الثاني في أسبابه والمسح على الجيرة

ИККИНЧИ ФАСЛ

ТАЯММУМНИНГ САБАБЛАРИ ВА БОҒЛАНГАН ЯРА УСТИГА МАСҲ ТОРТИШ ҲАҚИДА

٣٠٥- عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ الْخَزَاعِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ رَأَى رَجُلًا مُعْتَزِلًا لَمْ يُصَلِّ فِي الْقَوْمِ، فَقَالَ: يَا فَلَانُ، مَا مَنَعَكَ أَنْ تُصَلِّيَ فِي الْقَوْمِ؟ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَصَابَتْنِي جَنَابَةٌ وَلَا مَاءَ، قَالَ: عَلَيْكَ بِالصَّعِيدِ، فَإِنَّهُ يَكْفِيكَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

305. Имрон ибн Ҳусайн ал-Хузоъий розияллоҳу ан-ҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар билан намоз ўқимай, ажраб, четда турган бир одамни кўриб қолдилар ва:

«Эй фалончи, одамлар билан намоз ўқишингдан сени нима тўсди?» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, менга жунублик етган эди. Сув йўқ», деди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сен учун пок тупроқ бор. Албатта, у сенга кифоя қилур», дедилар».

Бухорий ва Насоий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Шариатга хилоф иш қилган одамни кўрганда, ундан нима учун бундай қилганини сўраш лозимлиги. Ўзидан сўрамай туриб, унинг устидан ҳукм чиқариб юбормаслик.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жамоат билан намоз ўқимаган одамни кўриб, унга:

«Сен жамоат билан намоз ўқимаганинг учун фалон бўлдинг», демадилар. Балки:

«Одамлар билан намоз ўқишингдан сени нима ман қилди?» дедилар. Сўнгра унинг жавобига қараб, ҳукм чиқардилар.

2. Сув топа олмаган одам таяммум қилиши.

3. Жунублиқдан ҳам таяммум қилиш мумкинлиги.

Таҳоратнинг ўрнига қилинадиган таяммум ҳам, ғуслнинг ўрнига қилинадиган таяммум ҳам бир хил бўлади.

4. Таяммум учун пок тупроқ бўлиши кераклиги.

Бу ҳам Ислом шариатининг мусулмонларга илжи борича осонлик яратишига далилдир.

۳۰۶ - عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: إِنَّ الصَّعِيدَ الطَّيِّبَ وَضُوءُ الْمُسْلِمِ وَإِنْ لَمْ يَجِدِ الْمَاءَ عَشْرَ سِنِينَ، فَإِذَا وَجَدَ الْمَاءَ فَلْيَمْسَهُ بَشْرَتِهِ، فَإِنَّ ذَلِكَ خَيْرٌ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

306. Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, пок тупроқ, агар ўн йилгача сув топа олмаса ҳам, мусулмоннинг покланиш воситасидир. Қачон сув топса, уни баданига етказсин. Албатта, ўша хайрлидир», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Покиза тупроқ сув йўқ пайтида покланиш воситаси экани.

Яъни ибодат учун таҳорат ва ғусл ўрнига ўтадиган рамзий покланиш воситасидир.

2. Таяммум учун вақт чегараланмаганлиги.

Унинг қанчагача давом этиши сувнинг бор ёки йўқ эканига боғлиқлиги.

3. Сув топилиши билан таяммум бузилиши.

4. Етарли сув бор жойда узрсиз таяммум қилиб бўлмаслиги.

۳۰۷ - عَنْ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: احْتَلَمْتُ فِي لَيْلَةٍ بَارِدَةٍ فِي غَزْوَةِ ذَاتِ السَّلَاسِلِ، فَأَشْفَقْتُ أَنْ أُغْتَسَلَ فَأَهْلَكَ، فَتَيَمَّمْتُ ثُمَّ صَلَّيْتُ بِأَصْحَابِي الصُّبْحَ، فَذَكَرُوا ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ: يَا عَمْرُو، صَلَّيْتَ بِأَصْحَابِكَ وَأَنْتَ جُنُبٌ؟ فَأَخْبَرْتُهُ بِالَّذِي مَنَعَنِي مِنَ الْاِغْتِسَالِ، وَقُلْتُ: إِنِّي سَمِعْتُ اللَّهَ يَقُولُ: - وَلَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا - فَضَحِكَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَلَمْ يَقُلْ شَيْئًا. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالبُخَارِيُّ.

307. Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Зотус Салосил ғазотида совуқ кечада эҳтилом бўлиб қолдим. Ғусл қилсам, ҳалок бўламан, деб қўрқиб, таяммум қилдим. Сўнгра шерикларимга бомдод намозини ўқиб бердим. Улар буни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилдилар. У зот:

«Эй Амр, жунуб бўлиб туриб, шерикларингга намозга ўтдингми?» дедилар. Мен у кишига ўзимни ғусл қилишдан ман қилган нарсанинг хабарини бердим ва:

«Аллоҳнинг: «Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга ўта меҳрибондир», деганини эшитганман», дедим.

Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар ва бирор нарса демадилар».

Абу Довуд ва Бухорий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Амр ибн Ос ибн Воил Суҳамий ал-Қураший, кунялари Абу Абдуллоҳ (милодий 574-663 йилларда яшаб ўтганлар) Хайбар йилида Исломга кирдилар.

Бу зот Холид ибн Валид ва Усмон ибн Талҳалар билан биргаликда Мадинага ҳижрат қиладилар ва Исломга кирганлари ҳақида хабар бериб, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламга байъат қиладилар. Сўнгра Аллоҳдан гуноҳларини кечиришини сўрайдилар. Шунда Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ислом ва ҳижрат олдинги гуноҳларни ўчиради», дея марҳамат қиладилар.

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам:

«Амр ибн Ос Қурайш қабиласининг солиҳ кишиларидан», деганлар.

Амр ибн Ос арабларнинг паҳлавонларидан эдилар.

Бу зот ҳаммаси бўлиб 39 та ҳадис ривоят қилдилар. Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан, Абу Усмон ан-Наҳдий, Қобиса ибн Зувиб, ўғиллари Абдуллоҳ ва бошқалар ривоят қилганлар.

Аввал Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам бу зотни Зотус Салосилга, сўнгра Уммонга бошлиқ қилдилар. Кейинчалик Шом, Миср ва Фаластинда бир неча йил амир бўлиб турдилар.

Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу вафот этишларидан олдин кўп йиғладилар. Ўғиллари:

«Нега йиғлаяпсиз, ўлимдан қўрқаяпсизми?» деб сўраганларида, у зот:

«Ўлимдан кейин нима бўлишимдан қўрқаяпман», дедилар. Шунда ўғиллари:

«Қўрқманг, отажон, ҳаётингиз яхшилик билан ўтди. Исломга кирдингиз, доим Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида бўлдингиз. Шом ва Мисрни фатҳ этдингиз», дедилар.

Шунда Амр ибн Ос айтдилар:

«Менинг ҳаётим уч қисмга бўлинади. Олдинига кофир эдим, агар шундай ҳолатда ўлганимда, одамлар «Худого шукр, бундан қутулдик», дейишар эди. Сўнгра Исломни қабул қилиб, мусулмон бўлдим. Агар шундай ҳолатда ўлганимда, жаннатга тушишим аниқ бўлар эди. Булардан кейин амир бўлиб, бой-

ликлар ва ҳашаматли уй-жойларга эга бўлдим. Улар менинг фойдамга бўлдим ёки зараримгами, шу тўғрида билмасдан армондаман».

Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу ҳижратнинг 43-санаида Фитр ийди куни Мисрда вафот этдилар. Жанозаларини ўғиллари Абдуллоҳ ўқидилар ва ана шу ердаги Миқто қабристонига дафн этилдилар.

Зотус Салосил ғазоти Мадинаи Мунавварадан ўн кунлик йўл масофасида бўлган бир жойнинг номи билан аталиб қолган. Бу ғазот 8-ҳижрий сананинг Жумъадул аввал ойида бўлиб ўтган.

Ҳадис қаҳрамони Амр ибн Ос розияллоҳу анҳунинг ўзлари айтишларича, ўша пайтда қаттиқ совуқ экан. Ғусл қилса, ҳалок бўлишдан қўрқиб, таяммум қилган ҳолда шерикларига бомдод намозига имом бўлибдилар. Воқеадан хабардор бўлган шериклар энди намозимиз нима бўлади, деб ўйлаб, бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга арз қилибдилар. У киши иқрор қилиш учун Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ишнинг ҳақиқатини сўрабдилар. У киши бўлган иш ҳақида хабар бериб, ўз фикрларини айтганларидан сўнг кулиб, индамабдилар.

Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тақрирлари бўлади. Яъни бошқа бир кишининг қилган иши шариатга тўғри келишини иқрор этишлари бўлади.

Бу ҳадисни ушбу фаслда келтиришдан мақсад, сув бўлса ҳам, ўзига зарар етишидан қўрққан одам совуқ ва шунга ўхшаш монеъликлар туфайли таяммум қилиши мумкинлигини айтишдир.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Совуқ туфайли ҳалок бўлишидан қўрққан одамнинг таяммум қилиши жоиз.

Шунингдек, душмандан ёки ваҳший ҳайвондан қўрқиб, сув ололмаса ҳам таяммум жоиз.

Сув ўта совуқ бўлганлиги учун ундан зарар кўришдан қўрққан одам ҳам таяммум қилиши жоиз.

2. Таяммумли кишининг таҳоратли кишиларга имом бўлиши мумкин экани. Баъзи уламолар «Бу Амр ибн Ос розияллоҳу анҳуга хос, у киши бошлиқ бўлганлар», дейишади.

3. Шаръий ишларда иштибоҳ тушиб қолганда олим ва раҳбар кишидан сўраш ва иштибоҳ сабаб-чиси устидан шикоят қилиш дурустлиги.

4. Бировнинг устидан шикоят тушганда дарҳол ҳукм чиқармай, унинг ўзидан ҳақиқатни сўраб, би-лиш зарурлиги.

5. Ислоннинг осонлик дини экани.

6. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бор бўлган вақтларида ҳам ижтиҳод қилиш мумкин бўлганлиги.

7. Қилган ишига Қуръон оятидан далил келтириш яхшилиги.

8. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даргоҳлари кенглиги.

9. Баъзи қизиқ нарсалардан кулиш мумкинлиги.

10. Ислонда инсон ҳаёти ва соғлиги ўта қадрли экани.

۳۰۸ - عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: خَرَجْنَا فِي سَفَرٍ، فَأَصَابَ رَجُلًا مِنَّا حَجَرٌ فَشَجَّهُ فِي رَأْسِهِ ثُمَّ احْتَلَمَ، فَسَأَلَ أَصْحَابَهُ، فَقَالَ: هَلْ تَجِدُونَ لِي رُخْصَةً فِي التَّيَمُّمِ؟ قَالُوا: مَا نَجِدُ لَكَ رُخْصَةً وَأَنْتَ تَقْدِرُ عَلَى الْمَاءِ، فَأَغْتَسَلَ فَمَاتَ، فَلَمَّا قَدِمْنَا عَلَى النَّبِيِّ ﷺ أَخْبَرَ بِذَلِكَ، فَقَالَ: قَتَلُوهُ قَتَلَهُمُ اللَّهُ، أَلَا سَأَلُوا إِذْ لَمْ يَعْلَمُوا، فَإِنَّمَا شَفَاءُ الْعِيِّ السُّؤَالُ، إِنَّمَا كَانَ يَكْفِيهِ أَنْ يَتَيَمَّمَ وَيَعْصَبَ عَلَى جُرْحِهِ خِرْقَةً، ثُمَّ يَمْسَحَ عَلَيْهَا، وَيَغْسِلَ سَائِرَ جَسَدِهِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

308. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир сафарга чиққан эдик. Биздан бир кишига тош тегиб, бошини ёриб қўйди. Сўнгра ўша одам эҳтилом бўлиб қолиб, ўз шерикларига:

«Менга таяммумга рухсат топасизларми?» деди.

«Сен сувни ишлатишга қодир бўлиб турганингда, биз сенга рухсат топа олмаймиз», дейишди.

Бас, у ғусл қилди ва ўлиб қолди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келганимизда у зотга бу ҳақда хабар берилди. Бас, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни қатл қилишибди. Аллоҳ уларни қатл қилсин! Агар билмасалар, сўрасалар бўлмасмиди?! Албатта, жоҳилликнинг шифоси саволдир. Унга фақатгина таяммум қилиши, жароҳатига латта боғлаши, сўнгра унинг устидан масҳ тортиши ва баданининг қолганини ювиши кифоя қилар эди», дедилар.

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Улкан саҳоба Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан қилинаётган ушбу ривоятда ҳам саодат асридаги ҳаётнинг кўринишларидан бири ҳақида сўз бормоқда.

Баъзи кишилар томонидан содир этилган хато, унинг аламли оқибати ва натижалари баён қилинмоқда. Аммо ўша даврдаги хатолар ҳам, аламли ҳодисалар ҳам беҳуда кетмай, асрлар давомида мўмин-мусулмонларга фойда келтирадиган амалга айланар эди.

Сафарда тош тегиб, боши ёрилган саҳобани олайлик. У киши сафарда бўлсалар ҳам, бошлари ёрилиб, жароҳатлансалар ҳам ўзларини поклаш, ибодат қилишнинг пайида бўлдилар. Ярадор одам ғуслнинг ўрнига таяммум қилса бўладими, йўқми, билмас эканлар. Шерикларидан бу ҳақда сўрадилар. Шериклари ҳам билмас эканлар, лекин эҳтиёткорлик йўлини тутдилар, қийин ва хатарли бўлса ҳам, асл ибодатни қилиш керак, деб ўйладилар. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам иш тамоман бошқача эканини баён қилиб бердилар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Бир ҳукмни билмаган одам шерикларидан сўраши лозимлиги.

2. Доимо намозни қолдирмасликка ҳаракат қилиш лозимлиги.

3. Раҳбарнинг йўқлигида бўлиб ўтган ҳодисалардан уни хабардор қилиш кераклиги.

4. Бир масалани аниқ билмай туриб, фатво бермаслик кераклиги.

5. Билимсиз фатво бериб, ёмон оқибатга сабаб бўлиш оғир экани. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда шундай марҳамат қилганлар:

«Уни ўлдиришибди, Аллоҳ уларни ўлдирсин!»

6. Билмаган нарсани сўраш кераклиги.

«Агар билмасалар, сўрасалар бўлмасмиди?!»

7. «Албатта, жоҳилликнинг давоси саволдир».

Шунинг учун билмайдиганлар биладиганлардан доимо сўраб иш қилиши керак.

8. Жароҳатли одам ғусл ва таҳорат пайтида жароҳатига сув теккизмаслиги жоизлиги. Агар жароҳатни боғлаб олган бўлса, ўша боғланган латта устидан масҳ тортишнинг ўзи кифоя қилиши. Жароҳати йўқ аъзоларини ювиши кераклиги.

9. Исломнинг осонлик дини экани.

10. Исломда инсоннинг ҳаёти ва унинг соғлиғи олий даражада қадрланиши.

الفصل الثالث في كيفيته

УЧИНЧИ ФАСЛ

ТАЯММУМНИНГ КАЙФИЯТИ ҲАҚИДА

قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيِّبًا فَامْسَحُوا بِوُجُوْهِكُمْ
وَأَيْدِيكُمْ مِنْهُ

Аллоҳ таоло:

«Бас, пок тупроқ ила таяммум қилинглр. У ила юзларингизга ва қўлларингизга масҳ тортинглар», деган (Моидга сураси, 6-оят).

Шарҳ: «Пок тупроқ» — Шофеъий ва Ҳанбалий мазҳаблари тушунчасида ғуборли тупроқни ва қумни англатади.

Ҳанафий ва Моликий мазҳаблари тушунчасида эса тупроқ, қум, майда тошлар каби ер жинсига мансуб бўлган барча нарсаларни ўз ичига олади.

Таяммум қиладиган одам ушбу ояти каримага амал қилиб, аввал икки кафтини ерга уриб, улар билан юзига масҳ тортади. Кейин яна икки кафтини ерга уриб, чап кафти билан ўнг қўлига, ўнг кафти билан чап қўлига масҳ тортади.

٣٠٩ - جَاءَ رَجُلٌ إِلَى عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ، فَقَالَ: إِنِّي أَجَنَّبْتُ
فَلَمْ أَصِبِ الْمَاءَ، فَقَالَ عُمَارُ بْنُ يَاسِرٍ لِعُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ: أَمَّا
تَذَكُّرُ إِذْ كُنَّا فِي سَفَرٍ أَنَا وَأَنْتَ، فَأَمَّا أَنْتَ فَلَمْ تُصَلِّ، وَأَمَّا أَنَا
فَتَمَعَّكْتُ وَصَلَّيْتُ، فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ ﷺ، فَقَالَ: إِنَّمَا كَانَ

يَكْفِيكَ هَكَذَا، فَضْرَبَ بِكَفِّهِ عَلَى الْأَرْضِ وَنَفَخَ فِيهِمَا ثُمَّ مَسَحَ
بِهَا وَجْهَهُ وَكَفَّهِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

309. Умар ибн Хаттобнинг ҳузурига бир одам келиб:

«Мен жунуб бўлдим ва сув топа олмадим», деди.

Бас, Аммор ибн Ёсир Умар ибн Хаттобга:

«Эслисанми, мен билан сен икковимиз сафарда бўлган эдик. Сен намоз ўқимаган эдинг. Мен эса тупроққа беланиб, сўнгра намоз ўқидим. Кейин эса буни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилдим. Бас, у зот:

«Албатта, сенга мана бундай қилишинг кифоя қилар эди» деб, ерга икки кафтларини уриб, уларга пуфлаб туриб, сўнгра улар билан юзларига ва икки кафтларига масҳ тортган эдилар», деди».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан жунуб одам ҳам таҳорати йўқ одам каби таяммум қилиши кераклиги келиб чиқади. Ҳазрати Умар ва Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳумларнинг сафарда жунуб бўлиб қолишлари ҳодисасида Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг намоз ўқимаганликлари сув топиб, ғул қилиб кейин ўқишни ният қилганларидандир.

Бошқа ривоятларда у кишининг Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳуга: «Сув топмагунингча намоз ўқимай тур», деб маслаҳат берганлари ҳам келтирилган.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Билмаган нарсасини биладиган одамдан сўраш зарурлиги.

2. Керакли ўринда бўлиб ўтган нарсани шеригининг ёдига солиш яхшилиги.

3. Шариатда қиёс жоиз экани.

Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳу ғулга қиёс қилиб, жунуб бўлганларида тупроққа думаладилар.

4. Бўлиб ўтган иштибохли нарсани бошлиқ, олим кишиларга зикр қилиш.

5. Шаръий масалаларни янада тушунарли бўлиши учун иложи бўлса, амалда қилиб кўрсатиш кераклиги.

6. Қандай кайфиятда таяммум қилиш баёни.

7. Имом Молик ва баъзи кишилар ушбу ҳадисни ҳужжат қилиб, «Таяммумда кафтига масҳ тортса бўлди, чиғаноғига масҳ тортмаса ҳам бўлаверади», дейишган.

Аммо жумҳур уламолар, жумладан, Ҳанафий мазҳаби уламолари ушбу ҳадиснинг бошқа бир ривоятида ва бошқа ҳадисларда келган маънони эътиборга олиб, «Билакларга чиғаноқлар билан қўшиб, масҳ тортилади», деганлар.

8. Агар кафтлар чангли тупроққа урилса, пуфлаб юбориш суннат экани.

9. Шундан Абу Ҳанифа «Чанги йўқ ер жинсига уриб, пуфламай, таяммум қилса бўлаверади», деганлар.

10. Ислом динининг енгиллик дини экани.

۳۱۰- عَنْ أَبِي الْجُهَيْمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَقْبَلَ النَّبِيُّ ﷺ مِنْ نَحْوِ بَرْ جَمَلٍ فَلَقِيَهُ رَجُلٌ فَسَلَّمَ عَلَيْهِ، فَلَمْ يَرُدَّ عَلَيْهِ النَّبِيُّ ﷺ حَتَّى أَقْبَلَ عَلَى الْجُدَارِ فَمَسَحَ بِوَجْهِهِ وَيَدَيْهِ، ثُمَّ رَدَّ عَلَيْهِ السَّلَامَ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ وَالشَّافِعِيُّ، وَلَفْظُهُ: فَمَسَحَ وَجْهَهُ وَذِرَاعَيْهِ.

310. Абу Жуҳайм розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Биъри Жамал томондан юриб келдилар. Бас, у зотга бир киши йўлиқиб, салом берди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга алик қайтармадилар-да, девор томон бориб, юзларига ва икки қўлларига масҳ тортганларидан сўнг унга алик қайтардилар».

Бешовлари ва Шофеъий ривоят қилганлар. У келтирган лафзга:

«Юзларига ва икки билакларига масҳ тортдилар», дейилган.

Шарҳ: Аввало ҳадиснинг ровийси Абу Жухайм розияллоҳу анҳу билан яқиндан танишиб олайлик:

Абу Жухайм куняси билан машҳур бўлган бу саҳобанинг исмлари Абдуллоҳ ибн Жухайм ибн Ҳорис ас-Самма ал-Ансорийдир.

Бу зот саҳоба Убай ибн Каъбнинг сингилларининг ўғилларидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир нечта ҳадислар ривоят қилганлар.

Бу кишидан Башир ибн Саъид ал-Ҳазрабий, Муслим ибн Саъид, Ибн Аббоснинг қуллари Умайр, Маймуна онамизнинг қуллари Абдуллоҳ ибн Ясорлар ривоят қилганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга йўлиқиб, салом берган одам Абу Жухайм розияллоҳу анҳунинг ўзлари экани Имом Шофеъийнинг ривоятларида келган экан.

«Биъри Жамал» Мадинаи Мунавварага яқин жойлардан бирининг номи.

Бошқа ривоятларда келишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саломга жавоб қайтарганларидан кейин: «Таҳоратим йўқ эди, ўша ҳолатда сенга алик олгим келмади», деганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Деворга қўлни уриб, таяммум қилиш мумкинлиги.

2. Таяммумда билакларга масҳ тортиш кераклиги.

3. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг доимо таҳоратли юришга ҳаракат қилганликлари.

۳۱۱- وَلَآبِي دَاوُدَ: عَنْ ابْنِ عُمَرَ: فَضْرَبَ يَدَيْهِ عَلَى الْحَائِطِ

وَمَسَحَ بِمَا وَجَّهَهُ، ثُمَّ ضَرَبَ ضَرْبَةً أُخْرَى فَمَسَحَ ذِرَاعَيْهِ، ثُمَّ رَدَّ

عَلَى الرَّجُلِ السَّلَامُ، وَقَالَ: إِنَّهُ لَمْ يَمْنَعْنِي أَنْ أَرُدَّ عَلَيْكَ السَّلَامَ إِلَّا أَنِّي لَمْ أَكُنْ عَلَى طَهْرٍ.

311. Абу Довуд Ибн Умардан келтирган ривоятда:

«Бас, икки қўллариини деворга урдилар ва улар билан юзларига масҳ тортдилар. Сўнгра яна бир марта уриб, икки биакларига масҳ тортдилар. Кейин ҳалиги одамга саломга жавоб қайтара туриб:

«Мени сенга салом қайтаришимдан фақатгина таҳоратли бўлмаганим ман қилди», дедилар», дейилган.

Шарҳ: Бу ривоят олдинги ривоятни тўлдириб ва унга баъзи аниқликлар киритиб келмоқда. Жумладан, деворга кафтларини юзларига масҳ тортиш учун алоҳида, биакларига масҳ тортиш учун алоҳида урганлар. Ҳамда салом берувчига нима учун унинг саломига дарҳол алик олмаганларини баён қилганлар.

خاتمة

إذا تيمم وصلى ثم وجد الماء في الوقت لا يعيد

ХОТИМА

АГАР ТАЯММУМ ҚИЛИБ НАМОЗ ЎҚИСА-Ю,
СЎНГРА ВАҚТ ЧИҚМАЙ ТУРИБ СУВ ТОПИЛСА,
НАМОЗИНИ ҚАЙТАРМАЙДИ

٣١٢- عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا؛ أَنَّهُ أَقْبَلَ مِنَ الْجُرْفِ حَتَّى إِذَا كَانَ بِالْمَرِيدِ تَيَمَّمَ فَمَسَحَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ وَصَلَّى الْعَصْرَ ثُمَّ دَخَلَ الْمَدِينَةَ وَالشَّمْسُ مُرْفَعَةٌ فَلَمْ يُعِدِ الصَّلَاةَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمَالِكٌ وَالشَّافِعِيُّ.

312. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«У киши Журуфдан қайтиб келаётиб, Мирбадга етганларида таяммум қилдилар. Юзларига ва икки қўлларига масҳ тортдилар ва аср намозини ўқидилар. Сўнгра Мадинага кирдилар. Қуёш кўтарилиб турар эди. Намозни қайта ўқимадилар».

Бухорий, Молик ва Шофеъийлар ривоят қилганлар.

Шарҳ: Журуф — Мадинаи Мунавварадан уч мил узоқликдаги жой бўлиб, у ерда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг мулклари бор эди.

Мирбад эса туя боғлайдиган жой бўлиб, Мадинаи Мунаввара билан Журуфнинг орасида жойлашган эди.

Ҳазрати Ибн Умардек зот Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан билмаган бўлсалар, бундай ишни қилмасликлари эътиборидан бу ҳодисанинг ривояти ҳам ҳадислар қаторига қўшилган.

Ушбу ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Сафарда бўлмаган одам ҳам таяммум қилиши жоизлиги.

2. Таяммум ила намоз ўқигандан сўнг вақт чиқмай туриб, сув топиш имкони бўлса ҳам таҳорат қилиб, намозни қайта ўқиш зарурати йўқлиги.

۳۱۳- عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: خَرَجَ رَجُلَانِ فِي سَفَرٍ، فَحَضَرَتِ الصَّلَاةُ وَلَيْسَ مَعَهُمَا مَاءٌ، فَتَيَمَّمَا صَعِيدًا طَيِّبًا وَصَلَّيَا، ثُمَّ وَجَدَا الْمَاءَ فِي الْوَقْتِ، فَأَعَادَ أَحَدُهُمَا الصَّلَاةَ وَالْوُضُوءَ وَلَمْ يُعِدِ الْآخَرُ، ثُمَّ أَتَيَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ فَذَكَرَا ذَلِكَ لَهُ، فَقَالَ لِلَّذِي لَمْ يُعِدْ: أَصَبْتَ السُّنَّةَ وَأَجَزْتَكَ صَلَاتُكَ، وَقَالَ لِلَّذِي تَوَضَّأَ وَأَعَادَ: لَكَ الْأَجْرُ مَرَّتَيْنِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ. وَاللَّهُ أَعْلَمُ.

313. Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Икки киши сафарга чиқдилар. Намоз ҳозир бўлди. Икковларининг суви йўқ эди. Пок тупроқ билан таяммум қилиб, намоз ўқидилар. Сўнгра вақт чиқмай туриб, сув топдилар. Бас, улардан бири таҳорат ва намозни қайтарди. Бошқаси қайтармади. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, у зотга бўлган нарсани зикр қилдилар. Бас, у зот қайтармаган шахсга:

«Суннатни топибсан. Намозинг кифоя қилади», дедилар. Таҳорат қилиб, намозини қайта ўқиганга эса: «Сенга икки марта ажр берилади», дедилар».

Абу Довуд ва Насоий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан таяммум билан намоз ўқиб, вақт чиқмай туриб, сув топилиб қолса, намозни қайта ўқимаслик афзал экани келиб чиқади. Имом Шофеъийдан бошқа ҳамма уламолар шунга иттифоқ қилганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Намозни таяммум билан бўлса ҳам, тезроқ ўқиб олишга ҳаракат қилиш зарурлиги.

2. Ижтиҳод қилиш жоизлиги.

3. Таяммум билан ўқилган намозни қайта ўқимаслик афзаллиги. Чунки у намоз ўз вақтида ҳамма шартлари бажарилган ҳолда ўқилган намоздир.

Мана, таяммумнинг сабабларига оид баъзи ҳадислар мажмуасини ҳам ўрганиб чиқдик. Албатта, бу мажмуа барча ҳадисларни ўз ичига олган эмас. Энди ҳадисдан бошқа далилларни ҳам қўшиб, таяммумга сабаб деб келтирилган омиллар рўйхатини кўриб чиқайлик:

1. Таҳорат ва ғуслга кифоя қиладиган сувнинг йўқ бўлиши.

2. Сувни истеъмол қилишга (ишлатишга) қодир бўлмаслик (тутқун, қамалган, ваҳший ҳайвон ёки душмандан қўрққан шахслар каби).

3. Беморлик ёки дарднинг тузалиши ортга сурилиш хавфи.

4. Бор сувга ҳозир ёки келажақда эҳтиёж бўлиши.

Бор сув билан таҳорат қилиб қўйса, ҳаётий эҳтиёжга етмай қолиши.

5. Агар сув излаб кетса, моли ҳалокатга учраш хавфи бўлса.

6. Қаттиқ совуқ ёки сувнинг ўта совуқлиги.

7. Сув оладиган асбоб ёки воситанинг йўқ бўлиши.

8. Намоз вақти чиқиб кетиши хавфи.

Ислом шариатида таяммумни жорий қилишнинг ҳикматлари кўп. Аввало таяммум осонликни кўзлаб жорий қилинган. Агар таяммумга рухсат берилмай, нима қилиб бўлса ҳам, сув топиб, таҳорат ва ғусл қилиш керак, дейилса, одамларга қийин бўлар эди. Чунки инсон ҳаётида турли ҳолатлар бўлиши мумкин. Доимо сув топилавермайди. Бундай пайтда таяммумга рухсат айтиш муддао бўлган.

Бу рухсат ҳаттоки Исломдаги ҳар бир енгилликнинг рамзига айланиб қолган. Кишиларда осонлик томонини олиш ҳақида сўз борганида «Сув бўлмаса, таяммум», дейилган экан, энди бу ишни қилаверамиз-да» дейиш одатга айланиб қолган.

Иккинчидан, таяммум тартибни, одатланган ишни тарк қилмаслик чорасидир. Агар сув топмаган ёки уни ишлатиш имконига эга бўлмаган одамга таяммумга рухсат берилмаса, у ибодатларни вақтинча ташлашга мажбур бўлади. Бу эса унинг ёмон нарсага одатланиб қолишига сабаб бўлади. Кейинчалик сув бемалол бўлса ҳам, дангасалик қиладиган бўлиб қолади.

Учинчидан, таяммум намознинг қанчалик аҳамиятли ибодат эканини кўрсатади. Ҳадислардан ўрганганимиздек, таяммум асосан намозни ўз вақтида ўқиш учун жорий қилинган.

Тўртинчидан, таяммум Аллоҳнинг амрига бўйсунушнинг ёрқин намунасидир. Таяммум билан моддий маънодаги покланиш, яъни кирни кетказиш ҳосил бўлмаслиги мумкин, лекин унда Аллоҳнинг амрига бўйсунушнинг, маънавий покланишнинг олий намунаси бор.

Мана, алҳамдулиллаҳ, «Ҳадис ва Ҳаёт» китобининг 4-жузи тугади. Навбатдаги 5-жуз «Намоз китоби»дан бошланур.

МАНБАЛАР РҲЙХАТИ

1. Қуръони Карим.
2. Муҳаммад Али ас-Собуний. Ровайъул баяни тафсиру аятил аҳками минал Қуръан. Дору ихъит туросил арабий, Байрут.
3. Муҳаммад Али ас-Сайис. Тафсиру Аятил Аҳкам. Матбаъату Муҳаммад Али Субайх.
4. Тафсири Ҳилол. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.
5. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳул Бухорий. Тошкент, 1973.
6. Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қурайший. Саҳиҳу Муслим. Дорул кутубил илмия. Байрут.
7. Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. Сунанут Термизий. Дорул кутубил илмия. Байрут, 1987.
8. Сулаймон ибн ал-Ашъас ас-Сижистоний. Сунану Абу Довуд. Дорул Боз. Макка.
9. Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насоий. Сунанун Насоий. Мактабут тарбиятил арабий лидувалил халиж. Риёз, 1988.
10. Муҳаммад ибн Язйид ал-Қазвиний. Сунану Ибни Можа. Дору ихъит туросил арабий. Байрут, 1975.
11. Молик ибн Анас ал-Асбаҳий ал-Хумайрий. Муватаъул имами Малик. Дорун нафаис. Байрут, 1987.
12. Аҳмад ибн Ҳанбал. Муснадул имами Аҳмад ибни Ҳанбал. Дорул кутубил илмия. Байрут, 1978. 2-босма.
13. Абдуллоҳ ибн Баҳром ад-Доримий. Сунануд Даримий. Дорул фикри.
14. Муҳаммад ал-Муборакфурий. Тухфатул Аҳвазий бишарҳи жамиъит Термизий. Дорул кутубил илмия. Байрут.
15. Муҳаммад Юсуф ал-Банурий. Маърифус сунани шарҳу сунанит-Термизий. Ал-Мактабатул банурия. Карачи.
16. Шоҳ Валийulloҳ ад-Дехлавий. Хужжатуллоҳил балиға. Мактабатус салафия. Лоҳур.
17. Саъид Ҳавва. ал-Асасу Фис суннати ва фикҳиҳа. Дорус салом. Қоҳира, 1994. 1-босма.
18. Али Муҳаммад ал-Қори. Мирқотул мафатийҳ шарҳу мишкатул масабийҳ. Дору ихъит туросил арабий. Байрут.
19. Бадруддин ал-Айний. Умдатул Қорий шарҳу саҳиҳул Бухорий. Дорул фикр.

20. Аҳмад ибн Ҳажар ал-Асқалоний. Фатҳул Барий шарҳу саҳиҳил Бухорий. Дорул райяни лит турос. Қоҳира, 1986. 1-босма.

21. Али Муҳаммад ал-Қори. Ан-Ниқояту мин шарҳи мухтасарил виқоя. Император университети босмахонаси. Қозон, 1908.

22. Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ал-Калибулӣ Шайхизода. Мажмаъул анҳури фи шарҳи мултақол абҳур. Дорул кутубил илмия. Байрут, 1989.

23. Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ал-Мусалий. ал-Ихтияру ли таълили мухтар. Дорул Арқам. Байрут.

24. Алаъуддин Масъуд ал-Косоний. Бадаиъус Санаиъи фи тартибиш шароиъ. Дорул кутубил илмия. Байрут, 1997.

25. Аҳмад ибн Абдурроҳман ал-Мақдисий. Мухтасари минҳожил қосидин. Мактабату. Дорул баён. Дамашқ, 1978.

26. Зафар Аҳмад ал-Усманий ат-Таҳонавий. Эълаус суннан. Идоратул Қуръани вал улумил Исламия. Карачи, Покистон. 1415 ҳ. й.

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи	3
Поклик китоби	7
Биринчи боб	
Покликнинг фазилатлари ҳақида	7
Иккинчи боб	
Сувларнинг ҳукми ҳақида	32
Учинчи боб	
Нажосатни кетказиш ҳақида	49
Ўлимтикнинг терисини ва итнинг нажосатини поклаш ҳақида	49
Қон, пешоб, мазий ва	56
Бошқаларни поклаш ҳақида	56
Тўртинчи боб	
Хало одоблари ҳақида	88
Истинжо ҳақида	105
Бешинчи боб	
Таҳорат ҳақида	116
Бетаҳоратлик сабаблари	116
Таҳоратнинг одоблари	134
Таҳорат ва унинг муддати баёни	151
Таҳорат одоблари қуйидагича	165
Маҳсига масҳ тортиш	170
Олтинчи боб	
Ғусл ҳақида	184
Ғуслнинг сабаблари	184
Ғуслнинг одоблари ва ҳаммомнинг ҳукми	202
Ғуслнинг баёни ва жунубнинг ҳукми ҳақида	216
Еттинчи боб	
Ҳайз, нифос, истеҳоза ҳақида	235
Ҳайз пайтида қилинган жинсий яқинликнинг каффорати	248
Ҳайзли ва нифосли аёлларнинг	

ҳукми ва уларнинг пок бўлиши	251
Мустаҳозанинг ҳукмлари, унинг ўз одатига қайтиши ёки кучли(қон)ни ҳайз деб эътибор қилиш ҳақида	262
Аксар ҳайзни ҳисоблайди ёки ғуслдан кейин икки намозни жам қилади	268
Мустаҳоза эътикоф ўтиради ва эри унга яқинлик қилади	272

Саккизинчи боб

Таяммумнинг асли ҳақида	276
Таяммумнинг сабаблари ва боғланган яра устига масҳ тортиш ҳақида	283
Таяммумнинг кайфияти ҳақида	291

Хотима

Агар таяммум қилиб намоз ўқиса-ю, сўнгра вақт чиқмай туриб сув топилса, намозини қайтармайди	296
Манбалар рўйхати	300

Ҳадис ва Ҳаёт

Поклик китоби

4

ЖУЗ

*Нашриёт рухсатисиз нусха кўчиришнинг
барча турлари, кўпайтириш ва сотиш
шаръан ҳаром, қонунан ман этилади.*

«HILOL-NASHR» нашриёти
Тошкент — 2020

Ношир: *Исмоил Муҳаммад Содиқ*

Муҳаррир: *Мурод Мансуров*

Мусаввир: *Абдулбоқи Ғуломов*

Техник муҳаррир: *Мансур Қаюмов*

Арабча матн мусахҳиҳи:

Муҳаммад Алий Муҳаммад Юсуф

Мусахҳиҳа: *Барно Саидрахмон*

Саҳифаловчи: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*

Нашр лицензияси № AI 235, 13.02.2013 йил.

Босишга рухсат этилди 05.10.2020. Бичими 84x108 ¹/₃₂.

Балтика гарнитураси. Офсет босма. Босма табоғи 19.

Нашриёт ҳисоб табоғи 15,96. Адади 5000 нусха.

Буюртма № 104. Баҳоси келишилган нарҳда.



«Hilol-Nashr» нашриёт босмахонаси

100185, Тошкент шаҳри, Сўталли ота, 5

Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478

www.hilolnashr.uz e-mail: info@hilolnashr.uz

Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф

Ҳадис ва Ҳаёт

Поклик

4

ЖУЗ



ISBN 978-9943-6458-4-4



9 789943 645844



04